


747  
H 74

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Д.А.НОЗИЛОВ

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МЕЪМОРЧИЛИГИДА ИНТЕРЬЕР



ТОШКЕНТ  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2005

---

---

Мазкур монографияда маданий, диний обидалар ва турар жой хоналари интерьер-ички кўриниши ҳақида фикр юритилади. Интерьер вазифасини белгиловчи қисмлари, жиҳозлари, уларнинг хона кўринишига таъсири ҳамда маҳобатли санъат асарлари мавзуси, композицияси ва бадиий безакларнинг рамзий ифодасини ёритишга ҳаракат қилинган. Шунингдек, хона билан табиатни боғловчи элементлар, интерьер ечими ва вазифалари, хона билан боғлиқ рамзий одатлар ҳақида фикр юритилади.

Монография архитектор, санъатшунос, тарихшунос, дизайн мутахассисларга ва шу соҳаларда таълим олаётган талабаларга ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, архитектура фанлари доктори,  
профессор А. С. Ўролов

Такризчилар: ХШДАА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор, архитектура  
фанлари доктори, профессор Х. К. Турсунов  
архитектура фанлари номзоди, доцент Х. Ш. Пўлатов

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти,  
Нозилов Додо Авазович, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат  
техника университети, 2005 й.

ISBN 5-648-03129-7

---

*Тушларимга киради отам,  
Қовоқ уюқ , хаёлга ботган...  
Меҳр ҳаёт аравам тортар,  
Ярим йўлда қолмай онажон,  
Дуонгизни олай, онажон\* ,*

*Мазкур китобни волидайи мухтарамам мулла  
Муқим кизи Бадалойнинг пок руҳларига бағиш-  
лайман.*

## ДЕБОҶА

*Сайр айла бу “Баҳористон”да,  
Кўринар унда шан гулистонлар.  
Латофатдан ҳар гулистонда,  
Гуллар яшнаб анқир райҳонлар.*

*Абдурахмон Жомий*

Гўзаллик инсон меҳри муҳаббати, ақли заковати, қадоқ қўли билан яратилади. Одатда, ўспиринда ҳаётга, борлиққа муҳаббат уйғонганда у теварак-атрофига эътибор бера бошлайди. Манзарадаги, табиатдаги ва инсон қўли билан яратилган нарсалардаги гўзалликларни сеза бошлайди, инсондаги яхши фазилатларни ўзида мужассам қилишга интилади. Секин-аста ўзида ҳам гўзаллик яратиш иштиёқи пайдо бўлади. У муҳаббатини ижод маҳсулида куйлагиси келади.

Бир сўз билан айтганда инсонга, табиатга, борлиққа бўлган муҳаббат кишини гўзал ҳаёт кечиришга ундайди. У нафақат ўзига оройиш беради, балки ўз масканига, яъни яшайдиган, меҳнат қиладиган, сифнадиган жойида шинам, қулай муҳит яратишга ҳаракат қилади. Инсондаги бу гўзал фазилат наслдан-наслга ўтиб келаверади. Абу Наср Форобий ёзади: «Ўтмишдагилар ўзларида бўлган завқ – нашъа, лаззатни ўзларидан кейин келадиган авлод орқали наслдан-наслга қолдириб келадилар.

Шу тартибда вақт ва замон ўтиши билан кишиларда завқ устига завқ, нашъа устига нашъа қўшилиб, улардаги лаззатланиш объекти орта

боради” (Форобий, 1993, 190-б). Дарҳақиқат, киши, аждоди яратган гўзалликдан баҳра олади ва ўзи ҳам шундай гўзаллик яратишга интилади.

Ҳаммамизга аён, йиллар ўз фасллари билан асрларга уланиб кетаверади. Янги-янги авлодлар келади. Лекин, маскан ўзининг асосий тузилишини йўқотмайди. Яъни, иморат, тўрт деворлигича қолиб, фақат бироз такомиллашади. Маскан, турига қараб, (турар жой, корхона, қабулхона, ибодатхона) катта-кичиклиги билан ажралади. Уларга конструктив ўзгаришлар киритилади, хизмат жиҳатидан зарур қисмлар қўшилади.

Авлодларнинг дунёқараши, диний эътиқоди ўзгариши мумкин. Бироқ, ҳар бир авлод ўз эзгу туйғуларини, муҳаббатга, ватанига содиқлигини, олижаноб фазилатларини сақлаб қолади ва уни маскан, бадий буюм беазада ифодалашга ҳаракат қилади. Ундаги нақшу нигорларни мазмун билан бойитади.

Қадимий архитектура тарихига бағишланган китобларни варақлар эканмиз, турар жой, сарой, диний хоналар реконструкциясига кўзимиз тушади. Уларнинг композицион ўзига хослигидан, гўзаллигидан баҳридилемиз очилади. Бир

\* Шоир Мўмин Авазинг “Онажон” шеърисининг парча.

дақиқа бўлса ҳам ўшандай муҳитда бўлгимиз келади. Ана шундай интерьер чизма (график) реконструкцияларини Г.А. Пугаченкова, В.А. Нильсен, В.Л. Воронина ва бошқа йирик олимлар ижодида кўраимиз. Мазкур реконструкциялардан таъсирланиб, шу мавзуда китоб ёзиш иштиёқи пайдо бўлади. Дарҳақиқат, китобхонларимизга ханузгача Марказий Осиё, Ўзбекистоннинг қадимий ва замонавий меъморчилиги интерьерига бағишланган алоҳида китоб тақдим этилгани йўқ. Москвалик олима И.Ф. Бородинанинг номзодлик диссертацияси XIV-XV асрларга оид Самарқанд монументал обидаларини ўрганишга бағишланган (Бородина И.Ф., 1965.). И.Ф. Бородина томонидан чоп этилган (Бородина И.Ф., 1962, 185-200-б.) мақолаларнинг бирида Улуғбек даврида Самарқандда бунёд этилган монументал обидалар интерьери беағи ҳақида фикр юритилади. И.Ф. Бородинанинг яна бир мақоласи Шаҳрисабздаги Гумбази-Сайидон мақбараси интерьерига бағишланган (Бородина И.Ф., 1967, 128-142-б.). Унда И.Ф. Бородина мақбаранинг интерьери композицияси, деворларида XIV асрда кенг қўлланилган нақшлар ўрнига XV асрга хос стилларнинг кириб келганлигини аниқлайди. Г.Н. Никитин Гўри Амир мақбараси интерьерига қўлланилган рангли нақшларнинг турларини аниқлайди (Никитин Г.Н., 1967, 84-94-б.). В. Н. Манакованинг асосан, Тошкент шаҳри халқ турар жой меъморчилигига бағишланган альбом монографиясида уйлар интерьерини учун алоҳида боб ажратилган (Манакова В.Н., 1990, 18-24-б.). Мазкур бобда хона қисмлари, яъни хона сатҳи, деворлари, шифтлари тузилиши ва нақшу нигоҳига тўхтаб ўтилади. Шунингдек, мазкур китобда ислимий нақшлар ва образлар рамзи (символика) ҳақида қисқача фикр юритилади. Самарқандлик олима М.Б. Ўринбаева ўзининг мўъжаз ўқув-услубий қўлланмасида Бухоро, Хива, Фарғона, Шаҳрисабз, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари халқ уйларида меҳмонхона, асосий хона беағига, деворий безак турларига, хона элементлари изоҳига қисқачагина тўхтаб ўтади (Уринбаева М.Б., 1992). Шунингдек, муаллифнинг халқ меъморчилигида меҳмонхона роли мавзуда ёзган китобчаси, айрим сабабларга кўра “Халқ меъморчилиги” номи билан чоп этилди (Нозилов Д., 1982). Унда кўпроқ меҳмонхонанинг, турар жой уйларининг композициясида, тарҳида жойланиши, алоҳида

қурилган меҳмонхоналарнинг тарҳи, тарзи ва қисман интерьерини ҳақида фикр юритилади. Муаллифнинг узок вақт наشريётда ётиб қолган ва 1998 йилда чоп этилган дизайн тарихига бағишланган китобчасида (Нозилов Д.А., 1998) Марказий Осиё меъморчилигига хос интерьерлар ҳақида қисқачагина маълумот берилган эди. Шунингдек, муаллифнинг тоғ усталари ҳаёти ва ижодига бағишланган китобида ўндан зиёд тоғ иморатлари интерьерини тасвирлари келтирилган (Назилов Д.А., 2001, 18-20, 26-28-б.). Лекин мазкур мавзу кенг ёритилиши лозим. Чунки узок ўтмишда аждодларимиз турмуш тарзини, эзгу туйғуларини мужассам этган масканлар ички кўриниши билан яқиндан танишиш киши маънавий дунёсини бойитади. Ота-боболаримизнинг шинам муҳит яратишда оддий конструктив элементларни, функционал вазифани бажаришга қаратилган хона қисмларини ҳам безакка, тантанаворликка ишлашни мохирона таъминлашлари гувоҳи бўлаимиз. Уларнинг мазкур муаммога ижодий ёндошишлари, бизни гўзал, сертуйғу, нафис безакли муҳит яратишга даъват этади. Шунингдек, архитектор, дизайнчи, рассомларимизга оддий ашёлардан, конструктив қисмлардан гўзал ва функция жиҳатидан қулай, шинам муҳит яратишга дастур бўла олади, - деб ўйлаймиз.

Шунинг учун бу хайрли ишга бел боғлашга журъат этдик. 1993 йилдан буён мазкур китобга замин яратиш мақсадида узок вақт илмий изланишлар олиб боришга тўғри келди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур мавзуда олиб борган тадқиқотларимиз натижаларидан бир қисмини зарурат юзасидан “Ўрта Осиё дизайни тарихидан” номли ўқув қўлланма сифатида чоп этилган китобчамизга қўшиб юбордик.

Турли хил иморатларни кўздан кечирар эканмиз уларнинг ҳар қайсисида мавке, функция ва композиция жиҳатидан бир ёки иккита асосий хонага эга бўлганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Жумладан, турар жой биносига ёки доимий оила аъзолари ўтирадиган хона, саройда – қабулхона, подшо тахти жойлашган хона, базми жамшид ўтказадиган хона, ибодатхоналарда саждагоҳли хона, масжидда-хонақоҳ, савдо иншоотида – катта гумбазли марказий – чорсу қисми, ҳаммомда – миёнсарой кабилардир. Шунинг учун мазкур монографияда, кўпроқ асосий хоналар интерьерини ва қисмлари-


ни ёритишга ҳаракат қиламиз. Зарурат туғилганда бой композиция ва ўзгача тузилишга эга бўлган иккинчи даражали хоналарга ҳам қисқагина изоҳ бердик. Шунингдек, интерьер композициясида ўз ўрнига эга бўлган хона қисмлари ва жиҳозларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Меъморий обида ички кўринишидаги конструктив композицион ва безак жиҳатидан ўзгаришларини аниқлаш мақсадида, улардаги характерли элемент ва қисмлар таҳлилига, изоҳига ҳам алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Китоб фақат иморат интерьерига бағишланганлиги сабабли, чизмаларда кўпроқ интерьернинг умумий кўринишини ва интерьер композициясига сезиларли даражада таъсир кўрсатган асосий қисмларини ёритишга ҳаракат қилдик. Узоқ йиллар давомида археологларнинг машаққатли, лекин хайрли меҳнатлари туфайли ер қаъридан очилган қадимий оби-

далар пойдевори тарҳи, сақланиб қолган конструктив қисмлари, деворий суратлари парчаларини ўрганиб, уларнинг интерьерда умумий кўринишини тиклашга уриндик. Шунингдек, олимларимиз чизма ва реконструкцияларидан унумли фойдаландик. Уларнинг полиграфик сифатидан келиб чиққан ҳолда, айримларидан нусха олишга тўғри келди. Нусхалар график услубида муаллиф томонидан ишланди.

Мазкур, қадимий меъморчилигимиз интерьерига бағишланган китоб, ушбу долзарб мавзунини ёритишда махсус қўйилган биринчи кадам десак бўлади. У камчиликдан холи эмас, албатта. Шунинг учун Сиз, муҳтарам китобхонлардан, китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз, чунки сизларнинг қимматли фикрларингиз кейинги ишларимизни камчиликлардан холи бўлишига катта ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.



# I. ИНТЕРЪЕРЛАР

*Дар-бадар бўл кез бу оламни, кез бу оламни,  
югур*

*Кел, қидиргил кел, қидиргил, кел қидир.*

*«Тухфатул-зоирин»\**

Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон, меъморий обидаларга бой ҳудуд ҳисобланади. Бу ўлкада антик даврдан бошлаб ўзига хос тарх ва тарзга эга иморатлар қурилган. Улар қаторига Сурхондарёда (Бактрия) Холчаён саройи, Хоразмда Қўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа, Жонбой қалъа ва бошқалар қиради. Улар ўзининг тузилиши, интерьердаги ҳайкалтарошлик санъати намуналари, рангли бадий тасвирлари билан машхур. Илк ўрта асрларга оид Варахша, Болаликтепа, Афросиёб саройлари, Панжикент ибодатхоналаридаги деворий суратлар турли мавзу ва хилма-хил композицияси билан интерьернинг жозибатор, тантанавор бўлишига хизмат қилган. Ўрта асрларда қурилган сарой, масжид, хонақоҳ ва мақбаралар ҳам ўзининг тархи, ички ва ташқи композицияси, деворларидаги ўймакорлик қилинган ўта нафис нақш юзалари билан ўз даврига хос, бой меъморий анъаналарни сақлаб қолган. Сўнги ўрта асрларда қурилган мадраса, сарой, мақбара, хонақоҳ обидалари эса ўзининг салобати, баланд минора ва гумбазлари ҳамда ранг-баранг ҳандасавий ва ўсимликсимон безаклари билан шаҳарларимиз меъморий, маданий салоҳиятини кўз-кўз қилмоқда. Уларнинг интерьерлари ҳам баҳаволиги, ранг-баранг безаклари, композицияси билан иморат ички муҳитига тантанаворлик бағишлаган. Халқ меъморчилигида турар жойлар ҳам ўзининг тархи, тарзи ва ички муҳити билан қадимдан шаклланиб келган. Хоналар ўзининг қулайлиги, тантанаворлиги билан хонадоннинг маънавий, маънавий талабига жавоб берган.

Ҳар қандай турдаги иморат ички кўриниши, ўзининг ташқи композицияси билан қуйидаги тўрт йўналишда боғланиб келган. Биринчи – тарх (план), иккинчи – конструктив асос, учинчи – тарз ва композиция, тўртинчи – безак. Мазкур тўрт йўналиш ҳамма вақт бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Тарх хона муҳитини чега-

ралаб беради ва қўлланиладиган конструкциянинг қулай турини танлашга ундайди. Жумладан, оддий тўртбурчак тархдаги хона учун оддий васса шифт қулай ҳисобланган. Худди шундай тузилишдаги диний иморат учун бирикки гумбаз, ярим гумбазлари билан ёки токи тузилишидаги конструкциялардан фойдаланилган. Томонлари тенг тўртбурчак тархдаги кичик масжид учун бир гумбазли конструкция, катта юзани эгаллаган обида учун кўп гумбазли том қўлланилган. Бундай конструкция учун гиштдан ёки тошдан терилган таянч устунлар қатори назарда тутилган. Улар сони гумбазлар сонига қараб ортиб борган. Бордию, шу ҳажмдаги хона оддий васса шифт билан ёпилса, унда ёғоч устунлар қатори қўлланилган. Демак, иморат ички муҳитининг вертикал ва горизонтал чегарасини белгиловчи чизиқнинг ички томони интерьер муҳитини, ташқи томони унинг ташқи композициясини белгилаб беради. Иморатнинг ички тузилиши ўз аксини ташқи томонида ҳам акс эттиради.

Иморатнинг ташқи композицияси ҳам ўз навбатида унинг интерьерлари муҳитини белгилайди. Ҳар қандай иморатнинг ташқи тузилишига қараб унинг бажарадиган вазифасини ва интерьерлари муҳитини аниқлаш мумкин. Масалан, Тоғли Бадахшон, Дарвоз турар жой меъморчилигида уйнинг кириш эшиги ва томидаги гумбазсимон туйнукли қисми унинг интерьерларида устунларнинг оштон ва супаларнинг жойланиш тартибини ҳамда бажарадиган вазифасини белгилаб беради. Ҳаммом иморатини олиб қарасак гумбазларнинг катта-кичиклиги ва жойланиш тартиби уларнинг ички композициясида миёнсарой ва ювиниш хоналарининг жойланиш тартибини, кўринишини кўз олдимизга келтириш имконини беради.

Турар жойларда хона деворларидаги тоқчаларни ҳам хонада ўрнатилган дераза ва эшиклар

\* Шоир Аскар Маҳкам форсидадан ўзбек тилига ўзгирди.

орқали аниқлаш мумкин. Чунки хонада катта токчалар ҳамма вақт эшиклар оралиғи ва икки ён томонларида ўрнатилган.

Иморат ташқи беағи ҳам унинг ички қисмидаги безаклар композициясини кўп ҳолларда қайтаради. Масалан, диний, маъмурий иморатлар айвони, девори ва шифтидаги безаклар интерьернинг шу қисмларида ҳам қайтарилди. Шуни ҳам айтиш лозимки, қадимий турар жойлар кўп ҳолларда кўчага оддий девори билан қаратилган. Бундай уйларнинг ички беағини кўчадан билиш қийин. Унинг беағини ҳовли томонидан аниқлаш мумкин, холос. Юқорида келтирилган далиллар, интерьернинг иморат ташқи композицияси билан боғлиқлигидан далолат беради.

“Интерьер” сўзи французча бўлиб, —“хона ички кўриниши” демакдир. Иморат интерьери киши фаолияти учун муҳимдир, негаки у умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказди. Шунинг учун интерьер, оиланинг ижтимоий шароитидан, маънавий талабидан, хонанинг функциясидан ва мавжуд технологик омиллардан келиб чиққани ҳолда, унинг киши физиологик талабига жавоб беришига алоҳида аҳамият берилган. Хонада қишда иссиқ, ёзда салқин ҳароратнинг сақланиши, ёруғликнинг етарли даражада тушиши, ҳаво алмашилиши каби омиллар нисбати тўғри ечимни талаб қилган. Шунингдек, хона қисмлари жойланиши баландлиги билан кишининг антропометрик тузилишига мос келиши ва функция жиҳатидан эргономик талабларга жавоб бериши ҳам катта аҳамият касб этган.

Интерьернинг шинам бўлишида технологик жиҳатдан мавжуд ва кенг қўлланилган ашёлардан унумли ва тўғри фойдаланишнинг аҳамияти катта бўлган. Улар конструктив асос, қулай ва бой бадий муҳит яратишга қаратилган. Шуни таъкидлаш лозимки, конструктив қисмлар биринчи навбатда ўз вазифасига, кейингина оила аъзоларининг бадий талабига хизмат қилиши лозим бўлган. Қўлланиладиган ранглар ҳам киши таъбига мос келиши аҳамиятга эга. Хона деворларида уфққа нисбаттан тик ва ётиқ бўлинмаларнинг ўзаро мутаносиблиги тўғри топилиши ва бошқа омиллар шинам, қулай, гўзал муҳит яратиш имконини берган. Бундай муҳит кишига яхши кайфият, тетик ва соғлом руҳ бағишлаган.

Марказий Осиёда иморат интерьерлари гўзал-

лигига тарихнавислар, сиёсатчилар, классик шоирлар ва рассомлар алоҳида эътибор беришган. Буюк шоир Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» асарида телба бўлиб қолган шоҳ Баҳромни даволаш мақсадида ҳар хил серҳашам, сержило нақшу нигорга эга бўлган еттита қаср қурилиши тасвирланади. Шунингдек, ўрта аср миниатюра тасвирларида меҳмонхона, сарой, мактаб, масжид, ҳаммом каби бинолар ички кўриниши ҳам ўз ифодасини топган. Муҳташам обидаларга, шинам хонага атаб шоирлар томонидан байт ҳам битилган. Жумладан, Шайх Зайнуддиннинг Ҳиндда қурган уйи ҳақида куйидаги байт битилган:

*Ин хона ки аз хонайи чашм аст нишона,*

*Чун мардуми чашм аст: дар у соҳиби хона*

*Мазмуни: Кўз хоналаридан бир нишона (ўхшаш) дир, бу уй, чунки унда уй эгаси-кўз қорачигидайдир.*

*(Ҳасанхожа Нисорий. 1993, 130-б.)*

Иморат тарҳи, умумий кўриниши ҳамда ички кўриниши унинг функционал вазифасидан келиб чиққан. Хоналар тузилиши, беағи, жиҳозлари билан иморат, функциясига жавоб берган. Жумладан, диний иморат ички кўриниши диний маросимларни бажаришга мослаштирилган. Турар жой хоналари эса меҳмон кутишга, овқат танаввул қилишга, дам олишга мўлжалланган. Уларда асосий хоналар нафақат жиҳоз ва қисмлари билан, балки безаклари билан ҳам хона функцияси талабига жавоб берган. Шинам, гўзал хона оила аъзоларининг маънавий жиҳатдан озуқа олишларига катта ёрдам берган. Интерьерлар давр ўтиши билан ижтимоий шароитнинг, диний ақидаларнинг ўзгариши натижасида ўзгариб келган. Безаклар, нақшлар тури ўзгарган, безак воситаси кенгайиб борган. Жумладан, ислом дини ўрнатилгандан сўнг, деворий тасвирий сахналар чизишга барҳам берилган. Ўрнини ўсимликсимон, геометрик нақшлар эгаллаган. Безак турлари ашёлари, техникаси ҳам асрлар давомида, иморат вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзгариб борган.

Юқорида таъкидлаганимиздек иморат интерьерлари тузилиши, кўриниши, қисмлари, жиҳозлари иморатнинг вазифасидан келиб чиққан. Уларнинг фарқи аниқ белгиланган. Шунинг учун мазкур бобда интерьерларни, иморат турларига ажратилган тартибда кўриб чиқамиз.

## I. I. МАСКАН

**Сен улар орасида (Мовароуннаҳр аҳолиси) меҳмон учун хона қурмаган ҳовли соҳибини тополмайсан ва сен мудом умр бўйи фавқуллодда келиши мумкин бўлган меҳмон учун шароит яратиш ташвишида юрган одамларни кўришинг мумкин.**

**Ал-Истаҳрий**

Турар жой хонадон учун асосий маскан ҳисобланган. У умрининг кўп қисмини шу жойда ўтказган. Шунинг учун ҳам, турар жойда яшаш учун қулай шароит яратилган. Турар жойларда хонадон аъзоларининг, доимий вақтини ўтказадиган (доимий) умумий хонаси, дам олиш хоналари, овқат пиширадиган ва меҳмон кутадиган хоналари назарда тутилган. Оила аъзоларининг доимий йиғиладиган ва меҳмон кутадиган хоналари қолганларига нисбатан каттароқ бўлган ва бой беага, супалари, жиҳозлари билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам мазкур бобда хонадонларнинг асосий хоналарига, меҳмонхоналарига тўхтаб ўтамиз.

Марказий Осиё турар жой меъморчилигида хоналарнинг ва айвоннинг ҳовли атрофи бўйлаб жойланиши бронза даврига тўғри келади. Бунга, Бактрияда Қизилча 6 рақамли уй (Сағдуллаев А.С., 1981, 8-9-б.) ва Олтинтепа – 10 рақамли обида (Сарианиди В.И., 1977, 59-расм), мисол бўла олади. Қизилча 6 рақамли уйда ҳовли атрофи бўйлаб 9 та хона жойлаштирилган. Олтинтепа-10 уйда икки атрофи айвон билан айлантирилган ҳовли ўртасида 7 та хона бир қаторда жойлаштирилган. З.А. Аршавская, бундай тузилишдаги иккала тарх Тоҳаристондан Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига тарқалган, бу иккала тархнинг бирлашган тури Парфияда (Хуросон), Эски Нисодаги “Квадрат уй” номли иморатда мавжудлиги, шунингдек, Жанубий Қозоғистонда I-V асрларга оид Чолтепа ва ҳозирги кунгача Бухоро турар жой меъморчилиги анъаналарида сақланиб қолганлигини таъкидлайди (Аршавская З.А., 1987, 11-б.).

Қизилча-6 ва Олтинтепа-10 рақамли иморатларда хоналар кўпроқ коридорга монанд узунчок тархга эга. Шу билан бирга, томонлари бири-бирига яқин тўртбурчак тузилишидаги кичикрок даҳлиз вазифасини бажарувчи хоналар ҳам учрайди.

Асрлар ўтиши билан тўғри тўртбурчак тузи-

лишидаги марказий ҳовли ўрнини шундай тархдаги унга нисбатан ихчамроқ хоналар эгаллай бошлайди.

Демак, антик даврда шаҳар, қалъа комплексининг кўп қисмини турар жойлар эгаллаган. Улар деворлари билан бир-бирига бирлаштириб қурилган маҳаллаларни ташкил қилган.

Улар кўпроқ катта хоналардан ташкил топиб, мухташам кириш қисмига эга бўлган. Катта хоналар деворларида кўп рангли тасвир ҳам бўлган. Уйнинг иккинчи қисмини омборхона, бир неча ўчоқли ошхона ташкил қилган. Катта уйлар комплексида ёзги хоналар ҳам мавжуд (Неразик Е.Е., 1976, 216-б.). Шу билан бирга, кичкина оилалар учун кичик ҳажмдаги хоналар ҳам назарда тутилган. Бунга Хоразмдаги Қўрғошин қалъа макони гувоҳлик беради (Неразик Е.Е., 1976, 212-б.). Хоразмда милодгача IV-III асрларда оддий хонадонлар уйлари деворларида тоқча деярли қўлланилмаган. Катта кўзалар ярим баландлигига қадар кўмилган. Хонада ихчамроқ устунларга мўлжалланган чуқурчаларнинг ўрни аниқланганлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган буюм қўйиш ёки осишга мўлжалланган енгил ёғоч қурилмаларнинг бўлганлигидан далолат беради (Неразик Е.Е., 1976, 162-б.).

Аёз қалъа ва Тупроқ қалъа турар жойлари интеръерида девордаги тоқчага монанд бўлинмага тўртбурчак тузилишдаги ўчоқ ўрнатилган ва айрим хоналарнинг бир ёки бир неча томони бўйлаб торроқ супа жойлаштирилган (Неразик Е.Е., 1976, 164-б.). Супа Бактрияда милоддан аввалги VII-IV асрларда қадимий маконлар хонадонларида ҳам қўлланилган (Сағдуллаев А.С., 1987, 15-б.).

Алоҳида тўғри тўртбурчак шаклида қурилган уйлар ҳам диққатга сазовордир. Бундай уйлар қаторига Бухоро воҳасида топилган, милодгача III асрга оид Қизилқир шаҳарчасида қурилган турар жой ва Нисодаги милодгача II асрга оид “томонлари тенг «Квадрат уй» номли уйлар киради. Қизилқир уйи марказидаги катта хона тўрт томонидан йўлак билан айлантирилган. Қизиғи шундаки, уйга махсус даҳлиз орқали кирилади. Нисодаги, «Квадрат уй»даги ҳовлининг ҳар томонида учтадан хона жойлаштирилган. Хоналар сони 12 та (ВИА, 1970, 356-б.). Улар ҳовли томонидан айвон билан айлантирилган. Хоналар узунчок тузилишга эга. Хоналарнинг аксариятига айвондан кириш мумкин. Шунингдек, хоналар анфилада шаклида бўлиб, уларнинг бирдан иккинчисига ўтилади, тўрт

томонида эса девор бўйлаб супа ўрнатилган. Уларда марказий ўқда жойлашган тўрттадан устун мавжуд (1-расм). Шу ўринда айтишимиз жоизки, анфилада тузилишидаги хоналарнинг кўндаланг ҳолатда жойлаштирилган тури бронза даврига оид Қучуктепа (Бахтрия) маконида учратилган (Аскарров А., Альбаум Л.И., 1979, 6-расм). Унда бир хонадан иккинчи хонага ўтаётган киши кўзига кенг хона панорамаси ташланади. Квадрат уйни, хоналарнинг жойланишига ва кириш эшикларига қараб, битта катта оилага мансуб, деб тахмин қилиш мумкин.

Ойхоним шаҳарчасидаги бир уйнинг (Пугаченкова Г.А., 1979, 56-58-б.) марказий хонасига тўппа-тўғри ҳовлига қараган айвонидан кирса бўлади. Айвон билан катта хона оралиғида тўрт томонида эшик ўрнатилган даҳлиз мавжуд. Уйнинг асосий қисми уч томонидан далон (коридор) ва катта-кичик хоналар билан айлантирилган.

Юқорида кўриб ўтилган уйларнинг аксариятида томонлари тенг катта хоналар мавжуд. Бу хона меҳмон кутишга мўлжалланган.

Антик давр турар жойлари интерьерида тўрт устунли ва бир қатор устунли композиция кенг қўлланилган. Девор атрофи бўйлаб супа ўрнатиш жорий қилинади. Буюм қўйиш учун махсус енгил қурилмалардан фойдаланилади. Мўрига монанд деворга қапиштирилган ўчоқ юзага келади.

Илк ўрта асрларда ҳам томонлари тенг, тўғри тўртбурчак хоналар сақланган. Лекин, уларда хона атрофини йўлак (коридор) билан айлантириш одати кескин камайган. Бўлган тақдирда ҳам йўлак асосий хонанинг бир ёки икки томонини “Г”харфи тузилишида эгаллаган. Шунингдек, улардан асосий хонага кириш эшиклари қолдирилмаган. Бунга илк ўрта асрларга оид Хоразм, Варахша, Панжикент, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида тоғ ёнбағрида жойлашган Гардани Ҳисор шаҳарчаси харобалари гувоҳлик беради. Юқоридаги шаҳарчада турар жойлар деворлари бир-бирига қўшилиб кетган ҳолда зич жойлашган. Уларнинг таркибида тархда квадрат, узунчоқ хоналар мавжуд. Варахша, Панжикент шаҳарчалари харобалари тарҳини кўздан кечирар эканмиз, ора-орада катта, томонлари тенг хоналарни кўрамиз. Уларнинг айримларига кўча томонидан алоҳида эшик қолдирилганлиги боис, уларнинг маҳалла ёки 5-6 оила учун умумий меҳмонхона бўлганлигини билиб оламиз.

Квадрат тузилишидаги хоналарнинг девори бўйлаб супа бўлган. Хона ўртасида тўрт устун ўрни

мавжуд (2-расм). Хона шифтининг тўрт устун оралиғидаги қисми, кўндаланг жойлаштирилган тўсинлардан тузилган квадратлар ёрдамида ёпилган. Квадратлар юқори томони кичрайиб боради. Натижада шифт юқори томони торайиб, ўргаси очик, яъни туйнукли гумбазга ўхшаб қолади. Шифтнинг мазкур қисми “чорхона”, «дарвози», очик қисми «рўзан» дейилган. Шу ўринда Б.Я. Ставицкий реконструкциясидаги Панжикент уйларида бири интерьерини келтирамиз (3-расм). Б.Я. Ставицкий хона шифтини равоқ шаклида ишлаган. Натижада, хона деворий суратлари билан, маъмурий, диний обидалар ички кўринишини олган. Археологик изланишлар, Ўтрор воҳасидаги уй мажмуасида ҳам катта хоналар бўлганлигини таъкидлайди (Байпаков К.М., Шарденова З.Ж., Перегудова С.Я., 2001, 136-137-б.). Мисол тариқасида, Қуйруктепа шаҳарчасидаги турар жой меҳмонхонаси реконструкциясини келтирамиз (4-расм).

Илк ўрта асрларда турар жойларнинг тантаналарга мўлжалланган хоналарида деворнинг уч томони бўйлаб супа ўрнатиш Марказий Осиёда кенг қўлланилади (Неразик Е.Е., 1976, 165-б.). Хоразмда дам олиш супалари оддий хонадонларда 0,2-0,3 м, тантаналарга мўлжалланган хоналарда 0,4-0,5 м баландликка эга бўлган. Илк ўрта ва ўрта асрларда Суғд, Тоҳаристон турар жой меъморчилигида хона тўрида супанинг ўрта қисмини эстрада - саҳнага ўхшатиб, поғонали тархда ишлаш кенг қўлланилган. Хонанинг шу қисмида супанинг тантанаворлигини таъминлаш йўли билан, хона тўрини белгилаш ғояси назарда тутилган. Кофир қалъа шаҳарчасининг 11,42-хоналарида супанинг марказий қисми тўртбурчак тузилишда, қолган қисмларидан бироз кўтарилган ҳолда ажратилган. 42-хонада супа марказий ўқида зина ҳам ўрнатилган (Литвинский Б.А., Соловьев В.С., 1985, 10-расм). Қизил шундаки Кофир қалъа шаҳарчасида катта хонанинг тўрида катта ва чуқур бўлинма мавжуд (Литвинский Б.А., Соловьев В.С., 1985, 5-расм). Бўлинманинг бурчаклари ҳам декоратив устунчалар билан белгиланган. Ўрта аср меъморчилигига оид бу тадбир ХХ аср ўрталаригача қурилган Бухоро турар жойларидаги шохнашинни эслатади. Бизнингча, умуман, хона тўрида супани эстрадага ўхшатиб ажратиш заминидан ҳам шохнашин-шоҳ, меҳмон ўтирадиган жойни белгилаш ғояси ётади. Хонанинг шу қисмини бўлинма сифатида ажратиш эса шохнашиннинг тўла-тўқис шакланганлигини англатади (5-расм).

Гил чироқлар учун хона деворларида кичкина токчалар қолдирилган. Хонани иситиш учун хона ўртасида чуқурчали гил билан қопланган майдончалар, овқат пишириш учун атрофи девор билан айланттирилган ўчоқлар, нон ёпиш учун деворлари қалин кўза ёки пастқамрок, ости текисроқ ва кенг-хумчага монанд тандирлар қўлланилган (Неразик Е.Е., 1976, 174-б.). Ўртаси чуқурча ва гил билан қопланган майдончалар сандал ўрнатишга мўлжалланган бўлиши мумкин (Воронина В.Л., 1963, 92-б.).

Шаҳарлардан четда катта ер эгалари уйлари (кўшклари) тарҳида ҳам тўрт устунли квадрат тузилишдаги хоналар мавжуд. V–VII асрларга оид Жумалактепа кўшкни фикримиз исботи бўла олади (6-расм). Мазкур кўшк йўлаги (далон) ҳам бурчак устунлари, ғиштдан терилган зиналари, супалари билан тантанавор композицияга эга (7-расм). Заминдорлар кўшкларида монументал обидаларга хос меъморий хусусиятлар ҳам бўлган. Жумладан, Марв шаҳарчасида “Кичик Қиз қалъа” номи билан маълум кўшк тарҳида томонлари тенг марказий хона икки қават баландликка эга. Ундан, атрофидаги барча хоналарга кирилади. Мазкур кўшкда марказий хона даҳлиз вазифасини бажаргани билан, у ўзининг салобатлилиги, тантанаворлиги билан, уй композициясида асосий ўринни эгаллайди (8-расм). Бургут қалъа атрофида VIII асрларда қурилган кўшкнинг умумий кўриниши реконструкцияси олимлар томонидан ишланган. Реконструкцияда унинг бир қисми, иккинчи қаватда баланд девор билан ўралганлиги, усти очик қолдирилган (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1965, 32-расм). Кўшк иккинчи қаватининг очик қолдирилиши, уни, тугатилмаган иморатга ўхшатиб туради. Чунки фақат ташқи муҳитдан ҳимояланиш учун бундай баландликда (3 метрдан зиёд) девор билан ўралиши ҳақиқатдан узок. Бизнингча, унинг шу қисми айвон билан айланттирилган. Шу ҳолда кўшкнинг марказида тўрт томонидан икки қават иморат билан айланттирилган кичкина ҳовли юзага келади (9-расм). Хоналарнинг томонлари тенг тўртбурчак, тўғри тўртбурчак тузилишидаги хонанинг, ҳовли, зал атрофида жойланиши, Ўрта Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг қўлланилган (Воронина В.Л., 1961, 180-б.) ва сўзсиз, жуда қадим замонларда юзага келган қурилиш услуби ҳисобланган (Лавров В.А., 1950, 50-б.). Шундай тарҳ Европада ҳам бўлган. Жумладан, Бургут қалъа кўшкнинг ҳовлиси атрофида хона

ва айвонларнинг жойланиши, Италиянинг қадимий турар жойларига ўхшаб кетади (ВИА, 1973, 54, 56, 57-расмлар). Шу тузилишдаги ҳовли композицияси Самарқанд, Бухорода XIX ва XX аср бошларида қурилган турар жойларнинг ташқи ҳовли қисмида ҳозирги кунда ҳам учрайди.

Археолог олимлар томонидан турар жой хоналаридан бирида, сиғиниш учун муқаддас меҳроблар мавжудлиги аниқланган. Жумладан, Бактрияда 6 рақамли Қизилча маконида олиб борилган археологик қазишмаларда очилган 4-хонада девордаги олов кули сақланиб қолган токча, курси, ўчоқнинг топилиши, хонадонда оловга бўлган эътиқоднинг қандайдир формаларининг шаклланиш белгилари бўлганлигидан далолат беради (Сагдуллаев А.С., 1987, 74-б.). Панжикент турар жойларидан, бир меҳробли хонанинг В.Л. Воронина томонидан бажарилган реконструкциясини кўриб ўтамиз (10-расм). Хонага унинг бурчагидаги кичкина, томонлари тенг - куб шаклидаги равокли бўлинмадан кирилади. Хона деворининг марказида баланд меҳроб мавжуд. Унинг равоки декоратив устунларга ўрнатилган. Пастки сува қисмида ўчоқ жойлаштирилган. Кубсимон бўлинма билан марказий равоқ оралиғида, яна баланд супагага ўрнатилган, нисбатан кичик меҳроб бор. Турар жой мажмуасида, ибодатхонанинг назарда тутилиши, Юқори Зарафшон тоғ худудининг Кум ва Гардани Ҳисор шаҳарчаларида бўлганлиги археолог Ю. Якубов томонидан ҳам аниқланган (Якубов Ю., 1982, 152-б.). Кум шаҳарчасидаги уй, икки хонадан ташкил топган. Кўча томондаги хона ибодатхона вазифасини бажарган. Ички хонага далон орқали кирилади. Ю. Якубовнинг тахминича, ибодатхона қохини – шу хонада яшаган (Якубов Ю., 1982, 152-б.). Ибодатхона интерьери деворига қапиштириб ишланган серҳашам меҳроб, хона моҳиятини, вазифасини белгилаб берган ва унга жозибали, тантанавор кўриниш бағишлаган (11-расм).

Илк ўрта асрлар турар жойлари интерьерида, тўрт устунли, шифти “чорхона” тузилишидаги композиция сақланади. Хона атрофи бўйлаб баланд супалар кенг қўлланилади. Хонада сандал, ўчоқ ва тандир бўлган. Шунингдек, турар жойлар мажмуасида диний маросимларни бажариш учун махсус хона назарда тутилган. Бундай хоналарда махсус куб шаклига монанд даҳлиз, хона деворида меҳроб ва унга қапиштирилган супада муқаддас ўчоқ ва хона ўртасидаги супада муқаддас ўчоқ ўрнатилган композициялар бўлган.

IX-X асрлар турар жойларида ҳам квадрат тузилишидаги хоналар сақланиб қолган. Жумладан, Чуй воҳасида (Қирғизистон) хоналар томонлари 7,2x7,2; 6,5x7,8 метрли кватратга яқин, катта хона атрофида жойлаштирилган тузилишда учта уй очилган. Уларда ўймакорлик қилинган ганч юза (панел) топилган. Ундаги безак, мавҳумлаштирилган ўсимликсимон ва уч баргли юза ичига олинган зооморф тасвирни ташкил қилади (Кожемяко Г.Н., 1967, 53-90-б.). Афросиёбда юзаси 4,9 x 4,9 м гум-базли ва деворлари ажойиб ганч нақшлар билан безатилган хона топилган (Ахраров И.И., Ремпель Л.И., 1971, 71-б.). Хутгал вилоятида (Панж ва Вахш дарёлари оралиғида) очилган уй хоналари, томонлари 26 x 26 метрли ҳовли атрофида жойлаштирилган. Уйнинг жануб қисмида саккизта сербезак, катта хоналар мавжуд. Марказий хона деворлари оқ ва ҳаво рангларда бўялган ва ўймакорлик қилинган ганч юзаларни ташкил қилади (12-расм). Қўшни хона деворлари оқ-қизил рангларда жилоланган. Безаклар ўсимликсимон, геометрик ва эпиграфик нақшларни ташкил қилади. Барельефли шерлар тасвири ҳам учрайди. Панж дарёси яқинида очилган Сайёд шаҳарчасидаги турар жой хоналаридан бирининг деворлари ганч ўймакорлиги билан бойитилган (Гулямова Э., 1982, 164-б.). Шимолий ва жанубий деворларида, асосан олтига олтибурчакли нақшларнинг бирлаштирилиши натижасида, олти қиррали катта композиция яратилган (13-расм). Натижада унинг марказида олти учли юлдуз нақши юзага келган. Ғарбий ва шарқий деворларида олти учли юлдуз катталаштирилган, ичи эса бошқа шаклдаги нақшлар билан тўлдирилган. Шунинг учун ҳам деворлар юзасидаги нақшларнинг умумий геометрик тузилишга эга бўлишига қарамадан, хона томонлари нафис ва қайтарилмаган безаклар кўринишини беради.

Араб саёхатчиси Мақдисий, Марв шаҳри турар жойларини куйидагича таърифлайди: «Турар жойлар шинам ва баланд, ўз гўзаллиги билан улар шаҳарнинг (кўчанинг Н.Д.) икки бетидаги ҳошияга ўхшаб кетади» (МИТТ, 1939, 193-б.). Марв харобаларидан очилган X-XIII аср бошларига оид турар уйлардан бирининг учта хонаси тўрида кичкина қўшимча хоначалар борлиги аниқланган. Натижада асосий хона “Т” ҳарфи тузилишига эга бўлиб қолган (Лунина С.Б., 1980, 60-б.). Шу комплексдаги хоналардан бири деворининг пастки қисми бир метр баландликда ганч ўймакорлиги билан безатилган. Унда

томонлари 90 сантиметрли квадрат юзада доира ичига олинган олтибурчак юлдузсимон нақш жойлаштирилган. Юлдузлар оралиғи ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган (Лунина С.Б., 1980, 61-б.). Шу уйнинг 7 – хонасидаги нақш диккатга сазовордир (Лунина С.Б., 1980, 64-б.). Хона девори юзасида кичкина гулдор тўртбурчак нақшлар занжир каби уланиб кетган. Натижада бир нечта ўқда жойлашган катта-катта, маркази бешта гулдор тўртбурчаклардан тузилган салиб нақши билан белгиланган ромбларни ташкил қилган (14-расм). Турли уфқ чизиғида жойлашган ромблар оралиғида юзага келган бўшлиқлар эса тўққизта гулдор тўртбурчаклардан тузилган, катта квадрат нақшли юзалар билан тўлдирилган. Мазкур нақш, гулдор тўртбурчакларнинг жойлашиши билан баҳаво, киши бадиға тегмайдиган энгил композицияни ташкил қилади. Нақш оралиғидаги бўш юзаларни ўйма чизиқлар ёрдамида ғишт деворга ўхшатиб безашган. Шу хонанинг бошқа деворида сарик, яшил, қизил ранглар нақш тузилишига қараб ўрин алмаштириб ишланганлиги аниқланган (Лунина С.Б., 1980, 65-б.). Мазкур нақш композицияси, тузилиш тартиби билан, Узгент мақбаралари нақш беағига ўхшаб кетади. Хоразмда тантаналарга мўлжалланган хоналарда ганч билан пардозланган девор юзасида нақш ишланган. Нақшларда кўк ранг кўпроқ ишлатилган (Неразик Е.Е., 1976, 185-б.). Қирғизистоннинг Ўттиз Адир деган маконида йирик мулкдор қабулхонасида ўта ҳашаматли чуқур ўйма нақш учратилган (Кожемяко П.Н., 1970, 44-45-б.). XI-XIII асрларда Эски Термиз турар жой меъморчилигида катта хона томини ёпишда ғишдан терилган, томонлари тенг тўртбурчак тархдаги устунлар қўлланилган. Улар ганч билан пардозланган ва юзасига ўсимликсимон нақш чизилган. Хона деворларига гил устидан йирик барглар, мавҳумлаштирилган баллиқ тасвири ўйилган ҳамда ўсимликсимон нақшлар юзаси турли ранглар билан бўялган. Хона поли пишган ғишдан, шаклли юза чиқарадиган йўналишларда терилган. Шунингдек, хонани ёритиш учун ҳар хил рангдаги ойнали панжалар билан тўсилган дераза-туйнуклардан фойдаланилган (Пидаев Ш.Р., 1986, 8-9-б.). Марказий Осиё турар жой меъморчилигида, жумладан, Марвда, Султон қалъа интерьерида (Лунина С.Б., 1970, 44-б.), X-XII асрда Қраснореченский шаҳарчаси (Кожемяко П.Н., 1967, 77-б.) турар

жойларида хона атрофи супа билан айлантирилган пайтда, Хоразмда бунга барҳам берилади. Унинг ўрнига хонанинг тўртдан уч қисмини пасткамрок яхлит супа эгаллаган (Неразик Е.Е., 1976, 186-б.). XII ва XIII аср бошида махсус супаларга ўрнатилган ўчоқлар юзага келади. Улар юзаси ёпиштирилган бўртма ёки ўйма чизикли нақшлар билан безатилган (Неразик Е.Е., 1976, 186-187-б.). Эски Термизда XI-XIII аср бошларида хонанинг икки томонини кенглиги 2,5 метрли супа эгаллайди (Пидаев Ш.Р., 1986, 9-б.). Бу ерда ҳам хонанинг тўрттала девори бўйлаб супа ўрнатишдан қайтиш сезилади. Бу билан Эски Термиз турар жой меъморчилигида “Г” ҳарфидаги супа олдин бўлмаган демоқчи эмасмиз. У илк ўрта асрларда ҳам бўлган, лекин у ўрта асрдагига нисбатан қарийб икки-уч баробар тор бўлган. Бунга Шўроб-қўрғондаги биринчи қурилиш даврига оид турар жойнинг асосий хонаси мисол бўла олади (Болелов С.Б., 1987, 32-б.). Шу ўринда Султон қалъа яқинида XI-XII асрларга оид икки қаватли уй композициясига бироз тўхталамиз. Уй марказидаги салиб тузилишидаги катта хона икки қават баландликка эга. Биринчи қават хоналарига шу хонадан кирилади. Иккинчи қаватнинг тўрт томонида эшиги марказий хона томонга очилган, томи равоқ шаклида ёпилган айвонлар мавжуд. Мазкур уй композициясида марказий хона ўзининг тантанаворлиги, баҳаволиги билан доминантлик вазифасини бажарган (15-расм). Демак, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида ўрта аср турар жойлари интерьерлари учун яхлит супалар характерлидир. Хона деворлари юзаси кўпроқ ўйма ганч нақшлар билан безатилган. Ўчоқлар ҳам ўйма нақшлар билан бадиийлаштирилган. Турли рангли шиша ишлатилган, панжарали тобадонлар қўлланилади. XIII-XV асрлар турар жойлари бизгача етиб келмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, бу даврдаги хоналар тузилиши XVIII-XX аср турар жойларидагидек бўлган, деган фикрга келсак, хато қилмаган бўламиз. Бунга шу даврдаги миниатюра расмлари гувоҳлик беради. Шунингдек, бу фикримизни Хоразм воҳасидаги археологлар томонидан очилган уйлар исботлайди. Жумладан, Оқча – Гелин маконида очилган 18 рақамли уй тарҳида худди XIX-XX аср бошларидагидек, даҳлиз вазифаси аниқ белгиланган хона мавжуд (Неразик Е.Е., 1976, 81-р.). Унда даҳлизнинг икки ён томонидаги хоналарга ва ҳовлига (боққа) чиқиш учун эшик ўрни қолдирилган (16-расм).

XI-XIII аср бошларида Эски Термиз турар жой меъморчилигида ички ва ташқи ҳовлиларнинг қўлланилиши (Пидаев Ш.Р., 1986, 10-б.), ўрта аср турар жойлари билан XVIII-XX аср бошларидаги Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Фарғона водийси турар жойлари оралигида катта ўхшашлик бўлганлигидан далолат беради. XVI-XVII аср турар жой хоналарининг шифтлари серҳашам, нақшга тўлдирилганлиги, деворларида майда нафис равоқчаларга олинган тоқчаларнинг мавжудлигидан, миниатюралар гувоҳлик беради. Жумладан, “Чақалок Искандарни Филиппга кўрсатмоқдалар” миниатюраси (XVI аср) мисол бўла олади.

✓ XVIII-XIX аср турар жойлари бизгача қисман сақланиб қолган. Уларда, интерьер бегагида нақшошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Ҳар бир вилоят, шаҳар, турар жой меъморчилигида хонани безашнинг ўзига хос анъаналари сақланиб қолган. Шунинг учун шаҳар турар жойларининг меъморчилигига хос, асосий хоналар интерьерини ёритишга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бухоро уйлари икки-уч ҳовлидан (дарун-ичкари, берун-ташқари ва хўжалик) ташкил топган. Асосий яшаш хоналари ёзги ва қишқига бўлинади. Ёзги хоналар анча баланд ва деразалари шимол томонга қаратилган (17-расм). Хона композициясида шохнашин-меҳмон ўтирадиган бўлинма дид билан, ҳар хил композицияда бирлаштирилган. Улар кўпроқ биринчи ёки иккинчи қаватда, катта тоқча (бўлинма) шаклида кўп учрайди (18-расм). Бой хонадонларда меҳмонхоналар ён деворлари полдан шифтгача кўтарилган тоқчаларга эга. Уларнинг юқори қисми равоқ шаклида бўлиб, шарафа билан безатилган. Тоқчалар оралигидаги бўлинмалар ҳам ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган. Текис юзали деворлар ҳам занжира руталар билан бўлинмаларга тақсимланган. Улар ичида ниҳоллари ҳамма томонга ёйилган, гуллари қийғос очилган ранг-баранг гулдасталар ишланган (19-расм).

Самарқанд уйлари ҳам дарун ва берун (ички ва ташқи) ҳовлилардан ташкил топган. Самарқандда иккинчи қаватдаги айвонлар кўчага қаратилган ҳолда ҳам учрайди. Хона айвон ёки даҳлиз билан “Г” ҳарфи шаклида, узунасига, ёнма-ён тарҳда бирлашиб, турли бой композициялар ташкил қилган. Меҳмонхона кўпроқ ташқи ҳовлида бўлиб, у бой бадиий безакка эга бўлган. Хона тўридаги девор уч бўлинмага бўлиниб, кўпинча ўртада тоқчабанд, икки ёнида ўрин-кўрпа учун таҳмон шаклида жойлаш-

тирилган. Хона ён деворларида катта-катта тоқчалар тоқ сонда ўрнатилган. Ҳовлига қараган деворда хона катталигига қараб икки ёки учта дарча назарда тутилган. Улар серҳашам ўймакорлик қилинган бағдоди эшиклари билан ҳовли томондан тўсиб қўйилган. Дарчалар оралиғида катта-катта тоқча бўлинмалари мавжуд. Хона шифти кўпинча қабза услубида бўлиб, васса ва тўсинлари ранг-баранг ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган (20-расм).

Хива уйларида хона деворининг юқори қисмида девор юзасидан бўртиб чиққан тоқчалар бир чизиқда жойлаштирилган. Улар юзаси нафис равоқчалардан тузилган. Шундай тоқчалар Бухоро ва Қарши турар уйларида ҳам бор. Хива уйларидаги ҳовли композицияси диққатга сазовордир. Кўпчилик хонадонларда ҳовли кичикрок бўлиб, асосий қисми катта (улу) айвон ва кичик (терс) айвон билан ёпилган. Айвонларда катта ва кичик ўймакорлик қилинган ёғоч устунлар, майда нақшлар билан безатилган мармар курсиларга ўрнатилган (21-расм).

Хона ҳавоси алмашинувини таъминлаш учун улу айвон, хонадан анча баланд қилиб қурилган. Натижада киши ўзини худди баҳаво кенг ёзги хонада ўтиргандек ҳис қилади. Унинг кўз олдига улу айвоннинг чиройли ўймакорлик қилинган устун, айвонлар шифтининг бир-биридан паст-баландлиги натижасида улар оралиғидан мусаффо осмоннинг қисман кўриниб туриши, кишида ўзгача таассурот қолдиради.

Ҳовлини том билан ёпиш одатини Хўжайли шаҳрининг қадимий уйларида ҳам кўрдик.\* Унда ҳовли деворлари турар хоналардан ҳам баланд кўтарилган ва ҳовлининг ҳамма қисми бир хил баландликдаги том билан ёпилган. Ёруғлик ва ҳаво алмашиши чоралари ҳовли деворларининг юқори қисмида қолдирилган тўйнуқлар орқали амалга оширилган (22-расм). Хўжайли турар жойлари композициясида айвон деб номланган тарҳда квадрат тузилишдаги хоналар кенг қўлланилган.

Ҳовлининг уй билан туташган қисмини ёзги хона шаклига келтириш одатининг Фарғона водийсида ҳам бўлганлигидан, В.Л. Воронина учратган Марғилон шаҳридаги хонадон уйи гувоҳлик беради (23-расм). Унинг марказий қисмида тўртта устун бўлиб, уларнинг устида шифтдан анча кўтарилган ва тўрт томони ойнабанд қилинган тўйнуқ мавжуд. Полда эса кичкина ҳовуз назарда тутилган. Мазкур ҳовли композицияси тантанавор, шинам, катта ва табиат манзараси билан боғланиб кетган зални

эслатади.

Фарғона шаҳарларида икки хона ўртасида даҳлиз жойлаштирилган ва улар ҳовли томондан узун айвон билан бирлаштирилган тарҳ кўп учрайди. Хоналардан биттаси меҳмон кутиш учун мўлжалланган. У ўзининг беазаги билан қолган хоналардан ажратиб турган. Даҳлизда мўри ўрнатилган. Мўрилар ҳам тузилиши, беазаги билан киши диққатини тартади (24-расм).

Тошкент турар жой меъморчилигида даҳлиз ёки айвон бир хона билан ёнма-ён ёки икки хона оралиғида, икки ёки уч хона бурчагида бўлади. Тошкент вилояти турар жой меъморчилигида хона ва айвон; хона ва даҳлиз; хона, қашғарча айвон олд томонидан пешайвон билан умумлаштирилган тарҳ; икки хона, ўртасида айвон ва бурчагида “Г” ҳарфи тузилишида қўшилган айвонли тарҳ; икки хона, ўртасида айвон ва улар олд томонидан пешайвон билан бирлаштирилган тарҳ; хона, қашғарча айвон ва бир устунли томонлари тенг хона қўшилган тарҳ кенг тарқалган (Пулатов Х.Ш., 1971, 18-б.). Тошкент турар жой меъморчилигида қашғарча айвонга алоҳида эътибор берилган. Қашғарча айвон ҳам худди оддий айвон каби, юқоридагидек тартибда жойлашиши мумкин. Шунингдек, оддий айвон қашғарча айвон билан ёнма-ён қурилиши ва улар ҳовли томондан узун айвон билан умумлаштирилган тарҳда келиши мумкин. Тошкентда ҳам ташқи ҳовли уйлари кўпинча икки қаватда қурилган. Унинг ўрта қисмида шийпон мавжуд. Шийпон, атрофидаги хоналар учун усти берк, юқори қисмида атрофи очик ҳовли вазифасини бажарган (25-расм).

Меҳмонхона кўпинча ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бўлган. Унинг интерьерини ўзининг ҳашаматли беазаги билан қолган хоналардан ажралиб турган. Тошкентда хона тўридаги девор кўп ҳолларда уч бўлинмадан ташкил топган. Улардан ўртадагиси ёки икки четидагиси таҳмон бўлиши мумкин. Тоқчабанд бўлинмаси, катта-катта тоқчалардан иборат бўлган. Тошкентда хона ён деворларида битта ёки иккита бўлинма майда тоқчабанд қилинган, қолган бўлинмалари катта-катта тоқчаларни ташкил қилади (26-расм). Тоқчалар ичига бинафша ва пушти рангда чарос очилган гулдастлар тасвирланган.

Хўжанд (Тожикистон) уйлари ҳам хона ва даҳлиздан ташкил топиб, уларга айвон, олд, ён ёки бурчак тарихида қўшилган. Даҳлизнинг ўнг томонидаги хона, меҳмон кутишга мўлжалланган.

\* 1996 й. Хўжайли шаҳри қадимий уйларидаги тарҳи, тарҳи ва интерьерини билан танишишим учун ёрдам берган Хўжайли шаҳри бош архитектори А. Машарипова ва архитектор Мансур Ёқубова ўз миннатдорчилигини билдираман. Хўжайли шаҳар халқ меъморчилигини ўрганиш масаласи билан архитектор Сайёра Машарипова шугуланмоқда.

Мехмонхоналар интерьери сержило беаги билан қолган хоналардан фарқ қилади.

Қозоғистоннинг Чимкент вилояти турар жой меъморчилигида асосий яшаш хонаси ўзига хос тузилишга эга бўлган (Жилина А.Н., 1982, 137-163-б.). Хонага айвон ёки даҳлиз вазифасини бажарувчи далондан қирилган. Хонанинг пойгоҳ қисми пастда, яъни айвон ёки далон поли билан бир хил баландликда бўлган. Асосий хона поли сатҳининг қолган қисми эса баланд яхлит супа шаклида кўтарилган (27-расм). Ўчоқ, хона пойгоҳ қисмининг ўнг ёки чап томонида, супа мағзида жойлаштирилган. Хона шифти битта устун ва катта хари ёрдамида ёпилган. Шифтнинг ўчоқ устидаги қисмида “чорхона” шаклида тўйнуқ қолдирилган. Ундан хонага ёруғлик тушган ва тутун чиқиши таъминланган. Шунингдек, тўйнуқ тўғрисида, хонанинг пойгоҳ қисмида ташнов назарда тутилган. Хона деворлари тоқчаларга тақсимланган.

Туркменистоннинг шаҳарларида асосий хоналар тўғри-тўртбурчак тузилишида бўлган. Каттароқ хоналарда устун назарда тутилган. Пештоқ шаҳарчаси яқинидаги уйлар шифтида “чорхари” шаклидаги шифт қўлланилганлигидан тадқиқотчилар гувоҳлик беришади (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 22-б.). Туркменистонда турар жойлар интерьериде ранг деярли ишлатилмаган десак ҳам бўлади, лекин девор юзасида саёз ярим устун ва бўлинмалар ёрдамида хона интерьерига бадиийлик киритилган. Жумладан, Мурчали тумани турар жойлари интерьериде девор юзасидан бироз бўрттирилган юпка ярим устунлар ораллигида юқори қисми жимжимадор равоқ шаклида тугатилган катта ва саёз тоқчани эслагувчи бўлинмалар ишланган, бу нақшлар мурчалилик кекса отахонларнинг фикрича, меъморий безак сифатида гулдастандан олинган экан (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 22-б.). Бизнингча, бундай нақшларнинг юзага келиши даври узок ўтмишга бориб тақалади.

Туркменистоннинг Пештоқ шаҳри яқинидаги турар жойлар ҳовлисида, ёзда куннинг жазирама пайтида дам олиш учун махсус хона қурилган. Бундай хонада тўйнуқлар қарама-қарши деворларнинг поли сатҳидан бироз кўтарилган ҳолда ўрнатилган. Хонада шамолнинг пол сатҳида эсиши ҳар қандай иссиқ кунда ҳам уни салқин тутиш имкониятини берган (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 22-б.). Шунингдек, тўйнуқларнинг пол сатҳида бўлиши хонага ёруғ-

ликнинг ва қуёш нурининг тушишини камайтирган. Ёруғлик ёки қуёш нури хонага фақат шаҳарда ёки кун ботаётганда тушган. Бундай хоналарнинг кўриниши оддий, ҳар қандай безакдан холи бўлган.

Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида томи гумбаз шаклида ёпилган турар жойлар ҳам қурилган. Жумладан, улар Туркменистоннинг Каахкин, Сарахс туманларида, Ўзбекистоннинг жанубий қисмида, Боботоғ тизмаларининг Амударё билан туташ ёнбағирларида ва бошқа ўлкаларда учрайди. Тадқиқотчи Г. П. Васильева гумбазли уйнинг бу ерларда олдин ҳам қўлланилиб, тарҳда айлана, қамишли уйлар билан алоқаси борлигига ишора қилади (Васильева Г.П., 1982, 206-б.). Олима ўз фикрининг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлаш учун А. Н. Бернштамнинг гумбаз яратиш ва уни фишт ва пахсада (монолит) амалга ошириш ғояси кўчманчиларга тегишли деган фикрини келтиради (Бернштам А.Н., 1950, 128-129-б.).

Гумбазли хоналар тарҳда квадрат тузилишга эга. Уй бир нечта хонадан ташкил топган ҳолда келиши мумкин. Бундай уйларнинг барча хоналари гумбаз билан ёпилган. Хоналар деворларида тоқчалар ўрнатилган (28-расм).

Амударё олди воҳасида истиқомат қилувчи туркман мукри, эрсарин уруғларига мансуб хонадонларнинг ҳовлиларида “куммез” деб номланувчи хона диққатга сазовордир. У ҳар доим ҳовлининг ўртасида бўлиб, тарҳда доира тузилишига эга. Унинг марказида ўчоқ жойлашган. Хона пахса деворга эга, томи эллипс шаклидаги гумбаз билан ёпилган. Хона 7 метр ва ундан зиёд баландликка эга (Пугаченкова Г.А., 1958, 460-б.). Г.А. Пугаченкова китобида тасвири келтирилган Равшан Мурод ҳовлисидаги куммез тарҳда ярим доира шаклида бўлиб, узунчоқ хона ва айвон композициясига қўшилиб кетган (Пугаченкова Г.А., 1958, 464-б.). Мазкур далил куммез, хона ёки айвон билан бириккан ҳолда қурилиши мумкинлигидан далолат беради. Куммез, кексаларнинг ўчоқ агрофида узок вақт дам олиб ўтиришларига мўлжалланган (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 42-б.). Бир сўз билан айтганда, куммез-кексалар уйи ҳисобланган (29-расм).

Куммез интерьерининг тик композицияда бўлишига сабаб шуки, у пахсадан қурилган. Пахсадан ярим доира тузилишида гумбаз яратиш мумкин эмас. Қурилган тақдирда ҳам, у бардошсиз бўлади. Шунинг учун куммезни қуришда унинг гумбаз

чегара чизиги ичкари томон жуда кам қияликда чиқариб борилади. Натижада куммез интерьери тик композицияга эга бўлади. Тархда доира тузилишидаги баланд хонада кишда ўчоқ атрофида ўтиришнинг ўз гашти бўлган, албатта. Унинг келиб чиқишини Г.А. Пугаченкова – куммезда кўчманчиларнинг ўтовига хос тарх, тарз, тутун туйнугининг мавжудлиги, ҳаётнинг ўтроқ тарзига ўтишда ўтмиш билан боғлиқ алоқаларнинг таъсири, - деб ҳисоблайди (Пугаченкова Г.А., 1958, 460-461-б.).

Ўтов қадимий маскан, бошланалар қаторига киради. Ўтов қисқа вақт ичида-атиги бир соат давомида йиғиштириб олиш ва бошқа жойда яна шунча вақт ичида ўрнатиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам ўтов кўпроқ бир жойдан, иккинчи жойга кўчиб ўтадиган чорвадор қабилалар учун асосий маскан ҳисобланган. Ўтов тузилиши ҳамма ерда деярли бир хил бўлган. Тархда доира тузилишида, усти гумбаз шаклида ёпилган. Улар қатта – кичиклиги, гумбазнинг тиклиги ва ётиклиги билан ажралган. Жумладан, Қозоғистоннинг жанубида ўтовнинг гумбази тикрок, шимолий қисмида – ётиқрок бўлган (НСАҚ, 1963, 401-б.) (30-расм). Қирғизистоннинг шимолий қисмида ўтов гумбази конусга монанд тикрок, жанубида эса ярим сферик, яъни ётиқрок тузилишда бўлган (НСАҚ, 1963, 225-226-б.) (31-расм). Туркменистонда туркман – йомут уруғларида ўтов гумбази ётиқрок, човдор уруғларида – тик, текин уруғи ўтовларида ўтов гумбази ўртacha баландликка эга бўлган (НСАҚ, 1963, 65-б.).

Ўтов марказида ўчоқ жойлашган. Кириш эшиги тўғрисида, тўрда сандиқлар устма-уст, ёнма-ён, жойлаштирилган, гилам, кўрпа-ёстиқлар сақланган. Унинг олд қисми меҳмонлар жойи ҳисобланган. Кириш эшигининг ўнг томони аёллар бўлинмаси, кириш эшигига яқин қисми уй – рўзғор буюмлари ва озик – овқат маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган. Охириги қисмга мўлжалланган майдон кўп ҳолларда чий билан ўраб олинган. Кириш эшигининг чап томони қозоқларда оила кичик аъзолари, камбағал оилаларда бу жой оиланинг уйланган фарзанди ўрни учун ажратилган (НСАҚ, 1963, 402-б.). Қирғиз оилаларида эса бу жой эркалар бўлинмаси ҳисобланган (НСАҚ, 1963, 227-б.). Шарқда ўтов, хиргоҳ, чодир ва хоналарда меҳмон ва кексалар ўрнига алоҳида эътибор берилган. Меҳмон ва эътиборли кишилардан ўз ўрнига, яъни тўрда ўтириши талаб қилинган. Шу ўринда бир воқеани мисол тарзида келтирамиз. Швейцариялик

саёх Бургард, бедуйн қабилалари хиргоҳига кирганда одоб юзасидан унинг кириш эшиги яқинидаги кенгрок ва шаббода тегиб турадиган бурчагига ўтирмакчи бўлади. Маҳаллий йўл бошловчи унинг қулоғига – Тур ўрнингдан! Бу бурчак роффа дейилади. У ерга эътиборли одамлар ўтирмайди. Бизларда бирон кишини ҳақорат қилмоқчи бўлишганда, унга “Сенинг жойинг роффа дейишади”, - деб шивирлайди (Путинцева Т.А., 1984, 270-б.).

Ўтов деворларига ички томонидан ранг-баранг сержило нақшли гиламлар осиб қўйилган. Ўтов кишда иссиқлиги, ёзда салқинлиги билан ҳам аҳамиятлидир. У ўзининг ички баҳаволиги билан оила аъзоларининг асосий талабига жавоб берган. Ўтовнинг ўзига хос афзалликларини ўрта аср тарихнависи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр куйидагича таърифлаган: - Кечаси совуқ бўлса, унда яшовчи учун (унинг) олови кифоя қилади ёки ёмғир сахийлик билан куйса, жаласи уни тўлдирмайди. Қачон унга жойлашиб олсанг, зилзила чодирни ҳар қанча қимирлатса ҳам, унинг кулаб тушишидан қўрқма (Абу Мансур ас-Саолибий, 1976, 186-б.).

Маскан ҳақида гап борар экан, тоғ халқ уйлари интерьери изоҳига ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Тоғ қишлоқлари халқи ҳаёти тарзининг ўзгаришсизлиги (консервативлиги) сабабли уларнинг яқин ўтмишдаги уйлари ўзининг асосий томонлари жиҳатидан VIII аср бошларидаги уйларга ўхшаб кетади (Распопова В.И., 1979, 25-б.).

Илк ўрта асрларда тоғ турар жой меъморчилигида интерьернинг ёғоч қисмлари ўймакорлик қилинган. Рангли безак деярли қўлланилмаган. Ю. Якубов Юқори Зарафшон тоғ турар жой меъморчилигида рангли безакнинг гилам ва мато осиб билан алмаштирилиши, бу ерда тоғ шароитининг ўзига хослигидан ва хонадон дидидан келиб чиққан, - деб таъкидлайди (Якубов Ю., 1979, 167-б.). Ю. Якубовнинг бу фикри деярли барча тоғ ўлкаларига тегишли. Бунга сабаб, биринчидан, тоғ ўлкаларида чорвачилик кенг ривожланган. Чорвачилик ривожланган жойда жун кўп бўлган. Бу эса жун маҳсулотидан гилам, кийгиз тўқишнинг шаклланишига йўл очиб берган. Иккинчидан, тоғ ўлкалари иқлим шароити оғир бўлган, яъни қиш жуда узоқ ва совуқ келган. Шунинг учун ҳам интерьерда гилам кенг қўлланилган. Деворга осилган гилам, биринчидан, хонага тантанавор-

лик бағишлаган, иккинчидан, хонани совукдан асраш имкониятини берган. Узоқ тоғ дараларида иқлим шароитининг, ландшафтнинг оғирлиги, тоғликларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароити ҳамда дараларнинг шаҳар цивилизациясидан узоқдалиги асрлар давомида шаклланган ва синовдан ўтган уй тузилиши анъаналарининг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Тоғларда хона безаги оддий бўлишига қарамасдан, уларда ўзига хослик сезилади. Нурота тоғ қишлоқларида кичик тўғри тўртбурчак тузилишидаги хоналар билан бирга, катта хоналар ҳам учрайди. Хона тўри деворида токча ва тахмон бўлинмалари мавжуд (32-расм). Тахмонлар тошдан терилганлиги ва ёғоч ишлатилганлиги сабабли уларнинг юқори қисми учбурчак кўринишга эга. Эски уйлардаги хонанинг бир томонида супа назарда тутилган. Бу ерда супа хўжалик буюмлари кўйишга мўлжалланган (33-расм).

Сурхондарё ва Қашқадарё тоғ халқ меъморчилигида доимий ўтирадиган ёки қишки хоналар, киши диққатини тортади (34-расм). Хона кириш эшиги ёнидаги девор олди яна бир девор билан тўсилган. Иккинчи деворнинг пастки қисми очик қолдирилган (35-расм). Шу жойда икки девор ораллигида ўчоқ назарда тутилган. Ўчоқ устида деворлар икки ён томонидан тўсилиб, мўрига айлантилган. Мўрининг икки ён томони токчабанд қилинган. Хонанинг бу қисми тахмон ва токчабандли деворни эслатади.

Фарғона тоғ уйларида хона сатҳи пешгоҳ, пойгоҳ қисмларга аниқ бўлинган. Улар бир - биридан пол сатҳининг кўтарилиши билан ажратилган. Пешгоҳ девори токчабанд қилинган. Пойгоҳ қисмидаги девор мағзига мўри ўрнатилган. Фарғона турар жой меъморчилигида рангбаранг нақш ишлаш одати бўлган. Айрим хонадонларда оддий сувоқ устидан, хўллигида, панжа билан турли хил нақшлар ишланган (36-расм).

Тошкент вилояти тоғли ҳудудларида турар жойлар тарҳида томонлари тенг катта хона ва чуқур айвонлар кўп учрайди. Бундай хона ўртасида битта устун, пойгоҳ қисмида, девор марказида мўри ўрнатилган (37-расм). Чуқур айвон ўртасидан ўтган том харисини уч-тўрт устун кўтариб турган. Айрим уйларда айвон юзаси дам олиш супаларига эга бўлган. Бундай айвон ўзининг баҳаволиги билан уй композициясини бойитган (38-расм).

Хона юзасини кенгайтириб, қисмларга бўлиш одатини Тожикистоннинг Юқори Зарафшон,

Қоратегин, Дарвоз воҳаларида ҳамда Тоғли Бадахшон турар жой меъморчилигида кўрамиз. Юқори Зарафшон тоғ меъморчилигида асосий хона томонлари тенг ва катта юзага эга бўлган (39-расм). Хона ўртасида бир ёки икки устун назарда тутилган. Хона сатҳи Фарғонадагидек пойгоҳ ва пешгоҳдан ташкил топган. Юқори Зарафшоннинг узоқ тоғ дараларида қишки хоналарни совукдан асраш мақсадида, уларни уй тўрида, яъни уйга кириш эшигидан узоқда, шунингдек унинг тўғрисида ошхонани жойлаштириш одати бўлган. Ошхона томи билан далон шифти ораллигида ҳосил бўлган бўшлиққа ўтин қаланган ва ошхона жиҳозлари сақланган. Ошхона тўғрисидаги хона деворининг бир қисми айвон шаклида қолдирилган. Хона, ошхонадаги иссиқ ҳаво ҳисобига иситилган (40-расм).

Қоратегин воҳасида хоналар Юқори Зарафшондагидан ҳам катта бўлган. Хона ўртасида тўртта устун ўрнатилган. Шифтнинг устунлар ораллигидаги қисми чорхона шаклида ёпилган. Унинг ўртаси очик туйнукка эга бўлган. Хона атрофида девор бўйлаб баланд сўрилар ўрнатилган. Тутун ва бугнинг туйнукдан чиқиши учун сўрининг туйнукка яқин қисмида дегдон-ўчоқ жойлаштирилган. Шунингдек, туйнук тўғрисида йўлакда ташнов қазилган. Сўри юзаси оила аъзоларининг жойи, мехмон, хонадон кексаларининг ўрни ҳамда овқат тайёрлайдиган қисмларга бўлинган.

Дарвоз воҳасида ҳам хона, кўпинча томонлари тенг ва катта юзага эга ҳамда хона ўртасида учта устун мавжуд бўлган. Қизиги шундаки, Дарвозда хона сўрилари сатҳи оила аъзолари дам олишлари учун торлик қилган тақдирда, кириш эшиги устида хона томон бўртиб чиққан балконлар ўрнатилганлигининг гувоҳи бўлдиқ. Бу тадбирни Кулумбаи Боло қишлоғида Назиров ва Шафиевлар уйларида учратдик (41-расм).

Тоғли Бадахшон воҳаларида ҳам турар жойлар катта хонадан ташкил топган. XIII аср саёҳатчиси Марко Поло “Тоғли Бадахшонда ишқошимликлар (Ишқошим воҳасида истиқомат қилувчилар) яшаш хоналари катта ва хўб шинам”, - деб таъкидлаган эди. (Марко Поло, 1990, 66-б.). Дарҳақиқат, Тоғли Бадахшон воҳалари халқларининг турар жойлари ҳозир ҳам ўтмишдагидек, томонлари 10x10м ва ундан ортиқ квадрат тузилишидаги катта хоналардан ташкил топган. Хонада бешта устун мавжуд бўлиб, улар ўртасида шифтнинг марказий қисми ёғоч тўсинларнинг бир-бирига диагональ йўналиш-

да ўрнатилиши натижасида гумбаз тузилишига келтирилган. Устунлар, асосан конструктив вазифани бажаришга қаратилган, яъни катта хонани калта тўсинлар билан турли тузилишда ёпиш имконини берган. Шундай бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар қайсиси рамзий маънога эга бўлган. Улар Муҳаммад, Ҳасан, Ҳусан, Али, Биби Фотима ва Зухраларга бағишланган. Ўнг томондаги биринчи устун Муҳаммадга бағишланиб, у асосий саналган (42-расм).

Хона сатҳи йўлак, тўғри тўртбурчак тузилишидаги пойгоҳ ва баланд супалардан ташкил топган. Пойгоҳ тўрт томон супаларига ўтиш имконини беради. Шифт туйнуги тўғрисида-пойгоҳда обрешташнов назарда тутилган (43-расм). Супалар хона интерьерига ўзгача кўринишни бағишлайди. Хонага кириб, супага чиққунча киши ўзини йўлакда (коридорда) тургандек ҳис қилади. Тоғли Бадахшоннинг барча дараларида кириш эшиги тўғрисидаги супа, меҳмон кутиш жойи ҳисобланган. Хона йўлаги устида икки устунга бириктирилган “бузовез” номли тахтача муқаддас ҳисобланган (44-расм). Унинг юзасига майда, нафис, доира, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар ўйилган. Умуман, Қоратегин, Дарвоз, Тоғли Бадахшон турар жой меъморчилигида хоналар ички тузилиши композиция жиҳатидан яхлит бўлишига қарамасдан, функция жиҳатидан аниқ қисмларга бўлинган. Шифт туйнугидан тушаётган ёруғлик, хонага сокинлик бағишлайди.

Марказий Осиё шаҳар ва тоғ турар жойлари интерьерини билан танишар эканмиз, уларда асрлар давомида ҳаёт кечириш учун зарур шароит яратишга ҳаракат қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Яшаш хоналарини тарҳига қараб, куйидаги турларга умумлаштирамиз: марказий хона атрофи йўлак (коридор) ва кичикроқ ҳажмдаги хоналар билан ўралган композицияли тарҳ; баланд марказий хона атрофи икки қаватда яшаш хоналари ва айвонлар билан айлантирилган тарҳ; анфилада хоналарнинг бирдан-иккинчисига ўтиладиган тузилишдаги тарҳ ва уларнинг ҳовли томондан айвон билан айлантирилган тури; тарҳда оддий, тўғри тўртбурчак тузилишидаги хона; марказий қисмида битта устунга эга тузилишдаги хона; учбеш устунли тарҳда тўғри тўртбурчак ёки томонлари тенг тузилишдаги катта хона ва бошқалар. Қадимдан хонани ўша жой табиати инжиқликларидан сақлашга ҳаракат қилинганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, Хива уйларида улу айвон-

нинг қўлланилиши, Хўжайлида ҳовлини том билан ёпиш, Тоғли Бадахшонда хона полини ер сатҳидан пастроққа тушириш йўллари билан хонани тоза ҳаво билан таъминлаш, ҳовлини чанг-тўзондан асраш, хонада қишда илиқ, ёзда салқин ҳароратни узоқ сақлаб қолиш чоралари қўлланилган. Уй композициясида айвон ва шийпонларнинг кенг қўлланилиши, хоналарни табиат манзараси билан боғлашга қаратилганлигини англатади.

Иккинчидан, хоналарнинг ички кўриниши оилаларнинг касб-кори билан ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, чорвадор оилаларнинг вақтинчалик ўтлоқларга кўчиб чиқиши ёки тез-тез жой алмаштириб туришлари учун оз вақт ичида асосий талабларга жавоб берадиган ички кўриниши ҳашаматли гилам, сўзаналар билан безатилган, тарҳда доира тузилишидаги маскан яратилиши бунга далил бўлади. Учинчидан, оила аъзоларининг маънавий дунёқарашлари ҳам, хона ички кўринишида, тузилишида ўз ифодасини топган. Хона тузилишида меҳмон ва кексаларнинг ўрни назарда тутилиши, хона ички кўринишида қулайлик ва бадий муҳитнинг яратилиши, фикримиз исботи бўлади.

Девор мағзида тоқча, тахмонларнинг жойлаштирилиши, хона полини пойгоҳ ва пешгоҳга тақсимлаб, улар сатҳини бир-бирдан кўтариш ва тушириш йўллари билан ажратишга, тоғли ўлкаларда хона атрофи бўйлаб супаларнинг жойлаштирилиши интерьерда баҳаволик, қулайлик, кенглик, саранжомликни таъминлашга қаратилган. Юқори Зарафшон тоғ турар жой меъморчилигида асосий хона билан туташган ва эшик билан боғланган ювиниш хонасининг назарда тутилиши, шаҳар ва тоғ турар жойлари хоналарининг пойгоҳ қисмида ташновнинг назарда тутилиши ва бошқалар, хонадон оила аъзоларининг қундалик ҳаёти учун зарур қулайликларни яратишга қаратилган. Оила аъзолари ўз диний эътиқодларига кўра тоат-ибодат қилишлари учун хоналарда муқаддас бурчаклар яратганликларидан, археологик ашёлар гувоҳлик беради.

Оиланинг маънавий-эстетик эҳтиёжи учун хона девор ва шифтларига ранг-баранг нафис безаклар ишланиб, конструктив асос ёки бирон-бир вазифа бажарувчи қисмлар бежирим безаклар билан бадийлаштирилган ва бойитилган. Хонада саранжом – саришталикни, тартибни, баҳаволикни таъминлаш чораси, деворларда ўрнатилган тоқча ва тахмонлар билан ечилган. Нафис ишлан-

ган тоқчабанд деворлар ўз вазифасидан ташқари, хонага гўзаллик, тантанаворлик бағишлаган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган далилларнинг ўзиёқ, хоналар тузилишида қулайлик, беағида бадийлик, хона композициясида баҳаволик, тантанаворлик, мутаносиблик бағишлаган ижобий анъаналарнинг асрлар давомида силлиқланиб, узоқ ўтмишдан бизнинг давримизга қадар етиб келганлигидан далолат беради.

## 1. 2. САРОЙЛАР

*«Гоҳ Бўстони Дилқушо ичра,  
Қасру айвони жонфизо ичра...  
Қилса не ранг ичини наққоши,  
Тоши ҳам бўлғай ул сифат қоши».*

*Алишер Навоий*

Сарой сўзи кенг маънога эга. Унга дам олиш хонаси, подшо қабулхонаси, базм ўтказиш, меҳмон қабул қилиш хоналари киради. Саройларнинг асосий хоналари хизмат даражасига қараб безатилган. Жумладан, меҳмон кутиш ёки дам олиш хоналари қолганларига нисбатан бадий жиҳатдан эпик, лирик мавзудаги тасвирлар билан безатилган. Шу ўринда Хоразмдаги Тупроқ қалъа саройини мисол келтирамиз. Сарой Подшоҳлар хонаси, Аскарлар хонаси, Ғалаба хонаси каби зал-маъмурий хоналарни ўз ичига олган. Аскарлар зали ўзининг беағи билан ажралиб туради. Хона девори бўйлаб айланттирилган супада катта-катта кўчқор шохига монанд волюталар, оралиғида эса саркардалар хайкали катта ҳажмда ишланган. Ўрта Осиёда, хусусан тоғли ҳудудларда кўчқор шохига монанд қилиб ишланган боша кенг қўлланилган. Кўчқор шохи тинчлик, бардамлик ва мардлик рамзини ифодалаган (45-расм). Мазкур саройда аскарлар хайкаллари билан хона атрофи бўйлаб супада жойланиши ҳамда кўчқор шохига монанд волюталарнинг қўлланилиши интерьер моҳиятини аниқ белгилайди.

Шоҳлар саройида эса тоқчалар каби девор мағзидаги бўлинмаларда шоҳлар хайкали ўрнатилган (46-расм).

Хоразмда антик даврга оид Қалъаи-Қир саройида марказдан узунасига ётқизилган харини бир қаторда тўртта устун кўтариб туради. Устунларнинг боша қисми грифон-қуш бошли ҳайвон шаклида

ишланган. Бу билан сарой интерьерига нафақат тантанаворлик, балки рамзий маъно ҳам бағишланган (47-расм). Чунки Марказий Осиёда грифон ёвузлик ва эзгулик, ёвузликни енгиш рамзини билдирган (Ремпель Л.И., 1987, 42-б.). Демак, мазкур сарой интерьерида эзгулик рамзи ўз ифодасини топган.

Нисо (Парфия) саройининг тарҳда томонлари тенг тўртбурчакли (20x20м) асосий зали ўзига хос композицияси, салобатлилиги билан ажралади. Хона марказида тўртта тўрт каварикли, қалин устун мавжуд. Улар интерьерда харилар ёрдамида шифтнинг бўлинмаларга тақсимлаган. Марказий бўлинма кўндаланг ўрнатилган тўсинлар ёрдамида ўртаси очик қолдирилган гумбаз кўринишига эга. Бу турдаги шифт Марказий Осиёда «чорхона» номи билан маълум (48-расм). Зал деворлари уфқ йўналишида бўртиб ишланган пойдевор ёрдамида икки қаватга (ярус) ажратилган. Биринчи ва иккинчи қаватда девор юзасидан чиқарилган ярим устунлар ёрдамида бўлинмаларга бўлинган. Деворнинг пастки яруси оқ, юқори яруси қизил рангларга бўйланган. Иккинчи қаватдаги ярим устунлар оралиғида тоқчалар бўлиб, уларда гилдан ишланган шоҳлар хайкаллари ўрнатилган (49-расм). Хайкаллар девор баландлигига нисбатан топилган пропорциялари билан қоронғи тоқчалар заминиде интерьер композициясини жонлантириб юборган. Бир сўз билан айтганда, монументал бинога хос конструкция билан бадий санъат намуналарининг ўзаро дид билан боғланганлиги, сарой интерьерига тантанаворлик, баҳаволик, бадийлик бағишлаган. Антик даврга оид Холчаён саройининг интерьери ҳам ўзгача кўринишга эга. Унда тоқча назарда тутилмаган. Тасвирлар барельеф-девордан бироз бўрттирилган ҳолда ишланган. Барельеф девор баландлигининг ўртасидан бошлаб юқори қисмини эгаллаган ва икки қатор ярусга бўлиб ишланган (50-расм). Биринчи ярусда сюжетли тасвирлар, юқорисиде гирляндалар – гулчамбарлар ифодаланган. Яруслар пастдан ва юқоридан хошия (бўртиб чиққан деворча) билан чегараланган. Тасвирлар маъно ва тартиб жиҳатидан бир-биридан узилмаган яхлит композицияни ташкил қилган ҳолда хонага тантанаворлик, расмийлик тушунчасини бағишлайди.

Антик даврга сарой хоналари деворлари маҳобатли рангтасвир билан ҳам безатилган. Уларнинг аксарияти бизгача сақланмаган. Тадқиқотчи М.А. Орлов Тупроқ қалъа саройи деворий сураг-

ларини қуйидаги уч турга бўлади. Биринчи ва кенг тарқалган турида девор юзасининг баландлиги 1 метр атрофидаги тўртбурчак юзаларга тақсимланган. Улар ичи орнаментал нақш билан безатилиб, юқори қисми сюжетли тасвир билан тугатилган. Иккинчи турда, хона девори юзасини бутунлай сюжетли тасвир эгаллаган. Учинчисида, девор юзасида одам юзи тасвири орнаментал тўғри тўртбурчак юза ичига олиниб, гулчамбарлар заминида ишланган (Орлов М.А., 1950, 386-б.).

Гуяр қалъа ҳукмдори қабулхонаси узунчоқ тузилишда бўлганлиги сабабли, унинг шифти бир қатор устунга ўрнатилган. Қабулхона деворлари мураккаб нақшу нигордан мустасно, ора-орада ҳошияга олинган тўғри тўртбурчак тузилишидаги панно мавжуд. Қабулхона тантанаворлигига, кўпроқ салобатли устунлар ҳисобига эришилган (51-расм).

Илк ўрта асрларда саройлар бир нечта катта зални ўз ичига олган. Жумладан, Уструшонда афшонлар саройидаги салтанат зали (тахтли) 230 м<sup>2</sup> майдонга эга бўлган (Негматов Н.Н., 1973, 97-б.). Вахш беклиги (князлиги) марказий саройида учта зал бўлган, салтанат зали майдони 200 м<sup>2</sup> ни ташкил қилган (Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И., 1973, 157-б.). Илк ва ўрта асрлар саройларида ўзига хос хусусият шундаки, уларда асосий хоналар тўғри тўртбурчак тузилишда бўлган. Хона атрофи бўйлаб сува ўрнатилган. Хона шифтининг бир қисми антик даврдигидек “чорхона” шаклида ёпилган. Уларнинг асосий хоналари деворларида эса ҳар хил мавзуда рангли тасвирлар ишланган.

Бунжикат саройида, катта ва кенг хонага икки қатор салобатли баланд устунларнинг жойланиши ва уч қатор шифтнинг бир нечта қисмга бўлиниши, хонага тантанаворлик ва баҳаволик бағишлаган. Шифтнинг марказий қатори ўртасидаги бўлинманинг «чорхона» тузилишида ёпилиши, залга ёруғликнинг майин тарқалишига имкон берган. Ёруғлик тушадиган манба катта залнинг марказига бўйсуниб, яхлит кўринишга эга бўлишига омил бўлган (52-расм).

Панжикент саройи зали В.Л. Воронина реконструкциясида қуйидагича тузилишга эга: Сарой зали оддий тўрт устунли, томонлари тенг тузилишга эга. Лекин деворлардаги икки ва уч қаватда ишланган маҳобатли тасвирлар унинг тантанаворлигини ва монументал бинога тобелигини яққол акс эттиради. Деворлардаги тасвирий паннолар ҳам композиция, ҳам мавзу жиҳатидан тўрдаги девор-

да ишланган шоҳ тасвирига бўйсунган. Унда подшоҳнинг қаҳрамонликлари, кундалик ҳаётига оид мавзулар тасвирланган (53-расм).

VI-VIII асрларга оид Болаликтепа саройида меҳмонларнинг дастурхон атрофида ўтирганлари тасвирланган. Унда 28 нафар эркак ва аёлнинг базмда ўтиргани бир (ярусда) қаторда ишланган. Бундай тантанавор залнинг ички кўриниши Л.И. Альбаум реконструкциясида қуйидагича: Л.И. Альбаум узунчоқ тузилишдаги кичкина хонани бир устун ва хари билан икки қисмга бўлади. Кичкина хонага устун ўрнатилиши хона яхлитлигини йўқотади. Бизнингча хонада устун ўрнатишга ҳожат бўлмаган. Бунга хонанинг ҳажми ҳам гувоҳлик беради. Хона шифтини харилар билан уч қисмга бўлиб, ўртадаги бўлинмани туйнукли чорхона шаклида ёпиш кифоя эди. У ҳолда сарой интерьерининг композиция жиҳатидан яхлитлиги сақланган бўларди (54-расм). Бу масалада В.А.Нильсен реконструкциясидаги Болаликтепа саройи зали фикримиз исботи бўла олади (55-расм).

Варахша саройидаги “Қизил хона” номли хонада тасвирлар уч қаватда (ярусда) ишланган. “Қизил хона” реконструкцияси В.А. Нильсен томонидан маҳорат билан ёритилган. Хона тўрида тўрт томони очик кўшк ичига олинган тахт тасвирини кўрамиз. Кўшк устунлари кариатида-аёллар шаклида ишланган. Ранг-баранг матолар билан жиҳозланган тахт, кариатидали кўшк ва деворлардаги бадий безаклар, қабулхона интерьерига тантанаворлик бағишлайди (56-расм).

Саройда хоналарни боғловчи йўлаклар ҳам тузилиши, композицияси билан, ундаги қисмлар функция жиҳатидан қулайлиги билан ажралади. Жумладан, В.А. Нильсен реконструкциясида Жумалактепа кўшкидаги йўлак фикримиз исботи бўла олади. Унда иккинчи қаватга олиб чиқадиган зиналар, залга ўтиш жойида очик бўлинманинг икки ёнида ўрнатилган супалар ҳам йўлак кўришига тантанаворлик бағишлаган. Варахша саройининг ҳовли қисмидаги уч равокли девори ҳам ўзининг ҳашами, тантанаворлиги билан диққатга сазовордир. Унинг марказий равоки қолганларидан кенлиги ва баландлиги билан иморат ҳовли марказини белгилайди. Мазкур айвон, саройдаги баланд майдон ва айвонларининг бир (элементи) бўлаги бўлган. Айвонда маҳаллий ҳокимлар дам олган. В.А. Шишкиннинг фикрича, бу майдон, айвон девори билан сўнги ўрта асрларда қурилган саройлардаги “кўриниш-

хонанинг” бошлангич турларидан бўлган (Шишкин В.А., 1956, 84-85-б.). Мазкур ҳашаматли девор ўзининг салобатлилиги, тантанаворлиги билан айвон ва майдон тарҳи, тарзида композиция жиҳатидан устуворликни таъминлаган (57-расм).

Афросиёба очилган сарой хоналаридан асосийси тарҳда квадрат тузилишда бўлиб, 121 метр квадрат юзага эга. Хона девори атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Хона ғарбий деворида супа ўртаси хона маркази томон бироз бўртиб чиққан. Супанинг ўша жойида тахт ўрнатилган. Хонанинг тўрт девори ҳам сюжетли тасвир билан безатилган (58-расм). Афросиёб саройининг тарҳи унинг марказида тўрт устун бўлганлигидан далолат беради. Сарой деворлари шифтгача тасвирий саҳналар билан тўлдирилганлиги, унинг ички қисмини табиий ёруғлик билан таъминлаш учун тўрт устун ораллигида, шифтда чорхона тузилишидаги туйнук бўлганлигига кишини ишонтиради.

Оддий бой хонадон, хоким ва катта ерга эга бўлган деҳқонларнинг кўшклари тузилиш жиҳатидан саройларга ўхшаб кетади. Улар фақат катта-кичиклиги, оддий ёки бой беағи билан саройлардан фарқ қилади.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг иморатларнинг тури кўпаяди. Уларнинг шаҳарсозлик тизимида таъсири катта бўлган. Бу эса ўз навбатида бундай биноларнинг бадиий бўлишини тақозо қилган. Монументал бинолар таркибига бой ва зодагонлар турар уйлари, саройлар, карвонсаройлар ва диний обидалар киради. Бадиий беағда ҳам ўзгаришлар рўй беради. Ислом дини тирик мавжудот тасвирини чизишни таъкидлайди.

IX-X асрлардан пишган ғишт нафақат ташқарида, балки хона ичида ҳам ишлатила бошланади. Ундан турлича қалаш ёрдамида арчасимон, илон изи каби бурама нақшлар ишланади. Жуфт-жуфт ғиштлир, ораллигига тик қаланган ғишт билан боғлаб, чиройли композиция яратилган. Шунингдек, конструктив асосларнинг гўзаллиги билан ҳам иморат ички кўриниши тантанаворлиги таъминланган. Шундай иморатлар қаторига Термиздаги Қиз қалъа саройи киради. Сарой IX асрда қурилган. У ўзига хос тарҳ ва тарзга эга. Унинг марказида томонлари тенг (11, 5x11, 5м) ҳовли мавжуд. Сарой атрофидаги хоналарга кириш учун унинг марказий ҳовлисидан тўрт томонга иккитадан йўлак йўналган. Йўлаклар тарҳда “Г” ҳарфига монандлиги ҳисобига ҳар бир хонага алоҳида кириш имконини берган. Сарой-

нинг жануби-шарқ қисмида уч устунли катта зал мавжуд. Сарой зали ва хоналари беағдан мустасно бўлишига қарамасдан, ундаги конструктив асослар гўзаллиги, пропорцияларининг мутаносиблиги, ечимининг пухталиги билан унинг ички кўринишига ўзгача гўзаллик, тантанаворлик бағишлаган (59-расм).

X-XII асрларда интерьер беағда ғишт билан ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Интерьерларда тоқчалар икки ёни ғиштли декоратив устунчалар билан белгиланган. XI-XII асрларда иморатларнинг ички ва ташқи беағда, интерьер қисмларида “қуфи” ва “насхи” дастхатларини қўллаш жорий қилинади.

Ёзма маълумотларга кўра, IX-X асрларда Самарқандда иккита сарой қурилган. Самарқандда қурилган Сомонийлар саройи деворининг пастки қисмига тегишли, баландлиги 1,2 метрли ганч панно сақланиб қолган. Унинг юзаси квадрат, айлана, олтибурчак, юлдузсимон, геометрик юзага бўйсунган ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган. Хоразмшоҳ унвонини қабул қилган Абул Аббос Маъмур саройи Хоразмнинг маркази Урганчда X асрда қурилган. Унинг замондоши мазкур сарой дарвозасининг Хуросонда гўзалликда тенги бўлмаганлигини таъкидлайди (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1965, 123-б.). Мақдисий Абул Аббос Маъмурнинг ўғли Али, отаси саройи олд томонида бошқа бир сарой қурганлиги ҳақида маълумот беради (Якубовский А.Ю., 1930, 8-б.).

XI-XII асрларга оид саройлар жумласига, Марвдаги Шаҳриёр Арк ва Термиз шаҳрининг шимоли-шарқ қисмида пойдевори, устунларининг пастки қисми сақланиб қолган шоҳлар саройи киради. Бу саройнинг, айниқса қабулхона зали киши диққатини ўзига тортади. Сарой залининг бир томони очик бўлиб, у ҳовлидан айвон билан чегараланган. Б. Веймарнинг, Термиз саройи залининг ғарбий томони очик бўлиб, ҳовли билан кўшилиб кетган (Веймарн Б., 1934, 106-б), деган фикрига С.Б. Лунина ишончсизлик билдириб, тантанали қабул маросимларига мўлжалланган сарой залининг айвон каби ҳовли муҳити билан бирлашиб кетиши, ҳақиқатдан узоқ,- деб ёзади (Лунина С.Б., 1980, 61-б). С.Б. Лунинанинг бундай фикрга келишига, унинг Марв шаҳарчасида X-XIII асрларга оид турар жой комплексида археологик қазув ишлари олиб бораётганда дуч келган иморат ҳолати сабаб бўлган. У қазиган уй хоналари-

дан айримларининг ҳовли томондаги девори йўқ бўлган, лекин уюлиб ётган тупроқларнинг қулаган девор қолдиқлари эканлиги аниқланган. Шунинг учун ҳам у ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Термиз саройи бўйича Б. Веймарн фикрига ишончсизлик билдирган. Шунинг айтиши керакки, Термиз саройининг очиқ қисмида ғишт уюмлари, пойдевор қолдиқлари ёки излари бўлганда, Б. Веймарн залнинг ҳовли томони ҳам деворга эга, деган фикрга келган бўларди. Шунинг эрдан чиқармаслик керакки, ҳовли томони очиқ обидаларни илк ўрта аср эҳромларида ва ўрта асрга оид Чорустун масжиди мисолида кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, сарой шаҳардан четда бўлганлиги сабабли, у ёзги боғ сарой вазифасини ўтаган. Мазкур сарой интерьериди икки қатор қалин тўғри тўртбурчак устунлар зални уч қисмга бўлади. Тахмин қилинишича, залнинг ўрта қисми (эни 5,5 метр) бир қаватли ва баланд бўлган ҳамда равоқ билан ёпилган. Икки ён қисми эса икки қаватга эга бўлган. Қалин тўғри тўртбурчак устунларнинг залга қараган томони бурчаклари декоратив устунчалар билан белгиланган. Девор ва устунлар юзаси ўсимликсимон ва геометрик нақшлар билан безатилган. Деворнинг шимолий қисмидаги паннода шерга ўхшаш афсонавий ҳайвонлар тасвири ифодаланган. Шунингдек, сарой беағида хуснихатли ёзув билан тўлдирилган кенг юзалар ҳам мавжуд. Умуман, сарой интерьерининг тузилиши, салобати, мавзу, услуб жиҳатидан бой, ўйма беағи билан кишини ҳайратда қолдирган (60-расм). Сарой зали деворларида одам юзига монанд икки бошли мавжудот, қуш танали, бир бошли шер тасвирлари сақланиб қолган. Устунларнинг сақланиб қолган қисмида бундай тасвирлар учрамайди. Бу далил, шер тасвири, сарой интерьерининг кўзга ташланмайдиган, қоронғироқ жойларида ишланган, деган фикрни тугдиради. Чунки тасвирларни устунлар тўсиб қолади. Мазкур далилларни инобатга олиб, сарой ички кўринишини қоғозда қайта тиклаётганимизда унинг интерьерини пештокида, шер тасвирини ишлашдан воз кечилди (Нозилов Д.А. 2003, 21-б.).

Марказий Осиёда XI-XII асрларда мажлислар ўтказадиган жамоат иморатлари ҳам бўлганлигидан, Туркманистондаги битта узун хонадан ташкил топган Шаҳриёр – арк номли обида гувоҳлик беради. Мазкур обида кейинчалик ўз вазифасини йўқотган. Сўнгра иморатнинг ҳамма девор-

ларига ички томондан қапиштириб яна бир девор қурилган. Бу деворда бир неча қаторда кичкина тоқчалар қолдирилган. Мазкур деворнинг кейин қурилганлиги сезилади. Иморат вазифаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. Жумладан, В.И. Пилявский, уни кутубхона учун китоб сақлайдиган хона ёки Марв ҳокими саройининг ҳашаматли хонаси бўлса керак, - деб тахмин қилади (Пилявский В.И., 1947, 48-50-б.; Пилявский В.И., 1950, 101-102-б.). С.П. Толстов, тоқчаларни Хоразмнинг ўрта асрларида оид «Каптархона»дагидек хўжалик буюмлари кўйишга мўлжалланган, деб таъкидлайди (Толстов С.П., 1948, 162-б.); М.Е. Массон мазкур иморат XV асрлардан бошлаб қоронғи хона тоқчаларида ёғочлар ўрнатилиб, уларга қовун тилимларини осиб қуриштиришга мослаштирилган, - деган фикр-ни билдирган (Пугаченкова Г.А., 1958, 218-б.); Г.А. Пугаченкова бу иморат давлат миқёсидаги мажлисларни ўтказиш учун девон вазифасини ўтаган, деб таъкидлайди (Пугаченкова Г.А., 1958, 218-б.). Дарҳақиқат, тарҳи, тузилиши ва иморат ичидаги кўп тоқчали деворнинг кейинчалик қурилганлигини инобатга олсак, унинг Г.А. Пугаченкова таъкидлаганидек девонхона – мажлислар ўтказиш учун мўлжалланганлигига шубҳа қолмайди (61-расм).

XIII асрда Ўрта Осиёда мўғиллар истилоси оқибатида шаҳарлар, монументал иморатлар, шу жумладан саройлар вайрон қилинади. XIII асрдан фақатгина диний иморатлар (мақбара, масжидлар) етиб келади. Гумбаз конструкциялари шаклланади. Хона бурчакларида, хусусан гумбазли иморатларда “шарафа” безак сифатида кенг қўлланилади. Улар ярим сферик, перспективада бир-биридан сурилган равоқли муқарнас шарафалар шаклида ёки иккаласининг бирикмасидан ташкил топган бўлиши мумкин. Бадиий безакда полихром қошин кенг ишлатилади, бир рангли бўртма нақш ва пардозланган ғишт қўлланилиши сақланади. XIV асрда кўк рангли юзада нақш ва ёзувлар оқ рангда ишланади.

Марказий Осиёда шаҳарсозликнинг ва монументал архитектуранинг шаклланишига Амир Темур тузган буюк давлат кенг йўл очиб беради. XV асрда интерьерда кундал-қаварикли юзага зарҳал юритилган нақш юзага келади. Гумбаз асоси конструкцияларига ҳам ўзгаришлар киритилади. Узунчоқ тузилишдаги хоналарни параллел равоқлар ва ярим равоқлар ёрдамида бир нечта гумбаз билан ёпиш услуги жорий қилинади. Қалқонси-

мон равоқлар юзага келади. Улар асосида XV асрнинг иккинчи ярмида равоқлар кесишувида гумбаз ўрнатиш услуби шаклланади. У XVI асрда кенг қўлланила бошлайди. Бундай гумбазли хоналар равоқларнинг ёйикроқлиги учун интерьерда пасткамроқ композицияни ташкил қилади.

XIV-XV асрларда Самарқандда Кўксарой, Шаҳрисабзда Оксарой каби мухташам саройлар қурилади.

Марказий Осиёда саройларнинг, шаҳар атрофидаги боғларда қурилишига алоҳида эътибор берилган, XIV-XV асрларда “Чорбоғ” номли ягона тартибда боғ яратилган. Чорбоғ катта майдонни эгаллаган бўлиб, унинг тўрт томонида биттадан боғ назарда тутилган. Ҳар бир боғ ўз навбатида чорчаманга эга, яъни тўрттадан боғчани ташкил қилган. Сарой боғнинг марказий майдонида ёки ён қисмида қурилган. Боғ сарой, бир-икки қаватли катта мухташам иншоот тарзида қурилган. Шундай, саройга эга боғлар қаторига Амир Темури томонидан Самарқандда яратилган Боғи Дилқушо, Боғи Бўлду, Боғи Давлатобод, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Зағон, Боғи Беҳишт ва бошқалар қиради. Уларнинг айримлари ичида фавворали ҳовузлар бўлган. Шундай саройлар қаторига Боғи Дилқушо боғ саройи қиради. Сарой Ў. Алимов томонидан ўрганилган ва унинг тарҳи график реконструкцияси бажарилган (Алимов Ў., 1984, 123-б., 32-расм). Мазкур реконструкцияга биноан, боғ саройи, тарҳда бир хил тузилишдаги икки қисмдан ташкил топган. Қисмларнинг ҳар бирида икки хона ва биттадан узун далон мавжуд. Бу икки қисм марказий, яъни учинчи далон ёрдамида бир композицияга бирлаштирилган. Натижада боғ иморати симметрик тузилишга эга бўлиб қолган. Далонлар марказида биттадан, жаъми учта ҳовуз бўлган. Мазкур сарой далонларидан бири ички кўринишининг реконструкциясида қуйидаги манзара гувоҳи бўламан: Сарой далонларидан ҳар бири учтадан баланд гумбазга эга. Далон деворлари, гумбазлари юзаси ранг-баранг геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Пол юзаси мрамр тош билан пардозланган. Марказий гумбаз остида жойлашган ҳовузда сув фаввора – фонтан бўлиб отилиб турганлиги кўз ўнгимизда намоён бўлади. Умуман, иморат ичига табиат манзарасининг бир бўлаги олиб қилинганлиги гувоҳи бўламан (62-расм).

XVII асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Бухоро,

Кўккон, Хива хонлиқларига, шунингдек бир нечта тобе, ярим тобе беклиқларга ва кичик шоҳлиқларга бўлинади. Монументал бинолар қурилиши XIX аср бошларида яна жонланади. Хусусан, бу Хива хонлиги маркази - Хива шаҳрида яққол сезилади. Бинолар ичи ва ташқи қисми сирланган гишт ва майолика билан безатилган. Сарой интерьерлари беағида нафис жилоланган ўсимликсимон нақшлар, геометрик фигуралар, доира ва пистабодом каби нақшлар ичига олинган.

Кўзга кўринган мухташам саройлар қаторига Хивадаги Тош ховли саройи қиради. Мазкур сарой беағида турар жойларга ва монументал обидаларга хос безак турлари ишлатилган. Сарой композициясини икки қават баландликдаги айвонлар жонлантириб юборади. Улар ўртасидаги нафис нақшли узун устунлар айвонга тантанаворлик бағишлайди. Айвонлар икки қаватли сержило безакли хоналар оралиғида қайтарилади (63-расм).

Бухоро яқинида қурилган Бухоро амирининг ёзги саройи Ситорай Моҳи Хосса - Европа билан маҳаллий безак анъаналарини ўзида мужасамлантирган. Сарой хоналари анфилад тузилишга эга. Интерьер беағида кўзгулар, рангли ойна кенг қўлланилган. Оқ рангли хона деворларида ганч безак кўзгу заминида ишланган. Сарой интерьерларида тантанавор муҳит сақланиб туради.

Саройлар интерьери тузилиши, асосан уларнинг тарҳидан келиб чиққан. Илк ўрта асрларда тўғри тўртбурчак хона, атрофи сула билан ўралган тарҳ, тўғри тўртбурчак марказий ўқи бўйлаб бир қатор устунлар ўрнатилган тарҳ, тўрт устунли, устунсиз, тўғри тўртбурчак атрофи сула билан айлантирилган тарҳ ва бошқалар кенг қўлланилган. Ўрта асрларда томонлари тенг тўғри тўртбурчак, икки қатор устунларга эга тўртбурчак тузилишидаги тарҳ, томи гумбаз билан ёпилган салобатли хоналардан ташкил топган тарҳ, XIX-XX аср бошларида бир хонадан иккинчисига ўтиладиган, деворлари ранг-баранг безакли тарҳ, хоналар оралиғида сербезак, баланд айвонлар билан алмашилиб келган тарҳ ва бошқалар қўлланилган.

Марказий Осиёда саройлар интерьерининг ҳам тарҳ, ҳам бадиий безак орқали монументал композициясига эришишга ҳаракат қилинган. Антик ва илк ўрта асрларда Хоразм саройларида тўғри тўртбурчак тузилишидаги зал, маркази бўйлаб ўрнатилган бир қатор устунлар ёрдамида икки қисмга бўлинган. Хуросонда (Парфия) томон-

лари тенг тузилишдаги баланд зал икки ярусга бўлинган (Нисо саройи). Бақтрия ва Суғд саройлари тарҳда томонлари тенг ёки тўғри тўртбурчак тузилишидаги катта залларга эга. Улар икки қатор устунлар ёрдамида уч қисмга (нефга) бўлинган.

Бақтрия, Хуросон, Хоразм саройлари интерьерларида маҳобатли рангтасвир ва ҳажмли бадий санъат асарлари, ҳайкаллар кенг қўлланилган. Суғд давлатида саройлар интерьерлари моҳиятини кўпроқ рангтасвир бадий санъат асарлари белгилаган.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг бадий безакда тирик мавжудотни тасвирлашнинг ман қилиниши саройлар безагида маҳобатли (монументал) паннонинг йўқолишига олиб келади, лекин интерьернинг монументаллигига путур етказилмайди. Унинг ўрнига ўсимликсимон ва геометрик нақшлардан ҳар хил услубда (техникада), яъни девор юзига рангда нақш чизиш, ганчли юзага нақш ўйиш, қўш қаватли ганчнинг устки қатламига ўймакорлик қилиш, турли рангдан кошин териб нақш чиқариш, гиштни турли йўналишда териб, безак ишлаш йўллари билан тузилган паннолар кенг қўлланилган.

Ўрта ва сўнгги ўрта асрларда саройларнинг асосий хонасини ёпишда гумбаз ёки токи тузилишидаги конструкциядан кенг қўлланилган. Саройларда бир томони айвонга очилган, икки ёки тўрт томони айвон билан белгиланган марказий гумбазли зал, анфилада-хоналарнинг кетма-кет жойланиши каби тарҳлар кенг қўлланилган.

Умуман, саройларнинг қайси даврда қурилганлигидан қатъи назар, улар интерьерлари композициясида монументалликка, бадийликка, тантанаворликка, улғуворликка эришилган.

## 1. 3. ИБОДАТХОНАЛАР ИЧКИ КЎРИНИШИ

**Бу жой яна оташпарастрлар ибодатхонаси ҳам бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йиғилганларида ҳаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар.**

**“Наршахий Бухородаги Бозори Моҳ рўз” ҳақида**

Марказий Осиё халқларининг диний эътиқодлари қадим замонларда турли кўринишга эга бўл-

ган. Улар нафақат ер, сув, осмон, балки маҳаллий, ҳатто хонадон илоҳларига ҳам эътиқод қилишган. Асрлар давомида маҳаллий динлар бирлашиб, йириклашиб борган ва янги, қамрови кенг йирик динлар юзага келган. Шулар жумласига зардуштийлик, христиан ва бошқа динлар қиради. Бу динларга тегишли ибодатхона иморати, тарҳига, тузилишига ва ички кўринишига таъсир кўрсатган. Ибодатга келганларга қулайлик яратиш мақсадида, турли дин ақидалари эътиборга олинган ҳолда, ибодатхона тарҳига ўзгартиришлар киритилган. Хусусан, ибодатхона ичида турли қурилмалар яратилган. Шунинг учун турли динга тааллуқли ибодатхоналар ички кўриниши, ўзига хослиги ва қурилмалари билан бир-биридан ажралиб турган. Шунинг учун мазкур бобда археологлар томонидан очилган ва ўрганилган зардуштийлик, буддизм, христиан динларига оид ибодатхоналар интерьерига тўхталиб ўтамиз.

### Зардуштийлик ибодатхоналари

Марказий Осиёда зардуштийлик дини антик даврда шаклланди. Зардуштийликнинг ўзига хослиги шундаки, унинг асосини ёруғлик, эзгулик, ёвузлик, зулмат каби бир-бирига зид тушунчалар ташкил қилади. Эзгулик ва ёруғлик руҳлари бошида Ахура Мазда (Ормузд), ёвузлик ва зулмат бошида Ангра Майнью (Ориман) туради. Бу иккала буюк руҳ борлиқнинг тенг ҳуқуқли яратувчилари ҳисобланган (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 39-б.). Зардуштийлик ибодатхоналари интерьерларида муқаддас оловга сифиниш учун маҳсус оташкад назарда тутилган. Муқаддас олов билан боғлиқ оташкад Шива, Митра, Анахита, Ахура Маздага бағишланган ибодатхоналарда бўлган. Бундан, Кушон давлатида Хормизд подшоҳлиги даврида зарб этилган тилла тангаларида Шива, Митра, Ахура Мазда тасвирлари билан бирга зардуштийлик рамзи сифатида – муқаддас алтарь расми ҳам ишланганлиги далолат беради (Луконин В.Г., 1969, 146-б.). Нисо мажмуасида айлана тузилишидаги хона диққатга сазовор. Хона диаметри 17 метр. Хона интерьерлари, худди шу мажмуадаги квадрат хонакаби, икки қават (ярус)га бўлинган. Биринчи қават девори текис, иккинчи қават – ярим устунлар ёрдамида тенг қисмларга (бўлинмаларга) бўлинган. Ярим устунларнинг бош қисми-капител коринф ордерида монанд барглр билан безатишган. Деворнинг ҳар бир бўлинмасида биттадан тоқча бўлиб, уларда Парфия худолари ҳайкаллари

жойлаштирилган. Олимларнинг фикрича, бу хона ўртасида оташкад ёки катта ҳайкал ўрнатилган бўлиши мумкин. Иккала ҳолда ҳам хонада диний маросимлар ўтказилган. Бунга хонадаги сукунатни акс эттирувчи муҳит ҳам гувоҳлик беради (64-расм). Мазкур ибодатхона ўзининг тарҳи, тоқчаларидаги ҳайкаллари билан маҳаллий халқнинг диний эътиқодларини акс эттирган ҳолда зардуштийлик динига мансуб бўлиши мумкин, чунки ибодатхона полини тозалашда археолог Н.И. Крашенинникова бурама доирачаларга дуч келинганлигини ва ўз вақтида бу топилмага астойдил эътибор берилмаганлигини таъкидлайди. И. Жаббаров ва Г. Дресвянскаяларнинг фикрича, мазкур топилма зардуштийлик динига эътиқоди баланд шахснинг доира бўйлаб тош терилган юзаларда покланишини эслатар экан (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 81-б.).

Бақтрияда (Тоҳаристон) III-IV асрларгача марказий ҳовли ҳамма томонидан хоналар билан ўралган бўлса, эндиликда зал, уч томонидан коридорлар ва тарз қисмида қатор устунли пештоқ билан чегараланган тарҳ, юзага келади. Иккала тузилишдаги тарҳ ҳам асрлар давомида бизгача бироз ўзгаришлар билан етиб келади (Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., 1990, 85-88-б.). Иккинчи турдаги тузилишни Суғдда ҳам, шу жумладан, Панжикентдаги эҳромларда ҳам кўрамиз. Айвонли пештоқ Марказий Осиё меъморчилигида эҳромларга хос бўлган, деган фикрлар мавжуд (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 129-б.). Шунинг айтиш кераки, айвонли пештоқ Холчаён саройи ва Далварзинтепа антик давр турар уйлари тузилишида ҳам мавжуд. Шунинг учун мазкур тарз саройлар ва турар жойлар тузилиши учун ҳам характерли бўлган.

Ҳар қайси дин белгилари маросимлари ўша динга мансуб ибодатхоналар тарҳи, тарзи ва бадиий беағида, асосан интерьерда, ўз ифодасини топган. Жумладан, Хоразмдаги Тупроқ қалъа саройининг “Шоҳлар зали” 280 м<sup>2</sup> юзани ташкил қилади. Сарой деворларига турли мавзуларда тасвирлар чизилган. Девор бўйлаб йўналган пойкурсиларда ҳайкаллар ўрнатилган. Пойкурсилар сони 24 та ва ҳайкал ўрнатиш учун 3 та тоқча мавжуд (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 113-б.).

Хоразмда даставвал бир ой 27 кундан иборат бўлган, деган тахмин-фаразлар бор. У ҳолда “Шоҳлар зали” ҳайкаллари пойкурсиси билан композиция жиҳатдан бир ойнинг барча кунларига мос

келар экан. Чунки залда 27та илоҳийлар учун ҳайкал ўрни мавжуд. Улардан ўнинчисидаги асосий ҳайкал Анахитага бағишланган экан, чунки календарда 10- кун сувлар худоси куни ҳисобланган (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 113-б.). Шоҳлар зали тузилиши Ахура Мазда ва бажарадиган вазифасига биноан Хоразм илоҳийларига бағишланган (Рапопорт Ю.А., 1978, 275-281-б.).

Никоблилар рақси хонасининг Ю.А. Рапопорт томонидан ишланган тарҳи ва шимолий девори, реконструкцияга биноан (Рапопорт Ю.А., 1984, 34-расм), хонанинг уч девори марказида биттадан катта-катта, таҳмонга монанд бўлинмалар мавжуд. Ҳар бир бўлинманинг икки ёнида саёзроқ тоқчалар жойлаштирилган. Тоқчалар атрофининг поғона шаклида ичкари томон кичрайиб борган рамалар билан чегараланишининг ўзиёқ, девор юзаси композициясини жонлантириб юборади. Марказий таҳмон деворида аёл билан, боши эчкиникига монанд йиртқич ҳайвон ҳайкали, тоқчаларнинг ҳар бирида бир жуфт эркак ва аёлнинг рақсга тушаётган ҳолати, тоқчалар оралиғидаги юзада биттадан аёлнинг рақсга тушаётган, девор бурчакларида эса биттадан доира чалаётган аёллар тасвири ишланган.

Ю.А. Рапопортнинг таъкидлашича, зал марказида тўртбурчак тузилишдаги юзада алтарь-муқаддас меҳроб (оташкад Н.Д.) бўлган (Топраккала, 1984, 74-б.). Томонлари тенг катта хонанинг ўртасида тўртта устуннинг бўлиши, улар оралиғида пол юзасида оташкаднинг жойланиши, шифт марказида туйнук бўлганлигидан далолат беради. Ю.А. Рапопортнинг фикрича, учта катта таҳмоннинг бўлиши, уларнинг уч илоҳга бағишланганлигидир, ва улардан бири (шимолий девордагиси Н.Д.) ўзига ҳамроҳ сифатида йиртқич ҳайвонни танлаган аёллар худоси бўлган (Рапопорт Ю.А., 1984, 82-б.). Мазкур хона Анахита ибодатхонаси бўлган ва бу хонада Хоразм шоҳи ва маликанинг муқаддас тўйлари муносабати билан диний эътиқодга оид одатлардан бир қисми бажарилган, деб тахмин қилинади (Рапопорт Ю.А., 1984, 85-б.) (65-расм).

Панжикентда очилган иккита ибодатхона тарҳи ҳам ўзгача. Уларнинг иккаласида ҳам асосий тўрт устунли (зал) катта хонанинг ҳовли томони очик қурилган. Ҳовлидан хона интерьери бутунлигича кўринади. Хона атрофи уч томондан айвон, узун йўлак (коридор) ва бошқа хоналар билан ўралган. Иккала ибодатхонада ҳам асосий хона-

ларнинг жануб деворида иккита токча бўлиб, уларда ҳайкаллар ўрнатилган. Шу ўринда ибодатхона тарҳига оид бир масалага тўхтаб ўтишни лозим топдик.

Залнинг уч томондан йўлак (коридор) билан айлантирилган тарҳи аксарият буддавийликка мансуб ибодатхоналарда учрайди. Бундай турдаги тарҳнинг Қоратепада бўлганлиги сабабли, Б.Я.Ставиский уни Кушон даврида Бақтрия (Тохаристон) Будда иморатларида юзга келган, дейди (Ставиский Б.Я., 1965, 30-б.). Б.Я.Литвинский бундай тарҳнинг келиб чиқишини кенг минтақада (регион) кидириш керак, катта минтақада Ҳинд-Будда, Эрон-зардуштийлик меъморий гоёлари ўзаро алоқада бўлган шароитда Будда меъморчилиги томонидан ўзлаштириб олинган, деб таъкидлайди (Litvinskiy В.А., 1968, 106-б.). Г.А.Пугаченкова шу тартибдаги тарҳни икки турга бўлади: а) коридор ёки йўлакчага монанд бўлинмалар билан айлантирилган зал; б) атрофи коридор ёки коридорга ўхшаш хоналар билан айлантирилган айвон, дахлизли, бир ёки бир нечта зал. Г.А.Пугаченкова мазкур композициядаги тарҳ Парфия, Бақтрия меъморчилигида кенг тарқалган бўлишига қарамай, у фақат диний иморатларга тегишли бўлиб қолмасдан, балки фуқаро (сарой, турар уй Д.Н.) иморатларида ҳам кенг тарқалган, – деб ёзади (Пугаченкова Г.А., 1973, 122-124-б.; Пугаченкова Г.А., 1976, 166-б.). Ахомонийлар даврида Сузадаги оташпарастлик ибодатхонасида ҳам зал йўлак билан айлантирилган. Парфия оташпарастлик ибодатхоналарида ҳам шу тузилишдаги тарҳ ривожлантирилган (Литвинский Б.А., Соловьев В.С., 1985, 55-б.). Илк кушонлар даврида Далварзинтепа шаҳрининг икки буржида иккита Бақтрия худоларига бағишланган ибодатхона бўлган. Улардан биттаси квадрат тузилишдаги ибодатхонага эга бўлиб, унинг атрофи йўлак (коридор) билан айлантирилган. Уларнинг иккаласидаги асосий хоналар деворларида ҳам рангтасвир бўлган (Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., 1990, 94-б.). В.А.Нильсен, зардуштийлик динига мансуб уч томони йўлак билан айлантирилган ибодатхона тузилиши турли динга мансуб ибодатхоналарда бўлган ва қадимдан қўлланилган. Мазкур тузилиш кенг тарқалишига қарамасдан, у ҳатто буддизм динига мансуб ибодатхоналар учун ҳам ягона тарҳ бўлмаган, – деб таъкидлайди (Нильсен В.А., 1966, 73-б.). Сулаймонов Р.Х. – диний ибодат характери ибодатхона иморат тури билан боғлиқ бўлмаган, – деб

ёзади (Сулейманов Р.Х., 2000, 247-б.).

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг фикрларига асосланиб, Панжикент ибодатхонаси тарҳи унинг зардуштийлик динига мансублигини инкор этмайди, деган фикрга келамиз.

Панжикент ибодатхоналарини А.Ю.Якубовский, зардуштийлик динининг Маздак шахобчасига тегишли бўлиб, Анахита, Митра, Сиёвуш маҳаллий илоҳийларига бағишланган, – деб ёзади. А.М.Беленицкий манихей динига (Беленицкий А.И., 1954, 66,81-б.), Б.В.Шкода эса зардуштийликнинг бир шахобчасига тегишли, – деб таъкидлайди (Шкода Б.В., 1986). И.Джаббаров, Г.Дресвянскаялар Панжикент ибодатхоналаридаги катта хоналарнинг шарқ томонга очилиши, зардуштийлик динининг ақидаларига зид, – деб ёзишади. Улар тасвирларда ифодаланган сув фалокати, балиқлар, сув ҳайвонлари ва оёқлари илон думига ўхшатиб чизилган яланғоч одам қомати тасвирини инобатга олиб, ибодатхона сув фалокатини қайтарувчи (худоларга) динга, қўшни ибодатхона эса олов фожиасини қайтарувчи илоҳийларга бағишланган бўлса керак, деган фикрни олға суришади (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 117-б.) (66-расм).

Ерқўрғон (Сугд) шаҳарчасида археологик казишмаларда очилган ибодатхона тарҳда узунчоқ тузилишга эга. Ибодатхона кириш эшиги, унинг узун томони девори ўртасида ўрнатилган. Бундай тузилишдаги хона шифтини кўтариб туриш учун, унинг марказида бир ўқда ўрнатилган иккита қалин устун мавжуд. Устунлар учбурчак тузилишдаги гиштлардан терилган. Архитекторлар Н.Ахмеджанова, В.Медведев, И. Лавренова томонидан ишланган реконструкцияда ибодатхонанинг шимолий девори ўртаси қолган қисмидан ва устунлардан анча кўтарилган (Сулейманов Р.Х., 2000, 40-расм). Деворнинг шу қисми катта ва чуқур токча шаклидаги бўлинмага эга. Шимолий девордаги марказий катта токча-бўлинма, муқаддас ибодатнинг ижро этилиши учун психологик марказ вазифасини бажарган (Сулейманов Р.Х., 2000, 89-б.). Деворнинг шу қисми кўтарилиши билан кишини ўйлантириб қўяди. Бизнингча, ибодатхона шифтининг шу қисми худди Қоратегин, Дарвоз тоғ воҳаларидаги қишлоқларда учратилган оловхоналардагидек харуза шаклида кўтарилган бўлиши мумкин. Бундай хулосага келишимизга, ибодатхона композициясида баланд деворнинг борлиги сабаб бўлди. Меҳроб олдидаги супаларда юрилмаган, улар

қурбонлик жойи ҳисобланган ва уларда муқаддас буюмлар сақланган (Сулайманов Р.Х., 2000, 96-б.). Меҳроб олдидаги супада ўчоқ сақланмаган. Бундай баланд супа ва катта бўлинма-меҳроб олдида ўчоқ бўлиши эҳтимоли бўлишига қарамасдан, унинг ўрни аниқланмаган. Муқаддас олов ибодат пайтида махсус идишда келтирилган бўлиши мумкин. Чунки археологлар ибодатхона ёнида муқаддас олов кули тўкилган махсус жой бўлганлигини аниқлашган (Сулейманов Р.Х., 2000, 96-б.). Келтирилган олов тутуни харузадан чиқиб кетган. Шунингдек, харузанинг муқаддас супа устида бўлиши, ибодатхонанинг шу қисмини ҳам ёритган, ҳам унинг муқаддас жой эканлигини билдириб турган. Шунингдек, ибодатга келганларнинг диққат-эътиборини муқаддас меҳроб томон жалб этган (67-расм).

Ибодатхона тоқчалари ичи, девор ва устунлар танасида тасвирий саҳналар ишланган. Супа ва устун пойкурсилари қизил рангга, устунлар танаси оч-қизил рангли заминга эга бўлган.

Ибодатхона ички тузилиши, унинг девор ва устунларида тасвирларнинг бўлганлиги, ҳамма деворларида катта-катта тоқчаларнинг мавжудлиги, обида ички кўринишининг ўз вақтида нақадар салобатли ва ҳашаматли бўлганлигидан далолат беради.

Кампиртепа (Бактрия) шаҳарчасида археологик қазишмаларда очилган ибодатхона уч хона ва бир далондан иборат (Русанов Д., 2000, 21-б., 4-расм). Обиданинг муқаддас меҳроб ва оташкад жойлашган хонаси тархда узунчоқ тузилишга эга. Шунинг учун ҳам унинг марказида ёғоч устун бўлган, деган қарорга келамиз. Ибодатхонанинг оташкад меҳроби жойлаштирилган деворига катта супа қадалади. Хонанинг қолган қисмида ҳам девор атрофи бўйлаб супа ўрнатилган. Ибодатхонанинг шимоли-шарқ қисми сатҳида тархда тўртбурчак тузилишдаги чуқурлик мавжуд. Мазкур чуқурлик ўртасида яна битта тўртбурчак тузилишдаги чуқурлик бор. Мазкур чуқурлик ташновни эслатади. Бизнингча, ибодатхонанинг шу қисми сув билан боғлиқ тадбирлар бажарилишига мўлжалланган бўлиши мумкин. Катта чуқурликнинг атрофи супа вазифасини бажарган, деган хулосага келамиз. Шунинг учун шифтнинг шу қисмига чорхона шаклидаги туйнук қолдирдик. Муқаддас меҳроб-оташкад устида эса харуза шаклида туйнук ишладик. Ибодатхона интерьерлари супалар, муқаддас меҳроб ҳисобига тантанавор композицияга эга бўлган (68-

расм).

Қўрғонтепа шаҳарчасида очилган оташкад-дахлиз (8,1x2,5м) атрофи йўлак (коридор) билан айланттирилган, томонлари тенг (4x4м) тузилишдаги асосий хонадан ташкил топган (69-расм). Г.А. Пугаченкова асосий хонанинг уч девори бўйлаб, баландлиги 25см, эни 93см йўналтирилган супада хизматкорлар олов ёқиш учун зарур аслаҳаларни қўйиб, ўтин қалашган, – деб ёзади. (Пугаченкова Г.А., 1987, 47-55 б.). Супаларнинг кенглигини эътиборга олиб, бу ер йиғилишда иштираётган руҳонийларнинг ўтирадиган ўрни бўлса керак, деб ўйлаймиз. Г.А. Пугаченкова кўп маълумотларга асосланиб, оташкад деворларида «Авесто» муқаддас оятлари битилган ёғоч ёки пергаментлар осилган бўлиши мумкин, – деб фараз қилади (Пугаченкова Г.А., 1987, 52-б.). Бизлар мазкур ибодатхона ички кўриниши реконструкциясини бажаришда вариант сифатида унинг деворларида тасвирий саҳналар ишладик.

Зардуштийлик динига оид ибодатхоналарда ёзги ярим очик оташкадлар бўлган. Ана шундай оташкад Жарқўрғон (Бактрия) ибодатхонасида топилган. У бош оташкад ҳисобланган ва мажмуанинг баланд қисмида жойлашган. Ундаги олов ўчмаган. У тўртта қалин устунли чортоқ остида жойлаштирилган (Асқаров А., Ширинов Т., 1989, 14-15-б.; Асқаров А., 2001, 14-15-б.). Афросиёбда\* очилган ибодатхонадаги оташкад тўрт томонида тоқ-равоки бўлган гумбазли салиб тархдаги хонада жойлаштирилган (Ахмедов М.К., 1993, 8-б.). (70-расм). Гумбаз ости равоқлари, Жарқўрғон ва Афросиёбдагидек, тўрт устунга ўрнатилган композициядаги ибодатхона (чортоқ), Эронда кенг қўлланилганлиги ҳақида Д. Вилдер гувоҳлик беради (Wilder D., 1967, 34-35-б.). Сосонийлар даврида Эронда катта ва кичик зардуштийлик ибодатхоналари тарҳи ягона андозали анъанавий тархда қурилган. Асосий хона гумбазсимон бўлиб, чуқур тоқчаларга эга бўлган, унда фишдан ёки тошдан терилган супа-саждагоҳда муқаддас олов жойлаштирилган (Фрай Д., 1972, 325-б.). Марказий Осиёда ибодатхоналарнинг турли композицияда бўлиши, уларнинг шаҳар тузилишида жойлашган ўрнига қараб ўзгариб турган. Ибодатхоналар композициясида дахлиз, назр қабул қиладиган, доимий олов сақлайдиган, саждагоҳли хоналар назарда тутилган. Асосий хона (саждагоҳ) устунларга эга бўлган ва томида тутун чиқиш учун оташкад устида туйнук қолдирилган васса шифт кенг қўлланилган.

\* Афросиёбда очилган тўрт хонали мажмуанинг вазифасини археолог олим Тошхўжаев Ш.С. оташпарастлар ибодатхонаси, – деб фараз қилади. Лекин бевақт ўлим оқибатида Тошхўжаев Ш.С. томонидан бу иш охирига етказилмаган (Ахмедов М.К., 1993, 7-8-б.)

Фикримиз исботи учун Октепа (Чош) кўши таркибидаги ибодатхона тарҳини кўриб ўтамиз. Октепа кўшиқининг диний маросимларни ижро этишга мўлжалланган қисми уч хонани ўз ичига олган ва “Г” ҳарфи тузилишидаги далон билан бирлаштирилган. М.И. Филанович :«бўлинманинг марказий хонасида доимий муқаддас олов сақланган, катта залида диний маросимлар ўтказилган, унга вақтинчалик олов чиқарилган ва олд қисмидагиси ёрдамчи хона вазифасини бажарган», - деб таъкидлайди (Филанович М.И., 1987, 152-б.). Марказий хона тарҳини кўздан кечирар эканмиз, унда кўшимча девор ёрдамида кичкина даҳлиз яратилганлиги гувоҳи бўламиз. Мазкур даҳлиз доимий оловнинг кўздан панароқ бўлишини таъминлаган. Бу тадбир Панжикент турар жойларида ибодат қиладиган хона тарҳида ҳам кузатирилган (ВИА, 1969, 188-б.). Октепа ибодатхона тарҳи ва тузилиши хона ўртасида оташқаднинг муқаддас супага ўрнатилганлиги билан фарқ қилади (71-расм).

М.И. Филанович Уструшон худуди ва Чоч зардуштийлик ибодатхоналарини қуйидаги икки тузилишга тақсимлайди: биринчи – марказий хона атрофи коридор – далон билан айлантирилган тарх; иккинчи – тўрт томонидан далон билан айлантирилган тўрт эшикли марказий хонага эга тархлар кенг тарқалган, - деб таъкидлайди (Филанович М.И., 1987, 150-б.). Унинг фикрича, Чочда ибодатхонанинг алтарь-меҳробли хонаси қуйидаги икки вариантда: 1) деворий тасвирга эга тўрт устунли хона тарҳи; 2) деворлари тасвирсиз, оддий, алтари устида рамзий бошпана сифатида конус тузилишидаги бошпанали, яъни икки томли тарх кенг қўлланилган (Филанович М.И., 1987, 152-б.). Қозоғистоннинг Сўдак қалъасида бир меъморий мажмуа ичида икки турдаги: 1) деворга қапиштирилган муқаддас ўчоқ ва меҳроб жойлаштирилган тарх, 2) томонлари тенг хона марказида такага монанд супа устига ўрнатилган муқаддас ўчоқ тузилишидаги ибодатхоналар бўлган (Смагулов Е., Туякбаев М., 2003, 93-б.). Томонлари тенг (4,6 х 4,6) атрофи супа билан айлантирилган, муқаддас ўчоқ меҳроби билан деворга қапиштирилган тархли ибодатхона Боботепа шаҳарчасида (Бақтрия) очилган (Немцева Н.Б., 1984, 145-б.).

Хоразмда Жигарбанд шаҳарчасида археологик қазилмаларда топилган ибодатхона икки хонадан ташкил топган. Унинг биринчисида – катта хо-

на ўртасида ерга ётқизилган ўчоқ мавжуд. Ўчонинг кўриниши мавҳумлаштирилган одам қомати-га ўхшайди. Ўчоқ ўртасидаги ўйиқча олов ёқишга мўлжалланган. Тадқиқотчилар мазкур иморатнинг ичкари хонаси – “адриан” – мангу оловни сақлаш хонаси, катта хона – “дари меҳр” – ибодат қилиш хонаси вазифасини бажарган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирганлар (Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А., 1979, 108-б.) (72-расм).

Шулар жумласидаги иморатлардан, Шаҳристондаги эҳром ўзига хослиги билан ажралиб туради. Эҳромнинг сақланиб қолган устунлари, кўпроқ пастки қисми зооморф сюжетли тасвирларга тақлид қилиб ишланган. Олимларнинг тахмин қилишларига қараганда, устунларидаги зооморф тасвирлар уструшонликларнинг шомонлар билан боғлиқ бўлган эътиқодини билдирувчи (символика) белгиларни ифодалар экан (Мукимов Р.С., Мамаджанова С.М., 1990, 59-б.) (73-расм).

## Будда ибодатхоналари

Милоднинг бошларида Ҳиндистоннинг бир қисми, Покистон, Афғонистон худудларида Кушон давлатининг юзага келиши, Марказий Осиёнинг Тоҳаристон қисмига Будда динининг кириб келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг кўп жойларида буддавийликка мансуб эҳромлар харобалари мавжуд. Оқ-Бешик эҳроми тузилиши бу турдаги обидаларга хос характерга эга. Унинг узун ва торроқ ҳовлиси ибодатхона қисмидан девор билан бўлинган (74-расм). Ибодатхонанинг асосий хонасига саккиз устунли айвондан ўтилади. Ўртасида Будда ҳайкали ўрнатилган бу хона уч томонидан йўлак билан айлантирилган. Йўлак деворларида монументал тасвир парчалари сақланиб қолган. Б.Я Ставиский шу тузилишдаги, яъни асосий хонанинг йўлак билан айлантирилган тарҳининг Қоратепа шаҳарчасида бўлиши, уни Будда динига хос иморатларда-Бақтриянинг (Тоҳаристон) кушонлар даврида юзага келган, - деб таъкидлайди (Ставиский Б.Я., 1965, 30-б.). Кўпинча марказий хонада Будданинг катта ҳайкали ўрнатилган. В.А. Нильсеннинг фикрича, Будда ҳайкали ўрнатилган асосий хонада (жрецлар) қоҳинларнинг, ибодатнинг сўнгги босқичида авлиёларга («парадокшина») сифиниши ибодатхонанинг йўлакларида олиб борилган (Нильсен В.А., 1966, 71-б.). Бошқа олимлар ҳам шунга ўхшаш обидаларда йўлак парадокшина-расмий маросимини бажаришга

хизмат қилган, деган фикрини билдирадilar, (Литвинский Б.А., Соловьев В.С., 1985, 55-б.). Парадокшина-муқаддас йўл, ибодат вақтида қўлига гул ушлаб Будда ҳайкали атрофидан чапдан ўнг томонга қараб ибодат қилишнинг бир тури (Тўхтиев И., 1984, 20-б.). Шу ўринда катта байрамона ибодатларда асосий ҳайкал ўрнатилган хонада хоҳинлар сиғинган, аниқроғи, ибодатни бошқарган бўлсалар, ибодатга келган руҳонийлар йўлакларда ибодат қилган бўлишлари ҳам мумкин, деган фикрга келамиз. Чунки муқаддас хона атрофи бўйлаб айлантилган йўлак деворларида Будда, Бодхистава тасвирлари ишланиши ва тоқчаларида уларнинг ҳайкаллари ўрнатилиши, унинг ибодатхона композициясида нафақат меъморий, шунингдек, маънавий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради (75-расм).

Эҳромларда марказий хона-ибодатхонанинг ҳамма томондан йўлак (далон) билан айлантилишида мазкур хонанинг илоҳий кучга эга эканлигини иморат тарҳи ёрдамида намойиш этиш, билдириш ҳамда унинг ҳамма учун бирдек ва ундан ҳаммининг баробар баҳраманд бўлиши таъминлаш тушунчалари ётган бўлса керак (76-расм). Бундай тузилишдаги Будда ибодатхоналарида марказий хона интерьери, ўртадаги катта Будда ҳайкали ёки пастқамром зикқуратга ўхшаб, поғоналари юқорига кичрайиб кўтарилган супа билан, тантанавор, салобатли ва кишида ғайритабиий таассурот қолдирадиган композицияга эга бўлган. Марказий хонанинг айланма йўлаги бир, уч, тўрт томондан очиқ дарча-бўлинма билан боғланиши ҳам унинг нафақат меъморий, балки маънавий жиҳатдан ҳам доминантлигини таъминлаган. Ибодатхона интерьери композициясининг ўзиёқ, ибодатга келган руҳонийларга айланма йўлакдан юриб, кўникма ҳосил қилгандан сўнг катта Будда ҳайкали ўрнатилган марказий хонага сажда қилгани киришга давъат этгандек туюлади.

Будда эҳромлари интерьерининг ўзига хослигини Қува эҳроми мисолида ҳам кўрамиз (77-расм). Эҳром ички кўриниши қуйидагича (Нильсен В.А. реконструкциясида): Бинонинг тўғри тўртбурчак шифти хона атрофи бўйлаб йўналган икки қатор устун билан унга монументаллик бағишлайди. Будда ҳайкали хона тўридаги супага ўрнатилган. Хона ён деворларидаги тоқчаларда ҳам кичикроқ ҳайкаллар жойлаштирилган. Хона

тўридаги катта ҳайкал устида шифт тўсинларнинг кўндаланг ўрнатилиши ёрдамида ўртаси очиқ гумбаз шаклидаги том билан ёпилган. Мазкур туйнукдан тушаётган майин ёруғлик Будда ҳайкалини, нисбатан ярим қоронғи хонада ёритиб, унинг кўзга яққол ташланишини таъминлайди. Худди шундай композицияли интерьерни Қоратепадаги эҳром реконструкциясида кўрамиз. Б.Я.Ставиский Қоратепадаги ғор шаклидаги диний иморатлар Ўрта Осиёга хос эмас, у Ҳинд анъаналарини ўзлаштириш натижасида юзага келган, – деб таъкидлайди. Бу ерда ғор шаклидаги иморат назарда тутилмоқда (78-расм). Қоратепадагидек атрофи йўлак билан айлантилган марказий хона-эҳром тузилишидаги тарҳ, қадимий Шарқ ва Ўрта Осиё диний меъморчилигига хос ҳисобланади. Бундай тарҳни Кушон Бактриясида Будда ва бошқа динларга мансуб ер усти ибодатхоналарида учратиш мумкин (Ставиский Б.Я., 1972, 93-95-б.).

Марказий Осиёга илк ўрта асрларда манихей дини кириб келди. У Марказий Осиё халқлари ғоявий ҳаёти тарихида катта ўринни эгаллайди. Бу диннинг асосчиси Моний 216 й. Бобилда туғилган ва 276-277 йиллар қувғинда оламдан ўтган. Моний доктринасининг бошланиш жараёнида Ёруғлик – эзгулик, Ёвузлик - зулмат тушунчалари ётган. Моний таълимоти зардуштийлик, эрта-христиан ва маълум даражада буддизмдан кўнгина элементларни ўз ичига олган (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 106-б.). Манихей дини ўзининг ташвиқот қуроли қилиб санъатни, аниқроғи маҳобатли рангтасвирни танлайди. Уларнинг диний китоблари ҳам ҳашаматли тасвирлар билан безатилган. Монийнинг ўзи эса машҳур расом сифатида танилган (Гафуров Б.Г., 1989, 219-б.). Унинг санъати қайтарилмас ва эришиб бўлмас даражада юксак ҳисобланган (Беленицкий А.М., 1954, 67-б.). Шунинг таъкидлаш лозимки, манихей дини ташвиқот қуроли сифатида бадиий санъатни расман тан олган бўлса, қолганлари ҳам (буддизм) ўз ғояларини санъат орқали ифодалаган. Улар ҳам ўз диний маросимлари асосчиларини санъат воситасида ифодалашган. Тадқиқотчи А.Б. Никитиннинг таъкидлашича, Яқин Шарқда неостриан христианлари черковларида деворларни тасвирлар билан безаш одати қабул қилинмаган. Бу одатнинг мустақамланишига, уларни ўраб олган мусулмон ва яҳудийларнинг таъсири бўлган. Шарқий Туркистонда Будда ва манихейларнинг диний –

тасвирий санъат орқали ташвиқоти таъсирида христиан черкови ҳам санъатнинг бу турини қурол сифатида қабул қилган. Марказий Осиёда христиан динининг диний санъатга бўлган эътиқоди даражаси ҳозирча ечилмаган (Никитин А.Б., 1984, 130-б.).

## Христиан черқовлари

Христиан динининг Ўрта Осиёнинг жануб қисмига кириб келиши II асрларга, Сугдга кириб келиши эса V асрларга тўғри келади. Христиан динининг Ўрта Осиёда тарқалишидан Ат-Табари, Ибн Хавқал, Абу Райхон Беруний каби олимлар ҳамда христиан динига мансуб европалик дипломат, монах, саёҳатчилардан Клавихо Р.Г., Марко Поло, Вильгельм Рубриклар гувоҳлик беришади (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 104-б.). Э. Ртвеладзенинг таъкидлашича, VI-VII асрларда несториан йўналишидаги христиан дини Ўрта Осиёнинг ғарбига шунчалик ўрнашган эдики, христиан жамоаларининг йириклашганлигидан, кўпчилик шаҳарларда метрополий ташкил қилишга тўғри келган (Ртвеладзе Э., 1999, 75-б.).

Христиан динига мансуб “Хароба-қошук” номли черков Марв (Парфия) яқинида топилган. Обида қурилиш даври V-VI асрларга тўғри келади (Пугаченкова Г.А., 1958, 127-б.). Обида узун катта хонадан (зал) ташкил топган. Унинг деворларидан ичкари томон бўртиб чиққан гишт устунлар (девор, пилон) ёрдамида зал етгита бўлинмага тақсимланган. Шимоли-шарқ томондаги охириги бўлинма тархда салиб тузилишидаги хона шаклига келтирилган. Унинг тўрдаги девори тархда христиан ибодатхоналари меҳробига (абсида) хос ярим доира шаклига келтирилган. Бўлинмалар катта кичиклиги билан ажралиб туради. Энг катта бўлинма меҳробли хона билан туташган. Г.А. Пугаченкова, - черковнинг ички қисми деворларида рангли тасвирлар бўлган, бироқ X-XII асрларда обидани бошқа вазифаларга мослаштириш учун қайта қуришлар натижасида ундаги суратлар кўчириб ташланган, -деб таъкидлайди (Пугаченкова Г.А., 1967, 87-б.).

Мазкур маҳаллий қурилиш анъаналарида қурилган черков ички кўриниши, ундаги залнинг узунлиги, бўлинмаларга бўлиниши, меҳроб бўлинмасининг мавжудлиги, меҳробнинг шимоли-шарққа қаратилиши жиҳатидан унинг вазифасини аниқ белгилайди.

Тарҳининг ўхшашлиги жиҳатидан шундай

христиан черкови Ок-Бешим шаҳарчасидан топилган (Кызласов Л.Р., 1959, 231-233-б.). Унинг меҳроб жойлашган хонаси деворида ёрқин рангларда ишланган суратлардан парчалар сақланиб қолган (Байпаков К.М., Шарденова З.Ш., Перегудова С.Я., 2001, 158-б.). Христиан черковлари Тараз ва Мираки шаҳарчаларида бўлган. В.В. Бартольд ёзма маълумотларга таяниб, уларнинг IX асрда масжидга айлантирилганлиги ҳақида гувоҳлик беради (Бартольд В.В., 1964, 287-б.).

Хароба қошук черкови реконструкцияси ҳақида икки оғиз фикр билдиришни лозим топдик. Г.А. Пугаченкова мазкур обида тарҳини келтирар экан, ундаги кўндаланг йўналган деворлар ўрнига қалин устун таянчлар бўлган, деган фикрни билдиради (Пугаченкова Г.А., 1967, 87-б.). Дарҳақиқат, шундай тузилишдаги обидадан ислом дини ўрнатилгандан сўнг турли мақсадларда фойдаланилган. Шунинг учун устунларни олиб ташлаб, кўндаланг деворлар қурилган бўлиши мумкин. Шунингдек, кўндаланг деворлар бир томони асосий залга кўшилиб кетган бўлинмаларни ташкил қилади. Бу бўлинмаларнинг вазифаси номаълум. Шунинг учун, кўндаланг деворлар ўрнига устун бўлган тақдирда, ибодатхона уч нефли яхлит зални ташкил қилади. Шунинг учун ҳам реконструкциямизда черков интерьерини уч нефли қилиб ишладик. А.М. Высоцкийнинг Хароба қошук черковига бағишланган мақоласи билан танишар эканмиз, унда А.М. Высоцкий, Г.Я. Дресвянская томонидан ишланган Хароба қошук черкови тарҳини реконструкция қилганлиги гувоҳи бўламиз. Реконструкцияда черковнинг кўндаланг деворлари кўпайтирилган (Высоцкий А.М., 1990, 90-96-б.). Мазкур тарх асосида ибодатхона интерьерини кўз олдимизга келтирганимизда, бўлинмаларнинг чуқурлашгани ва марказий нефнинг торайганлиги гувоҳи бўламиз (79-расм). Бу эса ўз навбатида марказий залнинг моҳиятини пасайтирди. Шунинг учун ҳам черков тарҳининг бундай реконструкцияси ҳақиқатдан узок, деб ўйлаймиз.

Эски Термизда (Бақтрия) 16 та хонадан ташкил топган христиан ибодатхонаси бўлган. Унинг черков қисми узунликлари 16 ва 20 метрли иккита хонанинг кесишуви натижасида ҳосил бўлган салиб тузилишидаги тарҳни ташкил қилади. Уларнинг кесишган жойи тархда томонлари (4,5x4,5м) тенг тузилишда бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган (Альбаум Л.И., 1994, 34-б.). Эски Термиз христиан

ибодатхонасининг марказида бир томони тарҳда ёйсимон чизиқда эгилган “Г” ҳарфига монанд тузилишдаги хона бўлиб, унинг жанубий қисми 5 та меҳроб (абсида) билан белгиланган. Марказий абсида ёнидагиларидан ўзининг катталиги билан ажралган ва унинг ўртасида кўшни кичик хонага ўтиш учун эшик қолдирилган. Л.И. Альбаумнинг фикрича, меҳроблар жойлашган қисмида диний ашулалар айтишган, хорга келган диндорлар шу хонанинг шимоли – шарқ томонида ўтирган (Альбаум Л.И., 1994, 40-б.). Қизиқи шундаки Л.И. Альбаум келтирган ибодатхона тарҳида мазкур хонага (хорга) кириш эшиги ўрни белгиланмаган. Шу боисдан черковнинг шимоли – шарқ деворидаги бўлинмани бир пайтлар хор олдидаги хонага олиб борадиган эшик ўрни бўлган, - деб тахмин қилишга тўғри келади.

Марказий Осиё христиан черков ва ибодатхоналарида диний хор ижро этиладиган қисми Сурия, Арманистон ва Константинополдаги Авлиё София ибодатхоналаридагидек абсида билан тугатилган.

Мазкур бобга яқун ясар эканмиз, ибодатхоналарнинг қайси динга мансублигига қараб, уларнинг ўзига хос томонларини таъкидлаб ўтамиз.

Ибодатхоналарда қуйидаги тарҳлар кўп учрайди: **зардуштийлик динига** оид ибодатхоналар тарҳи турлича бўлган. Жумладан, Парфияда тарҳда айлана тузилишидаги, деворлари икки ярусга бўлинган ва тоқчаларида ҳайкаллар ўрнатилган ибодатхона юзага келган; Хоразмда тарҳда тўрт устунли, тўртбурчак деворидаги бўлинмаларида ҳайкаллар ўрнатилган тузилишда ҳамда икки хона-биринчиси ибодат қилиш учун вақтинчалик олов сақлаш, иккинчиси доимий муқаддас оловни сақлаш хоналаридан ташкил топган тарҳ бўлган; Бактрияда икки хона оралиғидаги хонада муқаддас меҳроб ва оташқад жойлаштирилган тарҳ; чортоқ тузилишидаги тарҳ; Сугдда муқаддас олов сақлайдиган хона уч томонидан торгина далон билан айлантирилган ва олд қисми узунчоқ тузилишдаги хона билан тугатилган тарҳ; тўрт устунли, томонлари тенг ва бир томони очик қолдирилган (айвон бирлашиб кетган) тўғри тўртбурчак тузилишидаги тарҳ, шифти гиштдан терилган иккита қалин устунларга ўрнатилган узунчоқ тузилишдаги ибодатхона, чортоқ тузилишидаги ибодатхона; Чочда марказий хона атрофи далон билан айлантирилган ва тўрт бурчаги кичкина хоналар билан тугатилган тарҳ,

тўрт устунли томонлари тенг хонага эга тарҳ, доимий олов сақлайдиган хона ичида кичкина даҳлизли (тамбур) тарҳ; Уструшонда марказий хона тўрт томонидан далон билан ўралган ва далон бурчаклари кичкина хоначалар билан тугатилган тарҳ, шундай тузилишда, лекин марказий хона тўрт томонида дарчага эга тарҳ учрайди. Марказий Осиёда зардуштийлик ибодатхоналарининг умумий тузилиши, турли композицияда бўлишига қарамасдан, улардаги олов ёқилиб сажда қиладиган хоналар-саждагоҳлар андозали (типовой) тарҳга эга бўлган. Тўрт турдаги андозавий тарҳга эга саждагоҳ кенг қўлланилган.

**Биринчи:** Чочда Октепа, Хараджкет, Қозоғистонда Сидак ибодатхоналаридаги сажда қиладиган хоналар тузилиши қарийб бир хил. Уларда саждагоҳ хона, ҳажм жиҳатидан ҳам бир-бириникига яқин, хона ўртасидаги супа ҳам деярли бир хил, яъни тақасимон кўринишга эга, учаласида ҳам хона атрофи супа билан айлантирилган. Мазкур далилларнинг ўзиёқ, Марказий Осиёда ибодатхонанинг саждагоҳ қисми андозавий тарҳ ва композицияда қурилганлигидан далолат беради.

**Иккинчи:** ҳажми нисбатан кичикроқ, томонлари тенг, атрофи супа билан айлантирилган, муқаддас ўчоқ меҳроби билан деворга қапиштирилган тарҳ, Бактрияда, Сугдда учратилганлиги сабабли, бундай тузилишдаги ибодатхоналар ҳам андозавий композиция турига киради.

**Учинчи:** томонлари тенг, атрофи супа билан айлантирилган, тўрт устунли хона марказида муқаддас супа ўчоғи билан ёки ўчоқнинг ўзи жойлаштирилган тарҳ ҳам кўп жойда учраганлиги сабабли бу тузилишдаги тарҳ ҳам андозавий тарҳ турига киради.

**Тўртинчи:** узунчоқ тузилишда, марказий ўқида бир ёки икки устун ўрнатилган тарҳ, муқаддас супа ўчоғи ва меҳроби билан хона деворларидан бирига қапиштирилган тузилишдаги саждагоҳларнинг андозавий тарҳли ва композицияли турига киради.

**Христиан динига** оид черковларда ибодат залга қаратилган абсида – меҳробга ўхшаган тарҳда ярим доира бўлинмадан рухоний шахс томонидан бошқарилган. Шунинг учун ҳам уларда асосий зал кўп кишини сифдиришга мослаштирилган. Шу сабабли христиан ибодатхоналари учун уч нефга, яъни икки қатор устун ёки хонанинг икки ёнидан марказ томон бўртиб чиққан бўлинмалар ёрдами-

да уч қисмга бўлинган узун хона тузилишидаги тарх қўл келган. Шунингдек, салиб (крест) тузилишидаги тарх қўлланилган. **Будда динига** оид ибодатхоналарда кўп хоналарнинг мавжудлиги унинг ибодат талабидан келиб чиққан. Бизнингча, Будда, Бодхистава ва уларнинг шогирдлари ҳаётига бағишланган ҳайкал ва тасвирларни қисман ифодалаш учун ҳам бир нечта хона бўлиши керак. Шунинг учун буддавийлик ибодатхоналарида анфилада-бир хонадан иккинчисига ўтиладиган тарх ҳамда атрофи йўлак билан айлантирилган марказий хонали тарх қўл келган. Йўлак деворларига кўп тасвир ишлаш имконияти бўлган. Иккала турдаги тархда ҳам асосий хона, поғонали супада Будданинг катта ҳайкали ўрнатилганлиги билан ажралган. Шунингдек, кўп ҳолларда ибодатхоналарнинг асосий хоналари тузилиши, турли динларга мансуб ибодатхоналарда учраши мумкин. Жумладан, уч томони йўлак билан айлантирилган зал ёки атрофи хоналар билан ўралган ҳовли тузилишидаги тарх буддавийлик, зардуштийлик ва бошқа динларга мансуб ибодатхоналарда мавжуд. Уларнинг қайси динга мансублигини интерьердаги бадиий санъат намуналари ва жиҳозлари белгилаган, яъни Будда ибодатхоналари интерьери деворларида токчалар, тўрдаги хоналардан бирида катта шоҳсупа мавжудлиги билан ажралади. Токчалар ва шоҳ-супада Будда ҳайкаллари, девор ва шифт юзасида унинг тасвирлари ишланган. Зардуштийлик динига оид ибодатхоналар интерьери, хона ўртасида муқаддас олов учун оташкад ёки деворларидан бирида муқаддас меҳроб ва оташкад, майдончаси борлиги билан белгиланади. Оташканинг муқаддас супа билан жойланишини кузатар эканмиз, уларнинг кўпчилигида, томонлари тенг тўртбурчак тархдаги ибодатхоналарда кўп ҳолларда хона марказида, узунчоқ тўғри тўртбурчак тузилишдаги ибодатхоналарда эса, узун деворлардан бири ўртасида, деворга қапиштирилган ҳолда жойлаштирилганлиги гувоҳи бўламиз. Шунингдек, улар деворларига ишланган илоҳлар тасвири ва расм-русумлар ижросини ифодаловчи суратлар ҳам унинг зардуштийлик ибодатхонаси бўлганлигидан далолат беради.

Ибодатхоналар интерьери композициясида ҳажмли тасвир, деворий сурат намуналари билан хона тузилиши мутаносиблиги топилган. Натижада ибодатхона хоналари интерьери, хусусан, ибодатхона тўридаги хона интерьери кишида ғайритабиий

таассурот қолдиради.

## 1. 4. МАСЖИДЛАР ИНТЕРЬЕРИ

**Масжиднинг қурилишидан мақсад-маҳалла халқининг у ерда тўпланиши ва Аллоҳ раҳматини орттиришдир... Шаҳар халқининг тўпланиши учун жомий бино этилган.**

*Жалолиддин Румий*

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурила бошланди. Бухоролик тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Бухорода Моҳ бозори ёнидаги оташ-парастрлар эҳроми ўрнига қурилган безакли масжид 325/937 йилда ёнғиндан кул бўлган (Наршахий, 1966, 27, 84-б.). Тахмин қилинишича, ҳозирги Мағоки-Аттори масжиди, вайрон бўлган Моҳ масжиди ўрнига қурилган. Шунингдек, биринчи қурилган масжидлар қаторига Термиздаги Чорустун, Бухородаги Моҳ, Марвдаги иккита масжид киради. Қадимий масжидлар тархда кўпроқ тўртбурчак тузилишда бўлган. Уларнинг усти калин гиштин устунларга ўрнатилган равоқлар ёрдамида гумбазлар билан ёпилган. Устунлар сони тўрт, олти ва ундан ортик бўлган. Аксарият ҳолда устунлар оралиғидаги гумбаз қолганларидан кенг ва баландроқ ҳолда қурилган. Шунингдек, бир ёки икки томони очик тархдаги масжидлар бўлган. Бунга Термиздаги Чорустун масжиди киради. Улар бизнинг давримизгача сақланмаган. Чорустун масжидининг шимол ва шарқ томонлари очик бўлган.

Унинг интерьери кўринишини тарҳига ва бизгача сақланиб қолган қадимий масжидлар тузилишига қиёслаб, реконструкция қилишга ҳаракат қилдик (Назилов Д.А., 2003, 7-8-б.) (80-расм). Бизнингча, масжиднинг ички кўриниши Деггарон масжидига монанд бўлган. Уларнинг асосий фарқи шундан иборатки, Деггарон масжиди марказидаги гумбаз, нисбатан баланд ва кенг бўлган (81-расм). Чорустун масжиди тарҳида устунлар оралиғининг тенглиги, гумбазларнинг бир хил баландликка ва кенгликка эга бўлганлигидан далолат беради. Шу жиҳатдан Чорустун масжиди Афғонистондаги Нўҳгумбаз масжидига монанд бўлган.

Безак, масжиднинг устун, равоқ ва меҳроб қисмида бўлган. Устунлардаги гиштарнинг турли

йўналишда қаланиши ёрдамида безаклар чикарилган. Меҳроб бўлини маси тарҳда бир неча ёйсимон ярим доирадан ташкил топган. Шунинг учун бундай юзага кўпроқ арчасимон, ромбсимон нақшлар тўғри келади, деб ўйлаймиз.

Ўрта асрларда ҳам шаҳарларда жоме (жума) масжидлари қурилганлигидан Жалолиддин Румийнинг юқорида келтирилган: «Шаҳар халқининг тўпланиши учун жомий бино этилган», - деган фикри гувоҳлик беради. Шунингдек, Наршахийнинг ийдгоҳ масжиди учун Сомоний Мансур томонидан буюртма берилганлиги ҳақидаги фикри, ўрта асрларда шаҳардан ташқарида диний байрамларда намоз ўқиши учун ийдгоҳ масжидлари қурилганлигидан далолат беради.

Жоме масжидлари кўп кишини сиғдиришга мўлжалланган. Шунинг учун бундай масжидлар девори атрофи, айвон билан айлантирилган. Ўрта асрларга оид Данданакон шаҳарчасида, археологлар томонидан очилган ҳовли атрофи гишт устунли айвон билан айлантирилган масжид ҳам, жоме масжиди вазифасини бажарган бўлса керак.

XII асрга оид Сополлитепа жоме масжиди уч томони очик, интерьериди 13 қаторда пишган гиштдан терилган 70 та устун жойлаштирилган (Ртвеладзе Э.В., Аршавская З.А., Абдуллаев К.А., 1979, 34-35-б.).

Ўрта асрларда тоғ қишлоқларида ҳам ҳашаматли масжидлар бўлганлигидан Ашт, Искодар тоғ қишлоқларидаги меҳроблар, Оббурдон, Куррут, Рарз, Чоркух қишлоқларидаги ўймакорлик қилинган устунлар, Фатмев, Варзи Минор, Рарз қишлоқларидаги хом гиштдан қурилган қадимий миноралар гувоҳлик беради. Олимларимизнинг таъкидлашларича, Юқори Зарафшоннинг еттита қишлоғида қадимий минора бўлган экан (Якубовский А.Ю., 1950, 13-55-б.). Тоғларда қадимий масжидлар сақланмаган, лекин айримларининг тузилиши, қадимий масжидлар интерьерига хос хусусиятларни сақлаб қолган. Бунга Зосун (Юқори Зарафшон) қишлоғидаги «Ҳаждаҳдара» номли масжид мисол бўла олади. Унинг уч деворида учтадан, ғарб томонидаги деворида икки эшик ўрнатилган. Бу тадбир ўрта асрларга оид масжидларнинг тарҳини эслатади. Ўрта асрларда масжидлар интерьерига эҳтиёткорлик билан меъёрида безак беришган. Уларнинг аксариятида асосий эътибор масжидлар меҳроби беазага ва ёғоч ўймакорлигига қаратилган. Хусусан, меҳроб тузилиши ва бадий беазага алоҳида эътибор

берилган. Наршахийнинг ёзиб қолдиришича, Исмоил Сомоний, (970-971 йил) ийдгоҳ масжиди учун чиройли меҳроб ва минбар буюртма берган экан (Наршахий, 1966, 51-б.). Ҳашаматли меҳроблар Афросиёб (IX-X асрлар), Шир Кабир масжиди (IX-X асрлар), Искодар тоғ қишлоғи (X-XI асрлар) ва бошқа жойларда топилган.

Афросиёбдан топилган меҳроб танаси тарҳда тўғри тўртбурчак тузилишда, усти равоқ шаклида ёпилган. Меҳроб бурчаклари чорак қисмини чизикли нақшлар эгаллайди. Унинг ички девори марказий қисмидан кўтарилган ўрама ниҳоллари ва барглари билан меҳробнинг ён деворларига ҳам ўтиб кетган.

Меҳроблар композицияси ўсимликсимон, геометрик нақшлар билан биргаликда ёзувлар билан ҳам бойитилган. Даҳистондаги IX-X асрларга оид Шир Кабир масжиди меҳроби уч қават равоқдан иборат. Равоқлар юзасига ўсимликсимон нақш ўйилган. Уларнинг юқори қисмига чиройли хуниҳатда Қуръон оятлари битилган. Меҳроб ханузгача қисман сақланиб қолган беазага билан масжид хонақоси интерьерига бадийлик, танатанаворлик бағишлайди ва композиция жиҳатидан яхлитликни таъминлайди.

Масжид интерьери безакдан холи бўлган пайтда ҳам унинг тантанаворлигини таъминлаш йўллари изланган (82-расм). Кўпроқ конструктив элемент ҳисобига интерьер композициясини бойитишга эришилган. Жумладан, Кармандаги X-XI асрларга оид Мирсаид Баҳром мақбарасида гумбаз гардишига асос бўлиб хизмат қилган саккизбурчакнинг бурчак ярим устунлари тўғридан-тўғри пол сатҳидан кўтарилган. Бу тадбир хонанинг тўғри тўртбурчак қисмига ҳам ўзига хос тантанаворлик бағишлаган ва саккизбурчак билан тўртбурчак ўзаро ҳам конструктив, ҳам бадий жиҳатдан боғланган. Шундай тадбирни Термиздаги XI асрга оид Султон Саодат мақбарасида, Туркманистондаги Талхатанбобо масжиди интерьериди ҳам кўрамаиз (83-расм). Бу тадбир бир қарашда оддий кўрингани билан интерьер кўришига тубдан ўзгариш киритган. Биринчидан, хонанинг тўртбурчак қисми деворини оддий бўлишдан асраган, иккинчидан, хонанинг тўртбурчак қисмида токча шаклидаги катта бўлима яратиш имконини берган. Шунингдек, бўлиналарнинг устини равоқ билан ёпиш ҳамда тўртбурчак устидаги саккизбурчакка конструктив замин яратиш ва унинг мустаҳкамлигини

таъминлаш имконини берган. Бу даврда masjid интерьерида девор, ярим устун, устун, меҳроб юзалари жуфт-жуфт қаланган гиштлар оралигида тик жойлаштирилган ўйма безакли гишт бўлаги билан бойитилган.

Гумбазли иморатларда тўртбурчакдан саккизбурчакка ўтишда юзага келган бурчак бағалларининг устки қисми муқарнас-шарафа билан беркитилган. Бу тадбир, асосан бўшлиқ пайдо бўлган бағалларини беркитишга қаратилган. Тўртбурчак ва саккизбурчакнинг бағаллари бир неча қават равоқча ёки бир нечта шарафалар «П» ҳарфига монанд шакл билан тўсилган.

XI-XII асрларда ҳам илк masjidлар тузилиши такрорланади. Masjidларга хос (Талхатанбо-бо масжиди) уч хонадан, яъни ўртада марказий хона – хонақоҳ ва икки ёнида узунчоқ хоналардан ташкил топган тузилишдаги тарҳ намозгоҳларда ҳам кенг қўлланилган. Даҳистон ва Нисо намозгоҳлари фикримизга далил бўлади (84-расм). Бу даврда ҳам masjid меҳроби бегагида ёзувлар қўлланилади. (Данданакон масжиди меҳроби). Иморат интерьери бегагида юзасига турли шакллар ўйилган пишган гишт – терракота кенг қўлланилган. Устунлар, ярим устунлар, шарафа ва меҳробларнинг бегагида гишт турли шаклларга келтирилиб ишланган (85-расм). Интерьернинг пойгумбаз – саккизбурчак бағалларида гумбаз гардиши пойдеворида гишгларнинг тик ва уфқ чизиги йўналишида териб, учбурчак тузилишидаги шарафа кўринишини берадиган шакл ва юзалар қўлланилган (86-расм). Мазкур шакллар шарафаларнинг илк кўриниши бўлиб, улар мураккаб композициядаги шарафаларнинг шаклланишига асос бўлган, деб ўйлаймиз. XI-XII аср иморатлари интерьерида шарафалар узунчоқ тузилишда, бир неча қатор косачадан ташкил топган учбурчак тузилишидаги шаклда келиши мумкин. Улар тўртбурчак, саккизбурчакларнинг бағал қисmlарини тўлдирган ҳамда гумбаз гардиши пойдеворида юқори томон кичрайиб борган шаклда қўлланилган. Шарафалар кичик ва оддийроқ бўлишига қарамасдан, интерьер композициясига бадийлик бағишлаган. XIV-XV асрларда бошқа турдаги иморатлар каби masjidлар интерьерида ҳам мураккаб тузилишдаги шарафалар қўлланилган. Аксарият обидаларда шарафалар ранг билан бойитилган. Ранг қўлланилмаган тақдирда ҳам шарафалар интерьерга тантанаворлик бағишлаган. Жумладан, Самарқандда Қусам ибн Аббос


меъморий мажмуасида masjidнинг ғарбий томонидаги бўлинма майолика билан безатилган. Лекин далон тузилишидаги зиёратхонанинг қолган қисмига ранг ишлатилмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, хона гумбаз ости бурчакларидаги шарафалар бой композицияни ташкил этади. Улар masjid интерьерига майинлик бағишлаган. Тиллақори мадрасаси мажмуасидаги masjidнинг ғарбий деворида шарафаларнинг пастки қисми бўлақлари катталигида катакларга тақсимланган қаторлар мавжуд. Катаклар ингичка ҳошиялар ичига олинган. Улар юзасига худди шарафа косачалари ва бўлақларидагидек равоқ ичига олинган ўсимликсимон нақшлар чизилган. Мазкур тадбир девор юзасининг очиқ қисми билан шарафаларнинг композиция жиҳатидан боғланишини таъминлаган. Шу билан бирга шарафанинг киши кўзига оғир бўлиб туюлишидан асраган.

XIII-XV асрларда masjidлар, саройлар каби салобатли ва муҳташам бўлган. Жумладан, Самарқандда 1399-1404 йилларда қурилган Бибахоним номи билан танилган жоме масжиди фикримиз исботи бўла олади. Обида катта ҳовлига эга. Унинг атрофи кичик гумбазлардан ташкил топган бостирмага эга бўлган. Ш.Е. Ратия реконструкцияси бўйича, бостирма 398 та гумбаздан ташкил топган (Ратия Ш.Е., 1950, 73-расм). Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, устунлар сони 480 та (Вяткин В.Л., 1899, 233-б.). Ш.Е. Ратиянинг ҳисобига кўра эса, 422 та бўлган (Ратия Ш.Е., 1950, 84-б.). Ҳовлининг тўрида катта masjid, икки ёнида кичик дарсхона-масжидлар, пойгоҳида пештоқ-дарвоза бўлган (87-расм).

Обида интерьерида девор юзаларининг ярусларга бўлиниши характерлидир. Девор юзаси кўкзарҳал рангларда нақш билан қопланган. Гумбаз ва равоқлар юзаси устидан зарҳал юритилган бўртма қоғоз билан қопланган. Меҳроб бўлинмаси юқори қисми муқарнас билан тўлдирилган.

Бухородаги XV-XVI асрларга оид Масжиди Қалон ҳам тарҳда тўғри тўртбурчак ҳовлига эга. Унинг 288 та гумбази бўлиб, улар гиштин устунларга таянган. Masjid галереяси интерьери кичик-кичик гумбазлар ва қалин устунлар билан ўзгача композицияга эга бўлган.

XVI асрда masjid интерьери сержило безаклар билан безатилган. Жумладан, Бухородаги Хўжа Зайниддин масжиди деворлари нақшга тўлдирилган. Хонақоҳ уч деворининг изора қисми геомет-



рик, тўртинчи девори жимжимадор равоқлар ичига олинган ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Масжид шифтлари ҳам мухташам безакка эгадир. XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрда масжидлар интерьериди безак бадийлаштирилган. Гумбаз ости безаклари интерьернинг конструктив қисмини оддийлаштиради. Гумбаз пойдевори эса серхашам шарафалар қатори билан белгиланган.

XVII-XX аср бошларида шаҳар маҳаллари масжидларида хонақоҳ бир, икки ёки уч томони айвон билан айлантирилган тарҳ кенг учрайди. Улар гумбазли ҳам бўлиши мумкин. Шулар қаторига XVIII-XIX асрларга оид Оқ масжид ва Гузар масжидлари киради. Кўпроқ хонақоҳи текис шифтли бир, тўрт ва ундан ортиқ устунларга эга масжидлар кўп учрайди. Шунингдек, бир устунли, томонлари тенг тўртбурчак тузилишидаги, тўрт гумбазли ёки икки устунли тарҳда тўғри тўртбурчак олти гумбазли масжидлар ҳам қурилган. Бундай тузилишдаги масжидлар Қашқадарёда Потрон, Кахляк, Пандрон, Хўжа Карлик, Банди Кушод каби қишлоқларда учратилган ва ўрганилган (Маньковская Л.Ю., 1979, 35-б.). Бундай масжидларда интерьернинг монументал композициясида бўлишига эришилган. Уларда гумбазлар кичикроқ бўлишига қарамасдан, сон жиҳатидан кўплиги билан, интерьернинг, катта масжидлардагидек салобатли, тантанавор бўлиши таъминланган.

Масжид, хонақоҳ интерьерлари бир-биридан нақшу нигори билан ажралган. Хонақоҳ ва айвон шифти ранг-баранг нақш билан безатилган масжидлар кўп учрайди. Шунингдек, масжидларнинг меҳроб безагига ҳам алоҳида эътибор берилган. Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхтаб ўтишни лозим топдик. Марказий Осиёда масжидлар тарҳи ва композициясида очикликка катта эътибор берилган. Мисол тариқасида ислом дини ўрнатилгунга қадар турар жой, зардуштийлик (Панжикент) ва буддавийлик ибодатхоналарида кенг қўлланилган катта хона атрофи «П» ҳарфи шаклида (коридор) далон билан айлантирилган тарҳни олиб қарасак, шунга ўхшаш тузилишни масжидларда ҳам кўрамиз. Хусусан, маҳалла масжидларида. Унда далон ўрнига айвон қўлланилган. Шунга ўхшаш тарҳ Термиздаги Шоҳлар саройида ҳам мужассам. Саройда катта хона атрофи бўйлаб йўналган қалин устунлар оралигига биттадан яна шундай қалинликда-

ги устун ўрнатилса бас, катта хона атрофи «П» ҳарфига монанд далон билан айлантирилган тарҳга эга бўлиб қолади. Масжидлар тарҳи, композициясида унинг ҳамма учун очик бўлишини таъминлашга қаратилган гоё мавжуд. Фикримизнинг исботи учун яна бир далил келтирамиз. Кичик маҳалла масжидларининг уч деворида иккитадан олтига эшик ўрнатилган, каттарокларида эса учтадан тўққизга эшик мавжуд. Яна уларнинг ҳар бири устига биттадан тобадон (панжара) ўрнатилган. Юқори Зарафшоннинг Зосун тоғ қишлоғи масжидининг уч деворида тўққизга эшик, ҳар қайсисининг устида яна биттадан худди шундай катталиқда дарча қолдирилган. Дарчалар ҳам пастдагидек бир хил катталиқдаги икки табақали бағдоди эшиклар билан тўсилган. Шунинг учун ҳам мазкур масжид «Ҳаждаҳдара» – ўн саккиз эшикли, деб ном олган. Фарғона водийсида маҳалла, қишлоқ ва жоме масжидларида чуқур айвон кенг қўлланилган. Сўх воҳасининг Ровон, Ҳушёр қишлоқлари масжидлари (Назилов Д.А., 1999, 111-б.) ва Пахтаобод қишлоғининг Подшоҳ – Пирим мажмуасидаги масжид (Азимов И.М., 1975, 26-б.), фикримиз исботи бўла олади. Фарғона водийси меъморчилиги тадқиқотчиси И. Азимов XIX ва XX асрнинг бошларида қурилган 15 та масжид тарҳини келтиради (Азимов А.М., 1989, 17-б.). Шу масжидларнинг 13 тасида чуқур ва катта айвон мавжуд. Уларда айвон, масжид хонақоҳининг бир ёки икки ён томонидан қўшилган. Улар деярли масжид хонақоҳи тарҳини қайтаради. Хонақоҳ ўртасида икки, тўрт устун бўлса, ёнидаги айвон марказида ҳам устунлар сони шунча бўлган. Бордию хонақоҳ олд қисми айвонга эга бўлса, у ҳолда ён томонидаги айвон фарбий деворига параллел ҳолда уч қатор устун ўрнатилган. Айвон уч томонидан девор билан чегараланган. Унинг фарбий деворида ҳамма вақт меҳроб назарда тутилган. Бундай масжидларда айвон интерьери масжид композициясида ўзининг монументаллиги билан ажралади. Айвон интерьери сербезак шифти ва устунлари билан экстерьерига ҳам тантанаворлик бағишлайди. Шундай тузилишдаги масжидлар Тошкентда ҳам қурилган. Улар қаторига Чақар маҳалла, Тўхта бойвачча масжидлари киради (Ходжаева С.Ш., 1974, 35-б.).

Бундай масжидлар айвоннинг чуқурлиги, уч томонидан девор билан чегараланганлиги ва олд томонидан очиклиги билан Панжикент ибодатхоналари асосий залини ва Термиздаги Чорустун

масжиди тарҳи ва композициясини эслатади.

Жоме масжидлари ўзининг салобатлилиги билан ажралиб турган. Улар гумбазли ва текис шифтли бўлиши мумкин. Ҳар иккала турдаги интерьерда ҳам шифт ва гумбаз беағига алоҳида эътибор берилган. Бухородаги Болоховуз (88-расм) ва Марғилондаги жума масжиди (89-расм) тасвирларини намуна сифатида келтирамиз. Шунингдек, шифти ва деворларида ранг безаклари ишланмаган жоме масжидлари ҳам учрайди. Мисол тариқасида Хива шаҳридаги Жума масжидига бироз тўхталиб ўтамиз. Масжиди интерьери катта юзани ташкил қилади (90-расм). Унда 212 устун мавжуд. Улардан 25 таси XII асрларга оид. Хонақоҳ деворлари оддий, фақат меҳроб безакка эга. Масжид хонақоҳи ўзига хос кўринишга эга, унинг қайси томониغا қараманг, кўзингиз ўймакорлик қилинган серҳашам устунлар қаторига тушади. Интерьер тантанаворлигини устунлар ўрнатилиш тартиби, мухташам нақшлари ва гўзал пропорциялари таъминлайди. XIX-XX асрлар бошларида ғишт устунларга ўрнатилган кўп гумбазли жума масжидлари ҳам қурилган (91-расм). Марказий Осиёда масжид хонақоҳи шифти марказида устунлар ораллигида тахталардан терилган гумбазли композиция ҳам учрайди (92-расм). Масжид далонлари (галерея) шифти ҳам бўлинмаларга тақсимланган. Бўлинмалар бир-биридан тўсинлари йўналишининг ўзгариб туриши, бўлинма юзасининг нақшу нигори билан ажралган. Бу тадбир нафақат шифт, балки масжид ташқи композициясини ҳам бойитган. Мисол тариқасида Ёркентдаги Жума масжид тасвирини келтирамиз (93-расм).

Юқорида уқтириб ўтилган, яъни бир, икки, уч томони айвон билан айлангирилган бир, икки, тўрт устунли хонақоҳли масжид тоғ қишлоқларида ҳам кўп учрайди. Уларнинг интерьерлари оддий композицияга эга. Тоғларда масжиди интерьерлари устунларига алоҳида эътибор берилган. Улар оддийроқ ёки қисмларининг яхлитлиги билан айвон устунларидан ажралиши мумкин. Лекин масжид ичидаги устун айвондагидан анча қалин бўлган. Улар интерьер композициясининг салобатли бўлиши учун кўпроқ хизмат қилган. Шу билан бирга тоғ масжидларида тошдан терилган салобатли (94-расм) ва мрамрдан ишланган нафис устунли (95-расм) интерьерлар ҳам учрайди.

Шунингдек, тоғларда ҳам шифти, меҳроби ранг-баранг безак билан бойитилган масжид-

лар ҳам учрайди. Шулар жумласига Тошкўрғон (Қашқадарё), Дар-Дар (Юқори Зарафшон) тоғ қишлоқлари масжидлари қиради. Интерьерлари мухташам безакли масжидлар Фарғона тоғ қишлоқларининг деярли кўпчилигида мавжуд (96-расм). Масжидлар ички кўриниши ҳақида фикр-мулоҳазаларимизга яқун ясаб, қуйидагиларни таъкидлашимиз мумкин.

Ўрта асрларда масжид хонақоҳи бир, икки томони очик, шунингдек, атрофи айвон билан айлангирилган тарҳда кўп учрайди. Хонақоҳ гумбази равоқлари тўрт, олти устунга ўрнатилган. Интерьернинг меҳроб, айрим ҳолларда устун ва равоқларининг кўринган жойларида ганч ўймакорлиги қўлланилган. Шунингдек, пишган ғишдан хилма-хил қалаш йўли билан турли шакл ва юзалар чиқарилган. Турли тузилишдаги шарафалар ёрдамида конструктив асосларнинг гардиши ва бўшлиқлари тўлдирилган.

XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб салобатли жоме масжидлари қурилишига алоҳида эътибор берилди (Бибиҳоним, Масжиди Калон). Улар композициясида ҳовли ва айвон кенг қўлланилган. Ранг-баранг безак ишлаш кенг жорий этилади.

XIX асрнинг охирида Марказий Осиёнинг маҳалла ва деярли барча қишлоқларида, шу жумладан, тоғ қишлоқларида бир, икки, уч томони айвонли ва хонақоҳи бир, икки, тўрт, олти ва ундан ортиқ устунли тарҳ кенг қўлланилган (97-расм). Фарғона водийсида хонақоҳ, бир ёки икки томондан чуқур айвонга эга тарҳ кенг қўлланилган. Безак меҳроб қисмида ва зарурат юзасидан тўсинли шифтларда қўлланилган. Умуман, масжидлар интерьерларида безак заруратдан келиб чиққан.

## 1. 5. ХОНАҚОҲЛАР ИНТЕРЬЕРИ

**Агар тақдорнинг маъноси нима, деб сўрасалар, бу - ўлим дарвозасига ҳозир бўлиш ва бир нафасга ҳам ишонмасликдир, деб айтгин...**

**Агар тақиянинг ҳосили нима, деб сўрасалар, дийдор деб айт. Агар тақиянинг мақсади нима, деб сўрасалар, фақирлар хизмати деб айт.**

**Кошифий**

Хонақоҳнинг юзага келиши тасаввуф илми билан боғлиқ бўлган. Тасаввуф таълимоти VIII асрнинг

ўрталарида юзага келган. Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, Ҳазрати – Муҳаммад Мустафо Саллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонлар ичида бўлиниш юз берди, айниқса халифа Усмон замонида бойликка ружу қўйиш авж олди. Яъни, диний машғулотлар, Худо йўлидаги тоатибодат ўрнини дунёвий ишлар, дунё молига муҳаббат эгаллай бошлади. Бу ҳол диний амрларни адо этишни ҳар қандай дунёвий ишлар, бойликлардан устун қўйган эътиқодли кишиларнинг норозилигига сабаб бўлади. Бундай кишиларнинг бир қисми динни ҳимоя қилиб, очик курашга отланган бўлсалар, иккинчи қисми эса, бойлар ахлоқига қарши норозилик сифатида тарки дунёчилик ғоясини тарғибот этиб, ижтимоий фаолиятдан бутунлай четлашганлар, сурункали тоатибодат билан шуғулланганлар (Комилов Н., 1996, 5-б.).

Бу ҳол бундай кишиларнинг йиғилиб туриши учун умумий бошпананинг юзага келишига сабаб бўлган. Натижада улар учун хонақоҳ номи билан уй қурила бошланади. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, биринчи хонақоҳ Рамла шаҳрида Абухошим томонидан қурилган экан (Комилов Н., 1996, 17-б.).

Хонақоҳлар вазифасини работ, завия, такия каби иморатлар ҳам бажарган. Работлар бошланғич босқичда арабларнинг ҳарбий-миссионерлик истехқоми, кейинчалик Марказий Осиёда карвонсарой ва сўфийларнинг йиғилиш жойи вазифасини ҳам ўтаган (Юсупова М., 1998, 63-б.). Такиялар Марказий Осиёда турли касб эгаларининг йиғилиб турадиган жойи, яъни хунармандлар уйи ҳисобланган (Пещерева Е.М., 1959, 328-б.). Такия, шунингдек, сўфий ва дарвешларнинг тўхтаб ўтадиган жойи вазифасини бажарган (Маньковская Л.Ю., 1980, 126-б.). Такияни завия деб ҳам юригишган (Бартольд В.В., 1968, 119-б.). Араб сайёҳи Ибн-Батута, Кўхна Урганчда кўрганларини таъкидлаб, ўзи ҳам завияларда бўлганлиги, шайх Нажмиддин Кубро мазори устида қурилган завияда бўлиб, унда келаётган ва кетаётганлар учун доим овқатнинг мавжудлигини ёзади (Якубовский А.Ю., 1930, 16-б.). Ҳамда унинг Самарқандда Қусам мазори ёнидаги завияда бўлганлиги ҳақида ҳам битиклар мавжуд (Бартольд В.В., 1964, 143-144-б.). Кошифийнинг ёзишича, такия (хонақоҳ) мусофир ва мужавирлар (муқим яшайдиганлар) учун бир нишона манзилгоҳдир. Шунинг учун такия бир неча махсус

сифатлари билан ажралиб туриши керак, токи тақадор така сақлашга муносиб бўлсин (Кошифий, 1994, 55-б.).

М.Юсупова хонақоҳларнинг шаклланиши даврини уч босқичга бўлади. Биринчи VIII-XI асрлар, иккинчи XI-XIV асрлар, учинчи XIV-XVII асрлар (Юсупова М., 1998, 63-64-б.).

Хонақоҳ тарҳи, тузилиши Л.Ю. Маньковская, А.С. Ўролов, М.А. Юсупова, В.Л. Воронина, Г.А. Пугаченкова ва бошқа олимлар тадқиқотларида кенг ёритилган.

А.С. Ўролов хонақоҳ тузилишини икки асосий гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳлар шайхлар мазори мақбараси билан ёнма-ён ва масжидлар қошида қурилган, -деб таъкидлайди. Иккинчи турдаги, яъни алоҳида қурилган хонақоҳларнинг диний-меъморий мажмуалар, мазорлар ёнида, жамоат мажмуалари, меъморий ансамбллар билан бир ва алоҳида, фақат хонақоҳдан ташкил топган турларига бўлади (Ўролов А.С., 1998, 29-б.).

Хонақоҳлар тузилиши жиҳатидан, бир хонали, кўп хонали, бир ва кўп ҳовлили турларга бўлинади. Бир хонали хонақоҳлар кейинчалик талаб ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилган. Кенгайтирилган тақдирда ҳам хонақоҳ кейин қурилган хоналардан катталиги, салобатлилиги билан ажралиб туради.

Кўп хонали хонақоҳларда кўпроқ марказий хона ўзининг жойланиши, катталиги, ҳашаматли беағи билан ажралиб туради. Кўп хонали, яхлит композицияда қурилган хонақоҳлар қаторига Бухорода XVI асрда қурилган Баховуддин хонақоҳи (1598-1599 йй.), Карманада Қосим Шайх хонақоҳи (1558-1559 йй.) киради. Уларда марказий хона композиция жиҳатидан атрофидаги бир ёки икки қаватда жойлашган хужралар учун доминант вазифасини бажарган.

Кўп хонали хонақоҳларни Л.Ю. Маньковская икки турга бўлади (Маньковская Л.Ю., 1980, 130-б.). Биринчи турда хужралар зал билан далон орқали боғланган. Бу турдаги хонақоҳларнинг илк турларида зал кириш даҳлизи вазифасини ўтаган. Иккинчи турга – асосий зал бурчак хоналардан ажратилган композиция киради. Бундай композиция марказий ўқларида айвон-пештоқлар назарда тутилган. Пештоқлардан биттаси, яъни асосий кириш томонидагиси қолганларидан баланд композицияга эга.

Олимлар ҳовлига эга бўлган хонақоҳлар-

нинг келиб чиқишини Будда ва манихей динларига оид монастирлар композициясига монандлигини қайд этишади (Бартольд В.В., 1968, 117-б.). Ҳовли композициясида хужралар (ётоқхоналар), сумъа (зикрхона), пир-устоз хонаси, ошхона, меҳмонхона, масжид, таҳоратхона, жамоатхона – умумий мажлислар зали, ҳаммомлар жойлашган. Шунингдек, ҳовли композициясида пир-устоз қабри ҳам бўлиши мумкин. Пир-устознинг қабри, мақбараси зиёратгоҳга айланган. Зиёратчиларнинг бу ерга ташриф буюришлари хонақоҳ мажмуасининг кенгайишига, кўп функцияли ҳовлиларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Чунки айрим хоналарни, жумладан, хонақоҳ билан ошхона ёки ҳаммомни бир ҳовлига жойлаштириб бўлмайди. Шунинг учун хужралар, ошхона, меҳмонхона бир ҳовлини, ҳаммом, таҳоратхона бошқа ҳовлини, масжид, жамоатхона ҳам алоҳида ҳовлини ташкил қилиши мумкин. Шуни ҳам айтиш лозимки, кўп хонақоҳларнинг вақф ерлари бўлган. Бу ерлардан олинган ҳосилни сақлаш учун хонақоҳ мажмуасига, омборларга эга бўлган махсус ҳовли ҳам қўшилган.

Хонақоҳлардаги марказий хонада намоз ўқилган. Сулуклар сўфий-устозларидан сабоқ олишган ва самоъ мажлисларини ўтказишган. Шунинг учун бу хоналар кўп хонали хонақоҳларнинг марказий қисмини эгаллаган ва улар кўпинча гумбаз билан ёпилган. Уларда меҳроб назарда тутилган. Хоналарга безаклар билан оро берилган. Жумладан, Бухородаги Хўжа Зайниддин масжид хонақоҳининг гумбази гардиши ва бағаллари, тоқчалари ва меҳробнинг юқори қисми кўп қаватли серҳашам шарафалар билан тўлдирилган. Хонақоҳ деворлари қора, кўк, оқ рангларда ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Чорбақр мажмуасида ҳам хонақоҳ деворлари, гумбази серҳашам нақшу нигорга эга (98-расм). Файзобод хонақоҳида гумбаз равоқларининг кесишув конструкцияси ўрнатилган бўлиб, ораликлари қалқонсимон равоқлар тизими билан тўлдирилган. Натижада гумбаз юзаси бир-бири билан кесишган чизикларни ташкил қилади. Гумбаз гардиши шарафалар билан айлантирилган. Гумбаз юзаси майда ўсимликсимон нақш билан тўлдирилган. Гумбаз остидаги туйнуқлардан тушган ёруғлик хонақоҳ интерьерининг енгил, баҳаво бўлишига ижобий таъсир кўрсатган. Хонақоҳ интерьерери безаксиз қолдирилган ҳолда ҳам учрайди. У ҳолда улар конструктив асослар, шарафа-

лар ҳисобига бойитилган. Жумладан, Кармандаги Қосим-Шайх хонақоҳида равоқлар кесишуви асосида ёпилган, марказий хона гумбази қалқонсимон равоқчалар билан тўлдирилган. Бағаллари ироқи тузилишдаги шарафалар билан, тоқчалари тўр сифатида ярим гумбазлар билан тугатилган.

Умуман, хонақоҳлар композициясида хоналар тузилиши, композицияси, қисмлари уларнинг функциясидан келиб чиққан. Хусусан, асосий хона безагига алоҳида эътибор берилган (99-расм). Чунки бу хонада намоз ўқилган, сўфийларнинг самоъ мажлислари ўтказилган. Шунинг учун бу масжидлар, хонақоҳига хос тузилиш ва безакка эга бўлган. Шуни ҳам айтиш лозимки, кўпгина хонақоҳлар кейинчалик масжидларга айлантирилган. Катта хонақоҳлар жума масжидига, кичикроқлари маҳалла масжидларига айлантирилган.

## I. 6. МАҚБАРАЛАР ИНТЕРЬЕРИ

*Эй қабр, сен шундай қабрсанки, уни илм, донолик, поклик ва муқаддаслик фахр билан қамраб олган.*

*Абу Мансур ас-Саолибий*

Марказий Осиёда мақбара қурилишига қадимдан катта эътибор берилган. Мақбаралар, асосан ислом дини ўрнатилгандан сўнг йирик дин, фан арбоблари, подшоҳлар учун қурилган. Биринчи мақбаралар қаторига Бухородаги Исмоил Сомоний (IX-X асрлар), Тим кишлоғида Аработа (X аср), Карманда Мир-Саид Баҳром (X-XI асрлар) ва бошқалар қиради. Ўрта асрларда қурилган мақбараларнинг аксарияти бир хонадан ташкил топган. Кейинчалик мақбаралар икки, уч ва ундан ортиқ хоналарни (зиёратхона, гўрхона, кириш хонаси) ўз ичига олган. Шундай мақбаралар қаторига Нажмиддин Қубро (XIV аср), Тўрабекхоним (XIV аср) ва бошқалар қиради. Шунингдек, давр ўтиши билан мақбаралар ёнига яна бошқа шахсга тегишли мақбаралар, кўшимча хоналар қўшилиб, катта мажмуаларга айлантирилган. Жумладан, Шоҳи Зинда, Паҳлавон Маҳмуд ва Узгентдаги мақбаралар мажмуаси бунга мисол бўла олади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бир пайтда комплекс хоналарни (масжид, хонақоҳ,

гўрхона, зиёратхона, ошхона, ҳужра) ўз ичига олган йирик иморатлар қурилган. Шулар жумласига Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий, Самарқанддаги Гўри Амир ва бошқа мақбаралар киради.

IX-XII асрларда қурилган айрим мақбаралар иккинчи қаватида гумбаз ости саккизбурчак қисмида галерея тузилишидаги йўлак мавжуд. Шундай йўлакни Бухородаги Исмоил Сомоний, Сарахсдаги Абул Фазл, Марвдаги Санжар, Мехнедаги Абу Саид мақбараларида кўрамиз. А.М. Прибыткованинг фикрича, мазкур йўлақлар, торлиги сабабли ҳеч қандай вазифани бажармаган. Улар ислом дини ўрнатилгунга қадар қурилган ибодатхоналар тарҳига хос анъаналарнинг сақланиб қолганлигидан дарак беради (Прибыткова А.М., 1980, 178-б.). Дарҳақиқат, улардаги йўлақларнинг биринчи қаватга туширилган ҳолати зардуштийлик, буддавийликка хос обидалар тарҳини қайтаради. Шундай тарҳни Самарқанд яқинидаги XIV асрга оид Равотхўжа мақбарасида кўрамиз (Крюков К.С., Салахитдинов Н., Ртвеладзе Л.Л., 1976, 33-35-б.). Мақбаранинг илк ва қайта қурилган тарҳларида сағана уч ва тўрт томонидан баҳаво далон билан айлантирилган. Юқорида номлари зикр этилган мақбараларда йўлакнинг иккинчи қаватда қўлланилиши мақбара иморати талабларига хос меъморий анъаналарга жавоб берган. Йўлакнинг иккинчи қаватда қўлланилиши мақбара интерьерининг само билан боғланиши каби рамзий ифодаларни ҳам англаган.\* Мақбаранинг сағана қисми иккинчи қаватдаги йўлақлари билан туйнуқлар орқали боғланиши, интерьер композициясига баҳаволик бағишлайди.

Мақбаралар ички ва ташқи тузилишига, безагига алоҳида эътибор берилган. Улар интерьерда меъморларнинг ихтиролари мужасамланган десак, хато қилмаган бўламиз. Мақбаралар интерьерлари оддий бир ёки икки хонадан ташкил топган бўлишига қарамасдан, улар бой композиция ва безак намуналарига эга. Безаклар қолган турдаги обидалардагидек, давр анъаналарининг намуналари ҳам мақбараларда ўз ифодасини топган. Мақбаралар интерьерининг хилма-хиллигини билдириш учун уларнинг айримларига қисқа-қисқа тўхтаб ўтамиз. IX-X асрларга оид Исмоил Сомоний мақбараси интерьерда ташқи томонидагидек гиштлардан терилган шаклларнинг хилма-хиллиги билан бой бадий композицияга эришилган (100-расм). Гумбаз остидаги саккизбурчак пой-

гумбаз бурчакларига гишдан терилган устунчалар ўрнатилган. Худди шундай устунчалар Аработа мақбараси интерьерда ҳам мавжуд. Мазкур обида интерьерда саккизбурчак пойгумбазнинг бурчак қисмида уч барг тузилишида катта равоқлар ишланган (101-расм). Нақшларнинг шу тури Мирсаид Баҳром мақбарасида ҳам ривожлантирилган. Мазкур мақбара интерьерда тўртбурчакнинг ҳар бир деворининг уч жойидан қўшалок ярим устунлар полдан кўтарилиб, саккизбурчак пойгумбаз равоқларига қўшилган. Шунинг учун мақбаранинг тўртбурчак билан саккизбурчак қисмлари интерьерда бирлашиб кетгандек туюлади. Аламбардор мақбарасида ҳам тўртбурчакнинг ҳар бир девори бўртиб чиққан таянчлар ёрдамида уч бўлинмага бўлинган. Мазкур обидада ҳам тўртбурчак билан пойгумбаз бўлинмаси бирлашиб кетган. Унда меҳроб мавжуд. Термиздаги Султон Саодат мақбараси интерьерда тўртбурчак деворларини учга бўлишнинг такомиллашган вариантини кўрамиз. Унда тўртбурчак тузилишидаги устун таянчларнинг икки томонида кесимда айлана устунлар маҳорат билан жойлаштирилган. Ярим устунлар тўртбурчакнинг ўртасида тугатилиб, юқори қисми равоқ шаклида давом эттирилган. Натижада мақбаранинг тўртбурчак қисми бурчакларидаги икки равоқли бўлинмаларга пойгумбазнинг бурчакларидаги равоқлар ўрнатилган. Гишдан терилган ярим устунлар, равоқлар ва девордаги гиштларнинг жуфт-жуфт қаланиши, ярим гумбаз юзаларида арчасимон нақшларнинг мавжудлиги, интерьер баҳаволиги ва тантанаворлигини таъминлайди (102-расм).

XI-XII асрларда қурилган мақбаралар интерьерда ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган. Бунга Термиздаги Ҳаким ат-Термизий, Узгентдаги “Марказий мақбара” интерьерлари гувоҳлик беради. Сафед Баланд (Қирғизистон) қишлоғида Шайх Фозил мақбараси деворларида доирасимон нақшлар, равоқлар ичига олинган. Марвдаги Санжар мақбарасида (XII аср) ранг қўлланилганлиги гувоҳи бўламиз. XI-XII асрларга оид мақбаралар ичида Санжар мақбараси энг катта ҳажмга эга. Интерьерда унинг томонлари 17x17 м тенг. Мақбара асосий қисми деворининг қалинлиги 1,5 м, устун гумбазининг саккизбурчак пойгумбази атрофида ёпиқ далон яратиш имкони тўғилган. Саккизбурчакдаги равоқ шаклидаги очик бўлинмалар ҳамда гумбаз юзасидаги нервюралар интерьернинг энгил ва баҳаво кўри-

\* Мақбара йўлақларининг рамзий ифодалари тахлили китобнинг II бобида баён этилган.

нишига имконият яратган. Шунингдек, мақбара деворининг юқори қисми ёзувлар бўлинмаси билан айлантирилган. Бу ҳам интерьернинг монументаллигини таъминлаган (103-расм).

Нажмиддин Қубро мақбарасида асосий хона интеръери оддий ганч сувоқ билан пардозланган бўлишига қарамасдан, ундаги монументалликка конструктив асослар, бурчаклардаги ва гумбаз гардишидаги шарафалар ҳисобига эришилган. Шунингдек, усти майда нафис нақшли майолика билан қопланган қабр тоши ҳам интеръерга ўзгача кўриниш беради. Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним мақбараси ички кўриниши, ташки фасади композициясини қайтаради (104-расм). Обида интеръери ҳам олтибурчак тарҳга эга. Обида бир ўқда кетма-кет жойлашган кириш зали, зиёратхона ва гўрхонадан иборат. Мақбаранинг асосий зали, зиёратхона интеръерда уч қават равоқли композицияга эга. Биринчи қават (ярус) устида ўн икки бурчакли қават, ундан юқорида йигирма тўрт бурчакли ярус мавжуд. Равоқлар бўлинмаси пастдан юқори томон кичрайиб боради (105-расм). Интеръер композициясининг мутаносиблигини юқоридаги равоқлар қавати таъминлаб туради. Обида интеръерининг монументаллигига гумбаздаги нафис, мозаикага ўхшатиб кесилган майолик безаклар ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Бухородаги Сайфиддин Боҳарзий мақбараси зиёратхонаси ва гўрхона интеръерининг гумбаз гардиши, пойгумбаз бурчакларида қўлланилган турли тузилишдаги шарафалар, композиция жиҳатидан бинони жонлантириб юборган.

XIV-XV асрларда обида интеръерида безак, аниқ тақсимланган горизонтал бўлинмаларда қуйидаги тартибда ишланган: биринчи ярусда (панель) изора, ундан юқорида ёзув, сўнг нақшли паннолар бўлинмаси, деворнинг охириги бўлинмаси яна ёзув билан тугатилган. Сўнг саккизбурчак шаклидаги пойгумбаз ва гумбаз (106-расм). Ҳар бир бўлинма ўз беагига эга бўлган. Бўлинмалардаги нақшу нигорлар композициясини ёзувлар қатори тўлдирган (Бородина И.Ф., 1962, 187-б.). Шунингдек, шу даврга оид мақбаралар интеръерида маҳобатли рангтаъсир ва наққошлик намуналари, керамика қатлами билан пардозлаш ва мураккаб тузилишдаги шарафалар кенг қўлланилган (107-расм). Жумладан, Шоҳи Зинда мажмуасида Шоди Мулк оқо мақбарасида интеръер рангли нақш чизилган майолика билан пардозланган. Шаҳрисабздаги Гумбази Сайи-

дон мақбараси деворларида оқ заминли юзада кўк рангда нафис нақшлар чизилган. И.Ф.Бородинанинг аниқлашига қараганда бино гумбазида турунж (медальон) тузилишидаги нақшлар каттакатта очиқ қолдирилган юзаларда шахмат юриши тарзида жойлаштирилган. Турунж нақшлари ичида гул, барг ва ниҳоллар ишланган. Турунж нақши маркази қизил рангга бўялган, барг ва гуллар қизил ранг билан жонлантирилган (Бородина И.Ф., 1967, 136-б.).

Марказий Осиё меъморчилигида XV асрда кундал-бўртма безак тури қўлланилади. Бино интеръерида деярли шоҳи қоғоздан ясалган кундал қўлланилган. Марказий Осиёда XV асрда юзага келган кундал-бўртма нақш мақбаралар интеръерида ҳам кенг қўлланилади. Кундал-нақш кўпроқ интеръернинг гумбазида кенг ишланган. Унинг устидан зарҳал юритилган. Шунингдек ҳам айтиш лозимки, нақш-нигорнинг кенг ишлатилган бир пайтида оддий ишланган интеръерлар ҳам бўлган. Уларда конструктив қисмларнинг турли композициясида умумийлаштирилиши, бирлаштирилиши нақшларнинг ўрнини босган. Жумладан, Остон кишлоғида (Хоразм) Шайх Мухтор Вали мақбарасида тўртбурчак, бурчаклари ярим гумбаз билан ёпилган, лекин унинг ён томони, бағалари усти деворидан бироз бўртиб чиққан геометрик кўринишдаги юзалар билан умумлаштирилган. Мазкур юзаларнинг ўзиёқ мақбара интеръери монументаллигини таъминлаган. Шунга ўхшаш, лекин бироз соддароқ тузилишдаги юзаларни Уч Авлиё, Саид Аловоддин мақбараларида (1549, 1821 йиллар) ҳам учратамиз (108-расм).

XIV асрга оид мақбара интеръерида ранг кенг қўлланилган. Уларда кўпроқ кўк ва зарҳал юритилган гаммадаги майолика юзаси нафис ўсимликсимон майда нақшлар билан бойитилган. Ранг секин-аста ўйма нақшни сиқиб чиқара бошлайди. Шоҳи Зинда мажмуасида Ширинбека оқо мақбарасида нақшлар зарҳал ва кўк ранг гаммасида ишланган. Шунингдек, мазкур мақбарада стиллаштирилган дарахт тасвири ўсимликсимон нақшлар композициясида қўлланилган. Стиллаштирилган дарахт тасвири Туман оқо (1405 й.) ва Бибихоним (XV аср) мақбараси интеръерида ҳам ишланган. Шоҳи Зинда меъморий мажмуасининг деярли барча обидалари интеръерининг гумбаз ости бурчакларида турли композициядаги шарафалар қўлланилган

(109,110-расм). Қозизода Румий макбарасида саккизбурчак устида ўн олти бурчакли қисмининг ҳар бир бўлаги ўртасида чуқур токча назарда тутилган. Уни оғир кўринишдан асраш учун саккизбурчакнинг бурчакларидаги бағал учтадан равоққа тақсимланган. Учала равоқ ҳам шарафа билан бойитилган. Бу тадбир ўн олти бурчакдаги чуқур токча икки ёнидаги юзанинг вазминлигини юмшатиш имконини берган. Шарафалар юзаси сарғиш, кўк ранглар билан бўялган. Улар замида нафис ўсимликсимон, геометрик нақшлар ишланган. Шунингдек, шарафаларнинг оқ рангдаги косачалари, бўлақларининг қирралари кўк рангдаги чизик билан хошияланган ҳамда оппоқлигича қолдирилган композицияда ҳам мавжуд.

Хўжа Аҳмад Яссавий масжид-мақбара биносининг кириш пештоқи тўғрисида, иморат тўрида гўрхона учун махсус хона ажратилган. Гўрхона обиданинг орқа томонидан алоҳида пештоқ билан боғланган (111-расм).

Гўри Амир макбарасида гўрхона икки қаватга эга. Ер ости қават тўрт томонидаги чуқур токчалари ҳисобига салиб тузилишидаги тархга эга. У ётиқ қавариқли гумбаз билан ёпилган. Мақбаранинг ер усти қавати, асосан зиёратхона вазифасини бажарган, лекин унда қимматбаҳо тошлардан сербезак нақшли сағаналар ўрнатилган. Шундай композиция Самарқандда Оксарой ва бошқа мақбаралар интерьерида мавжуд (112-расм). Гўри Амир макбараси интерьерида бўртма нақшга коғоздан ишланган қаватма-қават ва кўк рангли заминда зарҳал юритилган (113-расм). Г. Н. Никитин Гўри Амир макбараси интерьерида 39 хил нақш шаклидан 4703 хил нақш композицияси яратилганлигини аниқлаган (Никитин Г.Н., 1967, 85-б.).

XV аср мақбаралари тарҳида чуқур токча бўлинмалар ҳисобига салиб тузилишидаги композиция кўп учрайди. Жумладан, Бибихоним мақбараси, Чўпон ота, Ишратхоналар шундай тархга эга (114-расм). Бундай тархнинг яратилишига гумбаз асоси учун равоқларнинг кесишуви системаси юзага келганлиги сабаб бўлган. Равоқлар кесишуви системаси хонанинг тўрт томонида полдан катта бўлинмалар яратиш имконини берган. Олимлар, Мовароуннаҳрда марказга эга мусулмон мақбараларининг юзага келишида, ислом дини ўрнатилгунга қадар Бактрия-Тоҳаристонда шаклланган меъморий анъаналарнинг

роли бўлган, деб таъкидлайдилар. Бунга Тоҳаристондаги Биттепа мақбараси ва Кулолттепа (VII-VIII асрлар) деҳқон кўшкы тарҳи негизида чортоқ асоси ётиши ҳамда Суғд давлати ҳудудида бирон-бир қадимий ёки илк ўрта асрларга оид шундай композициядаги ва тарҳдаги обиданинг очилмаганлиги далил сифатида келтирилади (Ртвеладзе Э.В., 1982,35-б.).

Бордию, марказий хонага тўғридан-тўғри кичкина даҳлиздан ва ундан ён томондаги хоналарга кирилишини эътиборга олмасак, шунга ўхшаш тарҳ Бухоро воҳасида (Суғд) милоддан аввалги III асрга оид «Қизилқир» турар жой тузилишида мавжудлиги (ВИА, 1970, 10-расм) ҳамда Афросиёбда очилган илк ўрта асрларга оид зардуштийлик ибодатхона тарҳида чортоқ тузилишидаги композициянинг аниқланганлиги (Аҳмедов М.К., 1993, 8-б.) бу фикрни тўла тасдиқламайди. Шунинг учун бундай тарҳ Суғдда ҳам бўлган, лекин бу ерда у Тоҳаристон меъморчилиқ мактабидагидек кенг тус олмаган десак тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Марказий Осиёда ўрта асрларга оид мақбараларда салобатли зиёратхона тўғрисида бир ёки иккита ихчамроқ гўрхона жойлаштирилган тарҳ кенг учрайди. Бу ҳолда зиёратхона ва гўрхоналар алоҳида-алоҳида гумбазга эга. Улар тарҳда ҳам, тарзда ҳам бир композицияга эга, яъни битта яхлит иморатни ташкил қилади. Зиёратхона ва бир ёки иккита гўрхонадан ташкил топган мақбаралар қаторига Хоразмдаги Биби Хаджар, Шайх Хусайн бобо, Мир Мухаммад Азиз, Саид Шаховат Азиз, Шайх Хусим бобо (Маньковская Л.Ю., 1978, 39-б.) ва бошқалар қиради. Шундай композициядаги мақбаралар Миздахқон меъморий мажмуасида ҳам мавжуд. Улар қаторига Бухоро воҳасидаги Абдурахмон вали мақбараси ҳам қиради (Некрасова Е.Г., Шрайбер Ф.И., 1990, 34-б.). Унда зиёратхонадан бир-бири билан эшик орқали боғланган гўрхоналарнинг бирига кирилади. Уларда зиёратхона интерьеры беағи, салобатлилиги билан мақбара композициясида доминантлигини тўлиқлигича сақлаб қолади. Айрим ҳолларда зиёратхонага, унинг композициясига нисбатан меъморий жиҳатдан ўзгача тузилишдаги гўрхоналар қўшилганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, Бухоро воҳаси Қорақўл туманида XVI асрда қурилган Абдурахмон Саво мақбарасининг олтибурчак тузилишга эга зиёратхона қисмига торроқ тўғри тўртбурчак тузилишидаги гўрхона

қўшилган (Чекаева Р.У., 1983, 14-15-б.). Зиёратхона билан гўрхона биргаликда келган композиция ҳам кенг тарқалган. У ҳолда қабр тошнинг ўрнига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Хивада Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг асосий икки гумбазли қисмида, зиёратхонанинг тўридаги девор мағзида, яъни токча шаклидаги бўлинмада Муҳаммад Раҳимхон қабр тоши жойлашган. Бўлинма ўрни панжара билан чегараланган. Зиёратхонанинг шимоли-ғарб бурчагидаги супада иккита қабр тоши мавжуд. Паҳлавон Маҳмуд қабр тоши алоҳида кичкина зиёратхона билан бирга катта зиёратхонага шимол томондан қўшилган. Бундай тadbир асосий зиёратхонанинг кенг баҳаволигини сақлаб қолиш ва унинг барча гўрхоналар, қабрлар учун хизмат қилишини таъминлаш имкониятини берган. Сатҳи бўлинмага тақсимланмаган ҳолда қурилган мақбараларда қабр тошлари унинг марказида ўрнатилган. Бу билан қабр тошлари атрофи бўйлаб зиёратчиларнинг айланиб ўтишларига имкон яратилган. Шунингдек, мақбаранинг бир қисми зиёратчилар учун очик қолдирилган. Жумладан, Самарқандда Рухобод мақбараси интерьеридида ҳам қабр тошлари унинг жануб томонини эгаллаган. Шимолий қисми эса зиёратхона вазифасини бажаришга мўлжалланган.

Наманган вилоятининг Чодак тоғ қишлоғида Бойи Ҳамадон мақбарасида узунчоқ тузилишдаги (6x13,2м) гўрхона поли бир-биридан кўтарилиб борган уч поғонали супадан ташкил топган. Энг юқоридаги, яъни гўрхона тўридаги супада сағана ўрнатилган (Азимов И., 1982, 71-б.; Назилов Д., 1984, 95-б.). Бу тadbир ҳам гўрхонанинг асосий қисмини зиёрат қилишга қулай бўлишини таъминлайди.

Фарғона водийсидаги XVIII-XIX аср мақбаралари интерьеридида XI-XII асрларга хос интерьерларни кўрамыз. Шундай ҳол Намангандаги Хўжамнинг (Хўжа Амин) қабри мақбарасида учраган. Унинг ички тузилишида Сафед Баланд мақбарасига тақлид қилинган (ВИА, 1969, 344-б.) (115-расм).

Тарҳда кичикроқ бир устунли, тўрт гумбазли мақбаралар ҳам қурилган. Ўратепадаги хазираи Эшони Мавлоно ҳам шундай мақбаралар қаторига киради (Нильсен В.А., Гаузен А.В., 1989, 18-б.). Мақбара томи марказий устун ва тўсинлар ёрдамида тўрт қисмга бўлинган. Ҳар бир бўлинма устига ёғочдан саккиз киррали гумбаз терилган.

Бу гумбазлар равоқларсиз қурилганлиги сабабли катталаштирилган декоратив хавзақларга ўхшаб кетади. Гумбазлар тўсинлари юзаси рангбаранг нақш-нигорга эга. Гумбаздаги вертикал бўлинмалар юзасига ўсимликсимон нақшлар билан Қуръон оятларидан парчалар битилган. Мазкур мақбарада қабр тоши, айвонда жойлаштирилган. Тўрт гумбазли хона зиёратхона вазифасини ўтаган. Бундан унинг нақшу ниғори ҳам далолат беради.

Қизиғи шундаки, гумбаз бўлинмаларида анорга ўхшаган катта нақшин юза ичидаги барг ҳамда ости ва устидаги ўсимликсимон нақшларнинг чегара чизигини синчиклаб кузатганимизда, чордона қуриб ўтирган одам тасвири борлигини пайқаб қоламиз. Бадиийлаштирилган одам тасвирлари худди Қуръон мутулаа қилиб ўтиргандек. Мазкур тасвир орқали бу хона зиёратхона эканлиги ҳамда Эшони Мавлоно руҳи учун фақат Қуръон ўқиш лозимлигига ишора этилмоқда.

Дарвоздаги “Ҳазрати Султон Жўрадо” мақбараси тўрт томонидан айвон билан айланттирилган (Назилов Д.А., 1999, 100-б.). Мақбара интерьери, тўрт томонидан пиллапоя шаклида юқорида кўтарилган сайин поғоналари кичрайиб борган чорхона тузилишидаги яхлит шифти билан жонланттирилган (116-расм). Ашт қишлоғида “Ҳашт Саҳоба” мақбарасининг қабр тош ўрнатилган марказий қисми тўрт томонидан деярли очик қолдирилган (Назилов Д.А., 1986, 8-б.). У тўрт томонидан саккизта устунга ўрнатилган ёғоч панжаралар билан ўралган. Мақбаранинг марказий қисми уч томонидан айвон ва бир томонидан далон билан айланттирилган. Мақбаранинг марказий, сағана қисми интерьери конуссимон томи ва томонларининг очиклиги билан киши диққатини ўзига жалб қилади.

Салобатли тарз ва тарҳга эга мақбаралар қаторида ихчамроқ оддий, ёғоч тўсин ва васса шифтга эга мақбаралар ҳам қурилган. Бундай мақбараларнинг ички кўриниши оддий бўлган ва шифт конструктив асослари устун ва бошқалар ҳисобида киши диққатини жалб қиладиган ўзига хос интерьерлар ҳам яратилган. Шундай кўринишдаги мақбаралар қаторига Панжикентдаги Эшони Ҳофиз ва Хушхофиз мақбараларини мисол қилиб келтирсак бўлади (Гуревич Л.Л., 1987, 126-б., 1-расм). Эшони Ҳофиз мақбарасининг кириш қисми деярли очик бўлган (117-расм). Л.Л. Гуревич бундай композициядаги тарҳ ва тарзни Кичик

Осиёнинг шу турдаги иморатлари, қадимий Юнонистоннинг мегаронлари ва бошқа қадимий иморатлар билан бир туркумга киритади (Гуревич Л.Л., 1987, 11-расм).

XVIII-XIX асрларга оид узунчоқ тузилишдаги мақбаралар кенг қурилган. Шундайлар қаторига Самарқанддаги Хўжа Дониёр, Миздахқон мажмуасидаги Шамун Наби, Ғазфондаги Шоҳи Мардон мақбаралари киреди. Улар бир нечта гумбаз билан ёпилган. Жумладан, Хўжа Дониёр мақбараси бешта гумбазга эга (Захидов П., 1965, 97-б.). Улардаги гумбаз ости равоқлари параллел ва уларга перпендикуляр бирлашган ярим равоқларга ўрнатилган. Бундай мақбараларда сағана ҳам узун тузилишга эга. Сағана билан девор оралигида зиёратчилар учун эни бир метр ва ундан зиёд кенликдаги йўлак қолдирилган (118-расм). Улар интерьериди улкан сағана – қабртоши деярли хонанинг асосий қисмини эгаллаганлиги учун хона сағана композициясига бўйсунгандек туюлади. Бошқача қилиб айтганда, мақбара интерьериди сағана доминантлик вазифасини ўтаган.

Мақбаралар интерьериди қабртош-сағана тузилишига ва унинг хонада жойлаштирилишига алоҳида эътибор берилган. Бир хонадан ташкил топган мақбараларда шу хона ҳам зиёратхона, ҳам гўрхона вазифасини ўтаган. Уларда сағана кўпроқ хона ўртасини эгаллаган. Кўп хонали мақбараларда кўп ҳолларда зиёратхона тўридаги деворга гўрхона қўшилган. Гўрхонага зиёратхона орқали кирилган. Зиёратхона тўрида иккита хона гўрхонага ажратилган тархлар ҳам учрайди. Шундай тархдаги композицияни Миздахқон меъморий мажмуасида учратдик.

Шунингдек, зиёратхона тўридаги деворда тоқча шаклидаги бўлинма қабртоши ўрнатишга мўлжалланган (Паҳлавон Маҳмуд мақбараси). Гўрхона икки қаватда ҳам бўлиши мумкин. У ҳолда майит биринчи қаватга қўмилган, устига оддий тош қўйилган, лекин иккинчи қаватдаги хашаматли хонада қимматбаҳо тошдан ясалган сербезак сағана ўрнатилган. Бундай пайтда иккинчи қават зиёратхона вазифасини ҳам ўтаган (Амир Темур мақбараси). Зиёратхона интерьериди бой бадий безак ишланган.

Мақбаралар ички кўриниши беағида, конструктив асосларида Марказий Осиё меъморчилигининг ҳар бир даврга хос анъаналаридан фойдаланилган. Умуман, интерьер композиция-

си кўпроқ конструктив асослар ва уларнинг пропорциялари ҳисобига бойитилган. Интерьер деворлари, гумбазининг нақшу ниғорига ҳам эътибор берилган. Хулласи калом, мақбаралар интерьериди композициясида сокинлик, умрбоқийлик, вазминлик ҳукм суради. Бу эса уларнинг функционал вазифасини аниқ белгилаб туради.

## 1. 7. ЭРКАКЛАР ҲИИ – “ОЛОВХОНА”

*Ўтин ва тутунни олқишламоқ истайман.*

*Авесто*

Оловхона номли эркаклар уйини Тожикистоннинг Қоратегин, Вахион Боло, Дарвоз тоғ воҳаларида ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин. Мазкур турдаги иморат ҳақида ва унга тегишли расм-русумлар таниқли этнограф олимлардан М.С. Андреев, Н.А. Кисляков, А.Н. Кондауров, А.К. Писарчик, М.Ф. Гаврилов, В.В. Гинзбургларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Оловхона ва унга боғлиқ расм-русумлар таҳлилига ленинградлик этнограф олим Р.Р. Раҳимовнинг махсус монографияси бағишланган (Раҳимов Р., 1990, 157-б.). Оловхона тарҳи, тузилиши Д.А. Нозиловнинг монографиясида, у учратган ва ўрганган оловхоналар ҳақида қисқагина маълумот берилган (Назилов Д.А., 1999, 115-116-б.).

Оловхонанинг юзага келиши жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бунга оловхонанинг маҳалла ёки бутун қишлоқ аҳлига тобелиги ва унда эркаклар жамоа бўлиб таом истеъмол қилишлари, уларнинг қиш фаслида доимо шу ерда бўлишлари, хонани иситиш учун навбат билан ўчоққа ўт ёқишлари, овланган ёввойи ҳайвон танасининг шу жойга келтирилиши (ИНУ, 1950, 23-б.) ҳам гувоҳлик беради. Абу Райҳон Беруний Сугдиёна халқларида оловхона ислом дини ўргатилишининг илк йилларда ҳам ҳар бир қишлоқда бўлганлигини таъкидлайди. Йил давомида бўладиган байрамларда қадимий суғдлар оловхоналарда йиғилиб байрамона таомлар пиширган (Бируни, 1957, 254-б.). Л.Ф. Моногарова оловхонада қиш пайтлари олов ёниб туришини доимий таъминлаш одатининг ҳозиргача сақланиб қолиши, мазкур умумий хонанинг қадимги оташ-парастлик дини билан узвий боғлиқлигини билдиради, – деб таъкидлайди (Моногарова Л.Ф., 1959,

54-б.). Оловхонанинг ўрта асрларда ҳам бўлганлигидан археологик маълумотлар гувоҳлик беради (Негматов Н.И., 1978, 161-162-б.). Ҳозирги кунда ҳам оловхона муқаддас жой ҳисобланади. Оловхона билан боғлиқ расм-русумлар ҳам ўзига хос кўринишга эга. Ана шу одатлардан бирини мисол тариқасида келтирамиз. Оловхонада навбат билан хонани иситиш ва таом тайёрлаш одати бўлган. Бунинг учун ҳар бир оила эркаги кўп ўтин йиғишига тўғри келган. Навбати келган эркак кўй ёки эчки сўйиб, оловхонада меҳмондорчилик уюштирган. Шу билан бирга кечаю кундуз ўчоққа ўтин ташлаб, оловхонани иссиқ сақлаган. Бордию йиққан ўтини тугаб, оловхонада ҳаво ҳарорати даражаси доимийлигидан пасайиб кетса, унинг якуни, навбатчи учун жуда оғир бўлиши мумкин. Яъни, оловхона аъзоларидан бири туриб, жаҳл билан хона совуқку, дея ўчоқ устига бир пақир сув қуйса, шунинг ўзи оловхона навбатчиси учун катта жазо ҳисобланган. Гўёки у жамоадан бадарға (ҳайдалган) қилингандек, кучга эга бўлган. Шунинг учун навбатчи бошқатдан меҳмондорчиликни бўйнига олиб бўлса ҳам, ўчоққа сув тўқмасликларини ёлвориб сўраган. Оловхонага оид бу одат муаллиф томонидан ҳам Вахиои Боло, Қоратегин, Дарвоз воҳалари қишлоқларида аниқланди. Шунингдек, бу одат этнограф олим Н.А. Кисляков томонидан ҳам эътироф этилган (Кисляков Н.А., 1936, 116-117-б.).

Ислом дини ўрнатилгандан сўнг оловхона ичига масжид киритилган. Улар бир хонани ташкил қилишган. Бундай пайтда хонанинг кириш қисми чап томонида ўчоқ жойлаштирилган. Ўчоқнинг атрофида супа назарда тутилган. Шу хонанинг тўр қисмида, ғарб томон деворида меҳроб ўрнатилган (119-расм). Шифтнинг ўчоқ усти қисми «чорхона» ёки «харуза» услубида ёпилиб, унинг марказида туйнук қолдирилган.

Кейинчалик масжид ва оловхона учун алоҳида-алоҳида хона ажратилган. Улар кўпинча ёнма-ён жойлаштирилиб, узунасига бир айвон билан бирлаштирилган. Масжид интерьерини меҳроб билан оловхонадан ажралиб турган. Оловхона катта хонани ташкил қилган. Унинг марказида тўрт ва ундан ортиқ устун жойлаштирилган (120-расм). Хона сатҳининг устунлар оралиғидаги майдони пастрок бўлиб, унинг ўртасида ўчоқ назарда тутилган. Ўчоқ тутунининг чиқиб кетиши учун шифтнинг марказий устунлари оралиғидаги қис-

ми 1,5-2 метр юқорига кўтарилган ва ён томонларида очик туйнуклар қолдирилган. Шифтнинг бу қисми харуза, деб юритилган. Айрим пайтда ўчоқ атрофи супа билан айлантилган. Бизнингча шифтнинг ўчоқ устидаги қисмида шундай конструкциянинг қўлланилиши ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бундай конструкцияли шифт зардуштийлик динига оид ибодатхоналарнинг доимий оловни сақлайдиган хоналарига қўл келган. Чунки ибодатхонада доимий олов алангасининг шифт тўсинларига таъсир қилмаслиги учун шифтнинг шу қисмини 1,0-1,5 метр ва ундан ортиқ баландликка ҳам кўтариш имконияти бор. Оловхона интерьерида ўчоқ асосий вазифани ўтаган. Ўтирганларнинг диққат-этиборини оловхона марказидаги ўчоқ ўзига тортган.

XX асрнинг 80-йилларида Қоратегин воҳаси қишлоқларида сербезак оловхоналар қурила бошланди. Уларнинг ҳажми ҳам жуда катта. Пол сатҳи ва супалари тахтадан кўтарилган, девор ва шифтда рангли безаклар қўлланилган. Шунингдек, янги қурилган шундай иморатларда суриладиган девор, иккинчи яруслар ҳам назарда тутилган.

Умуман, оловхона интерьерини супалари, ўчоқнинг ўрни, шифтдан тутун чиқиши, ёруғлик тушиши учун юқорига кўтарилган бўлинманинг назарда тутилиши ва унинг ён томонларида туйнукларнинг мавжудлиги ўз вазифасига мос келган. Хонанинг мазкур қисмлари унинг интерьерини эркаклар учун умумий йиғилишлар ва дам олиш жойи эканлигини аниқ ифодалайди. Оловхонанинг фақат узоқ тоғ қишлоқларида сақланиб қолишига биринчи навбатда бу ўлкаларнинг шаҳар цивилизациясидан узоқлиги сабаб бўлган.

## 1. 8. МЕҲМОНХОНАЛАР ИНТЕРЬЕРИ

*Бир хужра қурдирай дўстларимга хос,*

*Бир эшиги боққа чиқар шунга мос.*

*Саъдий Шерозий*

Марказий Осиё турар жой меъморчилигида меҳмонхоналарга алоҳида эътибор берилган. Фикримизни археологик материаллар тасдиқлайди. Археологлар томонидан очилган маконлар тарҳини кўздан кечирар эканмиз, уларнинг

орасида катта хоналарни кўрамиз. Уларнинг айримлари турар жойлар комплексида далонлар орқали бошқа хоналарга боғланиб кетган. Бизнингча, бундай хоналар хўжалик хонадонлари учун меҳмонхона вазифасини бажарган. Шундай хоналар Варахша, Қува, Афросиёб, Панжикентнинг қадимий шаҳарларида мавжуд. Улар меҳмонхона вазифасини бажарганлигини А.М. Беленицкий (Беленицкий А., 1973, 14-б.), В.А.Нильсен (Нильсен В.А., 1966, 79-б.), В.А.Булатова (Булатова В.А., 1966, 86-б.), Ш.С.Тошхўжаев (Тошхўжаев Ж.С., 1977, 99-б.), Е.Е.Неразиклар (Неразик Е.Е., 1976, 77,80-б.) эътироф этишади.

Шунингдек, юқорида номлари зикр этилган кўхна шаҳарлар тарҳида турар жойлар мажмуаси билан боғланган, алоҳида кириш қисмига эга бўлган катта, салобатли хоналар ҳам учрайди. Бизнингча, бундай хоналар маҳалла хонадонлари учун умумий хона вазифасини бажарган. Уларнинг меҳмонхона, яъни умумий дам олиш жойи, клуби бўлганлигини В.Л. Воронина ҳам таъкидлайди (ВИА, 1969, 189-б.).

Дарҳақиқат, Панжикент шаҳарчасининг ўтган асрнинг 60-йилларида очилган қисмида, кўчадан айвон орқали катта хоналарга кириладиган уйларни кўрамиз. Мазкур уйлардан иккитаси шаҳарчанинг шимоли-ғарб қисмида мавжуд (ВИА, 1969, 187-б, 3-расм). Юқорида уқтириб ўтилган шаҳарчаларда меҳмонхона, асосан пешайвон ва битта катта хонадан ташкил топган. Улар тарҳда квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, деворлари атрофида супа бўлган. Хона шифтнинг хона ўртасидаги тўрт устун кўтариб турган. Устунлар ўртасида шифтдан ёруғлик тушиши учун туйнук қолдирилган.

Афросиёбда археологлар томонидан очилган “Гумбазли хона” номи билан маълум уч хонали иморат уч марта қайта таъмирланган. Охириги марта X асрда қайта таъмирланган иморатнинг марказий қисмидаги гумбазли хона, бой хонадон меҳмонхонасига айлантирилган. Ғарб томонидаги хона катта даҳлизга мўлжаллаб таъмирланган ва унинг икки томонида супа қурилган (Ахраров И.А., Ремпель Л.И., 1971, 61-б.). Супаларнинг даҳлизда жойлашганлигини назарда тутиб бўлса керак, Л. Ремпель, иморат, икки хил вазифани бирлаштирган, деган фикрни билдиради. Унинг таъкидлашича, Сомонийлар даврида амалдорлар ўз қабулхоналарини уйларига кўчириб, ўша жойда турли иш юзасидан, яъни молия

масалалари, идора ва қозилик ишлари бўйича келганларни қабул қилганлар. Шунинг учун ҳам мазкур иморат ўша даврда амалдорнинг қабулхонасига айлантирилган бўлиши мумкин (Ахраров И. А., Ремпель Л. И., 1971, 61-б.).

Интерьерда гумбазли асосий хона деворларида тоқчалар тўғри тўртбурчак бўлинмаларга олинган. Саккизбурчак равоқлари декоратив устунчалар билан чегараланган. Уймакорлик қилинган ўсимликсимон нақшлар кўпроқ хона конструктив қисмлар гардишида, уларни бир – бирдан ажратишда қўлланилган. Хона гумбази ички томондан кавариклардан ташкил топган. Умуман, хона кўриниши, қисмларининг мутаносиблиги ва нақшнинг меъёрида ишлатилганлиги билан ўрта аср меҳмонхоналарига хос тантанавор композицияни ташкил қилган (121-расм).

Меҳмонхоналар ўрта, сўнгги ўрта асрларга оид шаҳарларда ҳам мавжуд. Маҳаллага тегишли меҳмонхоналар XIX-XX асрнинг бошларигача бўлган. С. Мамажонов ва Р.Муқимовлар Ўратепада учта умумий меҳмонхоналарни ўрганишган. Улар мазкур гапхоналар, умумий меҳмонхона вазифасини бажарганлиги ва уларда маҳалла эркаклари киш ойларида кечкурунлари узоқ вақтгача дам олиб ўтирганликларини таъкидлайдилар (Мамаджанова С., Муқимов Р., 1993, 64-65-б.). Мазкур гапхоналардан бирига бироз тўхтаб ўтамиз. Тошхўжаевга тегишли гапхона, тарҳда узун тузилишда бўлиб, асосий хона ва даҳлиздан ташкил топган. Хоналар орасидаги девор ровон шаклида ишланган. Лозим бўлганда хоналар орасидаги девор сурилган ва улар битта хонага айлантирилган. Гапхона деворлари ва шифтнинг ранг-баранг нақшга эга. Шифт композицияси бой. Унинг ўртасида катта гумбаз – хавзак, тўрт бурчагида тўртта кичик хавзак ишланган. Марказий хавзак атрофи серҳашам шарафага эга. С.Мамажонов ва Р.Муқимовлар, гапхона умумий меҳмонхона вазифасини бажарган, маҳаллада умумий чойхона қурилгандан сўнг гапхоналар ўз функциясини йўқотган, деб таъкидлайдилар (Мамаджанова С., Муқимов Р., 1993, 64-65-б.). Бизнингча, гапхона Марказий Осиёнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлган, лекин у меҳмонхона ёки хўжа номи билан юритилган. Шундай меҳмонхонани Қашқадарёнинг Денави Боло, Жавз каби тоғ қишлоқларида учратдик. Денави Боло қишлоғида меҳмонхона Хўжақуловлар хонадонига тегишли, лекин унинг ховлисида ташқа

рида қурилган ва алоҳида кириш қисмига эга. Гапхона, меҳмонхона бир хил вазифани бажарган. Унда эркаклар йиғилишган, гап ўйнашган, шунинг учун ҳам Ўратепада уни гапхона, деб юритишган. Юқорида С.Мамажонов ва Р.Муқимовларнинг, гапхоналар ўрнига чойхоналар қурилган, деган фикрлари тўғри. Дарҳақиқат, меҳмонхона, гапхона, чойхоналар бир хил вазифани бажарган. Чойхоналар ҳам меҳмонхоналар каби дам олиш иморатлари туркумига киради.

Чойхоналар қарвонсаройларда, маҳалларда, бозорларда, зиёратгоҳ жойларда қурилган. Уларнинг тузилиши, қурилган жойи ландшафтига боғлиқ бўлган. Чойхоналар анҳор, ҳовуз бўйларида, очик ёки ёпик ҳолда қурилган. Очик чойхоналар серманзара, дарахтлар соясида, сўрилар ўрнатилган майдонни эгаллаган. Улар енгил шийпон тарзида ҳам қурилган. Ёпик чойхоналар, тарҳида, томонлари тенг ёки узунчоқ тўғри тўртбурчак тузилишда қурилган. Узунчоқ тузилишдаги чойхоналарнинг бир томонида йўлак қолдирилган. Иккинчи томонига сўри ўрнатилган. Кенг ёки томонлари тенг тўртбурчак тарҳдаги чойхоналарнинг икки, уч томонида сўри ўрнатилган. Ўртада йўлак қолдирилган. Бундай чойхоналарда шифт харилари бир, икки қатор устунларга ўрнатилган (122-расм).

Самовар чойхонанинг киришга яқин қисмида жойлашган. Чойхона интерьери беазага алоҳида эътибор берилган. Шифт композицияси ҳам, хавзаклар, ромб тузилишидаги шакллар ёрдамида бойитилган. Аксарият чойхоналарда шифт ва деворлар ранг-баранг нақшлар билан безатилган.

Умумий ёки алоҳида ҳовлига эга меҳмонхоналардан ташқари аксарият хонадонларнинг уйлари таркибида меҳмон кутиш учун бир ёки икки хона (дахлиз, хона) ажратилган. Мазкур меҳмонхоналар ўзининг ҳажми, нақшу нигори билан хонадоннинг қолган хоналаридан ажралиб турган (123-расм).

Умуман, меҳмонхоналар хоҳ умумий бўлсин, хоҳ хонадон уйи таркибида бўлсин, уларнинг интерьериди меҳмоннинг баҳра олишига шароит яратиш қадимдан одат бўлиб келган.

## 1. 9. ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ

*Ер нуқтаси осмон авжидан афво-  
Кўтариб мадраса этгирди бино,  
Еру кўк зийнатин бўлди ялови,  
Тоқиси-камолот, ақл ўлчови.*

### *Шердор мадрасаси кошинкори\**

Марказий Осиёда илм-маърифатга алоҳида эътибор берилганлиги ҳақида маълумотлар кўп. Жумладан, Самарқандда болаларни беш ёшлигидан алифбога ўқитишган. Қадимий мактаблар бизгача етиб келмаган. Фирдавсий, ислом дини ўрнатилгунга қадар ўқув тарбия ишлари зардуштийлик ибодатхоналари ёнида бўлганлиги ҳақида маълумот беради (Мирбабаев А.К., 1980, 54-б.). Дарҳақиқат, зардуштийлик ибодатхоналарининг асосий олов сақлайдиган ёки ибодат учун олов келтириладиган хоналари атрофида ортиқча хоналар мавжуд. Ана шундай хоналардан бири мактаб вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам мактабнинг диний иморат (масжид) қошида бўлишига амал қилинган. Яъни, қиз болаларни ўқитиш учун муаллиманинг уйида махсус хона (дарسخона) қуришган. Ўғил болалар учун мактаб, маҳалла масжиди қошида бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор (Маньковская Л.Ю., 1980, 81-82-б.). Жумладан, Бухоронинг Сорвоно, Оқ мачит, Зиндафил, Аҳмади Жомий ва бошқа маҳаллаларида масжид қошида мактаб ҳам бўлган. Сорвоно маҳалласида масжид ёнида мадраса талабалари учун 7-8 хужра ҳам бўлган (Сухарева О.А., 1976, 127-130-б.). Маҳалла мактаблари масжид билан бир вақтда қурилган. Айрим маҳаллаларда мактаб кичкина бўлса ҳам, гумбаз билан ёпилган. Жумладан, Бухородаги Заббийён маҳалласида мактаб шундай мустаҳкам гумбазли иморатга эга бўлган (Сухарева О.А., 1966, 70-б.). Айрим мактаблар икки қаватли бўлган. Биринчи қаватда қишда, иккинчи қаватда ёзда дарс ўтилган. Бухорода Чашмаи Аюб маҳалласида қурилган мактаб, асимметрик тузилишда бўлган. Унинг марказий қисмида гумбазли катта дарسخона жойлашган. Дарسخонанинг шимол ва шарқ қисмида учтадан хужра мав-

\* Зоҳидов П.Ш. 1996, 229-б.

жуд. Хужралар тор ва кичкина бўлган. Шунинг учун улар, ётоқхона вазифасини ҳам бажарган, дея олмаймиз. Бу хужраларда китоб сақланган бўлиши мумкин.

XVI аср ўрталарига оид мактаб Чор-Бакр мажмуасида ҳам бўлган. Унда дарсхона икки устунли катта хонани ташкил этади.

Масжид қошида мактабнинг бўлишини тоғ қишлоқларида кўрамиз. Жумладан, Синтаб тоғ қишлоғида Мулла Оқим бобо масжидининг иккинчи қаватида шундай мактаб назарда тутилган. У икки хонадан ташкил топган бўлиб, унга орқа томондан алоҳида эшик орқали кирилган.

Мактабга бағишланган тасвирларни ўрта аср миниатюраларида ҳам кўрамиз. Бундай миниатюраларнинг аксариятида талабаларнинг бир хона ва унинг олдидаги усти очик саҳнда дарс қилаётганлари тасвирланган. Жумладан, “Лайли ва Мажнун мактабда” номли миниатюрада талабаларнинг мактаб айвонида ва унинг олдидаги очик майдонда дарс қилаётганликлари тасвирланган (Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар, 1983, 40-б, 16-т.). “Лайли ва Мажнун мактабда” номли бошқа миниатюрада мактаб майдони саҳнининг олд қисмида сўри бўлиб, унда ҳам талабаларнинг дарс қилиш жараёни тасвирланган (Шарқ миниатюраси ва адабиёти, 1987, 40-т.). XIX аср бошида ишланган “Лайлининг мактабда ўқиётгани” номли миниатюрада дарсхонанинг кўриниши оддий, талабалар кетма-кет бир қаторда ўтиришибди. Муаллим учун олд томони равоқ шаклидаги очик супа бор (Шарқ миниатюраси, 1980, 99-тасвир). Бизнингча, супанинг уч томони очик бўлса керак. Бунга супанинг икки ён томонида талабаларнинг борлиги гувоҳлик беради. Чунки талаба билан муаллим орасида ёпик девор бўлиши ғайритабiiий ҳолдир (124-расм). Шунингдек, томонлари очик бўлинмани Бухоро масжидларида кўрамиз (Сухарева О.А., 1966, 75-б). Мактабга оид миниатюраларда дарсхона, айвон деворида меҳроб тасвирланган. Бу тадбир ҳам мактабларнинг масжид билан бир мажмуани ташкил этганлигидан далолат беради (125-расм).

Дарсхоналарнинг ички кўриниши масжид ва мадрасага хос тузилишга, безакка эга. Бунга миниатюра тасвирлари ҳам гувоҳлик беради. Қишлоқ мактабларининг ички кўриниши оддий бўлган.

Мактабга оид миниатюраларнинг аксариятида муаллим ўтирадиган жойда китоб сақлаш учун

кичкина қути (кат), талабалар учун лавҳ мавжуд. Мактаб интерьеридаги девор, гумбаз бошқа обидалардагидек, конструктив асослар ҳисобига жонлантирилган.

## Мадрасалар

Иқтидорли талабалар мактаблардан кейинги ўқишини мадрасаларда давом эттиришган. Мадрасалар катта-катта шаҳарларда бир нечтадан бўлган. Жумладан, Балхда VIII аср охири ва IX аср бошларида 400 та мадраса ва 900 та мактаб бўлган (Вонзи Балхи, 1931, 21-б.). Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг таъкидлашича, мўғиллар истилоси олдида Балхда 430 та мадраса бўлган (Мухтаров А., 1980, 65-б.). XX аср бошида Бухоро амирлиги рўйхатида 103 та мадраса ҳисобга олинган (Маньковская Л.Ю., 1980, 83-б.).

Мадраса ва Будда монастирининг бир-бирига ўхшашлиги ҳақида В.В.Бартольд ва бошқа олимлар фикр билдирганлар. В.В.Бартольд Балхда ва унга яқин вилоятларда мадрасанинг кўплиги, мадраса ва Будда монастири орасида боғлиқлик борлигидан гувоҳлик беради, деб ёзади (Бартольд В.В., 1963, 227-б.). Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ислом дини қабул қилинишига қадар Балх Будда дини марказларидан бири ҳисобланган. Бу шаҳарда 100 дан зиёд Будда монастири бўлган, ва бунда 3000 нафар монах яшаган (Бартольд В.В., 1971, 44-б.). Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И., Ажинатела монастири мажмуасида ҳовлининг тўрт томонида айвон мавжудлиги улар орасидаги (план) тархий ва генетик боғлиқликдан далолат беришини таъкидлашади (Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И., 1971, 50-51-б.).

Илмий йўналиши, асосан мадрасаларни ўрганишга бағишланган тожикистонлик олим А.О.Мирбобоев фикрича, Будда монастири тархи мадрасага тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаган. Будда монастирлари юзага келишдан олдин ҳам Балхда Ахомонийлар даври иморатларида Будда монастирига хос элементлар бўлган. Шунинг учун ҳам Будда монастири ўзидан олдин мавжуд бўлган тархнинг кейинги даврга, яъни мадрасаларга ўтишида воситачи вазифасини бажарган, - деб ёзади (Мирбабаев А.О., 1980, 56-б.).

Будда, христиан динлари ақидаларига биноан, ўзларини қоҳинликка бахшида этганлар, улар монастирларни ўзининг доимий уйи сифатида қабул қилиши шарт бўлган. Уларнинг уй ҳаёти-

дан ажралган шароитда яшашлари учун мо-настирларнинг ёпиқ тузилишга эга бўлиши талаб-га жавоб берган. Мадрасаларда эса талабалар фа-кат ўқиш давомида (ҳовлига эга) яшашган. Мадра-са функцияси, яъни талабаларнинг яшаши ва тахсил кўриши учун, унинг ҳовлига эга бўлишига, барча турдаги хоналарнинг ҳовли атрофида жойлашишига ва ҳовли билан узвий боғланишига даъват этган.

Талабаларнинг яшаб, ўқиши учун мадрасада, ётоқхона (хужра), дарсхона, масжид, кутубхона ва бошқа хоналар назарда тутилган. Унинг пештоқ томонида дарсхона, масжид, ички қисмида, яъни ҳовлининг уч томонида хужралар жойлашган. Ҳовлининг бир, икки, уч ёки тўрт томонида марка-зий ўқлар тўғрисида айвон бўлган.

Мадрасаларда дарсхоналар кўпинча иккин-чи қаватда жойлашган. Улар тарҳда тўғри тўрт-бурчак, квадрат ва салиб тузилишига эга бўлган. Дарсхоналарнинг аксарияти гумбаз билан ёпил-ган.

Жумладан, Хивадаги Қутлуғ Мурод Иноқ ва Ол-лоқулихон мадрасаларида дарсхона ва масжид чуқур тоқча шаклидаги бўлинмалар ҳисобига са-либ тузилишидаги катта хоналарни ташкил қила-ди. Мадрасаларда масжид билан дарсхона ёнма-ён жойлашган. Хужралар, талабалар учун ётоқ-хона вазифасини ўтаган. Улар 10-15 м<sup>2</sup> юзага эга. Битта хужра икки нафар талабага ёки битта муаллимга мўлжалланган. Айрим мадрасалар-да хужралар биров такомиллаштирилган. Улар-нинг ҳар қайсисига ташқи девор томонидан битта-дан кичкина хўжалик хонаси қўшилган. Иккин-чи қаватдаги хужраларда кўча томонга очилган айвончалар назарда тутилган. Бундай ўзгариш-ларни Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида (XV аср), Хивадаги Муҳаммад Аминхон, Муҳам-мад Раҳимхон ва бошқа мадрасаларда кўра-миз. Хужралар, эшик устидаги тобадон орқали ёритилган. Улар қишда сандал ёрдамида иситил-ган. Хужралар “балхи” услубида ётиқроқ гум-баз билан ёпилган.

Хужралар ва дарсхоналар интерьерлари оддий кўринишга эга. Уларнинг ички кўринишидаги гумбаз конструктив асослари ҳисобига бадий-лаштирилган. Жумладан, Бухородаги Кўкалдош мадрасасида дарсхона гумбази конструкцияси унинг баҳаво кўринишига сабаб бўлган. Ўзаро кесишган равоқлар оралиғи майда қалқон-симон юзачалар билан тўлдирилган. Асосий кон-

структив равоқларнинг устидаги гумбазнинг пастки қисмига, туйнуқлар жойлаштирилган. Улардан тушган қуёш нури дарсхонага майин ёруғ ва баҳаво мухит ато этган.

Умуман, ўқув муассасалари интерьерла-ри функция жиҳатдан зарур талабларга жавоб берган. Унинг деворлари оддий, талаба хаёлини бўладиган ортиқча безаклардан холи бўлган. Хона-да ёруғликнинг етарли даражада тушиши чора-тадбирлари кўрилган.

## I. 10. КҮТҮБХОНА

*Илму фан уйига юборинглар болангизни,*

*Анда ўқуганлар бори яқтон жаҳондир.*

*Аваз Ўтар*

Шарқ давлатларида махсус кутубхона бўлган-лигидан, тарихий маълумотлар гувоҳлик беради. Жумладан, Абу Али ибн Сино ўз таржимаи ҳоли-да: “Мен Нух ибн Мансурдан руҳсат олиб, бир неч-та хонани камраб олган уйга кирдим. Хоналар-дан бирида араб тилидаги қўлёмалар ва шеърый асарлар, бошқасида – қонунга оид китоблар, шунга ўхшаш ҳар бир хона алоҳида фанга оид китобларга ажратилган эди. Мен асарлар рўйхатини кўриб, ўзимга керагини сўрадим”, - деб ёзади. (Ибн Сино, 1979, 9-б.; Ирисов А. 1980, 51-б.).

Марвда XIII аср бошида 12 та кутубхона бўлган (История Ирана ....., 1958, 168-б.).

Кутубхона учун алоҳида иморат бўлганлиги ҳақида тарихнавис, саёҳатчи Якут (Ёкут XII-XIII аср боши) ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, катта кутубхоналар Марвда, Амидий ва Ханулий мадрасаларида, Жума масжидига тегишли Азийий ва Камолий хонақоҳларидан бирида Дамарий кутубхонаси жойлашган экан (МИТТ, 1938, 434-б.). М.М. Ашрафий, китоб сақлайдиган катта иморат-лардан ташқари, ўша давр китоб хаваскорла-ри қўлида ҳам қўлёмалар тўпланган, лекин улар мадраса ва масжидлар қошида бўлган, деб фикр билдиради (Ашрафи М.М., 1980, 43-б.). Илм ва ўқув масканларида кутубхона учун алоҳи-да хона ажратилганлигини ўрта аср мадрасалари-да ҳам кўраимиз. Жумладан, Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасида бир хона “кутубхона” – деб юритилади. Самарқанддаги Шайбонийхон мадрасасида, Бухородаги Абдулазизхон II мадрасасининг кириш эшиги устидаги иккинчи

каватда, Хивада Оллоқулихон мадрасасида бир нечта хужра кутубхона учун ажратилган.

Л.Ю. Маньковская, кутубхона учун меъморчилик жиҳатидан ўзига хос махсус кўринишга эга бўлган алоҳида иморат қурилмаганлигини кутубхона учун турли тузилишдаги ихтисослашмаган хона ёки алоҳида иморат ажратилганлигини таъкидлайди (Маньковская Л.Ю. 1980, 78-б.). Дарҳақиқат, кутубхона ҳақидаги тарихий манбаларда унинг тузилиши, тарҳи ҳақида бирон бир маълумот берилмаган. Кутубхонанинг яна бир томони биз учун қоронғу. Юқорида тарихнавислар томонидан номлари зикр этилган кутубхоналарда китоблар сақланганлиги аниқ берилган, лекин улар композициясида китоб мутолаа қилиш учун махсус хоналар бўлганми?–деган савол очиқлигича қолади.

Юқорида қайд этилган маълумотларга қараганда, кутубхона бир нечта хонадан ташкил топган бўлиши мумкин. Бизнингча, китоб мутолаа қилиш учун катта хона ажратилган. Унинг томи гумбаз шаклида бўлган. Хона ёруғлиги гумбаз гардиши бўйлаб жойлаштирилган туйнуқлар орқали ёритилган. Гумбазли хона атрофида китоб сақлаш учун кичикроқ хоналар назарда тутилган бўлиши керак. Шунингдек, китоб сақланадиган хоналарнинг ёруғ қисмида вақтинчалик китоб мутолаа қилиш учун ҳам шароит яратилган. Мадрасаларда таҳсил кўраётган талабаларга китоб, дарсхона ва хужраларда мутолаа қилиш учун берилган.

Мазкур монография мавзудан келиб чиққан ҳолда, фикримизни кутубхона интерьерига қаратамиз. Бу масалада ҳам тарихий манбаларга мурожаат қиламиз. Араб саёҳатчиси, тарихчиси Мақдисий Широқ халифи, Адуд ал Даул кутубхонаси ҳақида куйидагиларни ёзади: “Китобхона супа устидаги узун пештоққа эга. Унда турли жавоҳирлар сақланади; пештоқнинг ва жавоҳирхонанинг деворларида кичкина хоначалар (жовонлар) баландлиги одам бўйидек, эни уч тирсак кенлигида, эшиклари бўйланган дарахтдан, улар юқоридан туширилади, қўлёмалар тоқчаларда сақланади; ҳар бир соҳа учун алоҳида кути ажратилган ва китоблар рўйхати бор” (Бартольд В.В., 1966, 617-629-б.).

Кутубхона девори тасвирини ўрта аср миниатюраларида ҳам кўраемиз. Миниатюрада кутубхоначи нарвонга чиқиб, баланддаги тоқчадан китоб олаётгани ва китобхонларнинг китоб муто-

лаа қилаётгани тасвирланган (Пугаченкова Г.А., 1958, 219-б.; Крачковский И.Ю., 1937, 754-755-б.). Девор мағзида 34 та тоқчаси бор, улардан айрим-ларига китоб жойлаштирилган ва китоб мутолаа қилиб ўтирганлар тасвирини XIII асрда Боғдодда ишланган миниатюрада ҳам кўраемиз (Alexandre Papadopoulos, 1982, 450-б.).

Кутубхона ички кўриниш реконструкцияси В.Н. Терновскийнинг китобида учратамиз (Терновский В.Н., 1969). Тасвирда узун хона томи ёй шаклидаги гумбазга эга. Залнинг бизга яқин томони тўртта устун билан ажратилган (126-расм). Зал деворларига 2,50-3,00 метр баландликдаги китоб жовонлар қапиштириб қўйилган. Залнинг бизга яқин томонида эса, девор мағзида жойлаштирилган жовонларни кўраемиз. Улар ҳам ойнабанд қилинган эшикка эга. Бизнингча, кутубхона жовонларининг, хусусан алоҳида ўрнатилган жовонларнинг кўриниши В.Н. Терновский томонидан анча замонавийлаштирилган. Мақдисийнинг, пештоқ ва жавоҳирхона деворларида кичкина хоначалар бўлган, деган фикрини, биз, деворда одам бўйи баландлигида тахмонга ўхшаш бўлинма бўлган, деб тахмин қиламиз. Бунга сабаб, биринчидан, Шарқ халқларида девор мағзида ўрнатилган тахмон ва тоқчадан кенг фойдаланилганлиги, иккинчидан илк ўрта ва ўрта аср миниатюраларида ёғочдан ишланган жовон тасвирининг учратилмаганлиги, шунингдек, девор мағзидаги бўлинманинг қулайлиги, бундай фикрга келишимизга далил бўла олади. Китоб жовонлари эшикларининг юқоридан пастига туширилиши ҳақида Мақдисий берган маълумот ҳам диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Марказий Осиёда бундай қурилмадан кенг фойдаланилган. Жумладан, Фарғона водийси турар уй айвонларида кўтарилиб – тушириладиган ровон кенг қўлланилган. Айвонни, кўтарилиб – тушириладиган ровон билан тўсиш одати Афғонистон халқ турар жой меъморчилигида ҳам учрайди. Хонани ёритиш учун ҳам махсус кўтарилиб – тушириладиган, эшик ҳажмидаги ровон, хона деворига ўрнатилган (Карцев В.Н., 1986, 60-б.).

Бизнингча, кутубхона бўлинмалари (баланд ва чуқур тоқча) китоб қўйишга мўлжалланган майда тоқчаларга бўлинган. Бўлинма олд қисми яхлит ровон билан тўсилган. Тоқчалардан китобларни олиш учун ровоннинг ўша қисми кўтарилган, сўнг яна туширилиб қўйилган.

Юқорида келтирилган тарихий манбалар, ўрта

асрларга оид миниатюра тасвирлари, олимларимиз тадқиқотларига таяниб, шунини айтишимиз мумкин: Марказий Осиёда алоҳида кутубхонага мўлжалланган мадраса, масжид каби типологик жиҳатдан иморат тури сифатида шаклланмаган. Яъни мадрасага ўхшаб, марказий дарсхона, масжид, кутубхоналарнинг пештоқ бўлинмасида, хужраларнинг катта ҳовли атрофида жойланиши ёки масжидлардагидек хонақоҳнинг бир, икки, уч томондан айвон билан ўралиши каби анъанавий тархлар сақланиб қолмаган. Махсус кутубхона учун қурилган иморатлар тарҳи турли тузилишда бўлиши мумкин. Кўпроқ икки-учта катта ва кичик хоналардан ташкил топган (127-расм). Улардан бир ёки иккитаси китоб сақлаш учун, каттароғи эса китоб сақлаш ва мутолаа қилишга мўлжалланган.

Китобларни сақлаш учун девор мағзида токчалар қолдирилган. Айрим ҳолда токчалар ровон шаклида кўтарилиб-тушириладиган панжаралар билан ёпилган. Девор юқорисидаги кичкина токчаларда майда китоблар, ўртадаги каттароқ токчаларда ўртача ҳажмдаги китоблар устма-уст жойлаштирилган. Пастки катта бўлинмаларда катта-катта китоблар тахланган ёки китоб солинган кути ва катлар жойлаштирилган.

Ҳар қандай хона деворларининг қаватма-қават токчаларида турли ҳажмдаги китобларнинг бир тизимда тахлашга мўлжалланиши ҳамда бир гуруҳ китобхоннинг ўтириб китоб мутолаа қилишига ҳажми ва ёруғлиги жиҳатидан талабга жавоб беришининг ўзиёқ кутубхона учун нафақат махсус хона, балки махсус иморат қурилганлигидан далолат беради. Шунингдек, мадрасалар қошида кутубхона учун махсус хона ажратилган. Улар кўпроқ мадрасанинг пештоқ қисмида, иккинчи қаватда назар тутилган.

Масжидларнинг хужраларида китоб сақлаш учун токчаларидан фойдаланилган.

## I. II. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ

*Оламнинг беағи уларда бўлар,*

*Ажаб барча ишлар шулардан келар.*

**Юсуф Хос Ҳожиб**

Марказий Осиёда узоқ ўтмишлардан буён

халқ хўжалиги, кундалик ҳаёт билан боғлиқ ишлаб чиқариш корхоналари бўлган. Бундай корхоналар қаторига сув тегирмони, жувозхона, осийиоб – шолини пўстлогидан ажратадиган сув тегирмони, қоғоз ишлаб чиқарадиган қурилмалар, темирчилик устахоналари киради. Улар вазифасига қараб турли қурилмалардан ташкил топган. Қурилмалар махсус хоналарга жойлаштирилган. Уларни ўрнатишда махсус талабларни ҳам эътиборга олишган. Жумладан, тегирмон учун (ажратилган) қурилма иморатининг остидан албатта сув ўтиши лозим бўлган, чунки тегирмон тоши билан ўқнинг парраклари сув ёрдамида айлантиради. Тегирмон иморатининг ички кўринишида сув кўринмайди. Паррақнинг сувга туширилиши учун махсус от-ёғоч номли қурилма мавжуд. Интерьерда тегирмон қурилмаси асосан битта вертикал ўқда жойлашган. Шунинг учун ҳам у хонада кўп жойни эгалламайди. Тегирмон қурилмасининг икки ёни ва олд қисми очиқ бўлиши унинг иш жараёнида қулайлигини ҳамда хавфсизлигини таъминлаган. Хонанинг қолган қисми, кўпроқ бурчаклари тегирмоннинг иш жараёни учун зарур ашёлар сақлашга мўлжалланган. Тегирмонлар бир нечта хонани ташкил қилиши ҳам мумкин. Улардан биттаси ун чиқариш хонаси бўлган, қолганлари дам олиш, дон сақлаш, тайёр маҳсулот сақлашга мўлжалланган (128-расм).

Иш жараёни, сув билан боғлиқ қурилмалар қаторига обжувоз – шоли тозалайдиган тегирмон, қоғоз тайёрлайдиган қурилмалар ҳам киради. У ҳам тегирмон каби сув бўйига қурилиши лозим бўлган. Обжувозда паррақ унинг ён томонида, иморат ташқарисида ўрнатилган. Обжувозда қурилманинг иш бажарадиган қисми, яъни бош қисмига кунда ўрнатилган, тўсинларнинг қарийб ярми иморат ичкарасида бўлган. Қурилма тўсинларининг сони сувнинг кўплиги ва оқимнинг тезлигига қараб 2, 3, 4 та бўлган. Улар хона деворининг сувга қараган қисмини эгаллаган. Паррақ айланганда тўсинлар навбатма-навбат ҳаракатга келган ва бирин-кетин кўтарилиб-тушиб охурчалардаги шолини эзган. Интерьерда хонанинг иккинчи ярми очиқ қолдирилган. Охурча вазифасини бажарувчи чуқурчалар пол сатҳидан бироз кўтарилган супада ўрнашган. Бу тадбир кундаларнинг зарб билан тушганида шолининг ташқарига сочилиб кетишидан асрайди ҳамда қурилманинг ҳавфли қисмини хонанинг қол-

ган қисмидан ажратиб туради (129-расм).

Мой ишлаб чиқарадиган жувозхоналарда, қурилмалар иш жараёни хонада бажарилади. Қурилма от, туя, эшак билан ҳаракатга келтирилади. Шунинг учун қурилма хона ўртасида ўрнатилган. Қурилма атрофида отнинг айланиши учун пайрах-йўлак қолдирилган. Пайрах хона сатҳидан бироз пастроқ бўлган. Хусусан, жувоз ўқи туя билан ҳаракатга келадиган жувозхоналарда пайрах 1 метрдан зиёд чуқурликда бўлган. Шундай жувозхонани С. Мамажонов ва Р. Муқимовлар Исфара­нинг “Чорқишлоқ” номи кишлоғида учратишган. Қизиғи шундаки, улар учратган шоли тозалайдиган – обжувоз билан мой тайёрлайдиган – жувозхона бир иморатда, лекин алоҳида-алоҳида хоналарда жойлашган (Мамаджанова С., Муқимов Р., 1993, 100-б.).

Жувозхоналар бир нечта хонадан (омборхона, дам олиш хоналари, тайёр маҳсулот сақлайдиган хоналар) ташкил топган. Айрим жувозхоналарда қурилма ўрнатилган хонага очиқ томони билан қаратилган баланд сўрили хоналар ҳам назарда тутилган. Уларда дон сақланган (130-расм).

Темирчилик устахоналарида ҳам хонанинг олд қисмида (биринчи планида) очиқ майдон қолдирилган, ичкарироқда темирчи устанинг иш жойи ва сангдон, ўчоқ, унинг орқа ёки ён томонида шогирд ўрни ва ҳаво юборгич – дам жойлашган (131-расм).

Ишлаб чиқариш хоналарининг ички композицияси улардаги қурилмалар ва уларнинг ўқлари баландлигига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда жувозхоналар, тегирмонлар ташқи томондан куб шаклидаги композицияга эга.

Кулолчилик устахоналари буюм ясаш технолог жараёнининг мураккаблиги сабабли кўп хоналарни ўз ичига олган. Уларда гил сақлайдиган, тайёрлайдиган, буюм ясайдиган, буюмга ранг берадиган ва буюмни пиширадиган хумдонлар назарда тутилган. Хоналар деворларида тайёр буюмларни сақлаш учун тоқчалар ўрнатиш қўл келган. Хоналар кўриниши уларга ўрнатилган қурилмаларга боғлиқ бўлган.

Умуман, ишлаб чиқариш корхоналари композицияси ички кўриниши, улардаги қурилмалар тузилиши билан белгиланган. қурилмалар иш жараёнига қараб хонанинг ўртасида, бурчагида, ён қисмида жойлашган. Қурилмаларни жойлаштиришда уларнинг иш жараёни қулай бўли-

шига ҳам эътибор берилган. Барча турдаги ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавонинг алмашилиб, чанг ва тутуннинг чиқиб туриши учун, улар деворининг юқори қисмида туйнуқлар ўрнатилган.

Шу ўринда хўжалик хоналари ички кўриниши ҳақида ҳам қискагина маълумот беришни лозим топдик. Хоразмнинг Қават қалъа шаҳарчасида тарҳда узун далон тузилишида, солиб тузилишида, “Г” ҳарфи шаклида, саккизбурчак, тўғри тўртбурчак хоналар мавжуд (132-расм). Уларнинг тўртала девори юзаси тоқча билан тўлдирилган. Олимлар Марвдаги шунга ўхшаш тоқчабандли хонани мева қуриштишга мўлжалланган, деб тахмин қилишади (ПАТ, 1974, 124-б.). Г.А. Пугаченкова: « Бордию, бу хоналарнинг икки параллел деворидаги туйнуқларга хода ўрнатиб, унга қовун тилимини қуриштиш учун осийса, хонанинг қолган икки қисмидаги тоқчаларнинг вазифаси нимада?» – деб савол қўяди. Шунингдек, олима С.П. Толстовнинг шаҳарда осийишталик йўқолган пайтларда (талончилик, босқинчилик урушлар Н.Д.) халқ хонадон бойлигини шу хоналарда яшириш учун, тинчилик ўрнатилган пайтларда уларда меҳмон кутиш учун мўлжалланган (Толстов С.П., 1948, 217-б.), деган тахминларига қўшилади (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1965, 205-б.). Шу ўринда яна бир далилга эътибор бериш керак. Олимларнинг таъкидлашларича, Қават қалъада бундай иморат ҳар бир хонадон ҳовлиси четроғида ёки турар жой ёнида алоҳида ҳолда қурилган экан (ВИА, 1969, 224-б.). Мазкур далил ҳам уларнинг ўз вақтида хўжалик иморати сифатида қурилганлигидан далолат беради. Тўрт ёки уч деворида пастдан юқоригача туйнуқлар ўрнатилган хоналар ҳозир ҳам Қашқадарё тоғ ва тоғ ёнбағри кишлоқларида учрайди (Назиев Д.А., 1999, 48-б.). Бундай хоналар соякихона дейилган. Улар уйнинг иккинчи қаватида, хонага шамол тегадиган баландликда қурилган. Туйнуқлардан қирган шаббода хонада осий қўйилган узумларни жойида қуриштишга имкон яратган.

Археологик ашёлар турар жойлар таркибида дон ва ҳатто шароб сақлайдиган хоналарнинг бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бундай хоналарнинг бир ёки икки девори бўйлаб йўналган супаларда дон учун катта кўзалар ўрнатилган. Дон сақлагич гил қутилар – кули - ҳамбалардан Ўрта Осиёнинг деярли кўпчилиги тоғ воҳаларида XX асрнинг ўрталаригача фойдаланилган. Деворларига нақшлар ўйилган гил қутилар ту-

рар жойлар таркибида оиланинг кундалик дам оладиган хоналари бурчакларида ҳам жойлаштирилган. Қоратегин, Дарвоз воҳаларида турар жойнинг бир хонаси дон сақлаш учун ажратилганлиги гувоҳи бўлди. Бундай хона қазноқ деб номланган бўлиб, унинг бир қисмини катта гил кути эгаллайди. Шунингдек, турар жойдан 15-20 метр ва ундан ҳам узоқроқда кичкина уй шаклида қурилган қазноқларни Тоғли Бадахшоннинг Язғулом воҳасида учратдик. Қазноқнинг ички қисмида икки – уч бўлинмадан иборат гил кути ўрнатилган (133-расм).

Шундай фалладонлар Туркманистоннинг Пештоқ шаҳарчаси атрофидаги қишлоқларида бўлганлигидан тадқиқотчилар гувоҳлик беришади. Бу ерда гил кутилар олтигагача бўлинмадан ташкил топиб, ҳар бирида бир тоннагача дон сақланган. Фалладонларнинг таянчларда ўрнатилишини маҳаллий аҳоли донни сичқондан сақлаш учун мушукнинг бемалол юришига мўлжалланган, деб таъкидлайдилар (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 23-б.). Фалладоннинг ердан кўтарилиши, шунингдек, донни намдан сақлашга ҳам қаратилган.

Фалладонлар ички кўриниши уларнинг хўжалик хона бўлганлигидан гувоҳлик беради. Улардаги гил кутилар юзасига ўйилган нақшлар фалладон ички кўринишига композиция жиҳатидан юмшоқлик (бадийлик) киритади.

## I. 12. САВДО ИНШООТЛАРИ ИНТЕРЬЕРИ

**“Самарқанд бозорларининг маркази Расат тоқидир. Унга боғ ва қасрлардан кўра икки марта кўпроқ кўчалар, бозору расталар бориб туташгандир.”**

**Ал-Истаҳрий**

Ўрта Осиё шаҳарларида савдо марказлари қурилиши ҳам узоқ ўтмишга бориб қадалади. Уларнинг аксарияти ҳозирги кунда археологлар томонидан очилганича йўқ. Археологлар илк ўрта асрларга оид марказий кўча бўйлаб жойлашган кўп бўлинмали савдо иншооти Панжикентда бўлганлигидан гувоҳлик беришади (Распопова В.И., 1961, 69-б.). Ўрта Осиёда савдо иншоотлари бир неча турда бўлган. Улардан бири дўкон деб аталган. Дўкон оддий текис томли ва бир бўлинма-

дан ташкил топган. Ҳунармандлар унда ўз маҳсулотларини тайёрлаб сотишлари ёки фақат тайёрлашлари ҳамда фақат сотишлари мумкин бўлган (Чехович О.Д., 1974, 378-б.). Бундай иншоотлар бир нечта дўкондан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Шундай дўкон бўлганлиги ҳақида маълумотлар Воқифномаларда ҳам ёзиб қолдирилган (Чехович О.Д., 1974, 367-б.).

Савдо иншоотлари кўчанинг икки томони бўйлаб узунасига қурилган дўконлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Узунлиги 800 метрли шундай тузилишдаги дўкон Ўш шаҳрида бўлган. Уларда ҳунармандлар ўз маҳсулотларини тайёрлашган ва сотишган (Смирнова О.И., 1970, 135-б.).

Расталари кўчанинг икки томони бўйлаб ўрнатилган савдо иншоотлари Самарқандда ҳам бунёд этилган. Соҳибқирон Амир Темур буйруғига биноан XIV аср охирида Самарқандда марказий кўчалардан бири, Оханин дарвозасидан то Бухоро йўлига олиб чиқадиган қисмини кенгайтириб, унинг икки томонида қатор дўконлардан ташкил топган савдо расталари қуришга фармон беради. Рюи Гонзалес де Клавихонинг хабар беришича, мазкур кўча кенгайтирилган ва унинг икки томонига дўконлар тикланган, ҳар бир дўкон олдида оппоқ тошлар билан қопланган курсилар ўрнатилган. Бутун кўчанинг усти ёй шаклида гумбазлар билан ёпилган бўлиб, улардан ёруғлик тушиб туриши учун туйнукчалар қолдирилган (Клавихо, 1990, 134-135-б.). Бухоро, Фарғона ва Шаҳрисабзга олиб борадиган кўчаларнинг кесишган жойида марказий савдо майдонида Тими Кулўх Фурушон савдо иншооти қурилади (ВИА, 1969, 277-278-б.).

Марказий Осиёда икки кўчанинг кесишган жойида чорсу ва тўрт кўча бўйлаб йўналган савдо дўконлари бўлган (ВИА, 1969, 208, 318-б.). XIX асрнинг иккинчи яримида Тошкентда Чорсу бозори саккизта кўчани бирлаштирган. Чорсу бозори ўнтага яқин савдо майдонларини ва қирққа яқин савдо-ҳунармандчилик расталарини ўз ичига олган. Чорсу бозорида тўрт ярим мингта дўкон бўлган. Расталар кўчанинг икки томони бўйлаб жойлаштирилган. Расталарни кўча ўртасини эгаллаган баланд тим бирлаштирган (Пулатов Х.Ш., 1983, 7-б.). Тим ёғоч тиркагич ва тўсиқлардан ташкил топган (134-расм). XVI асрда Бухорода қурилган Тоқи Саррафон, Тоқи Телпақфурушон, Тоқи Заргарон, Абдуллахон тими каби савдо иншоотлари тарҳи, тузилиши билан

диккатга сазовордир. Мазкур иншоотлар олти ёки саккизбурчак тузилишга эга. Уларнинг барчасида марказий катта савдо гумбази (зали) мавжуд. Савдо иншоотларининг марказий қисми нафақат тарҳда балки тарзда ҳам баҳаволиги билан доминантлигини сақлаб қолади. Жумладан, Тоқи Саррафон иншоотида марказий гумбаз равоқларнинг кесишуви конструктив асосига ўрнатилган. Натижада ярим гумбаз устида бутун гумбаз юзага келган. Марказий гумбаз интерьери ўқларидаги равоқлар ва гумбаз конструктив асослари ҳисобига мураккаб ва гўзал кўринишга эга. Тоқи Телпакфурушон иккита кўчанинг кесишган жойида қурилиб, анфилада тузилишида юзага келган бешинчи йўлакни ташкил қилади. Тоқи Телпакфурушонда марказий гумбаз гардиши билан олтибурчак асос орасида баланд равоқлар қатори мавжуд. Улардан тушган ёруғлик гумбазни янада баланд ва баҳаво кўринишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу иншоот маркази равоқлар қатори ҳисобига анча нафис, енгил кўринишга эга. Тоқи Заргаронда 30 дан зиёд заргарлик устахонаси жойлашган, унда марказий саккизбурчак асос усти қалқонсимон равоқлар ёрдамида доира гардишига келтирилган. Унинг устида Тоқи Телпакфурушон иншоотидагига нисбатан пасткамрок қатор равоқчаларга бўлинган пойгумбаз ўрнатилган. Иншоотнинг маркази пойгумбаз равоқчалари оралигидаги туйнуқлар орқали ёритилган (135-расм).

Абдуллахон тими тарҳи жуда аниқ ва нафис тузилишга эга. Унинг маркази атрофи бўйлаб бурчаклари доирасимон тўғри тўртбурчак расталарни бирлаштиради. Марказий гумбаз тўртта мураккаб тузилишдаги жуфт пойустунга ўрнатилган. Пойустунлар марказий ва атрофидаги гумбазлардан тушган оғирлик кучини камайтиришга қаратилган. Жуфт пойустунлар ҳамма томонидан, галерея тузилишида жойлашган расталар икки томонидан савдо қилишга мўлжалланган токча тарзидаги бўлинмаларга эга. Тоқи Саррафон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргарон, Абдуллахон савдо тими иншоотларининг марказий гумбазига кўчалар бўйлаб анфилада шаклида йўналган гумбазли расталар – галереялар бориб туташган. Ҳар қандай ҳолатда марказий гумбаз интерьерда ўзининг ҳашаматлилиги, тантанаворлиги, ёруғлиги билан доминантлигини сақлаб қолган. Тоқи атрофидаги расталар тарҳ ва композиция жиҳатидан ҳам марказий гумбазга

бўйсунган. Харидор тоқининг қайси растасида бўлмасин, унинг диккат-эътибори марказ томон бўлади. Шунинг учун ҳам харидор марказий гумбаз томон интилади.

Умуман олганда, мазкур иншоотлар ички кўриниши ўз вазифасига тўлиқ жавоб беради. Иншоотнинг кўча бўйлаб ёки кўчаларнинг кесишган жойларида қурилиши ҳам харидор ва сотувчи учун жуда қулайлик яратади. Ўз навбатида харидорни жалб этиш хусусиятига эга. Йўловчи хойнаҳой савдо расталаридан ўтиб, йўл-йўлакай харид қилиб ўз йўналишини давом эттира олган (136-расм). Улардаги конструктив асослар савдо қилиш учун токча тузилишида бўлинмалар яратиш ва ўртада йўлак қолдириш имконини беради. Гумбаз остидаги равоқчалар қатори иншоот марказини ёритиш имконини берган. Равоқчалардан тушаётган ёруғлик, қуёш нурлари марказий гумбазни янада баланд қилиб, салобатли бўлиб кўринишига омил бўлган. Шунинг ҳам айтиш жоизки, конструктив қисмлар безак вазифасини ҳам ўтаган. Улар обида ички кўринишига баҳаволик, тантанаворлик бағишлаган.

Демак, савдо иншоотлари интерьерини энг серзавк ва гавжум жой ҳисобланган. Уларнинг тарҳида ҳар бир бурчак, конструктив қисмида ҳар бир элемент функция бажаришга қаратилган. Уларнинг ички кўриниши ҳам функциясидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос бадиийликка эга.

## 1. 13. ҚАРВОНСАРОЙЛАР ИЧКИ КўРИНИШИ

**Ҳар бир қарвонсарой бошқа бир шаҳар бозорига ўхшаб кетади.**

**Ибн Хавқал**

Қарвонсарой иморатининг ўтмиши работлар билан боғланиб кетган. Работлар Марказий Осиёда VIII асрда кенг қурила бошлади. Олимларнинг таъкидлашларича, умавийларнинг Хуросондаги вориси Ашрас ибн Абдуллох 727 – 729 йилларда биринчи работнинг қурилишига асос солган экан (Бартольд В.В., 1963, 247-б.). Работлар қарвон йўллари бўйларида, чўлу биёбонларда қурилади. Шарқ давлатларида ислом дини ўрнатилаётган пайтда работлар отлик чегарачилар учун йиғилиш бекати (бандаргоҳ)

вазифасини бажарган. Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг, X асрларга келиб рабоблар аввалги ҳарбий моҳиятини йўқотади. Улардан айримлари хонақоҳ, бошқалари меҳмон кутиш учун карвонсарой вазифасини бажара бошлайди. Карвонсаройлар савдо йўллари бўйида ҳар 15–30 километр масофада қурилган. Карвонсаройларда савдогарлар, саёҳатчилар, давлат арбоблари, элчилар тўхтаб ўтишган. Шунинг учун уларнинг тарҳида хўжалик ҳовлилари ва хўжалик хоналари, оғулхоналар, омборхоналар, яшаш ҳовлиси, яшаш хоналари, дам олиш хоналари, масжид, ошхона ва бошқа зарур хоналар назарда тутилган. Карвонсаройларда, хоналар вазифасига қараб ҳовлилар атрофида қурилган. Улар бир, икки, уч ва ундан ортиқ ҳовлиларга эга бўлган. Икки ва ундан ортиқ ҳовли карвонсаройларда бир ҳовли хўжалик ҳовли вазифасини ўтаган. Карвонсаройларнинг аксариятида яшаш ҳовлиси атрофи далон (галерея) билан ўралган. Яшаш хоналарига – хужраларга далондан қирилган. Карвонсарой марказий ўқларида айвонлар жойлаштирилган. XI асрда Туркманистонда қурилган Доя хотин карвонсаройи шундай тузилишга эга. Марв воҳасида ал – Аскар шаҳарчаси (макони) ёнидаги карвонсаройда хоналар олдида айвон назарда тутилган. Нағижада мазкур карвонсаройда ҳовли ёнма-ён жойлашган айвонлар билан ўралган тарҳ юзага келган.

Бухоро ва Самарқанд оралиғида XI асрда қурилган Работи Малик карвонсаройи тузилиши, тарҳи жиҳатидан диққатга сазовордир. У бешта ҳовлига эга. Кириш пештоқи тўғрисидаги ҳовли карвонсаройнинг асосий қисмига, яъни ҳовлининг марказий бўлинмасига олиб боради. Марказий бўлинманинг ички тузилиши уч қисмдан ташкил топган. Марказда томонлари очик, усти гумбазли саккизбурчакли майдон жойлаштирилган. Саккизбурчакнинг қирраларида бир-бирига туташиб кетган қўшалок устунлар мавжуд. Саккизбурчак майдон атрофи усти 16 та гумбаз билан ёпилган йўлак билан ўралган. Йўлак иккинчи томонидан яшаш хоналари – хужралар билан туташган. Мазкур карвонсаройда йўлак атрофидаги хужраларга кириш ва марказий майдонга ўтиш вазифасини бажарган. Томонлари очик саккиз қиррали, усти гумбазли майдон мазкур обидада умумий хона вазифасини бажарган. У ўзининг баландлиги, ўзгача тарҳи, ёнлари очиклиги, улғуворлиги билан атрофидаги хоналарни, айлан-

ма тузилишдаги йўлакни композиция жиҳатидан ўзига бўйсундирган. Мазкур тарҳ меҳмонларнинг ўз хужраларида дам олишларига ва марказий майдонда намоз ўқиш ва суҳбат қуриб ўтириш, овқатланишлари учун қулай шароит яратган. Йўловчи ўз хонасида ўтириб, бўлинманинг марказида бўлаётган суҳбатдан хабардор бўлиб туради. Умуман, Работи Малик карвонсаройининг марказий бўлинмаси кўриниши айлана (кўп бурчак) тузилишидаги театрға ўхшаб кетади, яъни ўртадаги атрофи очик усти баланд гумбазли майдон сахнани, атрофидаги хужралар томашабинлар ўтирадиган жойни, улар оралиғидаги гумбазлар қаторига эга айланма далон эса, томошабинлар билан сахна орасидаги йўлакни эслатади. Бундай композицияли тарҳ шу карвонсаройга тушган йўловчиларнинг завқ билан яшашларига имкон яратади.

Саккизбурчак атрофидаги қўшалок устунлар марказий майдон ва унинг атрофидаги далон гумбазлари равоқлари учун таянч вазифасини ўтаган. Қўшалок устунлар ўзининг тузилиши билан майдон интерьерига тантанаворлик, салобатлилик бағишлаган. Саккизбурчакли марказий хона XVI-XVII асрларга оид Хотинработ (Термиз) карвонсаройида ҳам мавжуд (Пидаев Ш.Р., Аршавская З.А., 1986, 40-б.). Марказий залнинг саккизбурчак тузилишидаги тарҳи унинг атрофида саккизта хона жойлаштириш имконини берган. Марказий хона, атрофидагилар учун зал вазифасини бажаради ва уларни яхлит композицияга боғлайди. Иморат интерьерларида очикликка эришилган. Марказий залдан барча хоналарга қирилади. Ўз хоналарида ўтирганлар учун саккизбурчакли марказий зал сахнага ўхшаб очилиб туради (137-расм).

Карвонсаройлар шаҳар ичида ҳам қурилган. Улар кўпроқ шаҳар марказига олиб борадиган кўчалар ёнида ва бозорлар яқинида, ва улар таркибида қурилган. Хивада XIX асрда қурилган Оллоқулихон карвонсаройи савдо тими билан қўшилиб кетган ҳолда қурилган.

Шаҳар ичида қурилган карвонсаройлар таркибида минора, масжидларнинг қурилишига эҳтиёж бўлмаган. Уларда, асосан хужралар, хўжалик хоналари – оғуллар, омборхоналар назарда тутилган. Карвонсарой таркибидаги хоналар оддий кўринишга эга бўлган. Улар жиҳозлари билан меҳмонларнинг асосий эҳтиёжини қондира олган.

Карвонсарой хона – хужраларида супа, деворларида тобадон, токчалар назарда тутилган. Хоналар беагаги, асосан конструктив қисмлар ҳисобига бойитилган. Гумбаз гардиши ва унинг остидаги саккизбурчакларда қўлланилган гиштин шарафалар, ярим устунлар карвонсарой таркибидаги масжид, хужра ва бошқа турдаги хоналар ички кўринишига тантанаворлик бағишлаган.

## 1. 14. ШИФОБАХШ МҲАССАСАЛАР ИЧКИ КЎРИНИШИ

*... Билгинки, ҳаммомнинг табиий таъсири сувни ҳаво ва намлик билан иситишдан иборатдир. Биринчиси хонани совилади ва ҳўллайди, иккинчиси иситади ва ҳўллайди, учинчиси иситади ҳамда қуритади.*

**Абу Али ибн Сино**

Ҳаммом қадимдан нафақат тозалик учун, балки даволаниш учун ҳам хизмат қилган. Кўпчилик касалликлардан ҳаммомга кириш йўли билан форуғ бўлишган. Шунинг учун ҳам ҳаммомнинг ўзи кўп ҳолларда шифохона вазифасини бажарган дейишга ҳақлимиз. Ҳаммом ёнида шифохонанинг қурилиши беморнинг касалига қараб даволаш имкониятини берган. Шунинг учун ҳам уларнинг ёнма-ён қурилганлиги ҳақида тарихий далиллар мавжуд. Жумладан, тарихнавис Хондамир, Алишер Навоийнинг Ҳирот яқинидаги Инжил дарёси бўйида «Шифоия» ва «Сафоия» номли шифохона ҳамда ҳаммом қурдирганлиги ҳақида далолат беради (Хондамир, 1967, 66-68-б.).

### Ҳаммом

Шарқда ҳаммом шаҳарнинг энг шифобахш, жисмонан ва маънавий жихатдан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган иморатларидан бири ҳисобланган. Шарқ ҳаммомларининг шифобахшлиги Буқрот, Ибн Сино, Кайковус каби кўллаб даҳо, мутафаккир, тарихнавис, сайёҳлар томонидан эътироф этилган. Ҳаммом қурилишига Марказий Осиёда ҳам қадим замонлардан буён алоҳида эътибор бериб келинган. Олимларимиз ҳаммомларни тарҳи ва тарзи жихатидан, асосан икки гуруҳга бўлишади: тўлик, яъни “классик”

ва тўлиқсиз кўринишдаги ҳаммомлар (Маньковская Л.Ю., 1980, 69, 72-73-б.). Классик турдаги ҳаммомларнинг умумий тузилиши тўғри тўртбурчакка яқин бўлиб, асосий хонаси – миёнсарой иморат марказини эгаллаган. Иккинчи турдаги ҳаммомлар кам хонали, соддарок, тузилиш жихатидан “Г” ҳарфи шаклида, асимметрик, оддий ва узунчоқ шаклда бўлган. Узунчоқ тузилишдаги ҳаммомларда хоналар кетма-кет бир қаторда жойлашган.

Марказий Осиёда XI-XII асрларга оид ҳаммомлар Тароз (ҳозирги Жамбул), Нисо (Туркменистон) шаҳарларида очилган ва ўрганилган.

Уларнинг тарҳида асосий хона-миёнсарой ҳаммом марказидан ўрин олган. Мазкур ҳаммомларнинг умумий кўриниши, яъни барча деворлари сақланмаган, лекин уларнинг XIX-XX аср бошларида қурилган ҳаммомларни кинга ўхшашлиги яққол кўриниб туради. Шунинг учун ҳам мазкур ҳаммомлар тузилиши жихатидан биринчи турдаги ҳаммомларга киради.

XIX-XX аср бошларида қурилган ҳаммомлар бир нечта “лунги хона”, “гарм хона”, “хунук хона” ва миёнсарой каби хоналардан ташкил топган. Миёнсарой хонаси ўзининг жойланиши, катталиги, тузилиши билан қолганларидан ажралиб туради. Миёнсаройни тарҳда саккизбурчак тузилишидаги супа эгаллайди. Миёнсарой деворлари бўйлаб ҳам супалар ўрнатилган. Миёнсарой кўпинча ҳаммом тарҳида марказий ўринни эгаллайди. Шунингдек, у ҳаммом тарҳида чап ёки ўнг томондаги ташқи деворга қапишган ҳолда келиши мумкин. Жумладан, Бухородаги Саррафан, Самарқанддаги Панжоб ҳаммомларида миёнсарой кириш эшигининг чап томонидаги ташқи девор билан чегарадош (Уралов А. С., 2002, 18-б., 36-расмлар). Бухородаги Мисгарон, Самарқанддаги Хужум ҳаммомларида эса миёнсарой-ўнг томон ташқи девори билан чегарадош (Уралов А. С., 2002, 22 б., 33-расмлар). Тошкент шаҳридаги XIX асрга оид Чорсу ҳаммоми (Пулатов Х.Ш., 1976, 2-расм) миёнсаройидан (катта гумбаз) олтита эшик орқали тўққизта ҳар хил катталиқдаги хонага ўтилади. Улар орасида миёнсарой ўзининг катталиги билан доминантлигини сақлаб қолади. Миёнсаройнинг ҳамма томонида эшик бўганлиги сабабли тўртбурчак тузилишидаги супа унинг марказида жойлашган.

Миёнсарой гумбази саккизбурчак қаносларига ўрнатилган қалқонсимон равоқлар устида жой-

лашган. Гумбаз марказида кубба шаклидаги қисми бўлиб, унинг ён деворларида панжара билан тўсилган равоқлар назарда тутилган. Улардан миёнсаройга ёруғлик тушиб турган (138-расм).

Миёнсарой ички кўриниши унинг конструктив асослари ҳисобига киши диққатини тортадиган композицияга эга. Жумладан, гумбаз гардиши остидаги қалқонсимон равоқчалар, миёнсарой марказий ўқлари тўғрисидаги деворларнинг тоқча шаклида ташқарига сурилиши, уларнинг қатта равоқлар ичига олиниши ва панжаралардан тушаётган ёруғлик натижасида ёруғ ва сояли юзаларнинг вужудга келиши миёнсарой интерьерини жонлантириб юборади.

Иккинчи турдаги ҳаммомларнинг кўпроқ маҳалла ва қишлоқларга хослигига археологик ашёлар ҳам гувоҳлик беради. Жумладан, археологлар томонидан IX-XI асрларга оид ҳаммом Хуттал воҳасининг Манзар қадимий шаҳарчасидан топилган. У узунчоқ тузилишда бўлиб, хоналари бирин-кетин бир қаторда жойлашган (Гулямова Э., 1988, 399-403-б.). Мазкур ҳаммом тузилиши жиҳатидан Юқори Зарафшон тоғ қишлоқларида XVIII-XX аср бошларида қурилган ҳаммомларга ўхшаб кетади. Уларда ҳам хоналар анфилада тузилишида бирдан иккинчисига ўтилади. Бунга Рарз, Оббурдон, Зосун қишлоқларидаги ҳаммомлар мисол бўлади. Бундай тузилишдаги ҳаммомларнинг кўпроқ тоғли ҳудудларда мавжудлигига, бизнингча тоғ ландшафтининг таъсири ҳам бўлган бўлса керак.

Биринчи ва иккинчи турдаги ҳаммомлар композициясида чойхона қуриш одати Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида кенг тарқалган. Улар тарҳда тўғри тўртбурчак тузилишида бўлади, шифтини бир, икки қатор устунлар ушлаб туради. Кўпинча чойхоналарнинг икки ён томони супа билан чегараланган. Чойхона деворлари шифти ҳам сержило нақшу ниғорга эга.

Ҳаммомларнинг безакка эга бўлганлигига археологик далиллар ва тарихий манбалар гувоҳлик беради. Тароз ҳаммоми деворларига қизил, тўксариқ, мовий ва қулранг бўёқларда геометрик ва ўсимликсимон нақшлар ишланган (Бернштам А. Н., 1940, 177-183-б.). Нисо шаҳридаги ҳаммом деворларидаги ўсимликсимон, геометрик нақшлар ва ёзувлар, тўк сариқ, киноваркизил, қора ва оқ рангларда ишланган (Пугаченкова Г. А., 1949, 241-247-б.). Мовароуннаҳрда

XII асрга оид Работи Малик карвонсарой мажмуасидаги ҳаммомнинг иссиқхонаси деворларида оқ рангли заминда қизил, сариқ, қора рангларда нақшлар ишланган (Немцева Н.Б., Сапаров Н.Ж., 2002, 246-б.). X аср муаллифи ал-Маъсудий ўзининг асарларидан бирида ҳаммомларда боши одам юзига монанд қилиб ишланган афсонавий Анқо куши тасвири кўп учрайди, – деб ёзади (Мец А., 1969, 305-б.). Ҳаммом деворларида тасвирлар бўлганлигига Саъдий Шерозий, Ҳофиз Хоразмий шеърларида ҳам ишора мавжуд. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”ида, ҳаммом деворида бамисоли ҳур ҳуснли шайтон тасвири ишланганлиги куйидагича баён этилган.

**Қинғир деб билурлар сенинг қоматинг,  
Ҳаммом ичра қизиб хунук суратинг.**

*(Саъдий, 1976, 13-14-б.)*

Ҳаммом ички ва ташқи кўринишини ифодалаган ўрта аср миниатюраларида ҳам унинг деворларида тасвирлар ифодаланган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” сига ишланган миниатюрада ҳаммомнинг асосий ювиниш хоналаридан бирида (миёнсарой) равоқнинг икки ён томонида бир-бирига қараб учаётган қанотли фаришталар тасвири аёл тимсолида ифодаланган (Ўролов А., 1987, 1-тасвир). Иккита хурсимон қанотли (139-расм) аёлларнинг тасвири “Мажнун Маккада” (Низомий, 1985, 2-тасвир) миниатюрасида Каъба тошининг орқа қисмида ифодаланган. Ҳаммамизга маълум, ислом ақидаларига биноан фаришталар доимо тоза, пок одамнинг икки елкасида ва пок, муқаддас жойларда бўлиши ҳақида айтилади. Демак, ҳаммом равоқи (тимпанларида) икки ён томонида фаришталар тасвирининг ишланиши, ҳаммомнинг поклик, тозалик манбаи эканлигини ифодалашга қаратилган. “Мажнун Маккада” миниатюрасида эса мусаввир Макканинг муқаддас жой эканлигини эслатмоқни, ёки Мажнун ўз муҳаббатига вафодор пок инсонлигига гувоҳлик бериш учун ҳур фаришталар тасвирини чизган бўлиши мумкин.

Ҳаммом интерьерида бадий тасвир ва ўсимликсимон нақшларнинг борлиги, қадимдан кишилар ҳаммомнинг саломатликка ижобий таъсир кўрсата олишига ишонганликларидан далолат беради. IX – X асрларда яшаган табиб Закирия ал-Рози ҳам бу ҳақда ёзиб қолдирган. У, башарти ҳаммом, киши аъзоларига

таъсир кўрсатиб, уни маънавий, жисмоний, табиий кучлардан бўшаштирар экан, унинг гамгин кайфиятини яхшилаш ва ташвишлардан форуф бўлиши учун ҳаммом деворларига сержило нақшлар чизишни тавсия этади (Большаков О.Г., 1967, 41-б.). Ҳаммом деворида нақшларни ўрта аср минниатюраларида ҳам кўрамиз (140-расм).

XVIII-XIX асрларда қурилган ҳаммомларда безак вазифасини конструктив асослар, функционал қисмлар бажарган. Улар ҳам ҳаммом интерьерига бадиийлик бағишлаган. Умуман, ҳаммомларда функцияга кўпроқ эътибор берилган. Ҳаммом интерьери композициясида миёнсарой нафақат баландлиги, кенглиги, ёруғлиги, марказидаги супаси билан, балки жойлашиши билан ҳам доминант вазифасини эгаллайди. Чунки миёнсарой ҳаммом марказида жойлашган тарҳда, унинг марказидан горизонтал чизикларга нисбатда 45° да тўртта йўналишда қўшни хоналарга ўтиш дарчалари колдирилган. Ҳаммом атрофидаги хоналар миёнсаройга композиция жиҳатидан бўйсунган. Бу ўз навбатида миёнсаройнинг асосий хона бўлишини таъминлайди. Миёнсарой ташқи девор томон силжитилган ҳолда ҳам ўзининг вазифаси, катталиги билан ҳаммом тарҳи ва тарзи композициясида доминантлигини сақлаб қолган.

### Шифохоналар

Табобатлик илми Шарқда, хусусан Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан буён ривожланиб келган. Башарти шундай экан, табобат ишлари учун махсус хона, ҳовли ва иморатлар қурилган бўлиши табиий. Албатта, барча табибларнинг шифохонаси бўлган, деб айта олмаймиз. Лекин ҳар бир табиб уйининг ташқи ҳовлисида табобат учун бир неча хонадан ташкил топган махсус бўлинма назарда тутилган. Хоналардан бири беморни қабул қилиш учун, иккинчиси уни даволаш, учинчиси бетобнинг дам олиши учун хизмат қилган. Бундай зарур хоналарсиз табобатчилик қилиш мумкин бўлмаган. Шунингдек, донғи кетган табиблар шифохона учун махсус уйлар қуришган, улардаги барча хоналар табобатлик учун хизмат қилган. Хоналар ҳовли атрофида қурилган. Унда табибнинг дам олиш хонаси ҳам назарда тутилган. Маъмурий бинолар тузилишидаги шифохоналар ҳам қурилган. Бунга тарихий манбалар гувоҳлик беради. XI аср ҳужжатларига кўра, бу даврга келиб

Ўрта Осиёда даволаш муассасаси эҳтиёж-талаблари белгилаб чиқилган ўзига хос ҳуқуқий ҳолатга – тартиботга эга бўлган (Ўролов А.С., 1990, 12-б.). Башарти даволаш муассасаси эҳтиёж ва талаблари ишлаб чиқилган экан, албатта қуриладиган шифохонанинг тарҳи, тарзи, кавати, даволаш хоналари, дори-дармон тайёрладиган ва сақлайдиган хоналарнинг бўлиши, уларнинг жойлашиш тартибига оид қоидалар назарда тутилган, деб ўйлаймиз. Шифохоналар иморати бизгача етиб келмаган. Бухорода 1682 йилда қурилган Доруш-шифо касалхонаси Регистон майдонини кенгайтириш муносабати билан XX асрнинг 30-йилларида бузилган (Ўролов А.С., 1990, 13-б.). Шифохона тарҳда мадрасага ўхшайди. Унда хоналар кичикроқ ҳовли атрофи бўйлаб жойлаштирилган. Хоналарга ҳовлидан қирилган. Ҳар бир хона ҳовли томонидан ўз айвонига эга. Шифохона бурчакларида даҳлиз вазифасини бажарувчи тарҳда бурчаклари қирқилган хоналардан ёнидаги икки, уч хоналарга ўтилади (141-расм). Шифохона тарҳи унинг вазифасига жавоб берган. Бурчаклардаги хоналарда табобат ишлари олиб борилган бўлса, ўртадаги хоналарда беморлар яшашган. Шифохонада масжид, дорихоналар ва бошқалар назарда тутилган. Мазкур шифохона ҳавлисидаги сардоба ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш лозим. Сардобанинг асосий вазифаси сув тўплаш ва уни ифлосланишдан ҳамда беҳуда оқиб кетишидан, исиб қолишидан асрашга қаратилган. Сардоба қарвон йўллари бўйида, қарвонсарой мажмуасида ва бошқа турдаги иморатлар ҳовлисида қурилган. Сардобанинг шифохона ҳовлисида бўлиши, биринчидан уни сув билан таминлаш бўлса, иккинчидан куннинг жазирама иссиқ пайтида беморларнинг сардоба ҳовузи қирғоғидаги супаларда дам олишларига мўлжалланган. XI аср сайёҳи Носир Хисрав: « Арражон шаҳрининг ўзгачалиги шундаки, у ерда ер устида қанча турар жой бўлса, ер остида ҳам шунча уй бор. Ер ости уйлардан сув оқиб ўтади, аҳоли ёз ойларида ана шу уйларда дам олишар экан»,- деб ёзади (Адам Мец, 1973, 306-б.). Ёз ойларида сардоба ичида дам олиш ҳоллари Ўрта Осиё шаҳарларида ҳам бўлган. Бунга XI аср шоири Адиб Собир Термизийнинг қуйидаги рубойиси гувоҳлик беради:

*Гулу, боғу гулгун май ила бу он,  
Кўруб бизни қилди ҳасад осмон.*

**Ҳаво иссиғи қувди боғдан бироқ,  
Бўлур энди сардоба бизнинг макон.**

**(Термизий, 1979,197-б.)**

Мазкур далиллар ҳам шифохона ичида сардобанинг бўлиши, беморларнинг дам олишига ва даволанишига қаратилганлигидан далолат беради.

Сардобаларнинг ичи ўзига хос кўринишга эга бўлган. Уларнинг марказидаги ховузча атрофи пиллапоя шаклида икки-уч қават супалар билан айлантирилган. Гумбаз туйнугидан тушган ёруғ-

лик ҳам сардоба ичидаги ним қоронғи муҳитга бадийлик бағишлаган (142-расм).

Шифохона хоналари интерьерида халқ тўрар жой меъморчилиги ички кўринишига хос элементлар назарда тутилган. Яъни беморлар дам оладиган хоналарда токчалар, тахмон, мўри, ёриткич панжаралар назарда тутилган. Дорихона ва даволаш хоналари деворларидаги токчалар дориларни сақлашга қўл келган. Хоналар безакдан холи бўлмаган, чунки беморга ранг ва безакнинг ижобий таъсири борлиги ҳақида классик адабиётларда алоҳида эътироф этилган.



## II. ИНТЕРЬЕР ЕЧИМИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНИНГ ТАБИАТ ОМИЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛАНИШИ

*Масканинг кенг, чиройли тоза бир боғ бўлса,  
Унинг мен ниҳоятда чиройли куйловчи бир  
булбулиман.*

*Муҳаммад ад-Дуғободий*

Одатда, хоналар тарҳи конструктив асоси жиҳатидан кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшаш бўлган. Мўлжалланган вазифани бажариши учун улар интерьерига зарур элементлар қўшилган. Ана шу элементлар хона вазифасини аниқ белгилаб турган. Вақт ўтиши билан обидаларнинг асосий хоналари вазифаси юзасидан кўп кишини сиғдириш зарурати туғилган. Бу муаммони амалга ошириш учун хона конструктив асослари устида изланишлар олиб борилган.

Марказий Осиё меъморчилигида хона интерьерини табиат иқлими шароити, ранг-баранг манзараси, тиник мусаффо, ёруғ осмони билан боғлашга алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун хона билан табиатни боғловчи айвонлар, табиат манзарасини такрорлайдиган безак нақшлари ва хонада ёруғликни меъёрида таъминловчи тобадон, туйнук, деразалардан кенг фойдаланилган.

### II. 1. ИМОРАТ ИНТЕРЬЕРИ ЕЧИМЛАРИНИ КАТТАЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аждодларимиз катта юзали хонага, жамоат иморатларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қадимдан ҳаракат қилишган. Дарҳақиқат, уларнинг изланишлари ва муаммонинг ечимини топганликлари қадимий обидаларда ўз ифодасини топган. Бу тадбир, асосан икки йўл билан ечилган. Биринчисида иморат тарҳининг ўзидан келиб чиқилган, яъни унинг тарҳида элементлар ривожлантирилган ёки унга

ўзгаришлар киритилган. Асрлар давомида хоналар муҳитининг баҳаво бўлишини таъминлаш чора-тадбирларини куйидаги мисолларда кўрамиз: Жумладан, марказий хона атрофи далон билан ўралган тарҳ Бухоро воҳасида миллоддан аввалги III асрга оид турар жой тузилишида мавжуд. Иккинчи босқичда шундай тузилишидаги иморатларнинг далонлари тарҳда биров кенгайтирилиб, девор билан тўсилган. Натижада марказий хона атрофида бир нечта хона юзага келган. Уларнинг ҳар қайсисига марказий хона орқали ўтилади. Бунга VI-VIII асрларга оид Қиз қалъа кўшкенинги иккинчи қавати тарҳи мисол бўла олади. Учинчи босқичда шундай тузилишдаги иморатнинг марказий хонаси деворлари олиб ташланади. Натижада, тўрт томонда айвонга монанд ички томони очик хоналар юзага келади. Унда интерьер композициясининг баҳаволигига эришилади. Муҳими уларнинг тарҳида хоналарни бирлаштириш истаги сезилади. Марвдаги XI-XII асрга оид турар жой иморатининг иккинчи қавати шундай тарҳга эга. Тўртинчи босқичда шу тузилишдаги иморат ичидаги барча деворлар олиб ташланиб, улар ўрнига марказий ўқларда устунлар ўрнатилган. Натижада, атрофи супа билан ўралган тўрт ва ундан ортик устунли битта катта хона юзага келган. Бундай тарҳ илк ўрта асрларга оид Панжикент ҳамда ҳозирги кунгача ҳам сақланиб қолган Тоғли Бадахшон турар жойларида ҳам мавжуд (143-расм). Шунингдек, давр ўтиши билан айрим турдаги обидаларнинг қурилиши тўхтатилиши, ўрнига янги турдаги обиданинг юзага келиши натижасида шаклланди. Уларнинг тарҳига ўзгаришлар киритилган. Натижада, интерьер композиция-

си ўзгача кўринишга эга бўлган. Жумладан, асосий хона атрофи икки қатор далон билан ўралган тарх Оқ Бешимдаги Будда ибодатхонасида мавжуд. Мазкур тархдаги икки қават далонлардан ташқи томондагисини сақлаб ички қисмидагисининг деворларини бир қатор устунга алмаштирганда, атрофи бир қатор далон билан айлантирилган тўрт устунли катта хона юзага келади. Бундай тархни Панжикентдаги зардуштийлик ибодатхоналарида кўрамыз. Кейинги босқичда ташқи томондаги далоннинг ички деворларини устунларга алмаштиради «П» ҳарфи шаклида бир қатор устун билан айлантирилган катта хона пайдо бўлади. Мазкур турдаги тарх ўрта асрларга оид Термиз шоҳлари саройида мавжуд. Натижада, атрофи икки қават далон билан ўралган марказий кичик хона икки босқичда, деворларни устунларга алмаштириш йўли билан битта катта хонага айлантиради, Термиз шоҳлари саройи тархига монанд бўлиб қолган иморатнинг очик қолдирилган томони девор билан тўсилгандан сўнг у кенг камровли вазифага эга бўлиб қолади. Бундай тарх сарой, масжид, меҳмонхона, чойхона ва бошқа турдаги иморатларда кенг қўлланилган (144-расм). Яхлит композицияга эга бўлган интерьер обиданинг бажарадиган вазифасига қараб зарур қисм ва жиҳозлари билан бойитилган. Деворнинг устунларга алмаштирилиши Термиздаги шоҳлар саройи тархида аниқ сезилади. Унинг тархда тўртбурчак шаклидаги қалин устунларнинг ораларига яна биттадан устун ўрнатилса, сарой зали атрофи далон билан айлантирилган тархга айланиб қолади. Шунинг учун бизлар Термиз шоҳлари саройи тархи илк ўрта асрларда қурилган зардуштийлик, буддавийликка хос ибодатхоналар тархининг таъсирида юзага келган, деган фикрга келамиз. Олимларимиз ҳам Термиз шоҳлари саройи ҳақида ёзар эканлар, улар мазкур эски тарх далон билан айлантирилган меъморий ғоя саройларга хос ҳолда тугатилган турини кўрамыз, деб таъкидлайдилар (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1965, 191-б.). Мазкур масала ечимининг иккинчи йўли обида шифти конструктив асослари билан ҳам узвий боғлиқ равишда шаклланди. Жумладан, милодгача ва милод бошларида хона юзасини катталаштиришда устунлардан фойдаланганликларини кўрамыз. Бунинг учун хона марказий

қисмида 1,2,4 ва ундан ортик устун ўрнатилган. Мазкур устунлар ўртамеёна узунликдаги тўсинлар билан хона шифтини 2,4,6,9 ва ундан ортик қисмларга бўлиб ёпиш имконини берган. Бунга “Квадрат уй” номли иморат мисол бўла олади. Устунларнинг ўрнатилиши хоналарнинг тузилишига боғлиқ бўлган. Масалан, хона узунчоқ тузилишда бўлса, устунлар хона марказий ўқи бўйлаб жойлаштирилган. Хона томонлари тенг бўлса, устунлар икки ва ундан ортик ўқда ўрнатилган. Мазкур тадбир барча турдаги обидалар (сарой, турар жой, ибодатхона) интерьерларида қўлланилган. Бундай конструктив асосда шифт, тўсин ва вассалар ёрдамида текис ёпилган ва қўшимча марказий қисми чорхона – ёғоч гумбаз услубида ёпилган. Шу системанинг такомиллаштириши катта-катта хоналарни ёпиш имконини берган. Бунга, Хивадаги XIX асрга оид Жума масжиди интерьерлари мисол бўла олади.

Хоналарни текис шифт шаклида ёпиш билан бир қаторда гумбаз билан ёпиш ҳам кенг қўлланилган. Бу конструктив асосда ҳам хоналар ҳажмини катталаштириш чораларини кидиришган. Гумбазли хона баҳаво ва монументал кўринишни эгаллаган. Шунинг учун ҳам у монументал биноларда кўп қўлланилган. Гумбазли хоналарни кенгайтириш муаммоси гумбазлар конструкциясини такомиллаштиришга ундаган. Шунинг учун ҳам гумбаз конструктив асоси икки йўналишда шаклланди.

Биринчи: устунлар ёрдамида катта хоналарни гумбазлар билан ёпиш. Бундай хоналарда тўрт ва ундан зиёд устун бўлиши мумкин. Чорустун, Деггарон, Данданакон қадимий масжидлари фикримиз исботи бўла олади. Кўп ҳолларда марказий гумбаз қолганларидан саккизбурчак асос ҳисобига кўтарилган ва атрофида очик туйнуклар қолдирилган. Туйнуклар орқали катта хона ёритилган ва ҳаво алмаштириш чоралари ечилган.

Иккинчидан: устун ишлатмасдан гумбаз конструктив асосини катталаштириш йўли билан хона ҳажмини ошириш. Бундай муаммолар ечими гумбаз асосини такомиллаштириш йўллари билан ечилган. Жумладан, XVI асрда гумбаз асосини қалқонсимон равоқлар ёрдамида ҳамда равоқларнинг ўзаро кесишуви асосида хоналар ҳажмининг кенгайтирилганлиги гуво-

хи бўламиз. Қалқонсимон равоқлар конструкцияси, асосан равоқларнинг ўзаро кесишуви асосида тузилган. Унда хонанинг катта-кичиклигига қараб равоқлар 8,16,24,32 тагача бўлиши мумкин.

Равоқларнинг ўзаро кесишуви конструкцияси хонанинг марказини гумбаз, бурчакларини ярим гумбаз ва сводлар билан ёпиш имконини берган. Мазкур турдаги гумбаз қўлланилган иморатда хона деворлари конструктив асосга нисбатан кўпроқ чегара вазифасини бажарган. Хонани кенгайтириш масаласи ҳам равоқларнинг оралиғига боғлиқ бўлган. Равоқлар асосидаги тўғри тўртбурчак хонанинг марказий ўқлари тўғрисида тўртта катта тоқчага ўхшаш чуқур хоналар ташкил қилиш имконияти туғилган. Хоналарнинг кенглиги ва чуқурлиги равоқлар оралиғининг кенглигига боғлиқ бўлган. Натижада салиб тузилишида кўп бурчак хона юзага келган. Бундай тузилишдаги хоналар масжид, мақбара, хонақоҳ ва бозор тимлари учун қўл келган. Равоқларнинг ўзаро кесишуви конструктив асосидаги гумбаз Марказий Осиёда XVI асрдан бошлаб кенг қўлланилган.

Узунчоқ тузилишдаги хоналарни гумбаз билан ёпишда ҳам шунга ўхшаш, аниқроғи параллел равоқ ва ярим равоқлар кесишуви конструкцияси қўлланилган. Мазкур конструкция равоқларнинг ўзаро кесишуви конструктив асосининг бошланғич босқичи десак бўлади. Уларнинг фарқи шундаки, параллел равоқлар конструкция асоси бутун ва ярим равоқлар кесишувида юзага келади. Бундай конструктив асосда қурилган обида интерьерлари бир ўқда кетма-кет ўрнатилган гумбазларни ташкил қилади. Бундай конструкциядаги гумбазлар кўпроқ узунчоқ тузилишдаги мақбараларни ва бир томони очик галереяларни ёпишда қўл келган.

Милодгача ва милоднинг бошларига оид турар жой, сарой асосий хоналарини кўздан кечиран эканмиз, улар интерьерларида хона атрофи бўйлаб супа ўрнатилганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа, Панжикент ва бошқа саройлар интерьерлари фикримиз исботи бўла олади. Ўрта асрлар иморатлари интерьерларига эътибор берар эканмиз, уларда бу элементдан воз кечилганлиги гувоҳи бўламиз. Лекин, Тоғли Бадахшон, Дарвоз ва қисман Қоратегин турар жой-

ларидаги супа қадимда қандай бўлса, деярли шундайлигича сақланиб қолган. Мазкур масаланинг ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимизни қуйидаги тартибда умумлаштиришга ҳаракат қилдик: Шунини айтиш лозимки, қадим замонларда хўжаликлар жамоа-жамоа бўлиб яшашган. Жамоа бўлиб яшаш уларни катта-катта хоналар қуришга даъват қилган. Жамоалар алоҳида-алоҳида оилаларга тарқала бошлагандан сўнг катта хона қуришга ҳожат бўлмаган. Катта хона фақат жамоа бўлиб йиғилиб туришга, маъракалар ўтказишга ва биргаликда ибодат қилишга керак бўлган, холос. Хоналар кичрайганидан сўнг унинг тўрт томонига супа ўрнатишга илож бўлмаган. Чунки ўртада ингичка йўлак қолдиришга ҳожат йўқ. Супа хоналарнинг бир томонига ўрнатилса, жуда кам одам сиғади. Шунинг учун хонанинг кириш қисмида оёқ-кийим учун бироз жойни пастроқ қилиб, пол сатҳининг қолган қисмини бутунлайича кўтаришнинг ўзи кифоя бўлади. Бундай пайтда хонада пойгоҳ ва пешгоҳ қисмлар юзага келади. Бу тадбир, хонани қисмларга ажратиш имконини беради ва бутун оила аъзоларининг бемалол ўтиришларига шароит яратади. Шунинг учун ҳам бундай хоналарда атрофи супали тархдан воз кечилган.

Тоғли Бадахшонда ҳанузгача бундай композициядаги катта хонанинг сақланишига келсак, шунини айтишимиз лозимки, бу ерда иқлим шароити ўзгача. Биринчидан, уйлар бироз тарқоқ, бир-биридан анча узоқликда жойлашган. Бунга сабаб шундаки, қишлоқ ландшафти тош қатламларидан ташкил топган. Бу ерда дехқончилик қилиш учун яроқли ерлар жуда кам. Ҳар бир хонадон ўз томорқасини кенгайтириш учун йиллар давомида тош қатламни ўйиб, соф тупроқли қатламни очиши лозим. Ҳар бир хонадон янги юзага келган кичик оилаларга алоҳида уй қуриб уларни ажратса, унинг томорқасида дехқончилик қиладиган ер кескин камаяди. Натижада, хонадон ўз оила аъзоларини мева, сабзавот ва дон маҳсулотлари билан таъминлай ололмаслиги мумкин.

Иккинчидан, Тоғли Бадахшон иқлим шароити жуда оғир. Қиш узоқ ва совуқ келади. Қишда хонани иситиш учун жуда кўп ўтин ёқиш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам унинг кўп қисми ер сатҳидан анча пастда бўлган. Яъни, деворнинг қарийб ярими ер устида

қурилган, холос. Бундай хона қишда анча вақт-гача иссиқликни сақлаб туради ва бутун оила бир хонада қишни кам ўтин сарфлаб ўткази олади. Аниқроғи, оштондаги иссиқлик биринчи навбатда хона атрофи бўйлаб оила аъзолари ўтирадиган супа қисмининг иссиқ бўлишини таъминлайди. Супа ён деворларига турли жиҳозлар учун токчалар ўрнатиш имконини беради. Шуни айтиш керакки, Тоғли Бадахшонда турар жойнинг ташқи девори пасткамрок бўлганлиги сабабли унга дераза ўрнатишнинг ҳам иложи камроқ. Шунинг учун туйнук шифт марказида устунлар ораллигида жойлашган. Хона эшиги очилганда хонада вертикал ҳаво алмашинуви таъминланади.

Шунингдек, Тоғли Бадахшонда катта хона ўз аҳамиятини йўқотмаганлигига сабаб, бу ерда турар жой билан боғлиқ урф-одатларнинг деярли тўлиқлигича сақланиб қолганлигидан далолат беради. Жумладан, уларнинг эътиқодига биноан устунлар рамзий жиҳатдан халифаларга қиёсланган. Шунинг учун ҳозирги кунда қурилган уйларда ҳам албатта бешта устун назарда тутилади.

Бундан ташқари, Тоғли Бадахшон ўлкаси марказий шаҳарлардан анча узоқда жойлашган. Узоқ тоғ қишлоқларда яшаш хонаси интерьерини шаҳарлардагидек жиҳозлаш тартиби оммавий қабул қилинмаган. Бошқача қилиб айтганда, хона интерьерини шаҳарлардагидек жиҳозлаш тартиби бу ерларга етиб келмаган. Шундай бўлишига қарамасдан, янги қурилган уйларда катта хона пойдевори супалари тахта пол билан қопланган, деворлар марказида ойнабанд жавонлар, қурилмалар назарда тутилган. Шифтнинг асосий қисми ва гумбаз бурчаклари тахта билан терилган. Умуман, хона интерьерини композицияси тўлиқлигича сақланиб қолган, лекин бадиий беазаги, конструктив асослари, жиҳозлаш тартиби замонавийлаштирилган.

Юқорида келтирилган далиллар Тоғли Бадахшонда атрофи супа билан айланттирилган ва шифт марказида ёғоч гумбазли туйнук ўрнатилган катта хоналарнинг сақланишига сабаб бўлган, деган хулосага келамиз.

## II. 2. ИНТЕРЬЕР ВАЗИФАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР

*Бу турфа бино жаннатга ўхшаш чиқди,  
Чин наққошхонасидан ҳам чиройлироқ чиқди.  
Мавлоно Мир Муфти*

Обида номи унинг вазифасидан келиб чиққан. Иморат қурилишини бошлашдан олдин унинг вазифасига қараб тарҳи тузилган, ҳажми аниқланган ва элементларнинг ўрни ва кўриниши белгиланган. Иморатларда хона тузилиши ҳам кишининг хонада ўзини тутиш фаолиятига маълум даражада таъсир кўрсатган. Жумладан, тор йўлак (коридор) ёки ҳовли атрофи бўйлаб қолдирилган тор айвон кишини ўзига керак хона эшигига етиб келгунигача қадар тўхтамасдан юришига даъват этади. Бундай тузилишдаги йўлаклар илк ўрта аср ибодатхоналари композициясида, тор айвон эса ўрта асрларда масжид, мадраса, карвонсарой тузилишида кенг қўлланилган. Шу ўринда И.И. Ноткиннинг бир мақоласини эслаш ўринлидир. Олим қадимий меъморчилигимизда хоналарнинг таянч нуктасини, уларга йўналган йўлакларнинг киши ҳаракатига психологик таъсирини синусоидлар билан тасвирлайди (Ноткин И.Ш., 1985, 25-31-б.). Биз ҳам хона тузилишининг ва унинг элементларининг киши йўналишига, ҳаракатига нисбатан психологик таъсирини схематик чизмаларда ифодалашда И.И. Ноткиннинг тажрибасидан фойдаланамиз (145-расм).

Иморат хоналари зарур элементлари билан ўз функциясини бажара олган. Хона интерьерини зарур элементлардан маҳрум бўлган тақдирда, хона оддий, кўп вазифали универсал маскан бўлиб қолади. Жумладан, яшаш хонаси поли сатҳининг асосий қисми пойгоҳдан кўтарилганлиги билан супани эслатади. Бу тадбир хона саранжомлигини таъминлаш билан бирга хонада ўтиришга, дам олишга мўлжалланганлигини билдириб туради.

Турар жойда хона тўрини, унинг асосий ёки меҳмон кутадиган хона эканлигини таҳмон ва токчабандли меҳроб билдиради. У хо-

на композициясини бойтадиган асосий элемент вазифасини бажаради.

Помир, Дарвоз, Қоратегин турар жойларида супаларнинг ўзиёқ унинг яшаш хонаси эканлигини белгилайди. Шуни айтиш керакки, бу ўлка турар жойлари шифти марказидаги туйнукли гумбаз ўзининг тузилиши, жойлашиши ва вазифаси билан хона композицияси марказини белгилайди. Хона вазифасини эса девор бўйлаб ўрнатилган супалар билдиради.

Масжид хоналари, асосан икки хил тузилишга эга бўлган: Беш вақт намоз ўқиш учун томонлари тенг хона ва жума намозини ўқиш учун катта майдонга эга бўлган кўп устунли хона. Беш вақт намоз ўқишга мўлжалланган масжид хонақоҳ ҳам турар жойдан 2-3 баравар катта бўлган. Хонақоҳ функциясини белгилашда меҳробнинг роли катта бўлган. У хонақоҳнинг тоат-ибодат қилиш учун мўлжалланганлигини таъкидлаб туради.

Жума намозини ўқиш учун қурилган масжидлар интерьерлари бир неча қатор устунларга ўрнатилган гумбазлардан ёки васса шифтдан ташкил топган бўлинмалардан иборат. Атрофи туйнукли марказий гумбаз ёки бўлинма кўриниши, салобати ва вазифаси билан интерьер композицияси марказини белгиллаган тақдирда ҳам у хона вазифасини билдирмайди. Бундай тузилишдаги хонақоҳ интерьерини сербезак меҳроб нафақат функция, балки композиция жиҳатидан ҳам бир нуқтага бирлаштиради. Яъни, у хонақоҳ интерьерларида асосий доминантлик вазифасини бажаради.

Саройларда хизматлар меҳмон кутиш, базм ўтказиш, элчи қабул қилиш, давлат ишларини бошқариш каби вазифалар бажарилган. Шунинг учун ҳам унинг интерьерлари безаги унинг вазифасидан келиб чиққан мавзуларга бағишланган. Жумладан, Хоразмдаги Тупроқ қаъла саройининг аскарлар залида аскар ва саркардаларнинг ҳайкалини кўрамиз. Болаликтепа саройи меҳмон кутишга бағишланган бўлса керак, унинг интерьерлари деворларида меҳмон кутиш мавзуидаги тасвирлар ишланган. Муҳташам безаги, тантанаворлиги кишига ўзгача психологик таъсир кўрсатади.

Шунга ўхшаш композицияни сарой ва савдо тимларида ҳам кўрсак бўлади. Савдо тимларида ташки девор билан чегарадош гумбазлар

остида савдо қилиш учун ўрнатилган супа ёки расталар унинг функциясини белгилайди.

Хоналарнинг тузилиши, ҳажми, эни ва бўйи, уларнинг функционал вазифаси инобатга олинган ҳолда қурилган. Жумладан, сарой учун кўпроқ тўғри тўртбурчак хона қулай бўлган. Узунчоқ тўғри тўртбурчак хона тўрида анча жойни тахт ёки тўрдаги супа эгаллайди. Тўрда ўтирган шахс олдига бориш учун кўп масофа бўлиши, унинг хизмат юзасидан обрў-эътиборини кучайтиришга қўл келган. Чунки, шоҳ ёки ҳоким қабулига келган шахс тахтга яқинлашгунча минг хаёлларга боради. Сарой безаги тантанаворлиги, салобати унинг юрагига ғулғула солади. Қаршида ўтирган шахс мансабининг баландлигини, ўз ташрифи тақдирининг ечими ижобий бўлиши шу шахсга боғлиқлиги, унинг ҳурматини жойига қўйиш лозимлиги каби тушунчалар унинг фикру зикрини эгаллаб олади. Қабулхона эгаси ўз навбатида шу ораликдаги вақт ичида ташриф буюрган шахснинг фикру зикрини, ташрифи сабабини, касбу корини билиб олишга ҳаракат қилади. Шунингдек, обрўли меҳмонларни қабул қилиш маросимларида хона ён девори бўйлаб узунасига вазиру, сарой арконларининг қатор бўлиб туришларига қўл келган.

Анфилада тузилишдаги бирдан-иккинчисига ўтиб борадиган хоналарнинг кетма-кет жойлашиши кўпроқ диний иморатларга ва саройларда қулай бўлган. Жумладан, Ажинатепла Будда ибодатхонаси хоналари кетма-кет жойлашган. Анфилада тузилишидаги хоналар турар жойларда ҳам бўлганлигидан Нисодаги «Квадрат уй» ва Сайёд шаҳарчасидаги хонадон уйи гувоҳлик беради (146-расм).

Ибодатхоналар тарҳи, тузилиши кишининг ичкарига борган сари ҳаяжонлантиришга, унга муқаддас хонага, илоҳий кучга эга бўлган даргоҳга кириб бораётганлигини билдиришга қаратилган. Бунга ибодатхона ичкарисида, тўрида ярим қоронғи хонада илоҳ ҳайкалининг ўрнатилиши ёки деворий тасвири, хонада саждагоҳнинг (алтарь) ёки илоҳий олов ёнаётган оташкад тўғрисидаги меҳробнинг бўлиши, ҳовли, айвон, зал поли сатҳининг саждагоҳ томон кўтарилиб бориши кишини психологик тайёрлаб борган.

Ерқўрғон ибодатхонасининг айвонга яқин

жойида баландлиги бир метрга якин тўсиқнинг бўлиши ибодат ташкил қилувчилар билан ибодатга келганларнинг ораларида чегара борлигидан далолат беради (Сулейманов Р., 2000, 253-б.). Бизнингча, ибодатхоналар тарҳи руҳонийларнинг мансаб, илму амали, иззат-обрў жиҳатидан табақаларга бўлиниб, ибодат қилишларига мослаштирилган. Жумладан, Панжикент эҳромларида катта зал ичкарисидagi кичкина хонада эътиборли шахсларнинг, илму амали жиҳатидан кейинги табақага мансублар очик томони узун галерея-айвонга туташиб кетган залда, олд томондаги галерея қолганларнинг бир ёки икки қатор саф тартиб ибодат қилишлари имконини берган.

Маҳалла масжидларида хонақоҳ тузилиши ҳамда уларнинг катта-кичиклиги намозхонлар жамоасига боғлиқ бўлган. Жумладан, маҳалла, қишлоқ масжидларида томонлари тенг тўртбурчак хоналар қўл келган. Катта маҳалла ва жоме масжидларида хонақоҳ учун тўғри тўртбурчак тарҳ кенг қўлланилган. Меҳроб унинг кенг томонига, узун деворнинг ўртасига жойлаштирилган. Унинг қулайлиги шундаки, бундай тарҳдаги хонақоҳ намозхонлар сафининг узун бўлишига ва қаторларнинг сон жиҳатидан қисқарилишига имкон яратган. Имом сафдагиларга кўриниб турган ва унинг овози орқадагиларга ҳам эшитилиб турган. Фикри-мизнинг далили сифатида Марказий Осиёда ўрта асрларда шаҳардан ташқарида қурилган намозгоҳлар (ийдгоҳ) тарҳига мурожаат қиламиз. Намозгоҳларда асосан Қурбон ва Фитр ҳайитларида ийд намозлари ўқилган. Эрта қурилган намозгоҳларда усти ёпиқ иморат деярли бўлмаган. Атрофи девор билан ўралган майдоннинг ғарбий деворида меҳроб ўрнатилган ёки уч томони очик майдоннинг меҳробли ғарбий девори бўлган, холос. Кейинчалик ҳовлининг ғарбий қисмида, яъни меҳроб жойлашган томони ёпилган холос. Жумладан, меҳробли девор ва минбардан ташкил топган X – XII асрларга оид Бухоро намозгоҳига XVI асрда уч бўлинмали хонақоҳ қурилган (Нильсен В.А., 1956, 62-б.). Шу ўринда С. Хмельницкий ўрганган ва қурилиш вақтини XII – XIII асрларга оид деб аниқланган Бешкентдаги намозгоҳни мисол келтирамиз (Хмельницкий С., 2001, 27-б.). Намозгоҳ узунлиги 30 м. эни 2,5 метрли еттита гумбазли галереядан ташкил топган. Ғузур намоз-

гоҳининг ғарбий қисмидаги иморат (XIX-XX асрлар) тарҳда узунлиги 36,3 метр, эни 7,4 метрли айвонни ташкил қилади (Кочнев Б.Д., 1976, 61-б.). Айвон икки қатор ёғоч устунлар ёрдамида узунасига 11 та бўлинмага тақсимланган. Чуқур меҳроб марказий бўлинма тўри деворида жойлашган. Самарқандда Тиллақори мадрасасининг шимоли-ғарб бурчагида қурилган масжид тарҳида ҳам шундай композицияни кўрамиз. Мазкур масжиднинг мадраса бурчагида жойланишига сабаб унинг меҳробини ғарб томонга қаратишни таъминлаш назарда тутилган. Масжид марказий бўлинмасининг ҳар икки ёнида 15 тадан бўлинма уч нефли галереяни ташкил этади. Улар ҳам композиция, ҳам безак, ҳам салобати жиҳатидан марказий бўлинмага бўйсунган. Шундай тузилишдаги намозгоҳлар Кармана, Тошкент, Косон, Касби, Қарши, Исфара, Самарқанд ва бошқа жойларда ҳам бўлган (147-расм). Мазкур обидаларда ҳам намозхонлар сафининг узун бўлиши назарда тутилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Турар хонада ҳам тўғри тўртбурчак ва томонлари тенг тўртбурчак тарҳ қўл келган. Хона кириш қисмида пойгоҳнинг мавжудлиги хона тўрининг остонага яқинлашишига олиб келади. Шунинг учун узунчоқ тузилишдаги тарҳ хона юзасининг меҳроб, пойгоҳ хисобидан торайишини камайтирган.

Тўғри тўртбурчак тузилишидаги пойгоҳ хона ўртасига чиқарилган тарҳ учун томонлари тенг тўртбурчак (квадрат) тузилиш қўлланилган. Бундай хоналарда пойгоҳ атрофи бўйлаб баланд супа ўрнатилган (Тоғли Бадахшон, Қоратегин, Юқори Зарафшон). Уларда пойгоҳ функция жиҳатидан киши тасавурида даҳлиз ёки кичкина ҳовли таассуротини беради.

Дарҳақиқат, пойгоҳ атрофи девор билан ўралса, у даҳлиз ёки хоналар билан ўралган кичкина ҳовлига ёки кўп хонали уйга ўхшаб қолади.

## II. 3. ХОНА ИНТЕРЬЕРИ ВА ТАШҚИ МҲИТ

*Деди: “Эй, зар қаср эгаси мезбон,  
Жойларинг фаробахш, дилинг шодимон.  
Лекин бу айвонинг эмасми баланд,  
Бошига булут ҳам ташлолмас каманд”.*  
*Низомий Ганжавий*

Марказий Осиё меъморчилигида хонани ховли иклим шароити билан яқинлигини саклаш ва ховлининг ранг-баранг манзараси билан, композиция жиҳатидан боғлиқлигига алоҳида эътибор берилган. Мазкур тадбирларни амалга оширишда айвон кўл келган. Айвон хона билан ташқи муҳитни боғловчи қисм вазифасини ўтаган. Унинг ховлига қаратилган очиқ томони манзарали хонага олиб кираётгандек, ёки аксинча, хонани манзарага олиб чиқаётгандек туюлади. Айвон устунлари ҳам ховлидаги дарахт таналари билан ҳамоҳангдек. Шу ўринда V-VII асрларга оид Варахша саройи деворий нақшларидан бир паннога эътиборимизни қаратамиз. Мазкур нақшнинг асосий элементи юқори томони айрига ўхшаб икки томон йўналган новдачани ташкил қилади. Шундай новдачалар қатори вертикал чизиқларда устма – уст ўрнатилиши натижасида дарахтзорлардан ташкил топган тасвири пардага монанд нақш юзага келган.

Айвон баҳор, ёз, куз фаслларида хонадоннинг асосий дам олиш жойи ҳисобланган. Хонадоннинг аъзолари кўп вақтини шу жойда ўтказишади. Унинг деворларига, шифтларига ишланган ранг-баранг, нафис нақшлар ҳам табиат манзараси билан ҳамоҳанг, киши ўзини табиат кўйида ўтиргандек сезади.

Марказий Осиё меъморчилигида айвон бронза даврида ҳам қўлланилган. Жумладан, Бахтрияда Олтинтепа - 10 рақамли уйнинг икки ховлиси бўлиб уларнинг ҳар кайсиси уч томонидан айвон билан ўралган (Сарианиди В.И., 1977, 59-расм). Қизилча 6 рақамли уйда тўртинчи қурилиш даври уфқ чизиғида тўрт томони турар хоналар билан айлантирилган ховлининг бир томонида айвон қўлланилган (Сагдуллаев А.С., 1981, 9-б.). Ховлининг тўрт-

тала томони ҳам бир қатор хона, сўнг айвон билан айлантирилган тарх, милоддан аввалги II асрга оид Нисодаги “Квадрат уй” номи турар жой иморатида мавжуд (ВИА, 1970, 356-б.). Тўғри тўртбурчак тузилишидаги уй композициясига айвон киритилган тархни милоддан аввалги I асрга оид Холчаён саройида кўрамиз (ВИА, 1970, 359-б.). Мазкур сарой айвони уч томонидан зал ва хоналар билан ўралган тархга эга. Мазкур обида тарҳида айвон барча хоналар учун бир хил хизмат қилувчи ва композиция жиҳатидан уларни бир марказга йиғувчи элемент сифатида гавдаланади. Самарқанд шахрининг Афросиёб саройида эса, айвон ўз устунлари билан обиданинг ўрта қисмига пештоқ сифатида қўшилган. Мазкур иккала обидада ҳам айвон иморатнинг тантанаворлигини орттирган ҳамда обида билан қадимий шаҳар турар жойлари мажмуасини композиция жиҳатидан боғлиқлигини таъминлаган.

Илк ўрта асрга оид деворий суратларда иморат иккинчи қаватида балконга монанд кичкина айвончалар тасвирланган. Анников губерниясидан топилган VI-VII асрларга оид мис идишда Марказий Осиё меъморчилигига хос обида тасвири ишланган. Унинг юқори қисмининг икки томонида девор сатҳидан қисман бўртиб чиққан айвончалар-балкончалар ишланган. Панжикент деворий суратларида ҳам балкончалар тасвирланган. Балкончаларни XV – XVI асрларда ишланган миниатюра тасвирларида ҳам кўрамиз (148-расм).

Айвон, диний ва ижтимоий обидаларда ҳам қадимдан қўлланилган. Айрим обидаларнинг ўзи бутунлигича чуқур айвон тузилишида қурилган. Бунга IX – XI асрларга оид Термиздаги Чорустун ва Бухородаги Моҳ масжидлари мисол бўла олади. Чорустун икки томони очиқ қолдирилган. Шундай композицияни Термиздаги XI – XII асрларга оид шаҳардан ташқаридаги шохлар саройида кўрамиз. Галерея туридаги торроқ айвон – йўлак XI асрда қурилган Доя хотин карвонсаройида қўлланилган. XIV – XV асрларда қурилган салобатли жоме масжидларида ховли майдонининг атрофи бостирма шаклида бир неча устунларга қатор ўрнатилган чуқур айвон билан айлантирилган. Самарқанддаги Бибиҳоним Жоме масжиди, Бухородаги Калон масжиди шундай тузилишга эга. XVIII – XIX асрларда қурилган маҳалла ва кичикроқ жо-

ме masjidларида хонақоҳнинг бир, икки, уч томони айвон билан чегараланган тарҳ кенг қўлланилган. Мадрасалар ҳовлисининг тўрт томонида марказий ўқларда бир-бирига қарши жойлашган айвонлар назарда тутилган. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси ва XVI – XVII асрларда қурилган мадрасаларнинг деярли кўпчилигида айвон шундай тартибда жойлаштирилган. XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган Хивадаги Тошҳовли саройида ҳар бир бўлинма бир устунли чуқур ва баланд айвонга эга.

Айвон ўрта асрларда ҳам, ундан кейинги асрлардаги турар жойларда ҳам кенг қўлланилган. Турар жой меъморчилигида айвон икки, уч, тўрт хона оралиғида, уй олд қисмини бутунлай эгаллаган тарҳда (пешайвон), иморат олд ёки ён томонларида галерея (далон) сифатида, девор сатҳидан бўртиб чиққан балконга монанд ҳолда, ҳовли иккинчи қавати очиқ қисмини эгаллаган шийпон сифатида ва алоҳида тўрт, уч томони очиқ бошпана (шийпон) шаклида келиши мумкин.

Айвоннинг турар жой меъморчилигида қўлланилиши ўша жойнинг иқлим шароити ва хоналарнинг жойланиши тартибидан келиб чиққан. Масалан, Хивада иқлим шароитининг ўзгачалиги, бу ерда ёзда ҳавонинг нисбатан иссиқлиги сабабли айвон хона ва ҳовли ҳавосини янгилаб туришга мўлжалланган. Бу ерда айвон икки хил тузилишга эга. Улу айвон хона олд қисмини эгаллаган ва хонадан анча баландга кўтарилган. Унинг қаршисида терс айвон – кичикроқ айвон ўрнатилган. Улу айвон битта марказий устунга эга бўлиб, кўриниш жиҳатидан минорага ўхшаб кетади. У шамол эсадиган томонга қаратилган бўлиб, шамолни ушлаб ҳовлига йўналтирган. Бу ерда иккала айвон кичкина ҳовлини том билан ёпгандек туюлади.

Бухорода баланд кўп устунли айвон, кўп ҳолда ёзги хоналарга кўндаланг ҳолда қўшилган. Бухоро турар жойларида ним айвон кенг қўлланилади. Ним айвон биринчи қават устида оддий айвонга нисбатан торроқ бўлиб, иморатнинг бир томонини узунасига эгаллайди. Ним айвон ёз ойларида оиланинг дам олишига мўлжалланган.

Самарқанд турар жой меъморчилигида айвон, турар хоналарнинг бурчагида, кўпроқ уларга нисбатан кўндаланг жойлаштирилган.

Фарғона турар жой меъморчилигида айвон кўпроқ уч-тўрт хона олдини эгаллаган. Шунинг учун ҳам бундай айвон пешайвон деб юритилган.

Айвоннинг яна бир турига шийпонлар кирди. Шийпонлар иккинчи қаватда қурилган. Шийпон Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз турар жой меъморчилигида кўп учрайди. Хонадонларда иккинчи қават хоналарини табиат билан боғлашда шийпоннинг аҳамияти катта бўлган. Шийпон иккинчи қават хоналарини табиат манзараси билан боғлашга ва улар оралиғида усти ёпик ҳовличани яратиш имконини берган.

Кичикроқ ҳовлини айвон тарзида ёпиш ҳоллари ҳам халқ меъморчилигида учрайди. Бунга Марғилонда XIX асрнинг ўрталарида қурилган уйнинг ҳовлиси мисол бўла олади (Воронина В.Л., 1951а, 43-б.). Айвон шифти марказидаги туйнук ва кўтарилиб туширилаётган қашқарча панжалари билан ёритилган ва табиат билан боғланган.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган обидаларни ва турар жой меъморчилигига оид материалларни кўздан кечириб эканмиз, бу ерда қадимдан бир неча хил тузилишдаги айвон турлари бўлганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, оддий чуқур айвон турар жойларда, мадраса ва бошқа турлардаги обидаларда кенг қўлланилган. Иккинчи – галерея тузилишидаги айвон. Бундай айвонлар masjid, карвонсарой ва бошқа турдаги иморатларда кенг қўлланилган. Учинчи – шийпон тузилишидаги айвон кўпроқ турар жой меъморчилигида қўлланилган. Тўртинчи – балкон тузилишидаги айвонча турар жой ва илк ўрта аср кўшкларида кенг қўлланилганлиги гувоҳи бўламиз. Шунингдек, алоҳида айвонга монанд иморатларни ўрта аср masjidлари тузилишида кўрамиз. Алоҳида қурилган, тўрт ёки уч томони очиқ шийпонлардан турар жой меъморчилигида дала боғ ва ҳовлиларда фойдаланилган.

Айвон ўз вазифасидан ташқари иморат умумий композициясини бадиийлаштирган, унинг меъморий ечимини бойитган. Масалан, Хивада Тошҳовли саройи ва турар жой, айвонларида улу айвон чуқур ва компакт ҳамда минора тузилишида бўлиб, унинг марказидаги устун ўймакорлик қилинган нақшу нигори билан нафакат айвон, бутун ҳовли композициясига бадиийлик киритган. Ўзбекистоннинг деярли барча

вилоятларида, кўпроқ масжидлар, Фарғона водийсида эса турар жойларда ҳам айвоннинг юқори қисми кайвон-маркази кўтарилган шаклда ишланиши ҳам иморат тарзига бадиийлик бағишлайди.

Айвон иморат билан шаҳар муҳитини композиция жиҳатидан боғлашга ҳам кўл келган. Жумладан, қишлоқларда, хусусан тоғ қишлоқларида масжид иморати табиий баландликда қурилган ва унинг икки ёки уч томони ўз айвони билан қишлоқ кўчаларига қаратилган. Бундай пайтда айвон ўз вазифасидан ташқари масжид иморатининг асл моҳиятини билдириш ва унинг қишлоқ меъморчилиги билан ўзаро боғланишини таъминлаган. Шаҳарларда ҳам айвон масжиднинг турар жой мажмуасида доминант бўлишига ижобий таъсир кўрсатган. Шаҳарда масжид учун махсус супа ёки баландлик қўлланилмаган. Маҳаллани кесиб ўтган тор кўчадан бораётган йўловчи бирданига масжиднинг баланд айвонига дуч келади. Бундай ҳолатда айвон биринчидан масжиднинг ҳамма учун очиқлигини намоён қилса, иккинчидан масжиднинг турар жойлар мажмуасида доминантлигини таъминлайди, учинчидан эса баланд айвон, масжид мажмуаси билан маҳалла турар жойларини композиция жиҳатидан боғланишини таъминлайди. Шу ўринда И.И. Ноткиннинг... барча ёпиқ хоналарни очиқ ва ярим-очиқ рекреациялар – дам олиш жойлари билан тенг таъминлашда, очиқ муҳитни интерьерлаштириш гоёси ётади. Умуман, кўп қийматли муҳитнинг ҳамма жойида ҳаракат бўлишига, кишига ўзи яратган меъморий мажмуанинг ҳар қандай қисқа бўлагига ташқи муҳит билан ўзи орасида зарур муносабат ўрнатиш ва бу микромуҳитдаги барча ҳаракатдан психологик маъно, манзарадан завқ олиш назарда тутилган (Ноткин И.И., 1981, 23-б.), деган фикрини эслаш мумкин.

Умуман олганда, айвон, шийпонлар хонани табиат билан боғлаш, хона ҳавосини тозалаш, хонани намгарчиликдан сақлаш, хоналар оралигида усти берк ҳовли яратиш имконини берган. Шунингдек, иморатга бадиийлик, тантанаворлик бағишлаган. Иморат билан майдон, ҳовли, маҳалла ва кўчаларни боғлаган.

## II. 4. ИНТЕРЬЕРДА ТАБИИЙ ЁРУҒЛИК МАНБАИ

*Уй ич-ичидан чунонам ёруғ,*

*зоҳирда эса юлдузга монанддир.*

**Авесто**

Марказий Осиёда йил фаслларининг кўп қисми қуёшли келади. Асосан, ёз ойларида одамлар хонани бироз вақт қоронғироқ сақлашга ҳаракат қилишган. Қолган вақт хонанинг ёруғ бўлиши таъминланган. Чунки ёруғлик, қуёш нуллари хонада қуруқликни таъминлаган ва киши фаолиятига зиён етказадиган унсурларнинг камайишига ижобий фойда берган. Марказий Осиёда халқ турар жой меъморчилигида хоналарни ёритиш масаласи асосан икки хил услубда таъминланган. Биринчиси, хоналарни шифтда қолдирилган туйнук орқали ва иккинчи тури девордаги эшиклар устига тобадон – ганчли панжара жойлаштириш ҳамда асосий хонанинг ҳовли томонига деразалар ўрнатиш каби тадбирлар билан ечилган. Археологларнинг таъкидлашича, биринчи турдаги, яъни шифтда туйнук-равзан ўрнатиш услуби энг қадимий ҳисобланган. Шу турдаги шифт милодгача V асрга оид Клузий шаҳарчаси яқинида Поджо Гаэладан (Италия) топилган уй кўринишини ифодалаган гўр қутида ҳам ўз аксини топган (ВИА, 1973, 412-б., 24-расм). Бундай турдаги шифт юқорида изоҳлаганимиздек, ҳозирги кунда ҳам Тоғли Бадахшон, Дарвоз, Қоратегин воҳасининг юқори қисмида деярли ўз моҳиятини сақлаб қолмоқда.

Қуёш ўрнининг ўзгариши натижасида хонада ёруғлик тушиши ҳам ўзгариб турган. Қуёшнинг чиқиш ва ботиш пайтида хонанинг бурчакларига ҳам ёруғлик тушган. Қолган пайтда рўздан тушган ёруғлик хонага майин тарқалган.

Хона эшиклари устки қисмига ўрнатилган тобадонлар – турли композициядаги панжаралар ҳам хонага ёруғликнинг майин тушишига ёрдам берган. Уларнинг эшикдан юқорида бўлиши ҳам, хона тўрига вақт-вақти билан ёруғлик тушишини таъминлаган.

Хонанинг ҳовли томон деворига катта деразалар ўрнатилиши ва деразаларнинг икки табақали эшиклар билан тўсиш одати Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар турар жой меъмор-

чилигида кенг қўлланилган. Бу услуб XIX асрнинг иккинчи ярмида кенг қўлланила бошланган. Ёз ойларида хонани қизиби кетишдан сақлаш учун деразани тўсиб турган эшиклар эрталаб ёпилган, салқин тушгандан сўнг очилган. Турар жой меъморчилигида бундай деразанинг деярли пол сатҳидан ўрнатилишига В.Л. Воронина хонадонларда мебель қўлланилмаганлиги, яъни оила аъзоларининг полда ухлаб, полда ўтириб овқатланиши сабаб бўлган, - деб фикр билдиради (Воронина В.Л., 1990б, 197-б.). Бизнингча бундан ташқари, хонани ҳовли билан боғланишини таъминлаш ҳамда эшикли дераза устига тобадон ўрнатиш имкониятини сақлаб қолиш бўлган, деб ўйлаймиз. Чунки эшикли дераза пол сатҳидан 50-60 см кўтарилган ҳолда ўрнатилган тақдирда, дераза устида тобадон ўрнатиш имконияти йўқолади. Эшикли дераза устида тобадон ўрнатиш зарур бўлган, чунки куннинг иссиқ пайтида дераза эшиклари ёпилганда, ёруғлик тобадонлардан тушган.

Гумбазли иморатларда ёруғлик гумбазнинг ўзидан, гумбаз ости саккизбурчак, ўн иккибурчак пойгумбазларда ҳамда обида деворларида ўрнатилган туйнуклардан тушган. Гумбазнинг ўзига ўрнатилган табиий ёруғлик манбаи икки хил тузилишда бўлган. Биринчи турга гумбазнинг энг юқори нуқтасига ўрнатилган кичкина туйнук киради. Бундай туйнук кўпроқ ҳаммомларда қўлланилган. В.Л. Воронинанинг фикрича, ҳаммом гумбазидаги кичкина туйнук кўпроқ гумбаз остида йиғилиб қолган иссиқ ҳавонинг чиқиб кетишига мўлжалланган (Воронина В.Л., 1990б, 195-б.). Иккинчи турдаги табиий ёруғлик манбаи гумбаз устига ўрнатилган олтибурчак, кўпроқ саккизбурчак фонар тузилишида бўлган. Унинг очик томонларига декоратив панжаралар ўрнатилган. Бундай гумбазли томонлари очик бўлинма (фонар) кўпбурчакли бўлганлиги сабабли, ундан ёруғлик хонанинг ҳамма томонига тенг тарқалади. Бундай табиий ёруғлик манбаи кўпроқ масжид, хонақоҳ, мақбараларда қўлланилган.

Шунингдек, интерьер гумбаз ости кўп бурчакли пойгумбазнинг турли томонларидан ўрнатилган туйнуклар орқали ёритилган. Бундай ёритгичлар ҳам масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбараларда қўлланилган. Бундай туйнуклар иморат тўрт томонида ва гумбаз остида бўлганлиги сабабли улардан тушган ёруғлик хо-

на гумбазини баланд бўлиб кўринишига ижобий таъсир кўрсатган.

## II. 5. ХОНАДА ЭКОЛОГИК МУҲИТНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛЛАРИ

**Шимол шамоли эсганда, шаҳардан шундай дейишади: “Сен бу шаҳарни ёқимли қилиб турган нарсасан”.**

**Муҳаббил ар-Риҳ**

Ҳозирги кунда экологик тоза муҳитни сақлаб қолиш мақсадида кўп ишлар қилинмоқда. Бундай хайрли ишларни бажаришга бутун дунёда ҳаво, сув ва экинзор ерларнинг таркиби ўзгараётганлиги сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда турар жой, жамоат иншоотлари, ишлаб чиқариш корхоналари интерьерларида ҳам экологик тоза муҳит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан қадимий уйлар интерьерларида тоза муҳитни сақлаш учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қисқа фикр юритишни лозим топдик.

Дарҳақиқат, халқ меъморчилиги тарҳида, композициясида назарда тутилган айрим чоратадбирлар хонада тоза муҳитни сақлашга хизмат қилган. Жумладан, турар жой ва бошқа иморатларнинг ҳовлисида кичкина чорбоғ, айрим ҳолларда ҳовузнинг бўлиши ҳам хонани табиат билан боғлашга қаратилган ва бунда айвоннинг ўрни катта бўлган. Одамлар ёз, баҳор, эрта куз ойларида куннинг кўп қисмини айвонда ўтказишган. Шунинг учун Марказий Осиёнинг деярли барча жойида турар жой, диний обида ва саройлар композициясида албатта айвон бўлган. Айвон хона ҳавосини алмаштириш учун ҳам хизмат қилган. Жумладан, Хива шаҳри уйлари композициясидаги баланд айвон майин эсаётган тоза ҳавони илиб, хонага юборишга мўлжалланган. Қуруқ ҳаво ва чанг-тўзон миқдори баланд ўлкаларда ҳовлини чегаралаш даражаси муайян ошади (Воронина В.Л., 1982, 53-б.). Қорақалпоғистонда Хўжайлининг эски шаҳар қисмида ҳовли усти том билан ёпилган уйларни учратдик. Мазкур тадбир ҳовлини нафақат қуруқ ҳаво, шунингдек қишнинг совуғидан асрашга ҳам қаратилган. Ҳовлининг ёпилишини

Хива уйларида ҳам учратамиз. Бу ерда ҳовли Хўжайлидагидек текис том ўрнига айвонлар ёрдамида ёпилган. Ҳовлининг бир қисми катта ва баланд айвон билан ёпилса, унинг қарама-қарши томони кичик айвонга эга.

Тоғли Бадахшон, Дарвоз ва Қоратегин уйлари шифтининг чорхона қисмидаги туйнук – равзан, хонада тик йўналишда ҳаво алмашувини таъминлайди. Равзандан кираётган тоза ҳавонинг очиқ қолдирилган эшикдан чиқиб кетаётгани яққол сезилади. Равзан хонадаги дегдон ва оштон тутунларининг чиқиб кетишини ҳам таъминлайди. Шунингдек, хонани ёритган, куёш чиқиши ва ботишига қараб унинг нури куннинг маълум вақтида хонанинг барча қисмига тушган, натижада уй бурчакларини зах бўлишдан сақлаган.

Шаҳар уйларида, масжидларда кенг қўлланилган тобадонлар ҳам хона ҳавосини алмаштириш ва ёруғлик тушишига имкон яратган.

Сурхондарё, Қашқадарё тоғ қишлоқлари турар жой меъморчилигида қишда яшаш учун маҳсус қишки хона бўлган. Хонанинг кириш қисмида, икки девор оралигида оштон – ўчоқнинг назарда тутилиши ҳам тутуннинг хонага ёйилмаслигини таъминлаган.

Икки девор орасидаги кенг мўри тутунни сўриб чиқарган. Деярли барча жойда оштон, хонанинг кириш қисми деворида бўлган. Бу, хона асосий қисмининг тоза сақланишига имкон яратган. Шунингдек, кўп ҳолларда хона кириш қисми девори мағзидаги ўчоққа ўтин дахлиздан қаланган. Бу тадбир ҳам нафақат дахлизни, балки асосий хонани иситган ҳамда унинг тоза бўлишини таъминлаган.

Тоғли Бадахшон, Қоратегин, Дарвоз ва бошқа тоғли ўлкаларда оштон, хонанинг ичида бўлганлиги сабабли, эндигина ёқилган ўтин тутуни бирданига равзандан чиқиб кетмаган. Хусусан, янги ёқилганда ўтиннинг тутуни биров сақланган. Бунинг учун хонага кириш эшиги биров очилса, ундаги тутун равзандан кираётган шаббода ҳисобига эшикдан ёки аксинча эшикдан кирган тоза ҳаво ҳисобига равзандан бирпасда чиқиб кетган. Лекин бу тутун зарарли ҳисобланмаган. Чунки оштонга тоза ва қуруқ ўтин ёқилган. Тутун ва ўтин Авесто динида ҳам олқишланган. Мана бир мисол:

Эй, Ахура Мазданинг Озари! Қўлимиздаги ўтин сенга бўлсин! Унинг тутунлари сенга бўл-

син! Унинг хурушлари сенга бўлсин! Ўтин гарамлари сенга бўлсин! ... (Авесто, 2001, 90-б.)

Хонани иситишнинг энг қадимий услубига оид сандал ҳам хона ҳавосининг тоза туришига путур етказмаган. Сандал остидаги чўғ тутуни унинг устига ташланган қалин кўрпадан ташқарига чиқмаган. Сандал учун ҳам чўғи, иссиқлиги узоқ сақланадиган ва кам тутайдиган ёғоч турлари ишлатилган. Шунинг учун хона ҳавоси яхши сақланган.

## II. 6. ХОНАДА ТАБИАТ РАНГ – БАРАНГЛИГИ

*Ким бу гулистонким эрур бир жаҳон,  
Балки жаҳонс гул ичинда ниҳон.*

*Алишер Навоий*

Ўрта Осиёдаги ҳар бир хонадон ҳовлисида кичкина боғча бўлган. Боғчадаги кўкатлар, гуллар, дарахтлар эрта баҳордан кеч кузгача ям-яшил, сарғиш, қизил рангларга бурканган бўлади. Хона ана шундай серзавқ манзарадан чегараланган. Бундай чегарани йўқотиш мақсадида хона ичига ранг-баранг нақшлар чизилган.

Деворлар маҳаллий ганч билан пардозланганлиги сабабли хона деворлари биров сарғишроқ, яъни иссиқ мижозга қирувчи, киши кўзига илиқлик бағишловчи ранг тусини олган. Ҳовлига қаратилган девор деразалари оралигидаги вертикал бўлинмаларда гуллари чарос очилган нафис новдали сербарг ва сергул буталарни чизишган. Нақшлар ичи, оралиғи ҳар хил нафис ранглар билан бўялган. И.Шкондинанинг кузатишича, халқ турар жой хоналари ичида нақш тўғридан-тўғри ёруғлик тушадиган деворда ишланган. Шунинг учун нақш майда, нафис ишланган ва яқиндан кўринишга (қарашга) мўлжалланган, деб ёзади. (Шкондина И., 1984, 16-б.). Дарҳақиқат, ҳовлига қараган деворнинг хона томонига ёруғлик тик тушмайди. И.Шкондинанинг фикрига қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бу тадбир асосан хона деворининг боғ манзараси билан боғланиб, ҳамоҳанг бўлиб кетишини таъминлаган.

Ўрта Осиё шаҳарларида, шу жумладан Самарқанд, Бухоро, Китоб, Шахрисабз, Қўқон, Марғилон, Фарғона, Тошкент, Хўжанд ва ҳатто Фарғо-

на водийси тоғ қишлоқлари турар жой меъморчилигида меҳмонхоналар шифти ранг-баранг ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Тўсин ва вассаларига ишланган нақшлар замири (фони) кўпинча оч сарғиш аралашган кизил ранг билан бўялган. Иссиқ колоритли кизил ранг устида турли рангда ишланган майда, нафис ўсимликсимон нақшлар хона шифтини боғдаги сўрига монанд қилиб кўрсатади (149-расм).

Умуман олганда, ранг-баранг ўсимликсимон шифт беазаги девор юзасидаги гуллар тасвири билан ҳам мавзу, ҳам ранг жиҳатидан боғланиб, хонада ҳамма вақт баҳор манзарасини эслатади. Хона муҳити билан ҳовли манзарасини боғлайди, улар оралиғидаги кескин фарқни юмшатади. Бир сўз билан айтганда, кишида манзарага, табиатга бўлган меҳрини уйғотади ҳамда эстетик завқ бағишлайди.

## II. 7. ХОНА БИЛАН БОҒЛИҚ РАМЗИЙ ОДАТЛАР

*Умр қисқа, санъат йўли олис,  
омад бебаҳо, тажриба бевафо,  
ҳукм чиқармоқ машаққат.*

*Гиппократ*

Хона инсон учун макон, бошпана бўлган. Оилани қишнинг совуғидан, ёзнинг иссиғидан, турли бало-қазолардан асраган. Шунинг учун хона қадим замонлардан буён турли илоҳий тушунчалар билан боғланиб келган. **Хонани олам томонлари** билан боғлашган. Жумладан, қоиот тузилиши тўғрисидаги тушунча паҳлавий анъаналарига биноан Тиштрийя, Садвес, Ваханд ва Хафтаранглар-тўрт томон ҳомийси ҳисобланган (Дрезден М., 1977, 344-б). Вандидотда эса квадратни тўрт томон эмас, доиранинг томонлари деб тушуниланган. Бу тушунча Авесто таълимоти бўйича квадрат эмас, доирага тўғри келади (Стеблин-Каменский И.М., 1995). Авесто анъаналарига биноан дунё етти оламдан (томон) – кишвар ёки қаршвардан ташкил топган. Марказда муқаддас Хванират, тўрт томонида-тўртта қаршвар ва иккита тик йўналишда, яъни Хваниратдан пастда ва юқорида ер усти ва ер ости дунёлари жойлашган дейилади (Сулейманов Р.Х., 2000, 231-б.). Шу ўринда айтиб ўтиш

лозимки, бундай тушунча одамга нисбатан ҳам бўлган. Жумладан, Тоғли Бадахшонда топилган қадимий фалсафий асарда: “Табиатда бор нарса инсон танасида мавжуд (Бертельс А.Е., 1970, 24-б.). Одам борлигида олти томон мужассам, улар юқори (осмон), паст (ер), жануб, шимол, шарқ, ғарб томонларни ташкил қилади”, - дейилган (Бертельс А.Е., 1970, 16-б.). Ш. Шукуров: «Кузатувларимиз натижасида қадимий Хоразм кулолчилик санъатида, меъморий обидалари тарҳида юқори-паст, ўнг-чап, шарқ-ғарб каби фазовий томонлар билан боғлиқ тавсифлар ва бинар тузилишидаги рамзий классификациялар, ҳамда аёл-эркак тушунчаларини англатадиган ижтимоий тавсифлар борлиги аниқ сезилади», - деб таъкидлайди (Шукуров Ш., 1977, 107-б.). Сўфийликда чорзарб «тўрт уриш» йўли билан зикр айтилган. Зикр айтиш тўртбурчак шаклида амалга оширилган (Яссавий, 1992, 201-3-б.). Ш.Д. Асқаров сўфийликда чорзарб тўғри тўртбурчак хонада бажарилган, деб таржима қилади (Асқаров Ш.Д., 2002, 22-б.). Мазкур таржима аниқ эмас, шундай бўлишига қарамасдан, чорзарб тўртбурчакни, яъни тўрт томонни билдиришини инкор этолмаймиз. Чорзарбни меъморчиликка кўчирсак, тўрт бурчакли, тўрт томонли хона тарҳини беради. Томонлари тенг тўртбурчак (квадрат) тузилишдаги монументал иморатнинг томонлари дунёнинг тўрт томонига ўхшатилиши Афғонистонда ҳам кузатилган (Сарианиди В.И., 1977, 39-б.). Дарҳақиқат, юқорида келтирилган тушунча ва кузатувларни меъморчиликка кўчирсак, тўрт томон уйнинг тўрт томони деворларини, қолган иккитаси шифт ва хона сатҳини (полини) эслатади. Бундай тушунчани инобатга олган ҳолда хонани кичик дунё деб фарз қилсак, хона сатҳи – ер, шифти – осмон, уларни туташтирувчи устун – қурбонлик устунни тимсоли сифатида гавдаланади. Бу ўринда шунга эътибор бериш лозимки, томонларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчас боғланиб, бир бутун борлиқни ташкил қилади. Уларнинг, яъни олти томоннинг марказини еттинчи қисм – қурбонлик устун<sup>\*</sup> ташкил қилади. Шунинг учун бўлса керак, қадимдан марказий устун эъзозланган, илоҳий кучлар билан боғланган ва одам қоматига қиёсланган.

Фрот ва Дажла дарёлари оралиғидаги халқларда ҳам дунё, асосан, тўрт томонни ташкил қилади, деган тушунча бўлган. Одам ўртада ту-

\* Қурбонлик устуну, умуман устунга оид рамзий тушунчалар шу бобнинг урталарида баён этилган.

рар экан у тўрт тарафдан келадиган хавф-хатардан ўзини қўриқлаш мақсадида ўзи турадиган жойнинг тўрт томонини девор билан ўрашни лозим кўрган ва шу хонанинг тўрт деворига Мардука, Набу, Иштар, Ташметум сиймолари иш-ланган туморларни осиб қўйишган (Bude, 1968, 97-98-б.). Қизиғи шундаки, шунга ўхшаш тушунчалар Ўрта Осиё халқларида ҳам якин йилларгача бўлган. Жумладан, унинг анча содалаштирилган шаклини Самарқанд, Бухорода учратиш мумкин. Улар меҳмонхона тўрт деворига тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али) номларини ёзиб қўйишган. Айтишларича, халифалар хонани ҳар хил бало-қазолардан, табиий офатлардан асраб, хонадонга тўкин-сочинлик, хотиржамлик, омонлик ва бахт-саодат бағишлар экан (Нозилов Д., 1996, 4-5 бетлар) (150-расм).

Фирдавсий “Шохнома”сида сарой ичини дунё маркази сифатида тасвирлайди. Унда қутб – космик офатларнинг учрашадиган ва шу ерда бурилиш, эскидан янгига, ёвузликдан яхшиликка, қоронғу ер ости дунёсидан ёруғ ер усти дунёсига ўтилади, деб тушунилади. Бу иккала дунё хона ичидаги қахрамонлар тақдирини ўзгартириб турган, деган тушунчалар ҳам мавжуд (Шукуров Ш., 1983, 70-б.).

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ёзишича: “Инсон ичи-дахлиз, дунё эса уй. Аввал дахлизга, сўнгра уйга кирилади. Дахлизда кўринган барча нарса уйнинг ичкарасида ҳам зохирдир... Дунёда пайдо бўлган жамики хайрли ва хайрсиз ишлар, аввало, дахлизда юзага чиқади (Румий, 1997, 119-б.). Қадимда айрим ўлкаларда уйнинг ўзини ҳам жонли мавжудотга қиёслашган. Жумладан, помирликлар тасавурида турар уй тўлиқлигича жонли мавжудот, эркак сифатида гавдаланган (Мухиддинов И., 1982, 78-б.). Иморат қисмларини одам аъзолари билан қиёслаш Ҳиндистонда ҳам бўлган экан. Бу ерда, хусусан, ибодатхона меъморчилигида инсон қўли билан яратилган турар жой, ибодатхона ва бошқа иншоотларда Пуруша\* шаклида ҳамда одам аъзолари вужудга келар экан. Шунинг учун ибодатхона қисмлари илоҳларнинг тана аъзоларига ўхшатишган. Жумладан, ибодатхона эшиги – оғиз, том юзаси – елка, бўртиб чиққан қисмлари – кўл, девор – оёқ, пойдевор – илоҳлар оёғи кафтини билдирган (Kramrisch, 1975, p. 41).

Юқорида келтирилган хона билан боғлиқ одатлар ҳамда рамзий тушунчалар унинг қай

даражада инсон ҳаёти учун зарурлигини ва муқаддаслигини белгилайди. Инсоннинг ижтимоий, маънавий ҳаёти учун зарур бўлган масканга муқаддаслик бағишлайди.

Марказий Осиёнинг кўп ҳудудларида, шу жумладан, Суғдда Авесто динига эътиқод қилган хонадонлар уйларида сажда қилиш учун махсус хона бўлганлиги қайд этилади. Қадимий Панжикент хонадонларида муқаддас оташкад ва меҳробга эга хона реконструкцияси В.Л.Воронина томонидан матбуотда келтирилади (ВИА, 1969, 188-б.). Мазкур хона хонадон оила аъзолари учун саждагоҳ вазифасини бажарган. Х. Ахунбабаев сажда учун меҳроби бор хоналар бизда ҳам бўлганидек, Ҳиндистон ва Эронда ҳозирги кунда ҳам зардуштийлик динига эътиқод қилувчи халқларнинг “агиари”-доимий муқаддас олов сақлашга мўлжалланган хоналари бўлганлиги каби Суғдда ҳам “адриан” номи кичик хона саждагоҳ оловини доимий сақлаш вазифасини бажарганлигини таъкидлайди (Ахунбабаев Х., 1987, 10-21-б.). Шунингдек, олим, Л.Л. Гуревичнинг Суғд зодагонлари хонадонларида адриан вазифасини «дари-меҳр» хашаматли, катта хоналар бажарган (Гуревич Л.Л., 1981, 45-47-б.) деган фикрига, ижобий баҳо беради (Ахунбабаев Х., 1987, 20-б.).

Илк ўрта асрларда кўпчилик хонадон деворларида сюжетли тасвирлар ишланганлигидан археологик далиллар гувоҳлик беради. Сюжетли тасвирлар кўпроқ тўғри тўртбурчак ва томонлари тенг тўғри тўртбурчак (квадрат) тузилишидаги хоналар деворларида ишланган. Панжикент уйлари кириш эшиги қаршисидаги деворда ўзлари эътиқод қиладиган илоҳлар тасвири, ён томонларида диний маросим қатнашчилари ифодаланган. Хона деворларида ҳаётий воқеалар: жанг, ов, базм сюжетлари ҳам тасвирланган. А. Беленицкий ва А.М. Маршак таъкидлаганларидек, Панжикент хонадонларида турли худоларга сифиниш маросимлари тасвирланганлиги айрим бой оилалар ва бутун авлод учун ўз паноҳкор илоҳийлари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Камбағалларнинг уйларида маҳобатли тасвир қўлланилмаган, улар гилдан ишланган барельефли икона-худо тасвири билан кифояланишган (Беленицкий А., Маршак А.М., 1976, 81-б.). Дарҳақиқат, худо тасвири қуйилиб, пиширилган гил иконалар Панжикент (Беленицкий А., Маршак А.М.,

\* Кўп функцияли тушунча: одам, эркак - руҳий асос.

1976, 81-б.) ва Афросиёбдан (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1960, 59-б.) топилган.

Шунингдек, Бухоро тарихи китобининг муаллифи Наршахийнинг ёзишича, Бухорода “Бозори Моҳ рўз” номли бозор бўлиб, унда бир йилда икки марта бутлар сотилар экан. Дурадгорлар ва наққошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халқ уни сотиб олиб эскирган, синган ёки йўқолган бут ўрнига қўйишар экан (Наршахий, 1966, 26-27-б.).

Камбағаллар уйларида тасвир ишлатишга курблари етмасдан, бут, худо тасвири ишланган иконадан фойдаланишган, деган масалага бошқача ёндошиш мумкин. Умуман, илмий адабиётда Панжикентда кичик хоналар ораларидаги катта хоналар бой-бадавлат кишиларга мансуб, деб талқин қилинади. Шу масала юзасидан бир нарсага эътибор беришга тўғри келади. Тоғли Бадахшон, Қоратегин, Дарвоз воҳаларида XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳар бир хонадонда, хоҳ у бой, хоҳ камбағал бўлсин, кичик хоналар қаторида албатта, битта катта хона бўлган. Катта уй деворига бирлаштириб қурилган мўжаз хоналар ота-она қарамоғидаги кичик оилаларга, яъни уларнинг фарзандларига тегишли бўлган. Шу боис Панжикентдаги катта хоналарнинг ҳаммаси бой оилаларга эмас, балки айримлари бутун бир авлод ёки жамоага, яъни кичик оилаларнинг ота-боболарига тегишли бўлиши мумкин. Энди «даре меҳр» сўзи таржимасига келсак. Форс тилида бу ибора меҳр эшиги, деб тушунилади, яъни ота-бобо уйи фарзанд учун меҳрли. Унинг бу хонадонга меҳри бор ва бу уйдагиларнинг ҳам унга нисбатан меҳри бор, деб тушунамиз. Х. Ахунбабаев: « Илк ўрта аср Суғд ибодатхоналари биринчи навбатда шоҳлар сулоласи диний эътиқоди билан боғлиқ бўлган», - деб ёзади. (Ахунбабаев Х., 1987, 20-б.). Башарти шундай экан, ҳар бир оила ҳам ўз ота-боболари, уруғи ёки жамоаси диний эътиқодига садоқатли бўлиши табиий, албатта. Д. Шлюмберже Шарқда ибодатхоналарнинг зардуштийлик олий паноҳкори Ахура Маздага бағишлаб қурилиши шарт бўлмаган, аксинча, кўп ҳолларда пантеоннинг бошқа худоларига аталган бўлиши мумкин, деб таъкидлайди ва Истахрдаги оташпарастлик ибодатхонасининг сосонийлар сулоласининг бошланиш даврида Анахитага бағишланганлигини

мисол тариқасида келтиради (Шлюмберже Д., 1985, 116-б.). Ундан ташқари, Шумерда бир неча юзта эркак ва аёл илоҳлар (худо) бўлган, шулар ичида 50 таси «улуғ илоҳлар» ҳисобланган ва еттига олам, инсон “тақдири-ни бошқарган” деб тушунилган (Массон В.М., Сарияниди В. И., 1973, 102-б.). С.Н. Крамер, ҳар бир шаҳар, мамлакат, канал, экин майдони, хўжалик ва ҳатто меҳнат қуроллари ҳам ўз илоҳига эга бўлган, деб ёзади (Крамер С.Н., 1965, 101-б.). Мазкур далиллар ҳар бир оила ҳам ўзича паноҳкор танлаши мумкин бўлганлигини далолат беради.

Шунинг учун барча хонадонларда деворий тасвир бўлиши шарт эмас эди. Бунда хонадоннинг нафақат моддий шароити, балки авлод танлаган дин ва паноҳкор илоҳларни сақлаб қолиш масаласи ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Чунки ота-она уйдан ажралиб чиққан ёш оила ўз уйида паноҳкор танлаб, хона деворида унинг тасвирини ишлатса, унда унинг ота-боболари танлаган паноҳкор яккаланиб қолади-ку.

Бизнингча, оила паноҳкорларига бағишланган тасвир ҳамма хонадонда алоҳида ишланмаган. У бутун авлод учун ягона ота-боболар уйида бўлган, холос. Оиланинг ўсиши натижасида ўғил-қизлар балоғат ёшига етиб уйланиб, турмушга чиқиб, алоҳида уйга кўчиб ўта бошлаганлар. Уларнинг паноҳкорлари билан боғлиқ тасвирлар эса оталари уйида сақланган. Уни ҳеч қайси ўғил ўзи билан олиб кетмаган. Ота-она кўпроқ кичик ўғил оиласи билан қолган. Кўчиб чиққан фарзандларнинг, неvara-эваралари улғайиб яна бошқа ҳовлиларга кўчиб чиққан тақдирда ҳам, улар учун ота-боболари уйида сақланаётган паноҳкорлари тасвири муқаддас ҳисобланган. Натижада, ота-бобо уйи, жойининг ҳурмати ошиб борган. Диний маросимларда ота-боболари учун паноҳкор бўлган деворий тасвирли ҳовлига уларни ёд этиб совға-салом кўтариб келишган. Барча авлод учун шу хона, яъни ота-боболари жойи муқаддас ҳисобланган. Унга меҳр қўйишган ва меҳр-муруват кўрсатишган. Халқимиз орасида ота-боболар жойи муқаддас ҳисобланганлиги ҳақида кўп мақол ва ривоятлар мавжуд. Ота-бобо жойининг муқаддаслиги кўпгина этнограф олимлар томонидан ҳам эътироф этилган.

Шу ўринда битта мисол келтирамиз. Помир-

олди воҳалари халқларида, бордию ота уйи эскириб деворлари ва томи нураб таъмирлашга имкон бўлмаган тақдирда ҳам, уни бузишдан олдин кўни-кўшни, қариндош-уруғларни чақириб дастурхон ёзиб, ота-боболари руҳларига дуолар ўқитиб, уларнинг оқ фотиҳаларини олиш керак бўлган (Мухиддинов И. М., 1985, 25-б.). Шунга ўхшаш тadbир Ўрта Осиёнинг барча жойларида бўлган, деб ўйлаймиз.

Кўчиб чиққан кичик оилалар кундалик сифиниш маросимлари учун уларнинг ота-боболари паноҳкорлари тасвири ўйилган ёки чизилган гил тахтача ҳамда ёғоч илоҳ ҳайкалчаларидан фойдаланган бўлишлари мумкин.

Ёғоч илоҳ ҳайкалчаларининг сақланиб қолмаганлигига сабаб, А.М. Беленицкий. А.М. Маршаклар айтганларидек (Беленицкий А.М., Маршак А.М., 1976, 81-б.), улар Панжикент иқлим шароитида узок муддат ер қаърида майдаланиб, ушокқа айланиб кетган бўлса, ажаб эмас.

Турар жой саждагоҳи ҳақида гап борар экан, муқаддас олов масаласига тўхтамасдан иложимиз йўқ. Чунки доимий ёниб турувчи муқаддас олов ҳар бир хонадонда бўлганми ёки бир жойда, яъни ота-бобо уйида сақланганми? – деган савол туғилиши табиий. Бу масалага бирон фикр билдиришдан олдин қуйидаги маълумотларга мурожаат қиламиз: ...зардуштийлик ибодатхоналарида ибодат сир тутилган, улардаги олов бегона (доимий ёниб турувчи олов Д.Н.) кўздан тўсилган, ибодатлар кичик гуруҳ кохинлар билан ўтказилган (Пугаченкова Г.А., 1987, 54-б.). М. Бойснинг таъкидлашича, XIX асрда ҳам оловга тоат – ибодатдан беҳабарлар кўзи тушмаслиги зардуштийлик динига мансубларга кўника хосил қилган экан (Воусе М., 1966, 52-б.). Шунингдек, Ўрта Осиёда олов ибодатхоналари кўп ва улкан бўлиши мумкин эмас. Эътикод қиладиган жой қанча ноёб бўлса, у мухлислар кўз ўнгида шунча муқаддас кўринади. Зардуштийлик дини давлат дини бўлган Эронда атиги еттита “буюк (улкан) муқаддас олов” бўлган, олов улардан маҳаллий оташдонларга олиб борилган (Пугаченкова Г.А., 1987, 53-б.). Сосонийларнинг охириги шоҳи Йезигард, Эрондан Марвга қочишда, муқаддас оловни Форсдан Истаҳрга келтириб, шаҳардан икки фарсах узокликда қурилган махсус иморат оташкадасида жойлаштиради (МИИТ, 1939, 87-б.).

Жарқўтон ибодатхонаси бош оташкадасида

мангу ёниб турган оловни тоат-ибодат тугагандан сўнг тарҳда айлана шаклидаги ибодатхонанинг тўрида жойлашган махсус хонага киритиб қўйишган (Гришман Р.М., 1978, 47-б.).

Зардуштийлик дини акидаларига кўра муқаддас олов бир неча турга, аниқроғи поғонага бўлинган ва улар бир-биридан фарқ қиладиган илоҳий кучга эга бўлган. Жумладан, қадимий анъаналарга кўра Эронда Баҳром олови тақводорлик рамзи бўлиб, одамларга қоронғилик ҳокимияти ва Руджа-ёвуз иблис устидан ғалаба қозониш қобилиятига қодир бўлган (Дорошенко Е.А., 1982, 32-33-б.). Қолган оловлар, яъни иккинчи босқич олови-Адриан, учинчи босқич олови-Даргоҳ, Баҳром оловидан бир поғона паст ҳисобланган (Воусе М., 1967, 52-б.). Иккинчи ва учинчи босқич оловлари, яъни чўғи, Баҳром оловидан олинган ва кишлок, кам аҳолили жойлар (пункт) ва оддий оилалар уй саждагоҳларига келтирилган (Gabriel A., 1974, 162-б.). Мазкур далиллар ҳам, хонадон, ўз даргоҳи учун муқаддас оловни яқиндаги ибодатхона Баҳром оловидан, кишлок, маҳалла жамоаси учун эса ёниб турган адриандан келтирилган, деган хулосани беради. Шуни ҳам эслаш жоизки, серфарзанд оила неvara-эваралари давр ўтиши билан бутун бир кишлок ёки маҳаллани ташкил қилган. Бундай пайтда катта оила адриани ўз ўзидан қариндош-уруғдан ташкил топган маҳалла ёки кишлок адрианига ҳам айланиб қолган.

Юқорида келтирилган далилларга асосланиб, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғдда, хонадонлар доимий ёниб турувчи муқаддас оловни ота-боболари уйида, махсус хона-адрианда сақлаганлар, кўчиб чиққан фарзандлар муқаддас оловни адриандан келтириб, ўз хоналаридаги оташкада ёқишган, деган фикрга келамиз.

**Инсон хонага атаб бажариладиган расм-русумларнинг ўз оила аъзоларининг роҳат-фароғатда ҳаёт кечиришига таъсири бўлишига ишонган.** Бу тушунча, янги уйга кўчиб ўтишда ва унда яшаш давомида хона қисмларига атаб турли одатларни бажаришга ундаган. Жумладан, биринчи навбатда янги хонага кўчиб ўтиш учун кўни-кўшни, қариндош-уруғларни йиғиб, қон чиқарилиб, оқ фотиҳа олиш одати хозирги кунгача сақланиб қолган.

Марказий Осиёнинг айрим воҳаларида, жумладан, Воҳонда (Тоғли Бадахшон) янги уйга биринчи бўлиб аёл киши кирган (Стеблин-

Каменский И. М., 1975, 207-б.). У хона устунлари ва шифтига ун сепиб чиққан. Хоразмда ҳам уйга биринчи бўлиб уй бекаси ўз онаси билан кирган. Эртаси куни, янги уйга кўчиб ўтиш тўйи “жой-тўй” берилган (Сазонова М. В., 1952, 292-293-б.).

Ҳинд қадимий қўлёмаларидан бири “Атхарвавед”да янги уйга кўчиб ўтиш маросими баён этилган. Унда ҳам биринчи бўлиб аёл кирган ва мажусий суюқликка ботирилган ёғни хона қисмларига суртиб чиққан. Шунингдек, устунга қараб от, сигирлари кўпайиб, бой бўлиш учун дуо ўқишган. Дуо ўқиш пайтида устуннинг тўрт томонига қўл теккизишган. Сўнг уйдан чиқиб, осмондан (тангридан) илтижо қилиб, тўрт томонга қараб кўйишган (Антонова С.В., 1984, 78-б.).

Янги уйга кўчиб ўтиш билан боғлиқ одат кўп жойда аёл томонидан бажарилган. Аёл қадимдан наслдорлик рамзи сифатида гавдаланиб келган. Шунинг учун ҳам эрта деҳқончилик маконларида аёл ҳайкалчалари кўп учрайди. Олимларнинг фикрича, бу каби маконлардан топилган аёл ҳайкалчалари кўпчилик ҳолларда умум ҳосилдорлик, зироатчилик ғояси ҳомийси аёл – худо тимсолида гавдаланган (Массон В.М., Сариниди В.И., 1973, 97-б.).

Хоразмнинг жанубий туманларида қадим замонларда янги иморат кириш эшиги бўсағаси остига ёки остонага тўшалган камиш ёхуд бўйра остига икки-уч дона кумуш танга, ё бир неча дона қанд, ёки бироз туз ташлаб кўйилган. Шундай одат ўрта аср бошларида Сугдда ҳам бўлганлигига археологик маълумотлар гувоҳлик беради. Афросиёбда композиция жиҳатидан бирлашиб кетган, VII асрга ва VIII аср бошларига оид иккита уйнинг асосий қисми кириш эшиги бўсағаси остидан биттадан танга топилган (Ахунбабаев Х.Г., 1990, 200-б.). Хонадон аъзолари бу тадбирнинг оилага бахт - саодат, бадавлатлик, фаровонлик, хотиржамлик бағишлашига ишонишган. Ширинлик, туз, тангаларнинг уйга кириш эшиги остига кўйилиши остонанинг ўзига хос рамзий тушунчага эга бўлишидан далолат беради. Остонага оид этнографик одатлардан бир-иккитасини келтирамиз. Юқори Зарафшонда “чилла гузарон” (чилла ўтказиш) номли одатга биноан янги туғилган гўдак навбатма-навбат еттига хонадонга олиб борилган ва ўша хонадонлар кириш эшиги остонаси чангидан – “остони пирон” (пирлар остонаси) ва ўчоқдаги кули-

дан – “хокистари пирон” (пирлар кули) чакалок лабига суртишган (Троицкая А.Л., 1935, 128-б.; Кисляков Н.А., 1959, 58-б.). Хоразмда эса марҳумни хонадан олиб чиқаётганда ўзи билан бошқаларни тортиб кетмасин, деб остона олдида жасад солинган тобут уч марта ерга кўйилган (Снесарев Г.П., 1969, 116-б.). Уйда остона ҳам эшик каби хонани ташқи муҳит билан боғлашда асосий вазифани бажарган. У икки дунёнинг чегараси ҳисобланган. Шунинг учун хонага кирадиган ёмон кучларни эшик остонаси билан боғлиқ рамзий одатлар орқали қайтариш имкони борлигига ишонишган. Шу одатлар юзасидан археолог Х.Г. Ахунбабаев яна бир диққатга сазовор фикрни билдиради. У : «Сугдийларнинг мазкур рамзий одати иморат қурилиши билан боғлиқ бўлган, деган тахминга келишга ҳам ундайди», - деб ёзади (Ахунбабаев Х.Г., 1990, 203-204-б.). Юқорида қайд этилган одатларнинг келиб чиқиши жуда узоқ ўтмишга бориб қадалади. Ўрта Осиёдаги кўп маконларда хона сатхи (поли) девори, остона остида қабрлар борлиги аниқланган. Мазкур далил қадимий деҳқончилик жамоаларида хонанинг авлодлар руҳи макони, яъни эҳромлар тимсолига ўтиш жараёни билдиради (Пугаченкова Г.А., 1973, 53-б.). Сополлитепа маконида қабрларнинг хонага кириш қисмида жойлашиши (Асқаров А.А., 1973, 43-б.) ва шу даврдан эътиборан уй остонасининг муқаддас жой сифатида қабул қилиниши, яқинларгача бу одатнинг қадрланиши, Ўрта Осиё халқлари тушунчасида турар жойдаги тандир, ўчоқ, хона остонасининг авлодлар руҳига бағишланиши билан ифодаланган (Сухарева С.А., 1975, 25-б.). Шу ўринда Б.А. Литвинский, А.В. Седовлар кузатган қадимий бир одатга тўхтаб ўтамыз. Таникли археолог олим Л.И. Альбаум Фаёзтепа маконини қовлаётганда хоналардан бири тоқчасида чирок ўрнига ганчдан ишланган тахтачага маҳкамланган одам бош суягини учратганини Б.А. Литвинскийга гапириб берган (Литвинский Б.А., Седов А.В., 1983, 98-б.). Б.А. Литвинский одам, хонадон бошлиғи бош суягига сиғиниш одати исседонликларда бўлгани (Геродот, 2001, 243-б.) каби бактрияликларда ҳам қадимда бўлган бўлса керак, деб тахмин қилади (Литвинский Б.А., Седов А.В., 1983, 98-б.). Б.А. Литвинскийнинг таъкидлашича, сўнгги зардуштийлик ёзувларида уй эгаси ёки бекаси хона ичида ўлса, уларнинг жасади эшикдан чиқа-

рилмас экан, акс холда хонадаги фарн ҳам жасад билан чиқиб кетар экан. Яқин йилларгача Ўрта Осиёнинг кўп қисмида ва Фарғонада шу хона фарни рамзини билдирувчи фетиш – сигниш учун ишланган бирон-бир шакл, ясаб, уни жуда эҳтиёткорлик билан сақлашган (Литвинский Б.А., 1968, 49-50, 100-108-б.). Б.А. Литвинский: «Фарн Бахтрияда бундан бир ярим минг йил олдин фетишни эмас, одам бош суяги рамзини ифодалаган бўлиши мумкин», - деб ёзади (Литвинский Б.А., Седов А.В., 1983, 99-б.).

Мазкур қадимий ва ислом дини ўрнатилгандан сўнг бошқача тус олган одатлар орқали хонадонда кетма-кет ўлим бўлиши олдини олиш ҳамда хонадон бекаси ёки эгасининг ҳаётдаги мавқеини, аниқроғи руҳини сақлаб қолиш рамзи назарда тутилган, деб ўйлаймиз.

Тасаввуф адабиётида ҳам олам билан хона бир-бирига ўхшатилади. Масалан, Румий: «Бутун олам бир уйдан ортик нарса эмас», - дейди (Румий, 1997, 53-б.). Азизиддин Насафий: «Мақсадимиз эса улуғ оламда ҳам мавжудлигини айтиш эди», - деб ёзади (Насафий, 1997, 158-б.). Мазкур чуқур ва кенг маънони англатган тасаввуфий ўғитларни кичик оламга – хонага кўчирамиз. Сўфийлар Оламни англаш, Ўз аслини топиш, Тангри нуридан баҳраманд бўлиш йўлидаги мақсадларини ҳам хона – олам билан боғлашган. Араб шоири Ибн ал-Фарид: «Оламни олмок учун уйни бузди ва деворлардан сирғаниб чиқди», - деб айтади (Ибн ал-Фарид, 1975, 530-б.). Дунё мистик адабиётида символикани сўфийлар киши аслини – “Мен”лигини уй билан солиштиради ва ҳақиқий комил “Мен”ни топиш йўлида бу уй тозаланган ва ҳатто бузилган, сўнг қайтадан қурилган (Степанянц М.Г., 1987, 34-б.). Шунинг учун Марказий Осиёда тасаввуф илмида хонанинг конструктив вазифаси зарур қисмларининг аксарияти илоҳий тушунчалар билан боғланган. Ш.Д. Аскаронинг ёзишича, сўфийларнинг вазду самоъ рақсига тушишларида хона марказига яқинлашиш, ўз ўқи ва хона ўқи атрофида соат мили йўналишига қарши айланиши киши илоҳий руҳиятини кўтарар ва тангри томон йўналтирар экан (Аскарон Ш., 2002, 22-б.). Мазкур тушунча ҳам дунё маркази тушунчалари билан боғланиб кетган. Қадимдан иморат майдонининг маркази белгиланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Мусулмонлар тасавури

бўйича Каъба оламнинг марказида жойлаштирилган, шу билан бирга у бу Оламни бағрига олишга ҳам қодир (Шукуров Ш., 1983, 105-106-б.). Каъба атрофида айланиш ҳам олам марказий ўқи атрофида айланиш рамзини ифодалаган. Марказий ўқ атрофида айланиш, кишининг Тангри нуридан баҳраманд бўлиш иштиёқини билдирган. Кошифий ёзади: «Агар, чарх уриб айланишга боис нима ва бу нима маъно беради, деб сўрасалар айтгил:

**Кимки сенинг ишқинг доирасида собит эрур,  
Паргор (циркул) мисол айланишдан ўзга  
иложи йўқ.**

(Кошифий, 1994, 42-б.)

Шу ўринда бир устунли масжид ички кўринишига эътиборимизни қаратамиз. Шундай масжидларнинг деярли ҳаммасида устун, меҳроб билан бир ўқда, хонақоҳ марказида жойлаштирилган. У тўғридан қараганда меҳробни тўсгандек бўлади. Конструктив жиҳатдан иморатнинг мустаҳкам бўлишини эътиборга олсак, устун хонақоҳ марказида бўлгани маъқул, албатта. Лекин бундай пайтда хонақоҳга кирган киши учун меҳробнинг тўсилиши, кишини ҳаяжонга солади, чунки меҳроб масжид композициясида доминантлик вазифасини бажарган ва муқаддас ҳисобланган. Бу муаммонинг ечими кириш эшикларининг марказдан деворнинг икки ён томонига кўчирилиши билан бар-тараф этилган. Кўп ҳолда хонақоҳнинг уч томонидан иккитадан олтига кириш эшиги ўрнатилган. Бундай пайтда хонақоҳга қайси эшикдан кирилмасин, киши кўз ўнгида биринчи навбатда меҳроб ташланади.

Бу масалага тасаввуф илми нуқтаи назардан ёндошишимиз ҳам мумкин. Тасаввуф илмида дунё маркази тушунчасига алоҳида эътибор берилган. Юқорида айтганимиздек, Каъба Оламнинг маркази ва у Оламни бағрига олишга қодир, деган тушунча мавжуд. Шу ўринда масжид ва хонақоҳларнинг диний обидалар қаторига кирганлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Шунинг учун ҳам унинг тузилишида тасаввуфий тушунчанинг таъсири ҳам бўлган, деб ўйлаймиз. Демак, масжид хонақоҳини кичик олам деб фарз қилсак, унинг устун кичик оламнинг маркази, деган тушунчани беради. Тўрт устунли масжид интерьеридида ҳам тўртала устун оралиғидаги фазовий муҳит, марказ бўла олади. Чунки ҳар бир устун ўз томонидаги

девордан бир хил узокликда ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда томонлари тенг тўртбурчак хонақоҳ ичида тўрт устун ёрдамида кубга монанд фазовий мухитнинг яратилиши ҳам хонақоҳнинг марказини белгилайди, деб ўйлаймиз. Фақат бу фазовий мухит, яъни нукта, Каъбага монанд тўртбурчак тузилишни ташкил қилади.

Тасаввуф илмида хона ичкараси ва ташқари-сидаги далон ва йўлақлар ҳам илоҳий тушунчалар билан боғланган. Жумладан, Ш.Д. Аскаронинг таъкидлашича, Шайх Мухтор Вали мақбара – хонақоҳида далон, токи тузилишидаги панжарали туйнук орқали боғланган. Жамоатхона устидаги бу далон ўтиш жойи вазифасини бажарган ва дарвешларнинг диний маросими пайтида “сирот кўприги” рамзини ифодалаган (Аскарров Ш., 2002, 23-б.). Боёнкулихон мақбарасида асосий хона ён томонларидаги қоронғи далон, сўфийлар учун чиллахона вазифасини бажарган, ҳар хил баландликда жойлашган далонлар эса важду самоъ билан шуғулланишга йиғилган сўфийларнинг мақбара гумбазига – жаннат макон самога, тақрибийлик рамзини ифодалаган (Аскарров Ш., 2002, 23-б.). Далон – йўлакнинг ташқи ёки ички томонларга туйнук орқали очилиши ҳам ўзига хос тушунчага эга бўлган. Масалан, Файзобод хонақоҳида худди Боёнкулихон дахмасидагидек зал орқасида учта хона мав-жуд, лекин эндиликда уларнинг ташқарига қаратилиши, хонақоҳ ёнларида – сирли далон ўрнига очик тор йўлак юзага келиши сўфийларнинг жамият томонидан тан олинганлигидан далолат берар экан (Аскарров Ш., 2002, 26-б.).

Обидалардаги туйнуқлардан тушаётган нур Аллоҳ нурига ўхшагилган. Насафий ёзади: «Ваҳдат аҳли фикрига кўра, ботиний вужуд нурдир ва бу нур ўша олам жонидир, олам бу нур билан тўлиқдир, бу нурнинг худуди ва адоғи йўқ. Оламдаги бирликларнинг ҳаммаси ушбу нур кўринишининг моҳиятидир. Улар (бирликлар)нинг-ҳар бир нурнинг дарчаси бўлиб, бу нур (шульаси) шу дарчалардан таралади» (Насафий, 1997, 133-б.). Термизий айтади: «Хона тақво нури чироғидан ёруғлик олиши керак. Унинг дастуриламалига риоя қилиш учун (ишора) хона Аллоҳ томон қаратилган бўлиши керак. Бундай маконда илоҳий ёруғлик сўфийнинг тангри сиймосини кўришига енгиллик яратади» (*қаранг:* Аскарров Ш., 2002, 22-б.). Термизийнинг мазкур

ўғитидан хонага нур юқоридан, яъни осмондан тушиши назарга олинган бўлса, ажаб эмас (151-расм). Шоир Ғазолийнинг ҳаммом туйнуғи ҳақидаги ўғитларини москвалик олим Ш.Д. Шукуров куйидагича умумлаштиради: «Ҳаммомнинг фазовий берк мухитини ер дунёсига ўхшаш деб қаралади, унинг туйнуғи ҳаммомни дунёвий ҳаётдан ташқари илоҳий макон билан боғлайди» (Шукуров Ш., 1989, 193-б.). Хонақоҳ, мақбараларда гумбаз остидаги саккизбурчак, пой-гумбаздан ёки турар жой шифтидан нимқоронғи хонага тушаётган қуёш нури ҳар қандай ҳолатда хонадагиларга ўзининг Аллоҳнинг қимматли инъоми, нури, эканлигини эслатади. Хусусан, қуёш чараклаб турган пайтда нур хонада қия йўналган ўткир чизик каби қоронғиликни кесиб тушаётгандек туюлади. Шундай пайтда само рақсига тушаётган сўфийларнинг мажлисига бу ёруғлик ўзгача маъно, аниқроғи илоҳий маъно касб этган. Сўфийлар бу ёруғликка интилган. Бу уларга Аллоҳ нуридан баҳраманд бўлишга куч, ишонч бағишлаган. Жалолиддин Румий айтади:

**Захирий нур офтобу нурдан,**

**Ички нур Аллоҳдан, Аллоҳдан!**

*(Румий, 1999, 350-б.)*

Сўфийлар қуёш нурига, яъни Аллоҳ нурига эришиш учун уй деворларидан воз кечишга ҳам рози эканликларини Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дуволроний ва Хизрхон” номли маснавийсида ўқиймиз. Амир Хусрав Дехлавий ёзади: «Сен менинг аслий уйимни шундай бузгинки, қуёш менга ҳамма томондан ўз нурини сочган бўлсин! Мени ҳамма томондан Ўзингга шундай чорлагинки, Сенинг сиймонг менга ҳамма томондан тикилган бўлсин» (Амир Хусрав Дехлавий, 1918, 5-6-б.).

**Хоразмда эшик билан боғлиқ рамзий тушунчалар** бўлган. Шулардан бирида, меҳмоннинг мезбон хонадонига эҳтиром билан эгилиб кириши учун меҳмонхона эшиги пастрок қилиб ишланган, дейилади. “Эшикнинг пойдевордан кўтарилиб ўрнатилиши конструктив асосдан кўра кўпроқ, меҳмоннинг хонага киришини белгилашга қаратилган”, деган фикрлар ҳам бор (Пулатов З.Ш., Пулатов Х.Ш., 1975, 35-б.). Дарҳақиқат, эшик бироз пастрок қилиб ўрнатилса, хонага кираётган киши эгилишга мажбур бўлади.

Шуни айтиш керакки, эшикнинг пастрок бўлиши кўпроқ хонанинг конструктив тузилишига

боғлиқ бўлган. Жумладан, синч деворли иморат пойдеворидан тагсинч ўтган. Тагсинч устига эшик копқаси ўрнатилганда, эшик ердан анча кўтарилиб қолади. Эшикнинг ердан кўтарилиши иморатга тантанаворлик бағишлаган ва ёмғир, қор намининг хонага киришидан сақлаган. Шунингдек, Марказий Осиёнинг деярли барча шаҳарларида хона эшиги устида тобадон-хона хавосини тозалаш ва уни ёритиш учун декоратив панжара ўрнатилган. Натижада эшик, иморатнинг пастки ва устки синч таянчлари ҳамда тобадон хисобига, бироз пастроқ бўлган. Мазкур масала тоғли ўлкаларда ўзгача ечилган. Жумладан, М.С. Андреевнинг ёзишича, Тоғли Бадахшоннинг Хуф қишлоғида иморат кириш эшиги пастроқ бўлган, лекин остона бўсағаси анча баланд кўтарилган. Унинг ёзишича, бу тадбир хонада иссиқ хавони сақлаб қолишга, шунингдек, бошига кўндирилган кўзачада сув келтираётган аёлнинг баланд остонадан ҳатлаб, озгина эгилиб, кўзани бошидан кўймасдан бемалол олиб ўтишига кўл келган. Бундай кичик эшикли уй остонаси паст бўлганда эди, хонага кириш учун у ўз кўзаси билан кўп эгилиши лозим бўларди (Андреев М.С., 1959, 443-б.). Дарҳақиқат, Тоғли Бадахшон қиши узок ва совуқ келадиган ўлка бўлганлиги сабабли, хонада иссиқ хавони кўпроқ сақлаш, кириш эшигининг кичикроқ бўлишини тақозо қилган. Остонанинг анча кўтарилиши хисобига хонага кириб чиқишнинг қулайлиги таъминланган.

Эшикдан кишининг эгилиб кириши унинг, шу даргоҳга бўлган эҳтиромидир, деган тушунча японларда ҳам бўлган. Асосан, уларнинг “Тясицу” деб номланган чой уйлари (Такэно Дзёо замонида XVI аср) юзаси атиги 4 м<sup>2</sup> ва ундан ҳам кичик бўлган. Уларда чой ичиш маросими келган ҳар қандай шахс ўзининг насл-насаби, амали, жамиятда тутган ўрнидан катъи назар, чой уйининг кичкина эшигидан эгилиб киришга мажбур бўлган. Бу эса унинг чой уйига бўлган эҳтироми, деб тушунилган (Николаева Н.С., 1986, 75-б.). Юқорида келтирилган далиллар, эшикларнинг хона конструктив асоси, хона ҳароратини сақлаш ва бошқа сабабларга кўра, кичикроқ бўлишини белгилаб беради. Шундай бўлишига қарамасдан, эшик қадим замонлардан рамзий (тушунча) белгиларни ифодалайди.

Марказий Осиё халқлари тафаккурида эшик

ислом дини ўрнатилгунга қадар ҳам муқаддас ҳисобланган. П.Ш. Зоҳидов икки табақали бағдоди эшик ўртасидаги бандининг (буруни) юқори қисмида “калла” деб аталувчи кенг бўлакнинг келиб чиқишини қадимда бандининг шу жойида хонаки тангрининг ҳайкал тасвири ишланган, деб тахмин қилади. У далил сифатида Муҳаммад Наршахийнинг бўтли эшикларни 944 йилгача кўрганини ва ундан қарийб 185 йил кейин ҳам ана шундай эшиклардан бири сақланиб қолгани, унда ҳам тарошланганлик аломати кўриниб турганини асар таржимони Аҳмад ибн Муҳаммад таъкидлаб ўтганини келтиради (Наршахий, 1966, 48-б.). Шунингдек, «бағдоди» эшик номининг келиб чиқишига тўхтаб ўтади. П.Ш. Зоҳидовнинг фикрича, қадимги форс тилида «баға» – тангри, худо, «доди» – (додан – берган феълидан), яъни «худо берган», «худоди» эшик мазмунини билдирган (Зоҳидов П.Ш., 1996, 181 –б.). Мазкур далилдан, ислом дини ўрнатилгунга қадар эшикнинг банди ёки юқоридаги дила қисмларида хонадоннинг тангри тасвири ишланганлиги гувоҳи бўламиз. Исломи дини ўрнатилгандан сўнг X аср тарихчиси Муҳаммад Наршахий таъкидлаганидек, улар юзасидаги тасвирлар қириб ташланган.

Исломи дини ўрнатилгандан сўнг ҳам Шарқ халқларида эшик, Ҳақ таоло даргоҳи деган тушунча бўлган. Шунинг учун кўп жойларда эшикларда қуйидаги ёзув битилган:

**“Қушода бўд ба давлат ҳамиша даргоҳ**

**Ба ҳақ ашҳаду ан ло илоҳа илловоҳ”**

Маъноси:

**Бу эшик бахт учун доимо очиқ бўлсин!**

**Гувоҳлик бераманки, Аллоҳ ҳақдир ва ягонадир.**

Шунинг учун ҳам маъмурий иморат дарвозасидан тортиб то хонадон уйлари эшикларигача, барчаси “Ҳақ Таоло”, “Бахт” тушунчаси билан анъанавий боғлиқ бўлган (Шукуров Шариф, 1991, 95-б.).

Шунингдек, Шарқ халқларида эшик-дунёни иккита ҳар хил муҳитга чегаралашда ўзига хос функцияни бажарган, яъни хона ичи-интеръерини бошқа-бошқа (ер ости ва само) дунёдан ажратган, деб тушунилган. Хонага эзгулик, ёвузлик ҳам эшикдан кирган, деб ўйлашган. Эшик бўсағаси икки дунё чегараси, деган тушунчани Жалолиддин Румий шеъриятида ҳам учратамиз. У: “Бу томоним ҳам дунё, бу томоним

хам дунё, мен эса остонадаман”,-дейди (Румий, 1977, 145-б.; Шукуров Ш.М., 1983, 102-б.). Султон Ёқубга нисбат берилган рубоийда: Бу эски саройнинг ҳар тарафида – Йўқлик дашти сари эшик ҳам кўрдим.- дейилади (Паҳлавон Маҳмуд, 1979, 81-б.). Сен жаҳонни икки эшикли рабоб деб бил – бу эшигидан кириб, у эшигидан чиқиб кетасан (Фаридиддин Аттор, 1997, 16-б.). Тошкент шаҳридаги халқ амалий санъати музейи биносидаги икки табақали катта танобий хоналардаги эшикларнинг бири устига:

*Ин жаҳон як қасри ду дар аст,*

*Ҳар касеро аз ин қаср гузар аст.*

Маъноси:

*Бу жаҳон икки эшикли қасрдир,*

*Ҳар ким шу қасрдан ўтгувчидир.*

деган байт битилган.

Эшик эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, янгилик ва эскилик чегарасидир – очилади, ёпилади, шу билан нафақат ўз вазифасини бажаради, балки қуёш чиқиши ва ботиши, кутиб олиш ва кузатиш каби рамзларни ҳам ифодалайди. Бу ерда эшик табиат билан боғлиқ тушунчага эга бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқ халқларида хонадон бахти, муҳаббат, эшик ва томонларга боғлиқ, деб тушунилган.

**Хона шифти билан боғлиқ одатлар** ҳам бўлган. Жумладан, хона шифти тўсинлари тоқ ҳолда (5,7,9) қўйилган. Айрим жойларда тўсинлардан биттасини, яъни жуфт бўлмагани Аллоҳга бағишланган дейишади, бошқа жойларда битта тўсин вазифасини хонадон эркаги ўтаган, деб тушунишган. Қадим замонлардан бери деярли барча Шарқ ва Фарб халқларида «қирқ» сони инсон ҳаётида, хусусан унинг аҳамиятли даврларида уни ҳимоя қилиш мақсадида юқори кучларнинг эзгулик ва ёвузлик кураши ғоясини ифодалаган. Қирқ кунлик маълум давр ичида 5, 7, 9 кунлари ёвуз кучларнинг жуда фаоллашганлиги билан ажралган (Булатов М.С., 1992, 24 - б.). Хоналарда устунларнинг тоқ сонларда қўйилиши юқорида айтганимиздек ёвуз кучларнинг 5, 7, 9-кунларда бўладиган фаоллигини камайтиришга қаратилган бўлиши мумкин.

Турар жой меъморчилигида тоқ тўсинли хоналар ичида 7 тўсинли хона кўп учрайди. Етти рақами билан боғлиқ турли тушунчалар, жумладан етти қават осмон, етти ситора, етти

оғайни, етти ранг, етти авлод ва бошқалар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига қадимдан сингиб келган. Етти рақамининг фусункорлигини ёритишга бағишланган махсус рисоалар ҳам ёзилган (Жўраев М., Холмуҳаммедов К., 1989). Етти тўсинли хона ҳажми ва томонлари мутаносиблиги жиҳатидан хушбичим композицияни ташкил қилади. Бундай ўртача катталиқдаги хона қулайлиги билан оила аъзоларининг кундалиқ ҳаёти эҳтиёжини қондирган. Беш тўсинли хоналар кўпроқ даҳлиз ва кичкина оиланинг кундалиқ дам олиш жойи вазифасини бажарган. Тўққиз тўсинли хоналар меҳмонхона ҳамда катта оиланинг кундалиқ дам олиш жойи учун қўл келган.

Халқ усталари тўсинлар сони билан хона ҳажмини белгилашган. Асрлар давомида турар жой меъморчилигида тўсинлар сони (5, 7, 9, 11) хона тури ва ҳажмини белгилловчи ўлчов бўлиб келган.

Шифт тўсинларини тоқ қўйиш мағзида хона тарҳида симметрияга эришиш назарда тутилган бўлиши мумкин. Хонада симметрияни сақлаш масаласи деворлардаги тоқча - таҳмонларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, хона тўридаги девор юзаси учта катта бўлинмага тақсимланган. Улардан ўртадагиси ёки аксинча икки четидагилари таҳмонни ёки тоқчабанд юзани ташкил қилади. Хона ён деворларида катта бўлинма ёки тоқчалар бўлинмаси ҳам тоқ сонларга эга. Ҳатто хона тарҳида ҳам икки хона оралиғида айвон ўрнатилиши тоқликка амал қилинганлигидан далолат беради. Бу ҳолат ҳам турар жой тарҳида симметрияга эришиш, мувозанатни сақлаш имконини беради.

Шифт билан боғлиқ яна бир масалага тўхтаб ўтаемиз. Хоразмнинг айрим туманларида бирон хонадонда кетма-кет ўлим бўлса, шу оила аъзоларидан қолганларининг умрини сақлаб қолиш учун хонанинг ўлим бўлган қисмида томнинг икки тўсини ёки томнинг тўғри келган жойидан иккита тўсин, яна бир хил туманларида шифтнинг ҳамма тўсинлари бутунлай алмаштирилган (Сазонова М.В., 1952, 292-294-б.). Бу одат хонадон аъзоларига узок умр бағишлайди, деб тушунилади.

Шифт билан боғлиқ X-XI асрларга оид бир хикоятни келтирамиз. Аш-Шайх Абу-л Аббос ал Исфаронийнинг Нисодаги даҳлизи кулаб тушиб, буни ёмонлик аломати деб турганда, замондоши

Муҳаммад ас-Саолибий унга шундай деган экан: Нитоқ билан маҳкам боғланган бахт сенга келиб, боқий шон-шухратинг ҳақида хабар берди. Эшигинг олдида олий мартабалар учун ажойиб ҳашаматли буюк бир равоқни мустаҳкам қилиб қур... (Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ас-Саолибий, 1990, 81-б.).

Мазкур ҳикоятда Муҳаммад ас-Саолибийнинг айтганлари ҳам, яъни яхшилик аломатларидан хабар бериши ҳам шифтнинг илоҳий тушунчага эга бўлганлигидан далолат беради.

Хона шифти билан боғлиқ одатлар ҳам илоҳий тушунчалар асосида юзага келган бўлса, ажаб эмас. Чунки қадим замонларда диний эътиқодларга биноан хона шифтига осмон сифатида қаралган. Бундай тушунчани инобатга олган ҳолда хонани кичик бир дунё, деб фараз қилсак, хона сатҳи – ер, шифти – осмон, уларни туташтирувчи устун – қурбонлик устуни тимсоли сифатида гавдаланади. Шифт тўсинларини янгилаш одати замирида ёғочга бўлган эътиқод ҳам кўринади. Ёғоч қадимдан кўпчилик халқларда ҳаёт дарахти маҳсули деб тушунилган. У диний эътиқодларни ўз ичига олган ҳолда табиат кучи мевасини етказувчи руҳ сифатида гавдаланади. Шу ўринда кедр-нина баргли дарахт ҳақида бир-икки мисол келтирамиз. Қадимий Аккад эпосларида, кедр дарахтини кесиш – тирик мавжудотни ўлдириш билан барабар, деган тушунча бўлган (Афанасьева В.К., 1979, 93-б.). Аккад қўлёмаларини таҳлил қилган В.В.Струве (ҳали Шумер қўшиғи маълум бўлмаган бир пайтда) кедр дарахти-ҳаёт дарахтини ифодалаган, деб тўғридан-тўғри ёзади (Струве В.В., 1932, 68-б.). Мазкур далиллар қадим замонларда Ўрта Осиёда ҳам дарахтларнинг айрим турлари ҳаёт дарахти рамзини ифодалаган, деган фикрга келамиз. Шунинг учун Хоразмдаги шифт тўсинини алмаштириш масаласи ҳаёт дарахти тушунчалари билан ҳам боғлиқлиги бўлган, деб ўйлаймиз.

Одатлардан айримларининг асл моҳияти заифлашган, улар секин – аста диний маросимлар билан боғланиб кетган, сўнг эса одат тусига кириб қолган. Жумладан, Шарқ халқлари тафаккурида устун оламнинг тузилиши ва ривожидagi афсонавий тушунчага эга бўлган. Жумладан, Тоғли Бадахшон халқлари тушунчасига биноан қадимда қурбонлик устуни ер ости дунё-

си – ер (одамлар дунёси) – осмон (худолар дунёси) билан боғланган (Литвинский Б.А., 1975, 259-б.). Шу ўринда Ф.Ф. Умерованинг устун рамзий белгиси ҳақидаги кузатувиға тўхталиб ўтамиз. Унинг фикрича, Бухородаги Сомонийлар мақбараси интерьериди гумбаз ости бўлинмаси устунчалари обиданинг асосий тўртбурчак қисми девори устига ўрнатилган, яъни бу билан ер сатҳи девор устида белгиланган. Бу тадбир орқали мақбара интерьериди тоғ ичидаги бўшлиқ, сағана эканлигига ишора этилган. Бордию гумбаз остидан бошланган вертикал устунлар худди Карманадаги Мир Саид Баҳром мақбарасидагидек пол сатҳига туширилганда эди, у ҳолда мақбарада ҳақиқий тағхона-сағана бўларди. Барча минорасимон тузилишдаги мақбаралар турида Мир Саид Баҳром “чегара” вазифасини ўтаган (Умерова В.В., 1999, 212-б.). Мазкур тадбирда устуннинг ер ости, ер ва осмонни боғловчи қурбонлик устуни эканлигига ишора этилмоқда. Мақбара поли остиди тағхона-хилхона бўлган тақдирда унинг қурбонлик устуни билан бирлаштирилиши учун устун пол сатҳидан бошланиши лозимлиги назарда тутилган. Шунингдек, қадимий ҳинд халқларида, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тушунчаларга биноан, устун ҳаёт дарахти рамзи ва мажусийлар коҳини (руҳонийси) сифатида гавдаланган бўлиши мумкин (Литвинский Б.А., 1981, 113-б.). Марказий Осиёнинг айрим жойларида устун хонадон эркагига ўхшатишган. Шу ўринда Х аср тарихчиси Абу Толиб Абуссалом ал Маъмунийнинг қуйидаги мисраларини келтирамиз: “Равоқлар шундайки, гўё устунларнинг қўллари улар томон дуо очиб хурсандчилик талаб қилаётгандай” (Абу Мансур ас-Саолибий, 1976, 204-б.). Ал Маъмунийнинг юқоридаги мисраларида иморат гумбазиди – осмон, устунлари – хонадон эгаси, равоқлар – хонадон эгаси қўллари каби рамзий тушунчалар билан боғланганлигини билиб олсак бўлади. Мазкур тушунчалар қадим замонлардан буён кишини устунга эҳтиром билан қарашга ундаган. Шунинг учун бўлса керак, Тожикистоннинг тоғли туманларида устунга байрам кунлари ёғ суриб қўйишган. Қоратегин воҳасида бир устун “устуни саломгоҳ” деб юритилган. Эшикдан кирган киши уйда ҳеч ким бўлмаган тақдирда ҳам ўша устун-

га қараб салом берган. Шу ўринда кимсасиз хонага кирганда салом бериш масаласига изоҳ бериб ўтамиз. Бу барча ислом аҳли учун фарз ҳисобланган. Фақиқ (раҳимахуллох) айтадилар: Агар уйингга кирсанг аҳли байтингга салом бер, уйда ҳеч ким бўлмаса «Бизга ва Аллоҳнинг солих бандаларига салом», де, чунки Аллоҳ таоло: «Бас, қачон уйларга кирсангизлар, бир-бирларингизга Аллоҳ хузуридан бўлган муборақ покиза саломни айтинглар!» (Нур, 61) деб марҳамат қилади. Бу оят икки амрни: агар уйда бирорта одам бўлса, аҳлига салом беришни, бўлмаса ўзига салом беришни тақозо қилади (Абу Лайс Самарқандий, 2003, 61 - б.). Муғийра ибн Шуъба Иброҳимдан ривоят қилади: «Агар бир киши уйига келиб салом берса, шайтон менга ўрнашишга жой қолмади, дейди» (Абу Лайс Самарқандий, 2003, 62 - б.).

Қоратегинда махсус «устуни саломгоҳ»нинг бўлиши унинг хона моҳиятини кучайтириш учун ҳам хизмат қилганлиги гувоҳи бўламиз.

Тоғли Бадахшонда қадим замонлардан ҳозирги кунгача уйлар, асосан квадрат тарзда қурилиб, ўртасида бешта устун ўрнатилган. Бу ерда устунларнинг барчаси рамзий маънога эга, хона тўрида, ўнг қўл томонидаги устун Муҳаммад пайғамбарга, чап томонидагиси Ҳазрати Алига, уларнинг қаршисидаги уч устундан иккитаси Ҳасан-Ҳусанга, учинчиси, яъни бешинчи устун Биби Фотима, Зухрага бағишланган. Хонанинг асосий қисмидаги Ҳасан-Ҳусанга бағишланган устунлар оралиғидан кирилади. Бу устунларнинг юқори қисмида “бузовез”- эчки танаси осиладиган тахтача ўрнатилган. Мазкур тахтани бадахшонликлар эъзозлашган, муқаддас деб билишган. Унинг юзасини ой, қуёш рамзини ифодаловчи айлана шаклидаги нақшлар билан безашган.

Тоғли Бадахшоннинг Фонд дарёси бўйида жойлашган қишлоқларда Шохустунни (Муҳаммад пайғамбарга бадий қиёс қилинган устун) табобатлик кучига эга, деб билишган. Жумладан, қорни оғриган боланинг белига белбоғ боғлашган, сўнг белбоғини ечиб худди шу ўлчовда шохустунга боғлаб қўйишган. Шундан боланинг қорни оғриши тўхташига ишонишган.

Ванч воҳасида (Тоғли Бадахшон) кечкурун устуни саломгоҳ ортидаги супада ётганлар ёмон тушлар кўрмасликлари учун шу устуннинг

юқори қисмига белбоғ боғлаб қўйилган.

А.К. Писарчикнинг ёзишича, Помиролди ҳалқларида қадим замонларда устунлар ўрнатилишидан олдин қўй сўйилган ва унинг қони тўсин ва хариларга сўртилган, бир оёғи эса шохустун тагига қўмилган. Бой хонадонларда тўрт устуннинг ҳар бири остига биттадан қўй оёғи қўмилган. Улар мазкур қурбонлик, оилага бойлик ва фаровонлик келтиришига ишонишган (қarang: Андреев М.С., 1958, 445-б.).

Тоғли Бадахшонда, Дарвозда наврузнинг кириб келганлигини шифтдаги равзандан тушган қуёш нури орқали ҳам аниқлашган (152-расм).

Дарвозда наврўз арафасида, эски йилнинг охириги чоршанба куни устуни саломгоҳга ёғ суртилган. Бу ақида бажарилаётганда қурбонлик эвазига оила аъзоларига янги йилда сиҳат-саломатлик, хотиржамлик, тўқлик тилашган. Шунга ўхшаш одатлар қўшни Шарқ халқларида ҳам бўлган. Жумладан, Ҳиндистонда хона устуни Пурушага қиёсланган. Пуруша мураккаб, кўп функцияли тушунчага эга бўлиб “одам, эркак” – рухий асос деб билинган. Уларнинг олам тузилиши ва ривожига ҳақидаги тасаввурларига биноан улкан коинотдан олам пайдо бўлган, деб тушунишган. Пуруша олам дарахти тушунчаси билан ҳам боғлиқ бўлган. Ҳиндистонда ҳам устунга суюқликка ботирилган ёғ суртишган (Литвинский Б.А., Седов А.В., 1983, 130-б.). Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда устунга ёғ суртилиши қурбонликка оид расм-русумларга бағишланган.

Қадим замонларда наврўз байрами арафасида хоналарни безашган ва унинг қисмлари билан боғлиқ айрим урф-одатлар бажарилган. Жумладан, Тоғли Бадахшонда қадим замонлардан ҳозиргача наврўз байрами куни хонадон эркаги сахар туриб, сариқ толнинг бир нечта ниҳолини олиб келиб, хона тўсинларига таққан (Муҳитдинов М., 1975, 94-б.). Шунингдек, сариқ тол шохчалари пўстлоғидан ҳар хил “кажак”, “меҳак” деб номланган гулдасталарни тўқиб, хона устунларининг бирортасига осиб қўйишган. Тоғли Бадахшонда ёзнинг охириги ойларида бўлишимизга қарамасдан, кўпчилик хонадонларда наврўз куни осилган гулдасталарнинг осилиб тургани гувоҳи бўлди. Сариқ толнинг ислом дини ўрнатилгунга қадар Эронда наврўз байрами муносабати билан ўтказила-

диган маросимда эъзозланганлиги ҳақида IX аср муаллифи Мусо ибн Исо ал-Кисрави ёзиб қолдирган (НПА, 1957, 149-б.). Унинг ёзишича, наврӯз байрами куни подшоҳ олдига етти хил дарахт шохларидан тузилган гулдаста кўйилган. Асарда дарахт турларидан биринчи бўлиб сариқ тол номи тилга олинган (Иностранцев К.А., 1909, 88-б.). Сариқ тол нафақат Тоғли Бадахшонда, балки бошқа ўлкаларда ҳам эъзозланган, у табиатнинг уйғонганлигидан ва баҳор кирганидан дарак берган.

Умуман, оилалар хонада доимо баҳорни эслатувчи муҳитни сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Қашқадарёнинг Фелон тоғ қишлоғида эрта баҳор ойлари ҳамма вақт очилиб турувчи “ҳамиша гули баҳор” номли гулни хона шифтига қадаб, кейинги йилнинг баҳоригача сақлашлари (Нозилов Д.А., 1982, 61-б.) ҳам фикримиз исботи бўла олади.

Марказий Осиё халқ меъморчилигида ўчоқ (оштон, дегдон) ҳам хонанинг асосий қисмларидан бири ҳисобланган. Хонадоннинг ўчоққа эътиқоди баланд бўлган. Шунинг учун хонадон ўчоғи Хоразмда қадим замонларда аجدодлар руҳига эҳтиромни билдирган (Рапопорт Ю.Л., 1971, 81-88-б.). Юқори Зарафшонда ўчоқлар аجدодлар руҳининг йиғиладиган жойи ҳисобланган (Ҳамиджанова М.А., 1974, 54-б.). Тоғли Бадахшонда турмушга чиқаётган қиз куёвниқига кетиш олдидан ўзи ўсган уй ўчоғидан (дегдон) розилик сўраб хайрлашган. Нурота тоғ қишлоқларидан бири Синтабда ўчоқ оловини (олови сер) тўқ олов, (олови гусна) оч оловга ажратишган. Устида масалликли қозон кўйилган ўчоқ олови тўқ олов ҳисобланган. Тоғли Бадахшоннинг Шугнон, Рушон воҳаларида хонада оила бахтини, мўл-кўлчилигини таъминловчи кўзга кўринмас вуйд (эркак жинсли) – вуйд (аёл жинсли), Бартангда вайд (жинссиз) девлар бўлганлигига ишонишган. Вуйд хона ва хонадон ўчоғини кўриқловчи – дев ҳисобланган (Литвинский Б.А., 1981, 104-б.). Тоғли Бадахшон, Дарвоз, Қоратегин воҳаларида наврӯз арафасида хонадон аёллари ўчоқ олди ва ён деворларига геометрик, ўсимликсимон нақшлар ва уй ҳайвонлари тасвирини суюлтирилган оҳак, бўр билан чизишган. Тасвирлар уларнинг кейинги йилда хонадоннинг мўл – кўлчиликка бўлган орзулари рамзини англатган.

С.А. Токарёвнинг таъкидлашича, матриар-

хат тузумига оид даврларда хонадон ўчоғи билан боғланган ҳолда “она – олови”, яъни “ўчоқ сохибаси” каби тушунчалар юзага келган (Токарёв С.А., 1961, 19-б.; Токарёв С.А., 1964, 252-263-б.). Ўрта Осиёда “Бобо – ўчоқ” рамзи билан боғлиқ тушунчалар бўлганлиги олимлар томонидан қайд этилган (Андреев М.С., 1924, 136-б.). Хоразмнинг Жигарбанд шаҳарчасидан топилган зардуштийлик динига мансуб саждагоҳ – ўчоқнинг тузилиши одам қоматига монандлигига ҳамда унинг атрофи бўйлаб йўналган ромб шаклидаги нақшлар тизимининг борлигига қараб “она – олов”, ўчоқ сохибаси ёки “она – олов” билан “ота – олов”нинг бирлашуви каби рамзий тушунчалар билан боғлиқ бўлган, деб таъкидланади (Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А., 1979, 109-б.). Мазкур ўчоқ тузилиши уларнинг зардуштийлик динига оид эътиқодларини бажариш орқали мўл-кўлчиликка, тотув ҳаётга, хонадонда эру хотин орасидаги муҳаббатга, садоқатга эришиш рамзини ифодалашга қаратилган.

Марказий Осиёда астадон – гўр қутилари деворларидаги ўйма тасвирларда ҳамда Панжикент деворий суратларида устунсимон асоснинг остки ва пастки қисми поғонасимон юзачалардан ташкил топган оташкадлар тасвири кўп учрайди. Жумладан, Муллақўрғондан топилган оссуарий деворининг ўрта қисмида ости ва усти учтадан поғонадан ташкил топган оташкад тасвири ишланган (Пугаченкова Г.А., 1987, 108-б.). Шундай тузилишдаги доимий олов ёниб турадиган оташкад Бокудаги “Қизлар қалъаси” да ҳам учратилган. Д.А. Ахундов мазкур оташкад тузилишини ҳаёт дарахтига ўхшатади. Унинг фикрича, оташкаднинг юқорига кичрайиб борган поғонали пойдевори – тоғ рамзини, унинг устидаги вертикал қисми – ҳаёт дарахтига оид мавзунинг давоми – ер муҳитини, юқоридаги поғонасимон идишда ёнаётган олов – Артанинг дорилмомон муҳити, Ахура Мазданинг ердаги ўрнини англатган (Ахундов Д.А., 1986, 113-б.). Шундай рамзий ифода Марказий Осиёдаги шундай тузилишдаги оташкадларга ҳам хос бўлган, деб ўйлаймиз.

Мазкур китобнинг биринчи бобида зардуштийлик ибодатхоналари оташкадларининг томонлари тенг тўртбурчак, айлана, такасимон (ярим айлана) тузилишда бўлганлигини таъкидлаган эдик. Мазкур тузилишдаги

оташкадларнинг ҳам рамзий маънога эга бўлганлигидан куйидаги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. А.М. Мандельштам таштакларнинг тузилишини ўрганиш жараёнида уларни қадимий Ҳиндистондаги шундай объектлар билан солиштириб, у ерда шундай тузилишдаги ўчоқларнинг ҳар бири ижтимоий-ғоявий мавқега эга эканлигини ёзади. Улардан биринчиси – гархапатъя, “хонадон жаноби олови” тарҳда айлана тузилишидаги саждагоҳ, генетик жиҳатдан хонадон ўчоғи қўриқловчиси – аёл функцияси билан боғлиқ бўлган. Иккинчи олов-ахавания худодларга бағишлаб бажарилган қурбонлик олови вазифасини бажарган, квадрат тузилишда бўлган, қоҳинларга, жамоаларга тегишли бўлган ва бевосита эркак киши вазифасини бажариш билан боғланган. Учинчи олов – дахшана, “жанубий” ёвуз кучлардан, хавф-хатардан сақланган, унинг саждагоҳи ярим доира (тақасимон) тузилишга эга бўлган (Мандельштам А.М., 1968, 126-б.). А.М. Мандельштам яна бир диққатга сазовор далилни келтиради. У Эртатулхор (Тожикистон) (маконлари) гўрхоналарида айлана тузилишидаги таштак – саждагоҳлар макети – аёллар қабрида, томонлари тенг саждагоҳлар – эркаклар қабрида учратилганлигини таъкидлайди (Мандельштам А.М., 1968, 8-46, 126-б.). Т. Ширинов юқорида келтирилган далилларни, ўз кузатувларини инобатга олиб Жарқўтон ибодатхонасида учратилган (таштак) томонлари тенг тўртбурчак тузилишидаги саждагоҳлардан ховлидагиси – қоҳинларга, хона ичидагиси – эркакларга, айлана ҳалқа ичидаги ярим айлана тузилишдаги саждагоҳ – хавф-хатардан сақловчи кучга, ташқи қисмидаги доира тарҳидаги ҳалқа эса аёл вазифасини ўтайдиган уй бекаси тимсолига қиёсланган, - деб таъкидлайди (Ширинов Т., 1990, 76, 77-б.).

Халқ меъморчилигида ўчоқнинг рамзий кучга эга бўлиши зардуштийлик ва ундан аввалги динларга оид ақидаларнинг таъсири сақланиб қолганлигидан гувоҳлик беради. Авесто ибодатхоналарида, хонадонларга тегишли саждагоҳларнинг оташкадлари ёнида ўймакорлик қилинган ҳашаматли меҳроблар ишланганлиги маълум. Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам ўчоққа нақш ўйиш ақидалари сақланиб қолади. Бунга IX-XII асрларга оид Самарқанд декоратив безакли ўчоқлари

далил бўла олади (174-расм). Замонавий цивилизациядан узокдаги тоғли ўлкаларда ўчоққа бўлган эътиқод халқ амалий санъати билан бойитилиб, хонадонлар орзу-умидлари билан боғлиқ рамзий тушунчалар сифатида сақланиб қолган. Юқорида уқтириб ўтилган қадимий ақидаларга кўра, ўчоққа бўлган эътиқод хонадонларнинг мўл-кўлчиликка, фаровон ҳаётга, муҳаббатга бўлган орзу-умидларининг рўёбга чиқишига ишонтирган. Шунинг учун ҳам хонадон нимага муҳтожлик сезса, ўша нарсанинг сурати чизилган.

Юқорида хона ва унинг қисмлари билан боғлиқ айрим рамзий ифодаларга тўхталиб ўтдик. Рамзий тушунчалар асрлар давомида юзага келган. Уларнинг айримлари ислом дини қабул қилингунга қадар юзага келган. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг уларнинг баъзилари ўз моҳиятини йўқотган, айримлари бошқача кўриниш ва тушунчани ифодалай бошлаган. Шунингдек, тасаввуфий тушунчалар билан боғланган одатлар юзага келган. Масалан, зардуштийлик динида ибодатларнинг кўпчилиги олов билан боғлиқ бўлган. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам олов ўз эътиборини йўқотмайди. Тасаввуф илмининг намояндлари фалсафий дунёқарашларида борлик, коинот, муҳаббат, Аллоҳга интилиш олов билан ифодаланади. Жумладан Румий ёзади:

**. . . . . олов истайман, олов, олов билан қизитгин**

**(Румий 1999, 9-б.)**

Тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов Румийнинг илоҳий руҳиятини, фалсафий дунё қарашини куйидаги ҳақ ўғитлари билан умумлаштиради: Олов – Аллоҳнинг ишқи, олов – маъно, олов – ҳақ ишқида ёнган кўнгил дарди (Румий, 1999, 9-б.).


Энди ўчоқнинг ўзига келсак, ўчоқда (оташкадда) – илоҳий олов ёнган, ўчоқда таом олови ёнган, ўчоқда исиниш олови ёнган. Демак, ўчоқ ҳаётнинг диний ва ижтимоий инъикоси. Шунинг учун ҳам ўчоқ барча динларда ардоқланган.

Юқорида келтирилган далиллар ислом дини ўрнатилгунга қадар ва сўнг тасаввуф илми таълимотларига биноан хона бир кичик олам, дунё сифатида кўрилганлигидан далолат беради. Шунинг учун унинг ҳамма қисмлари ҳам ўзига хос рамзий тушунчаларга эга бўлган.

Хона томонларига бўлган ишонч ислом дини

ўрнатилгунга қадар ҳам бўлган. Иморат, хона тўрт девори, шифти инсон учун бошпана. Унинг умри шу деворлар орасида ўтган. Кишининг бошпанага бўлган орзу-ҳаваси унинг ҳаётга бўлган орзусининг бир бўлаги. Шунинг учун ҳам иморат ва унинг қисмлари билан боғлиқ одатлар рўёбга чиққан. Халқ бу одатларнинг бахт келтириши, осойишталикда яшашга са-

баб бўлишига ишонишган. Шунинг учун ҳам одатларнинг аксарияти хона қисмлари функцияси ва конструктив асосидан келиб чиққан бўлишига қарамасдан, уларнинг рамзий ифодасига ишонишган. Бу тушунчалар билан боғлиқ расм-русумларни бажаришган. Чунки уларнинг аксарияти бахтли ҳаёт кечириш орзусини ифодалайди.



### III. ХОНА ҚИСМЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАР

*Уй ичра ҳам китоба, ҳам изора,  
Заруратдир тугаган чоғда қилмоқ.  
Йўқ эрса ул уй ўхшар бир кишига,  
Ки анда бўлмағай иштонун белбоғ.*

*Алишер Навоий*

Хона интерьерининг қулай, ҳашаматли бўлиши унинг қисмларига боғлиқ бўлган. Хона дево-рининг ўзи ҳам у хоҳ турар жой, хоҳ сарой, хоҳ диний иморат бўлсин, бир неча қаватга (ярусга) тақсимланган. Биринчи горизонтал бўлинма (ярус), яъни хона сатҳи билан токчалар ораси, 80-100 сантиметр баландликда очик қолдирилган. У турар жойларда кўпроқ бир хил ранг билан бўялган, сарой ва диний иморатларда деворнинг шу қисми, мрамартош ёки бир рангли майолика билан қопланган. Ундан юқорида токчалар ўрнатилган ва паннолар ишланган. Сўнг шарафалар ва шифт ёки гумбазнинг пойгумбази ва гумбаз билан хона конструктив композицияси тугатилган.

Хона қисмларига шифт, устун-эшиклари, декоратив панжаралар, мўри ва бошқалар киряди. Уларнинг барчаси функция жиҳатидан бирор-бир вазифага эга. Шу билан бирга уларнинг ҳар қайсиси хонага шинамлик, гўзаллик, баҳаволик бағишлайди. Жумладан, ўймакорлик қилинган устун ва эшиклар хона кўринишида безак вазифасини ҳам ўтайди. Хона шифти остидан ўтказилган шарафалар қатори шифт ва девор безагини тугатувчи ҳамда девор билан шифтни композицион боғловчи элемент вазифасини ҳам бажаради. Тахмон-токчалар ҳам хонага саранжомлик, гўзаллик бағишлайди.

Хона қисмлари турли тузилиш ва кўринишда бўлган. Шунинг учун ҳам улардан ҳар қайсига қисқа-қисқа тўхтаб ўтамиз.

#### III. 1. УСТУНЛАР

*Ҳар кўрфазда, шохобалар соҳилида  
Қад ростламиш гўзал бир уй.  
Юз дарчали, ярқираган,  
Минг устунли кўркам ҳайкал...*

*Авесто*

Устун хона интерьеридида конструктив вазифани бажарган. У калтароқ тўсинлар билан майдони кенг хона томини ёпиш имконини берган. Устун хона томини икки, тўрт ва ундан ортиқ қисмга бўлган хариларнинг кесишган жойларида ўрнатилган.

Сарой ва диний иморатларда устунлар сони тўрт ва ундан зиёд бўлган. Турар хоналарда бир ёки икки, Қоратегин ва Дарвоз воҳасида ҳозирги кунда ҳам учта, Тоғли Бадахшонда бешта устун ўрнатилган. Устунлар хонанинг ҳамма томонидан кўринарли бўлганлиги сабабли унга безак беришга ҳаракат қилинган. Устун учун қадимдан ёғоч ишлатилган. Ёғоч устунни намдан сақлаш учун, у тошдан ишланган пойкурсига ўрнатилган.

Устунларни, асосан икки турга бўлиш мумкин. Улардан бири ёғоч устунлар, иккинчиси тошдан ёки гиштдан терилган устунлар. Устуннинг икки турга бўлиниши, асосан том конструкциясидан келиб чиққан. Мазкур тадбир, асосан ўрта аср меъморчилигида аниқ ўз ифода-

сини топади. Жумладан, гумбаз билан ёпилган обидалар интерьериди гиштан терилган устунлар қўлланилганлигига кўпгина ўрта асрларга оид обидалар гувоҳлик беради. Бунга асосий сабаблардан бири - уларнинг юқори қисмига гумбаз конструкцияларини, аниқроғи равоқларни ўрнатиш имконини беришидир. Шунинг учун ҳам гумбазли хоналарда гиштан қалин устунлар терилган.

Тошдан, гиштан терилган устунлар антик ва илк ўрта асрларда ҳам қўлланилган. Улар иморат томи конструкциясининг мустақкам жойланишига ва интерьернинг монументаллигини ва улуғворлигини таъминлашга қаратилган.

Гиштан терилган устунлар қирқимда томонлари тенг тўғри тўртбурчак ёки доира, кўп каварикли тузилишга эга. Жумладан, Нисодаги тўғри тўртбурчак тузилишдаги зал устунлари тўрт каварикли кўринишга эга. Ёғоч устунлар монументал обидаларда ҳам кенг қўлланилган. Г.А. Пугаченкова Бактрия монументал обидаларида ёғоч устунларнинг қўлланилишини халқ турар уйларида ўтган бўлиши мумкин, деб таъкидлайди (Пугаченкова Г.А., 1979, 39-б.).

Гиштан терилган тарҳда доира тузилишидаги устунлар ўрта аср обидаларида ҳам қўлланилган. Шундай устунларнинг пастки қисми Термизда Чорустун, Туркменистонда Данданакон масжидларида сақланган. Устун танасида жуфт-жуфт гишталар оралиғида, шахмат тахтаси катаги йўналишида, ганчдан, юракка монанд гул нақши жойлаштирилган. Устун қирқимини кўздан кечирганимизда доира бўйлаб терилган гишталар оралиғида учбурчак шаклидаги бўшлиқларнинг юзага келганининг гувоҳи бўламиз. Ана шу ёриқларни ганчли нақш билан тўлдириш, бўшлиқларни беркитиш ва устун танасини безаш имконини берган. Натижада оддий тарҳда доира тузилишидаги устун, гишталарнинг жуфт-жуфт қаланиши ва ораларидаги бантика ўхшаш нақшли юзачалар ҳисобига, ўзига хос, бой безак ва композицияга эга бўлган (153-расм).

Қадимий ёғоч устунлар тузилишини Афросиёбдан топилган ўчоқлардаги нақшлардан билиб олсак бўлади. Уларнинг аксарияти пойқурси, кўзаги, тана ва калла каби қисмлардан ташкил топган. Шундай тузилишдаги IX-XII асрларга оид устунлар Афросиёб, Хива, Фарғона ва Юқори Зарафшонда сақланиб қолган. Уларнинг пойқурси, кўзаги ва калла қисмлари геометрик,

ўсимликсимон мураккаб нақшлар билан ўймакорлик қилинган. Айримларида худди сопол, кандакорлик буюмлари, матодагидек зооморф нақшлар ишланган. Жумладан, Оббурдондан топилган устуннинг калла қисмида илон танаси ва қуш боши ҳар хил ўсимликсимон нақшлар билан биргаликда келади (154-расм).

XIV-XV асрларда устун танаси бўйлаб ўрама, ўйма нақшлар ишланган. Қадимий устунларнинг умумий кўриниши XX аср бошларигача сақланиб қолган. Марказий Осиё меъморчилик мактабларида устунларнинг қисмлари катта-кичиклиги, кўриниши, кўзаги қисмининг нокка, мис қозонга, кўзага ўхшашлиги ва нақшларнинг мураккаблиги, оддийлиги ёки яхлитлиги билан фарқ қилган. Жумладан, Фарғона водийсида, Бухоро ва Самарқандда устуннинг калла қисми мураккаб тузилишдаги йиғма муқарнас шарафалар билан безатилган (155-расм). Марказий Осиёнинг тоғ меъморчилигида пойқурси, кўзаги, калла қисмлари оддий геометрик шаклларга ўхшаб ишланган устунлар ҳам учрайди. Уларда калла қисми юқорига кенгайган жом ва устига ўрнатилган куб ёки тўғри тўртбурчак ва бир-бирига бирлаштирилган бир неча қатор ромб, пирамида шаклида ишланган. Бундай устун қисмлари катта яхлит ўйиқчалар ва ҳар хил кенгликдаги ҳалқалар билан безатилган.

Шунингдек, пойқурси, кўзаги, калла қисмлари ажратилмаган оддий устунлар ҳам учрайди. Лекин бундай устунлар танасида пойқурси, кўзаги, калла ўрни ҳар хил кенгликдаги ҳалқалар ёки кўп қиррали ромб, саккизга ўхшаш шакллар билан белгиланган. Айрим ҳолларда том ўртасидан ўтган харини кўтариб туриш учун, юқори қисми айрига ўхшаб икки томонга бўлинган, танаси қисмларга ажратилмаган таянч-устунлар ҳам қўлланилган (156-расм).

Марказий Осиёда устуннинг пойқурси, кўзаги, тана, калла каби қисмларга бўлиниши уни одам қоматига қиёслаш каби рамзий маъно борлигидан далолат беради. Шу билан бирга устуннинг қисмларга бўлиниши унинг мустақамлигини таъминлаган ҳамда ундаги кенг, тор ҳалқалар ёғоч ёриқларининг камайишига сабаб бўлган. Устун танасининг қирқимда айлана ҳолатга келтирилиши хона интерьериди, ундаги нақшнинг ҳамма томондан кўринишини таъминлаган.

Умуман, устун ўзининг асосий функциясидан

ташқари, қисмларининг мутаносиблиги ва ўйма нақшларининг сержиллолиги билан хона интерьерига монументаллик бағишлаган.

**Боша** – устуннинг устига ўрнатилган. У, асосан шифт хариларидан устунга тушаётган оғирлик кучини камайтириш, аниқроғи тарқатишга мўлжалланган. Шу билан бирга боша ўзининг безаги билан уфққа нисбатан тик ўрнатилган устун ва горизонтал йўналишдаги шифт харилари оралигида бадий мувозанат яратишга имкон берган. IX-X асрларга оид Оббурдон, Сангистон, Урмитан, Чоркух бошаларида куш боши, тумшуғи, балиқ ва илон думи тасвири ишланган (157-расм). XIV, XV ва XX аср бошларида боша тузилиши мадохил нақшига ўхшатиб ишланган. Сурхондарё тоғ кишлокларида, Қоратегин ва Тоғли Бадахшонда бошалар мавҳумлаштирилган кўчқор шохига, қушга монанд тузилишда кўп учрайди.

Устун ва бошаларни биргалликда алоҳида олиб қараганимизда, уларнинг композиция жиҳатидан тугатилган яхлит ордерни ташкил қилганлигига шубҳа қилмаймиз. Адабиётларда ҳам нафақат антик давр, умуман барча турдаги устунлар ҳақида гап борганда устун ордери юқорида келтирилган қисмлари билан чегараланади. Лекин у юқорида келтирилган қисмлари билан хона интерьерига муҳитида ўзининг яхлитлигини таъминлай олмайди. Бунга сабаб, унинг устида шифт харилари ёки гумбаз равоқлари борлигида. Устун ордери улар билан нафақат конструкция, балки композиция жиҳатидан ҳам боғланиб кетади. Фишт ёки тошдан терилган қалин устунлар, устидаги равоқлари билан туташиб, хонанинг конструктив яхлитлигини, композиция жиҳатидан баҳаво ва монументаллигини таъминлайди. Ёғоч устунларда эса унинг бошалари устига ўрнатилган харилар устун билан бирлашиб, хонанинг вертикал ва горизонтал конструктив ўқларини бир композицияга боғлайди. Хона конструктив асосини шифтнинг қолган қисмидан яққол ажратиб кўрсатади. Боша кўп функцияли бўлишига қарамасдан интерьернинг фазовий қисмида кўпроқ бадий элемент сифатида кўзга ташланади.

### III. 2. ЭШИК БЕЗАКЛАРИ

*Эшиклари (бир-бирига) ҳамроҳ бўлиб, ёпилганда бир-бири билан учрашишади, сўнгра очилиб ажралишади. Пардаларидан гўё товус ҳамма эшикларга қанотини ёйиб тургандай.*

*Абу Толиб ал-Маъмуний*

Эшик тузилиши деярли қадимдан ўзгармасдан бизгача етиб келган. Бунга археологик материаллар ҳам гувоҳлик беради. Ислом дини ўрнатилгунга қадар Бухорода эшик юзасида одам сурати ишланганлиги ҳақида бухоролик тарихнавис Муҳаммад Наршахий X асрда ёзиб қолдирган.

Ўрта асрларга оид миниатюраларни кўздан кечиран эканмиз, улардаги икки табақали сернақш эшикларнинг юқориги бўлинмасида араб алифбосидаги ёзувларни кўрамиз. Бу XI-XII асрларда худди меъморчилик, амалий санъат буюмлари безагидагидек, эшикларда ҳам шу даврда ёзув ишлатилганлигидан далолат беради. Эшик безашда ёзув, нақш сифатида XVIII-XX аср бошларида ҳам қўлланилган.

Эшиклар катталиги жиҳатидан, асосан яшаш хонаси ва ундаги дарча (дераза ўрнида) ҳамда масжид, мадрасаларга мўлжалланган.

Эшиклар, асосан “бағдоди” – икки табақали, юзаси ўймакорлик қилинган ва “увайди” – текис юзали ва кўпинча бир табақали бўлган. Унинг юзаси занжира нақши билан бўлинмаларга бўлинган. Бўлинмалар марказида доирасимон ва бурчакларида чорак доира нақшлари ўйилган. Бағдоди эшикнинг ҳар бир табақаси уч бўлинмага бўлинган. Юқоридаги ва пастдаги бўлинмалар “китоба” ёки “дила” дейилиб, улар бир хил катталиқдаги квадрат юзага эга. Ўртадаги бўлинма узунчоқ бўлган. Қизиги шундаки, бағдоди эшик бўлинмаларини осонликча алмаштириш мумкин бўлган (158-расм).

Юқоридаги ва пастдаги китобаларга чарос очилган гул, даврагул ёки марказида катта кўпқиррали яхлит композицияли нақшлар ўйилган. Шунингдек, юқоридаги бўлинма юзаси араб алифбосидаги чиройли ёзув билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Ўртадаги бўлинмада геометрик ва ўсимликсимон нақшлар вертикал уфқ чизигига нисбатан тик композицияда ўйилган. Бухоро, Самарқандда ишланган эшикларда “гириҳи чоркалид” – тўрт қалитли гириҳ;

“турунжи давраш занжира” – кўп қиррали айлана атрофи занжир нақши билан айлантирилган композиция; “гириҳи чоркунжа” – тўртбурчакли нақш; “гули ҳамиша баҳор” – ҳамма вақт баҳордагидек очилиб турувчи гул нақши; “сарбухори” – ичи геометрик нақшлар билан тўлдирилган катта баргсимон нақш; “даҳи панч нок” – марказий ўн қиррали айлана атрофи бўйлаб жойлаштирилган олти бурчакли нокка ўхшаш нақш ва бошқалар кўп учрайди. Мазкур нақшларнинг кўпчилиги Нурота, Шаҳрисабз, Китоб ва Қаршида учрайди, айримлари Тошкент эшикларидан ҳам бор. Шу билан бирга Тошкентда ўзига хос меҳробгул, қўқор шоҳи, қуш сурат, ислими каби нақшлар ҳам мавжуд. Хивада эшик бир ёки икки табақали бўлган, лекин улар худди увайди эшиклардек текис юзага эга ва бу юза кенг занжира нақшлар билан қисмларга бўлинган. Бўлинмалар юзасига сержило ўсимликсимон, ислимиий ва геометрик нақшлар ўйилган (Хивадаги Жума масжиди, 1788-1789 йй., Ханқадаги Саидота масжиди, 1766 й. ва бошқалар). Умуман, увайди эшиклари ҳам ўзининг нақшу нигори билан киши кўзини қувонтиради. Уларнинг юзасида даврагул, турунж каби нақшлар дид билан жойлаштирилган. Натижада бу нақш эшикнинг бутун юзасини жонлантириб юборган. Масалан, Панжикентдаги XI-XIV асрларга оид Муҳаммад Бошшаро мақбарасининг икки табақали эшиги текис юзага эга. Унинг юқорироқ қисмида умумий кўриниши анорга ўхшаш, лекин ичи олти бурчакли ва олти учли юлдузлар билан тўлдирилган нақш ишланган. Бу нақш ўзининг жойланиши билан бутун эшик композициясини жонлантириб юборган.

Эшикнинг хона интерьерини муҳитига таъсири катта. У ўзининг асосий вазифасидан ташқари ўз нақшу нигори билан хона композициясига тантанаворлик бағишлайди. Деворлари оддий сувоқ билан чегараланган хоналарда ўзининг муҳташамлиги билан безак вазифасини бажаради. Сокин хона муҳитига тантанаворлик киритади. Сербезак хоналарда девор нақшу нигори композициясига қўшилиб бир-бирини тўлдирадиган яхлит композиция юзага келишига имкон яратади.

### III. 3. ДЕКОРАТИВ ПАНЖАРАЛАР

*Бўлиб гулранг равзан, тобадон ҳам,  
Эшик гулранг, балким остон ҳам.*

*Алишер Навоий*

Панжаралар, Марказий Осиё меъморчилигида қадимдан қўлланилган. Жумладан, Хоразмда III асрга оид Тупроқ қалъа саройида қўлланилган. VIII асрга оид Варахша саройида ганчдан ишланган панжара топилган. Ундаги панжара тешиклари ўсимликсимон тузилишга эга. Фиштли панжара IX-X асрга оид Исмоил Сомоний мақбарасининг гумбази гардишида ўрнатилган. Панжара XI-XII асрларда Работи Малик карвонсаройи, Бухоро намозгоҳи ва Узгент мақбараларида ишлатилган. Ёғочдан ишланган панжара X-XII асрларда Чорқуҳ мақбарасида қўлланилган. Шоҳи Зинда мажмуасининг XVI асрга оид Қусам ибн Аббос мақбарасида ёғоч панжара мавжуд. Тошдан ишланган панжарани Самарқанддаги XV-XVI асрларга оид обидаларда кўрамиз.

Панжара хона ҳавосини тозалаб туриш имконини берган ҳамда хонада ёруғликни таъминлаган, обида айвонларида чегара, ёзги хоналарга кириш учун эшик вазифасини ҳам бажарган. Панжара масжид, мақбара, мадраса каби гумбаз билан ёпилган обидаларнинг гумбаз гардиши остидаги конструктив қисмида бир қаторда айлантриб ўрнатилган. Шунингдек, деворлардаги равокли бўлинмаларда жойлаштирилган. Турар жойларда эшик устидаги тобадон қисмида жойлаштирилган.

XIX асрларда ҳам панжаралар ёғочдан, ганчдан, тошдан ишланган. Ёғоч панжаралар майда-майда ёғочларнинг уфқ чизиғига нисбатан тик ва параллел бирлаштирилиши натижасида жимжимадор катакчалар бунёд этилган. Панжара композицияси каттакларнинг каттакичиклиги, ўрин алмашиши билан бойитилган. Шунингдек, ёғочларнинг қия бурчакда йўналиши натижасида квадрат, ромб, кўп бурчак, учбурчак, салиб ва даврагулга ўхшаш мураккаб нақш композициялари бунёд этилган. Ёғочларнинг ўзи ҳам кўндаланг кесимда кўп қиррали, яъни ўртасида бўртиб чиққан чизикча ўтган

ва икки ёни ичкарига қия ҳолда йўналган бўлиши мумкин. Ёғоч панжара қисмлари бир-бирига “кута-кута” услубида, яъни ҳар хил бурчакларда бирлаштирилган. Ёғоч панжаралар ўймакорлик қилиб кесиш йўли билан ҳам бажарилган. Улардаги нақшлар кўпроқ ўсимликсимон ислами композицияга эга. Ганч панжаралар қолипда қуйилган. Уларда катаклар катта-кичик, тўғри ёки ётиқ бурчакда бўлиши мумкин. Шунингдек, доиралар устма-уст ўрнатилган, катаклар ичига олинган ҳолда ва улар ўртасида юлдузсимон, кўп баргли гул, кўчқор шохига монанд нақшлар жойлаштирилган кўринишларда ишланган панжаралар композицияси мавҳумлаштирилган одам тасвири ҳам учрайди. Жумладан, Сурхондарёнинг Вахшивор кишлоғида Сўфи Оллаёр масжидида мавҳумлаштирилган одам тасвири мавжуд (159-расм).

Кўпинча оқишроқ ёки сарғишроқ рангли ганч панжара конструктив чизиқлари ўртасидан кўк рангли ингичка чизиқ юргизилган. Бу чизиқ панжара композициясининг нафис ва сержиллигини янада оширган. Бундай безакли панжараларни ўрта аср миниатюраларида ҳам кўрамиз.

Панжаралар гиштдан, металлдан (темир, мис) ва мрамор тошдан ҳам ишланган. Тош панжаралар кўпроқ Ғазғон усталари томонидан ишланган.

Панжаралар хона муҳитига ўзига хос тантанаворлик киритган. Унинг нақшлари композицияси, кундуз кун ташқаридаги ёруғлик ҳисобига, хонада яққол кўриниб турган. Кечкурун эса ташқаридаги қоронғилик ва хонадаги чирок ёруғлиги ҳисобига унинг композицияси намён бўлиб туради. Эрта тонгда панжара орқали тушган қуёш нури, хона девори ва поли сатҳига панжара нақши тасвирини туширишининг ўзиёқ хонага табиат уйғонишини, хурсандчиликни, янги ҳаётни олиб киргандек бўлади. Кун давомида панжаралар хона интерьерига ёруғликни киши бадига тегмайдиган даражада майин таратган ҳамда девордаги тоқча ва косамонларнинг безаклари ва шифтдаги нақшлар билан композиция жиҳатидан бирикиб, тантанаворлик бағишлаган. Масжид, мадраса каби обидаларда ёруғлик нурининг гумбаз остидаги кўпбурчак, айлана гардишдан майин сочилиб турганлиги сабабли хона гумбазини киши кўзига баланд қилиб кўрсатади.

### III. 4. ТАШТАК. ОТАШКАДАЛАР

*Оташкадада у қилди ибодат,*

*Тангрининг йўлига хайри саховат.*

**Фирдавсий**

Хона қисмлари нафақат ижтимоий, балки диний-маънавий кечинмалар билан ҳам боғлиқ бўлган. Улар диний ақидаларни бажаришга мослаштирилган. Жумладан, зардуштийлик дини ақидаларига биноан хонада доимий оловни ушлаб туриш учун махсус қурилма - “таштак”лар назарда тутилган. Муқаддас олов алтари хона деворига қапишган ҳолда (Суғд, Хоразм) ёки хона ўртасида (Уструшон, Чоч) бўлиши Н.Б. Немцева томонидан ҳам қузатилган (Немцева Н.Б., 1989, 144-б.). Таштакнинг тасвири илк ўрта аср астадон-гўр қутилари деворларида ҳам сақланиб қолган (Пугаченкова Г.А., 1987, 108, 110-112, 116-117-б.). Тасвирларда таштакларнинг аксарияти вертикал тузилишда бўлиб, уларнинг пастки ва устки қисмлари бир-биридан кенгайиб борган тахтача шаклидаги юзачаларни ташкил қилади (160-расм). Таштаклар тасвири антик ва илк ўрта асрларда яратилган тангаларда ҳам ўз аксини топган. И.М. Азимовнинг фикрича, тангалардаги таштаклар ярим метрдан икки метргача баландликка эга бўлиб, тузилиш жиҳатидан улар оддий, мураккаб, яъни етти поғонали, пойкурси ва бошага (капитель) қошга эга устун шаклида, бурчакларидан ҳилпираган тасмалар туширилган ҳолатда, доирасимон қирқимда томонлари тенг ва шу турдаги шаклларнинг бирикмасидан тузилган кўринишда бўлган. Шунингдек, И. Азимов таштаклар тасвири туширилган тангалар яратилган даврда ҳукмронлик қилган подшоҳларнинг зардуштийлик динига мансуб бўлганликларидан далолат беришини таъкидлайди (Азимов И., 1997, 24-25-б.). Таштаклар кубга яқин тузилишда ҳам бўлган (161-расм). Бунга Далварзинтепа шаҳарчасидан топилган таштакнинг кичкина нусхаси (моделли) мисол бўла олади (Мкртычев Т.К., 1988, 33-35-б.). Мазкур таштакнинг ибодатхона интерьерида жойлашиш тартибини қуйидаги реконструкцияда кўрамиз (162-расм).

Шу ўринда астадон (гўр қути) деворларида

тасвирланган тик тузилишдаги таштаклар ҳақида бироз тўхтаб ўтамиз. Астадон деворларидаги меъморий обидалар тасвири, яъни улардаги устун ва тоқилар уларнинг хонадонга эмас, катта даргоҳга, аниқроғи ибодатхонага тегишли эканлигини намойиш этади. Астадон – гўр қутилари деворларида подшоҳ ва мартабали шахслар ушлаб турган оташкадлар одам гавдасига нисбатан кичик ҳажмга эга. Улар гўёки шамдон, чироқ ёки кичик машъални кўтариб тургандек ҳолатини намойиш этади. Башарти шундай экан, улардаги таштакларнинг ҳеч бири ўтин ёкиб, оловни узок сақлашга мўлжалланмаган. Улар ўта саёз, юза ва нафис таянчга эга. Уларда ўтин қалаш имкони йўқ. Шунинг учун Озарбайжон оташпарастилик ибодатхоналарига мурожаат қиламиз. Озарбайжон олимлари “Қизлар қалъаси” номли, баландлиги қарийб ўттиз метр келадиган иморатнинг томида ҳам доимий олов ёниб турганлиги ва бир вақтлар унинг ибодатхона бўлганлигини таъкидлашади. Улар бу ердаги ибодатхоналар таштакларида доимий олов қувурларда йўналтирилган газ ва суюқ нефтда ёқилганлигини катъий таъкидлайдилар (Ахундов Д.А. 1986, 87-113-б.). Эронда минорасимон ибодатхона томида олов ёниб турганлиги бошқа олимлар томонидан ҳам таъкидланади (Дандамаев М.А., Луконин В.Г., 1980, 327-б.).

Боку атрофида “худ-сўз” – ўз-ўзидан ёниб турган оловларнинг ёзозланиши (кадрланиши) қадимий манбаларда ҳам бор. Жумладан, Низомий ўзининг “Искандарнома”сида: “Бу ерда бир олов бор эди, унинг атрофида тошлар бор, халқ орасида бу олов “худ-сўз” дейиларди. Унинг олдида олтин маржонларда юзта хершат (ҳарпат) сажда қиларди. Бу олов ғайридинлар учун бебаҳо эди,”-деб ёзади. (Низами, 1968, 598-б.).

Марказий Осиё астадонларида тасвирланган оташкадларнинг тузилиши ҳам уларда доимий олов сақлаб туриш учун суюқ нефть ёки газ ёқилган бўлиши мумкин, деган фикрни беради. Чунки оташкад атрофидаги хизматчиларнинг қўлларида кичкина кўзачани кўрамиз. Кўзачада мой, суюқ нефть, аниқроғи ёнадиган махсус суюқлик бўлиши мумкин. Хизматчилар доимий оловни сақлаб туришлари учун нафақат майда кесилган ўтин ташлаб, балки кўзачадаги суюқликдан ҳам сепиб туришган, деган хулосага келамиз.

Шу ўринда яна бир масалага тўхтаб ўтамиз. Авесто таълимотининг Вандидот қисмида олов-

нинг инсондан ёрдам сўраганлиги ҳақида ҳикоя қилинганлиги маълум: “Эй хонадон соҳиби, тур ўрнингдан. Кийимларингни кийгин, белингни боғла, қўлларингни юв, менга ўтин келтир. Шуъла бериб, ёниб туришим учун тоза ювилган қўлларинг билан тоза дарахтдан кесилган ўтиндан келтир. Акс ҳолда девлар яратган Ажи – ёмон кучлар мен билан курашади ва ҳаётимни барбод этади” (қarang: Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А., 1979, 109-б.).

Юқоридагиларни эътиборга олиб қуйидаги фикрга келамиз: биринчидан, астадонлардаги оташкадларнинг кичик ва нафис тасвирланиши, сарой, ибодатхона интерьерларида эътиборли шахслар томонидан диний ақида ва маросимларнинг бажарилиши контекстида уларнинг ҳажмига эмас, рамзий ифодасига эътибор берилган, деган хулосага келамиз. Шунингдек, бу далилни бошқача таҳлил қилса ҳам бўлади. Е.А. Дорошенконинг таъкидлашича, олов ибодатхоналари ўз иерархиясига эга бўлган, яъни тахтга ўтирган ҳар бир подшоҳ ўз оловига эга бўлган. Бу олов кўчма алтарда (оташкад) қўлаб турилган ва унинг подшолик қилган кунлари ибодатхонада ёқилган (Дорошенко Е.А., 1982, 32-б.). Сугд гўр қутиларида Амешаспентлар сиймоси (Миёнқол), коҳинлар (жрецлар), осмон парилари (Муллақўрғон), фравашлар (Самарқанд), сарой арбоблари, кундалик ҳаёт жараёнлари: маросимлар, базми жамшид, Авесто мифологиясида форсиабонлилар дунёсида улуғланган подшоҳзодалар сурати тасвирланган (Пугаченкова Г.А., 1996, 50-б.). Гўр қутиларидаги шахслар ушлаб турган таштакларнинг чироққа монандлигини, яъни ҳажм жиҳатидан кичиклигини эътиборга олиб, муқаддас оловни бир жойдан, иккинчи жойга яъни “адриан”дан, “дари-мехр”га олиб ўтишда фойдаланилган, деган хулосага келиш мумкин. Чунки олов бир жойдан, иккинчи жойга кичик ҳажмдаги таштакда кўчирилиши табиий, албатта. Бордию гўр қутилари деворларидаги тасвирларни марҳумга бағишланган, деб фарз қилсак, у ҳолда ўлган шахс қўлида кўчма оловнинг бўлиши, унинг бу дунёдан абадий дунёга ўз олови билан кетаётгани ифодаланган бўлса ажаб эмас. Иккинчидан, уларда “дари - мехр” – ибодат қиладиган хона, яъни ибодат қилиш хонасига хос оташкадлар ифодаланган бўлиши мумкин. Учинчидан, суюқ нефть каби табиий бойлиги очилган ўлкада нефтдан, очилмаган жойларда доимий олов учун ўтиндан фойдаланилган.

Ўтиннинг шуъла бериб, ёниб туришини сақлаб туриш учун махсус суюкликдан қуйиб турилган, деган хулосага келамиз. М.И. Филанович ҳам сандал ёғи қўлланилган, деб таъкидлайди (Филанович М.И., 1987, 154-б.).

Хоразмда хона поли сатҳидан бироз кўтарилган, пастқамгина ва тарҳда мавҳумлаштирилган одам тасвирини эслатувчи таштак топилган (Вишнева О.А., Рапопорт Ю.А., 1979, 105-112-б.). Мазкур таштакнинг тузилиши, унда муқаддас оловнинг вақтинча сақланишига мўлжалланганлигидан далолат беради. Тарҳда айлана, томонлари тенг тўртбурчак тузилишдаги таштаклар кўп учрайди. Бронза даврига оид Жарқўтон (Сурхондарё) сифиниш ибодатхонаси хоналарида ва ҳовли қисмида махсус супаларда ўрнатилган тарҳда олтига доира ва иккита томонлари тенг тўртбурчак тузилишдаги таштаклар топилган (Ширинов Т., 1990, 70-б.). Т. Ширинов мазкур таштакларни, сифиниш ибодатхонасида бўлганлиги сабабли саждагоҳ, деб айтади (Ширинов Т., 1990, 71-б.). Тақасимон тузилишдаги таштак Юқори Зарафшоннинг қадимий Кум маконидан топилган (Якубов Ю., 1988, 102-б., 24-расм). Хона деворига туташган таштаклар устида деворга қадалган меҳроб шаклидаги бўлинмалар қўлланилган. Уларда таштаклар айлана, тўғри тўртбурчак, тақасимон шаклда бўлган. Мисол тариқасида Зарафшоннинг VII-VIII асрларга оид Гардани Ҳисор шаҳарчасидан топилган саждагоҳ – меҳробнинг Ю. Якубов томонидан ишланган реконструкциясини кўриб ўтамиз. Унинг икки томони декоратив устунлар билан белгиланган. Улар юқорида равоқ билан бирлаштирилган. Устунчалар пойқурси, кўзаги, боша каби қисмлардан ташкил топган. Токчанинг юқори қисми ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Меҳробнинг деворига пастқамгина “таштак”- олов ёниб туриши учун ўчоқ қўшилган (163-расм).

Шунга ўхшаш меҳроб Панжикент турар уйларида ҳам бўлган. Бу хоналарда меҳроб ўзининг нақшу ниғори, ўчоқ супачалари билан хонага тантанаворлик бағишлаган. Меҳроб қаршисида ўтирган киши ғайритабиий муҳитни ҳис этган.

Умуман, таштак, шоҳсупалар оддий бўлишига қарамасдан, вазифаси, жойлашиши, кўриниши билан хона интерьерини функциясини яққол белгилаб туради. Шунингдек, ибодатхона интерьерига ўзига хос гўзаллик, тантанаворлик бағишлаган. Ибодатхонанинг муқаддас даргоҳлигини

намойиш қилган. Зардуштийлик ибодатхоналари муқаддас меҳроб ва оташкад хона деворларидаги ёзув, тасвирли паннолар билан ҳар томонлама боғланиб, (мавзу, функция, композиция) киши онгида келажакка ишонч бағишлаган. Зардуштийлик дини ақидаларига биноан, ибодатхона ичидаги оташкадда ёниб турган доимий олов кишининг нафақат ижтимоий ҳаёти, балки унинг ҳаёти мазмуни, маънавий эътиқоди, борлиги билан боғлиқлигини, бир сўз билан айтганда, муқаддаслигини намойиш этган.

Будда динига мансуб ибодатхоналарда ҳам турли тузилишдаги супа ва токчалар кенг қўлланилган. Супа ва токчаларнинг катта-кичиклиги Будда ҳайкаллари ҳажмига мослаштирилган. Будда ибодатхонасининг асосий хонасида ўрнатилган Будданинг катта ҳайкали хона интерьерини композиция жиҳатидан ўзига бўйсундирган, яъни доминантликни қўлга киритган. Бу ҳолат маънавий жиҳатдан ҳам талабга жавоб берган.

Будда ибодатхоналарида шоҳсупадаги Будда ҳайкали, девор токчаларидаги Будда ва Бодхистава ҳайкаллари ва деворлари юзасида уларнинг ҳаётига оид рангли тасвирлар кишини хайратда қолдирадиган даражада яхлит композицияни ташкил қилган. Кишини Будда кароматига ишонч ҳосил қилиб яшашига ижобий таъсир кўрсатган.

### III. 5. МЕҲРОБ

*Борди масжид, юз буриб меҳробга,  
Саждагоҳ ёшдан дўниб ҳалқобга.*

*Жалолитдин Румий*

Меҳроб - масжид хонақоҳининг зарурий қисми, у Макка томонга, Марказий Осиёда ғарбга қараган деворда ўрнатилган. Шунинг учун унинг тузилишига, безағига қадимдан алоҳида эътибор берилган. Бунга, бизгача етиб келган Афросиёб (IX аср), Данданакон (XI аср), Шир Кабир (IX-X асрлар), Ашт (X-XI асрлар), Искодар (X-XI асрлар) масжидларининг сербезак меҳроблари гувоҳлик беради.

Биринчи масжидларда меҳроб бир-бирдан кичрайиб борган бир нечта бўлинмадан ташкил топган. Ичкаридаги бўлинма чуқурроқ ва кичикроқ бўлган. Меҳроб бурчаклари декоратив устунчалар билан белгиланган. Шир Кабир ва бошқа масжидлар меҳроблари фикримиз исбо-

ти бўлади.

Афросиёб масжиди меҳроби бурчакларидаги устунчалар кўзаги, пойкурси, боша каби қисмларга эга бўлган. Меҳроб унвонидаги безаклар Самарқанд декоратив ўчоқлари нақшлари безакларини эслатади.

IX асрга оид Данданакон масжидида гиштлардан ҳар хил шакллар кесиб, уларни ҳар хил йўналишда жойлаштириб, чиройли композицияли меҳроб яратишган.

Меҳроблар гилдан ҳам ишланган. Шулар жумласига X-XI асрларга оид Ашт қишлоғи масжид харобаларида сақланиб қолган меҳроб киради. Равоқ шаклидаги меҳроб тўртбурчак хошия ичига олинган. Меҳроб устида девор юзаси яна битта хошияли равоқ билан айлантирилган. Равоқ атрофи хошия ичига олинган куш қанотига ўхшаш тасвирлар билан бойитилган (164-расм).

Сурхондарёнинг Чош тоғ қишлоғи масжиди меҳробидаги гил безак IX асрга оид Ашт масжиди меҳробининг оддийлаштирилган вариантини эслатади. Масжид хонақоҳи меҳробининг юқори қисми равоқ шаклидаги бўлинмаси икки томонидан бўртиб чиққан жуфт рута билан белгиланган. Ундаги руталар очилмаган лола, айвон девори меҳробида эса лола тасвири мадохил нақши шаклида тузилган. Зарафшон дарёсининг юқори оқимида Кум қишлоғининг Гузари Миёна маҳалласида XIX аср бошларига доир ёғоч меҳроб топилган. Меҳроб 310 см баландликка, 168 см кенгликка эга (Мухтаров А., 1966, 10-б.). Меҳроб юзаси квадрат ва учбурчак қисмлардан терилган. Қисмлар ичи балиқ думига ўхшаш, учбаргли турунж, ромб каби нақшлар билан тўлдирилган.

Меҳробнинг асосий вазифаси масжиднинг қибла томонини ва имом ўтирадиган жойини белгилаб бериш бўлган. Меҳробнинг хонақоҳ интерьерини муҳитида доминантликка эришиши, унинг вазифаси юзасидан келиб чиққан. Биринчи навбатда хонақоҳнинг барча қисмидан меҳробнинг кўриниши эътиборга олинган. Шунинг учун меҳроб бўлинмаси (тоқчаси) ташқи томонидан бир неча қават устун ва равоқлар ичига олинган. Меҳроб композициясида равоқлар мутаносиблиги улар орасидаги юзаларнинг кенглиги, баландлиги ва юзаларининг нақшлари пропорцияларидан келиб чиққан (165-расм). Улар бири бири билан боғланиб, яхлит композициясини ташкил қилган. Шунинг учун ҳам меҳроб, нафа-

кат функция, балки тантанаворлиги билан ҳам хонақоҳ муҳитида доминантлик вазифасини эгаллаган (166-расм). Девор, шифт ёки гумбазлари нақшу нигорсиз хонақоҳлар интерьерини ҳам у ўзининг безаги билан хонақоҳ муҳитига тантанаворлик бағишлай олган. Нақшу нигорли хонақоҳларда девор, шифт безаги билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзининг катта вертикал бўлинма сифатида яхлит композицияга эга бўлганлиги сабабли, доминантликни салқаб қолган. Бир сўз билан айтганда, меҳроб диний обидалар интерьерини яратишда асосий омил бўлиб хизмат қилган.

### III. 6. МИНБАР

*Унинг олий ҳимматидан минбар мукаммал бўлди,*

*Бағоят баландлигидан аршга бўй чўзди.*

*Хондамир*

Минбар, Марказий Осиёда жоме масжиди хонақоҳида, ийдгоҳларда кенг қўлланилган. Минбар меҳроб ёнида жойлаштирилган. Бухоро жоме масжиди учун подшоҳ Шамсулмулк буйруғи билан минбар ва меҳроб Самарқандда ясашиб, Бухорога келтирилганлиги ва ийд намозгоҳида пишган гиштдан минбар ва меҳроб қурилганлиги ҳақидаги маълумотлар X аср тарихнависи Наршахий томонидан ёзиб қолдирилган (Наршахий, 1966, 46, 51-б.). Б.Д. Кочнев ийдгоҳларнинг деярли барчасида минбар учратилмаганлиги ва ийд намози ўқилишидан олдин келтирилганлигини қайд этади (Кочнев Б.Д., 1976, 15, 73-б.). Минбар ёғочдан ясалган, гиштдан терилган (167-расм). Минбар тасвирини мактаб, масжид мавзусига бағишланган миниатюраларда кўрамиз (Шарк миниатюраси ва адабиёти, 1987, 100-расм). Мазкур тасвирда минбар уч поғонали зина шаклида бўлиб, юқоридаги поғона ўриндик вазифасини бажарган. Унинг уч томони ёғоч суянчикка эга. Минбарлар минора тузилишида ҳам қурилган. Шундай минбар Чорқуҳ масжиди ховлисида сақланиб қолган. Мазкур ёғоч минбар тўрт қаватга эга. 1920 йилда уста Ато томонидан ясалган (Рузиев М., 1975, 59-б.).

Қишлоқ ва маҳалла масжидларида хонақоҳ бурчагидан гиштдан терилган зиналар минбар вазифасини бажарган.

### III. 7. ТАХМОНЛАР

Турар жойларда жиҳозларни сақлаш учун тахмон, токчалар ўрнатиш одати қадимдан бўлган. Бронза даврига оид Кучуктепа (Бақтрия) маконининг иккинчи қурилиш даврида яшаш хоналаридан бирида иккита 0,5 метрга бўртиб чиққан девор мавжуд. Бу деворлар тиркагич сифатида қабул қилинади (Аскарлов А., Альбаум Л.И., 1979, 20-б.). Мазкур деворлар хонанинг қўндаланг деворини қарийб тенг уч қисмга бўлади. Хона ичидаги бу бўлинмалар тахмонга ўхшаб кетади. У тахмон сифатида қурилган бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу бўлинмалар турли буюмлар қўйишга ва кўрпа-тўшак тахлашга қўл келган, деб ўйлаймиз. Араб сайёҳи Ибн Батута 133 йили Урганчда бир бойнинг меҳмонхонасида бўлиб, меҳмонхона деворларида кўп токчалар жойлаштирилганини ва уларда зарҳал юритилган идишлар ва эрон идишлари қўйилганлигини таъкидлайди (Тизенгаузен В., 1884). Марказий Осиёда токча ва тахмон бўлинмалари жуда қадимдан қўлланилган. Жумладан, Хоразмда милодгача IV асрга оид Қалъан-Қир саройи деворларида токчалар қўлланилган (Ягодин В.Н., Никитина А.Б., Кошеленко Г.А., 1984, 446-б.). XII-XIII асрларга оид Қават қалъа яқинида «Каптархона» номи обиданинг сақланиб қолган уч деворида 150 дан зиёд токча бор. Мазкур обида ҳақида олимларимиз ҳар хил фикрдалар. Айримлар токча идиш қўйиш учун деса, бошқалар қуш, каптар боқиш учун, деб тахмин қилишади. Р.Л. Садоков мазкур токчалар мусиқа куйлари учун акустика вазифасини ҳам бажарган бўлиши мумкин (Садоков Р.Л., 1970.), деб таъкидлайди. Р.Л. Садоков фикрини тасдиқловчи аниқ далил топа олмадик. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, хонада аксадонни кучайтириш тадбирлари қадимдан мавжуд бўлган. Жумладан, Нурота тоғ қишлоқларида масжид хонақоҳи бурчакларида девор мағзида оғзи хонага қаратилган кўзалар ўрнатилган (Назилов Д.А., 1984, 83-б.). Қават қалъа комплексидаги «Каптархона» обидаси деворларидаги токчалар, асосан буюм қўйиш учун мўлжалланган. Бордию, шундай хонада қўшиқ айтилса, албатта улардаги бўшлиқлар хонада акс - садони кучайтириб, куй ва қўшиқларнинг жарангдор чиқишига ижобий таъсир кўрсатган. Токчабанд деворни Низомий “Хамса” сига ишланган миниатюра расмларида ҳам кўрамиз. Жумладан, “Гўдак Искандарни Филиппга кўрсатмоқдалар”, (504 ав) миниатюрасида (Ни-

зомий, 1985, 140-расм) деворнинг бир қисмида 22 та ҳар хил катталиқдаги токча бўлиб, уларнинг равоқлари ҳам ҳар хил жимжимадор чизиққа эга. Токчаларнинг барчасида кўзача, жом, коса ва бошқа чиройли мис, сопол буюмлари қўйилган. Мазкур далиллар қадим даврларда халқ турар жой меъморчилигида меҳмонхона, хона бегази-га катта эътибор берганликларидан далолат беради.

Хона деворида токчабандли бўлинмалар қўйиш бизгача анъана сифатида етиб келган. Токчабандли хоналарни Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Андижон, Фарғона, Хўжанд, Ўратепа, Исфара ва ҳатто Зарафшон дарёси юқори оқими турар жой меъморчилигида кўрамиз. Шаҳарларда турар жойлар, асосан синч девордан бўлган. Синч девор чуқур токчалар ўрнатиш имконини берган. Токчалар ҳар хил катталиқда бўлган. Шунингдек, дераза ва эшиклар оралиғидаги бўлинмалар токчабанд қилинган. Тахмон ва токчаларнинг гўзал ва шиннам бўлишига алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун катта токчалар юқори қисмини равоқ шаклида ранг-баранг мураккаб шарафалар билан тугатишган. Токчалар орасидаги юзани ҳам равоқ шаклидаги нақш билан чегаралаб, ичига қийвос очилган ранг-баранг гулларни чизишган. Равоқчалар атрофида майда нафис нақшлар ўйишган ва рангли ўсимликсимон нақшлар чизишган. Улар хона саранжомлигини ҳамда гўзаллигини таъминлаган (168-расм).

Тахмон токчаларининг жойланиши ҳар ерда ҳар хил бўлган. Наманганда бир томон девори юзаси бутунлайича токчабанд қилинган хонани учратиш мумкин. Жумладан, Муҳаммад Содик уйида девор юзаси беш бўлинмага бўлиниб, унда 77 та ҳар хил катталиқдаги токча мавжуд (169-расм). Фарғона водийси турар жой меъморчилиги интеръерида тахтадан ясалган каби тўғри тўртбурчак, кўп бурчак тузилишидаги токчалардан ташкил топган деворлар ҳам бўлган (170-расм). Самарқанд, Бухорода хона тўри девори уч бўлинмага бўлинган. Улардан ўртадаги кўрпа-тўшак қўйишга мўлжалланган тахмонни ташкил қилади. Икки ёнидаги бўлинмалар эса токчабанд қилинган. Тошкентда кўрпа-тўшак тахлайдиган бўлинма I та ёки 2 та бўлиши мумкин. Битта бўлган тақдирда у ўртадаги бўлинмани эгаллайди. Икки ёнидаги бўлинмаларда 2 та ёки 4 та катта токчалар жойлаштирилган. Тошкентда

хона ён деворларида битта ёки иккита бўлинма майда токчабанд қилинган, қолганлари катта-катта токчаларни ташкил қилган. Токчалар ичига сиёҳ ва пушти рангда чарос очилган гулдаста расми тасвирланган. Тахмонлар усти равоқ шаклида тугатилган. Равоқ юқори қисми равоқли косачалардан ташкил топган мураккаб шарафалар билан безатилган.

Токчасиз хоналарда девор юзасидан хона томон чиқарилган осма токча (полочка) ўрнатиш одади бўлган. Улар деворнинг одам бўйи баландлигида жойлаштирилган ва бир нечта равоқчали майдароқ токчалардан ташкил топган (171-расм). Айрим ҳолларда уларнинг композициясида ҳам муқарнас қўлланилган. Бундай девор юзасидан чиқарилган токчалар Қарши ва Хива турар жойлари хоналарида кўп учрайди (172-расм).

Марказий Осиё шаҳарларида хона девори, шифти бадий безагига катта эътибор берилган. Девор баланд токча бўлинмаларга бўлиниб, ҳар қайси бўлинманинг ичи нақшу нигори тури билан 3-4 ярусга бўлиниши мумкин. Бундай хонада токча шаклидаги бўлинма фақат декоратив безак вазифасини бажарган. Ундан ташқари бўлинмалар ичидаги нақшлар ҳам ҳар хил бўлган. Мисол учун Бухоронинг ёзги хоналаридан бирини олиб қарасак, унда девор юзаси 7 та баланд бўлинмага бўлинган. Ҳар бир бўлинма нақшу нигори билан учтадан ярусга (қисмга) тақсимланган. Улар ичида катта гулдаста, ярим доира шаклида ҳамма томонга ёйилган гулдаста, чизикли токчабанд, зич жойлаштирилган доирасимон нақшлар ярусларда ҳар хил композицияда ишланган. Бўлинмаларнинг усти равоқли косачалардан тузилган муқарнас билан тугатилган.

Хона деворига ганч ўймакорлиги ва рангли панноларнинг биргаликда ишлатилган ҳоллари ҳам кўп учрайди. Тошкент турар жойларида ганч панно чока пардоз услубида ишланган ўсимликсимон нақшни ташкил қилади.

Айрим панноларда гул тасвирининг асосини чиройли ёзувлар ташкил қилади. Бунга Ўратепа шаҳридаги турар жой хона девори панноси гувоҳлик беради.

Шуни айтиш керакки, тахмон, токчабанд деворлар ҳар бир шаҳарда оммавий ишлашга мўлжалланган. Уларда катта токчалар пастда, кичиклари юқорида ўрнатилган. Токчаларнинг жимжимадор равоқ тахтачалари қолипда ишланган. Уста, девор бўлинмалари, баландлиги, кенглигига қараб

композиция яратган. Токчабанд деворнинг асосий вазифаси хона сатҳини яхлитлигича сақлаб қолишга, яъни хона саранжомлигини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга токчабанд девор хона муҳитига ўзига хос бадийлик, гўзаллик киритган. Катта ва кичик токчаларнинг “сарбухори” нақшига монанд шаклда қирқилган жимжимадор қирралари уларга нафислик, ўсимликлар дунёсига хос композиция бағишлайди. Токчалар ички деворининг қизил, кўк, яшил рангларга бўялиши ҳам токчабанд девор композициясини бойитиш ва қўйилган буюмларнинг токчада яхши кўринишини таъминлаган (173-расм). Шунингдек, майда токчаларнинг ички деворларига ишланган ёруғ ранглар уларнинг чуқурлигини аниқ белгилайди. Хусусан, хона тобадонларидан таралаётган ёруғлик нуридан токчаларнинг ички деворига тушган соялар, уларнинг жозибадорлигини, ранг-баранглигини кучайтиради. Хонадагиларга яхши кайфият ва завқ бағишлайди.

### III. 8. ЎЧОҚЛАР

Ўчоқлар, турар жойлар ичида антик даврларда ҳам қўлланилган. Улар вазифасига қараб ҳар хил тузилишда бўлган. VII-XIII асрларга оид ўчоқлар жойлашиши жиҳатидан уч турга бўлинади: хона сатҳида (полда), деворга қапиштирилган ҳолда, девор мағзида жойлаштирилган ҳолда (Воронина В.Л., 1963, 87-б.). Улар жойлашиши жиҳатидан деярли ўзгармасдан келган. Охирги икки турдаги ўчоқлар замирида мўриларнинг (камин) юзага келгани аниқ сезилади. Ўчоқлар хонани иситиш, чой қайнатиш, овқат пишириш ва нон ёпишга мўлжалланган. Уларнинг катта-кичиклиги, тузилиши ҳам вазифасидан келиб чиққан. Хоразм воҳасида XII-XIII асрларга оид ўчоқлар юзасига нақшлар ўйилганлигига археологик ашёлар гувоҳлик беради (Неразик Е., 1976, 187-б.). Ўчоққа нақш ўйиш Марказий Осиёнинг худудларида кенг тарқалган. Жумладан, Ўтрорда XVII асрга оид турар жой хонасидаги ўчоқ олд қисмининг икки ён томонида олов учқунларининг атрофга отилаётгани ўйиб ишланган (Байпаков К.М., 1989, 12-расм).

Ўчоқларга бўлган эътиқод Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар ва ўрнатилгандан сўнг ҳам ўз моҳиятини йўқотмайди. Буни ўчоқлардаги безаклардан билсак бўлади. Ўчоқ умуман безаксиз ишланса ҳам бўлади. Чунки

унинг устида ҳамма вақт қозон ёки чойжўш туради, остида эса ўтин қаланиб ўт ёки қилган. Унинг ички томони деворлари қоп-қора бўлиб туради. Шундай бўлишига қарамасдан, ўчоқлар деворларида ўйма нақшлар ишланганлиги археологик материаллардан яққол сезилади. Жумладан, Афросиёбда олиб борилган қазилмалардан топилган безакли ўчоқлар диққатга сазовордир. Уларнинг аксарияти диаметри 30-35 см, баландлиги 23-25 см, олд деворчалари юзалари 10-12х23-25 сантиметрни ташкил қилади (Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И., 1972, 208-б.). Безаклар композицияси боғ манзараси, ойдин кеча, қуш ноласи, севги, сарой тасвири каби сюжетларга бағишланган (174-расм).

Олимларнинг таъкидлашларича, декоратив ўчоқлар IX-XII асрларда яратилган бўлиб, улар йўқола-ёзган қадимий анъаналарни ўзларида мужасамлаган (Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И., 1972, 234-б.). Самарқанд декоратив ўчоқлари юзасида эса "оловхона" (зардуштийлик оташхоналари Н. Д.) тасвири ишланган (Ремпель Л.И. 1961, 126-б.). Ўчоқларга нақш чизиб анъаналари ҳозирги кунда ҳам узоқ тоғ қишлоқларида сақланиб қолган. Жумладан, Қоратегин, Дарвоз қишлоқлари аҳолиси наврўз айёмида ва бошқа байрамларда ўчоқларни нақшлар билан безашади.

### III. 9. МҶРИЛАР

*Хотам киши уйда тутатганда уд,*

*Қўшни ҳовлида ҳам шул муаттар дуд.*

*Амир Хусрав Деҳлавий*

Ота-боболаримиз қадимдан хонадаги мўриларга ҳам гўзаллик ато этишга ҳаракат қилишган. Фарғона водийсида мўри уч (гумбазлик, қашқарча, нўғайча) турга бўлинган (Воронина В. Л., 1951а, 94-б.). Улар бир-биридан тархда айлана тузилишида, очик қисми равоқ, учбурчак, ярим айлана шаклида тугатилиши, устки қисмининг гумбаз, текис юза шаклида ёпилиши билан фарқ қилади (175-расм). Мўриларда чироқ ёки шамдон учун токча шаклида чироқхона ўрнатиш одатини Туркменистоннинг Мурчали қишлоғида кўрамиз (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 12-б., 9-расм) (176-расм).

Тоғларда ҳам киши хоналарда мўрилар ўрнатишган. Жумладан, Қашқадарё, Сурхондарё тоғ

қишлоқларида мўри киши хонанинг пойгоҳ қисмида жойлаштирилган. Мўрининг икки ёнида хонага қаратилган токчалар жойлаштирилган. Мўрининг умумий кўриниши шаҳар уйларидаги токчабандли тахмонга ўхшаб кетади (177-расм). Нурота тоғ қишлоқлари турар жой айвонида икки томони очик мўри ҳам бўлган (178,179-расм). Тоғ халқ турар жой меъморчилигида мўри токчалари билан девор юзасини қарийб эгаллайди (180-расм). Фарғона водийси турар жой интерьериде атрофи токчабанд қилинган мўрилар ҳам учрайди (181-расм).

Мўри асосан хонани иситиш, унда овқат пишириш, чой қайнатиш каби вазифаларни бажарган. Умуман, хона қулайлигини таъминлаган. Шу билан бирга хонага ўзига хос тантанаворлик ҳам ато этган. Композиция жиҳатидан хона интерьери тўридаги деворнинг тахмон ва токчабанд бўлинмаларига нисбатан пасанги вазифасини ҳам бажарган. Учала девори тахмон ва токчабандга эга хонада токчалар бўлинмасининг бир маромда қайтарилишини композиция жиҳатидан кескин узилишдан сақлаган. Деворлари юзаси токчабандга бўлинмаган хоналар муҳитида, мўри хонадон эътиборини ўзига жалб қиладиган тантанавор бўлинмага айланган. Хона муҳитини ўта оддийликдан сақлаб қолган ва кўзга ташланадиган композиция яратилишига замин яратган.

### III.10. СУПАЛАР

Марказий Осиё меъморчилигида супалар антик даврда ҳам турар жой хоналарида, сарой ва ибодатхоналарнинг асосий залларида қўлланилган. Супалар иморат интерьериде ҳайкал ўрнатишга ҳамда ўтиришга мўлжалланган. Жумладан, Будда ибодатхоналарида супа Будда ҳайкали учун пиллапоя шаклида юқори томон кичрайиб борган поғонали композицияларда қурилган. Уларда олд ва икки ён томондан кичкина зиналар ҳам назарда тутилган.

Антик даврга оид Тупроқ қалъа шаҳарчасининг шоҳлар зали саройи бўлинмаларида ҳам супа бўлган. Супалар илк ўрта аср иморатида кенг қўлланилган. Бунга Варахша, Афросиёб, Панжикент ва бошқа шаҳарлардаги сарой ва турар уйлари гувоҳлик беради (182-расм). Супалар ўрта аср меъморчилигида ҳам учрайди. Бунга қадимий Марв шаҳрида XI-XII асрларга оид Шахриёр

арк саройи гувоҳлик беради. Турар жой, сарой ва ибодатхоналарда супа хонанинг икки, уч, тўрт томонини эгаллаган. Шунингдек, хонанинг бажарадиган вазифасидан келиб чиққан ҳолда супа унинг марказини эгаллаган тарҳда ҳам учрайди. Жумладан, антик даврга оид Кампиртепа шаҳарчасида археологлар томонидан очилган зардуштийлик ибодатхонасида девор атрофи бўйлаб қурилган супалардан ташқари хона марказий қисмини эгаллаган кенг супа ҳам мавжуд.

Хона уч-тўрт томонини девор атрофи бўйлаб супа билан айлангириш одати ҳозирги кунгача Тоғли Бадахшон, Дарвоз ва қисман Қоратегин тоғ турар жой меъморчилигида сақланиб келган. Хонанинг марказий қисмида тўртбурчак тузилишда, «Г», «Т» ҳарфи шаклида қолдирилган.

Кичикрок ҳажмдаги хоналарда ҳам қадимдан хона сатҳи яхлитлигича супа шаклида кўтарилган. Супанинг пойгоҳ қисми тўртбурчак шаклидаги чуқурчага эга. Супаларда ўчоқ ўрнатиш одати илк ўрта аср турар жой меъморчилигида ҳам бўлган (183-расм). Супада оштон (ўчоқ) ўрнатиш одати Тоғли Бадахшон, Қоратегин, Дарвоз ва Чимкент ҳудудларида XIX-XX аср бошларида оид турар жой меъморчилигида кенг қўлланилган. Кичикрок хонанинг пойгоҳ қисми, мўрининг мавжудлигига ва жойланишига қараб узун ёки қисқа йўлак шаклида бўлган.

Нурота тоғ меъморчилигида XX аср бошларида қурилган турар жойларда ҳам хонанинг бир ёки икки (ён ва тўр) девори бўйлаб супа жойлаштирилган композиция учрайди. Мазкур супалар, асосан кўрпа-тўшак тахлаш, уй жиҳозларини қўйишга мўлжалланган.

Хона сатҳининг супа шаклида кўтарилиши унинг юзасига пойгоҳ, дам олиш, хўжалик - мўри жойлашган қисмини ажратиш имконини берган. Хона композициясида тантанаворлик бағишлаган ҳамда хонада қулайлик яратган.

### III. II. ТОМ ВА ШИФТ БЕЗАКЛАРИ

Шифт, иморатнинг асосий конструктив қисмларидан бўлиб, хонадонда бошпанали муҳит яратади. Шунинг учун ҳам шифтга сержило, серзавқ безак берилган. Шифт хона муҳитининг композиция ва конструктив жиҳатидан тугатилиши

га асосий омил бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиё меъморчилигида қадимдан тўсинли шифт қўлланилган. Тўсинли шифт калтароқ ёғоч-тўсинлар билан устунлар ёрдамида катта хона юзасини қисмларга бўлиб ёпиш имконини беради.

Археолог-олимлар изланишлар давомида обидалар реконструкциясини бажаришган. Жумладан, Г.А. Пугаченкова реконструкциясида (Пугаченкова Г. А., 1958, 95-б.) III-II асрларга оид Нисодаги квадрат залда шифт, харилар ёрдамида бўлинмаларга ажратилган. Ўртадаги бўлинма чорхона услубида ишланган. Чорхона - тўсинлардан тузилган квадратларнинг юқори томон кичрайтириб бориши ва бир-бирига нисбатан кўндаланг ўрнатилиши натижасида ҳосил бўлган ўртаси очик гумбазга ўхшаш конструкция. В.А. Нильсен VII-VIII асрларга оид Варахша саройи «Қизил хона»си шифти реконструкциясини (Нильсен В. А., Манакоева В. Н., 1974, 51-б.) яхлит чорхона услубида ифодалаган. В.Л. Воронина Панжикентдаги VII-VIII асрларга оид турар жойнинг меҳмонхонаси шифтини бўлинмаларга ажратиб, тўртта устун ораллигини чорхона шаклида реконструкция қилади (ВИА, 1969, 188-б.). Шу билан бирга шифт қисмларга бўлиниб, ўрта қисми оддий туйнук шаклида очик қолдирилган шифтларнинг мавжудлигини Г.А. Пугаченкованинг I-II асрларга оид Гуяр қалъа ҳокими қабулхонасида (Пугаченкова Г. А., 1965, 17-табл.), В.А. Нильсеннинг V-VIII асрларга оид Жумалактепа кўши (Нильсен В. А., 1966, 53-расм) меҳмонхонасида ва бошқа обидалар реконструкциясида кўрамыз.

Дарҳақиқат, археологик материаллар билан танишар эканмиз, хона деворларида дераза ўрнини кўрмаймиз. Демак, хонани ёритиш ва ҳаво алмашиши, тутун чиқиши каби чораларни фақатгина шифтда очик туйнук қолдириш йўли билан ечилишига ишонч ҳосил қиламиз. Туйнуқларнинг юқоридаги реконструкцияларда оддий ва чорхона услубида ёпилганлигини тоғ меъморчилигида кенг қўлланилган туйнуқлар тури тасдиқлайди. Жумладан, “чорхона” услуби ҳозирги кунда ҳам Тоғли Бадахшон халқ меъморчилигида кенг қўлланилади. Оддий туйнук қолдириш услуби Юқори Зарафшонда, Нурота тоғ меъморчилигида XX аср бошларида ҳам кенг қўлланилган.

Илмий адабиётда, катта хона томи хиргоҳлардагидек катта қияликда ўрнатилган тўсин-

лар ёрдамида ёпилган, деган фикрлар ҳам бор (Гуревич Л.В., 1990, 77-б.). Гуревич Л.В. Ибн ал-Факихнинг «... илк ўрта асрларда Марвда “Кай Марзибон” номли қадимий уйнинг томига чиқиш учун одам бўйи баландлигидаги деворга кўтарилди. Томда томонларга қаратиб чизилган икки эркак ва икки аёл расми, ҳамда нима-лиги номаълум қизиқарли тасвирлар бор эди» (ММТТ, 1939, 151-б.), -деб ёзган маълумотига асосланиб, мазкур уйнинг деворлари ташқи томондан баландлиги одам бўйидек бўлса, бундай уйнинг ичида бемалол юриш учун том тўсинлари хиргоҳдагидек тик ҳолда бўлиши керак, деб тахмин қилади (Гуревич Л.В., 1990, 77-б.). Шунингдек, В.А. Шишкиннинг: «Варахша саройи қизил зали деворининг 2,6 метр баландлигида ҳар 50-55 сантиметр оралигида аниқланган тўсин ўрнини, сувокчи ва рассомларнинг тасвир ишларларида қўлланилган» (Шишкин В.А., 1963, 54-58-б.), - деган фикрига эътироз билдириб, у ҳам: «Хиргоҳ шаклидаги том билан ёпилган», - деб таъкидлайди (Гуревич Л.В., 1990, 75-б.). Хиргоҳга монанд, тўсинлари тикрок тушган томни Панжикент залларидан бири реконструкциясида қўлланилганлигини А.И. Исаков китобида ҳам кўради (Исаков А.И., 1977, 32-б.). А.И. Исаков реконструкциясининг конструктив ва функция жиҳатидан тўғри келмаслигини В.Л. Воронина ҳам тан олади (Воронина В.Л., 1990, 171-б.). Конуссимон хиргоҳга монанд том XIX асрга оид Бухоро вилоятида Хўжам Банди Кишод ва Хўжам Саид Пулот мақбараларининг қабр ўрнатилган хоналарида қўлланилган (Пардаева Р.У., 1976, 34-35-б.). Мазкур обидаларда тархда тўртбурчак иморат устида 1,5 метр баландликдаги саккизбурчак юзага келган. Шунга ўхшаш тўсинлари тик туширилган том Ашт қишлоғида “Ҳашт Саҳоба” мақбарасининг қабр тоши ўрнатилган марказий қисмида ҳам қўлланилган. Мазкур обидадаги конуссимон том усти сувокқа ҳам эга эмас. Юқоридаги далиллардан бундай томларнинг XIX асрда фақат мақбараларнинг сағана қисмида ишлатилганлиги гувоҳи бўламан.

Бизнингча, катта хонага эга монументал иморат томи хиргоҳ шаклида бўлиши мумкин эмас. Бунга сабаб биринчидан, катта қияликдаги том устини сувок билан қоплаш амримаҳол. Сувок қилинган тақдирда ҳам уни қор, ёмғир ювиб туширади. Иккинчидан, ташқи томондан девори

одам бўйидек иморатнинг ички қисмида поли юзаси худди Тоғли Бадахшон уйлари каби ер сатҳидан анча пастга туширилган, шунингдек, конуссимон хиргоҳга монанд том илк ўрта асрларда мавсумий дам олиш чортоқларида қўлланилган бўлиши мумкин. У ҳолда бундай том қамиш, мато, гиламлар билан ёпилган бўлиши эҳтимоли бор. Учинчидан, бундай том, сарой иморатига хос талабларга жавоб бермайди.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтамиз. Н.П. Лунькова илк ўрта асрга оид Хараджкент (Қанқа) шаҳарчасида аниқланган зардуштийлик ибодатхонаси икки томга эга бўлган, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, биринчи том интерьерда декоратив вазифани ўтаган ва пирамида ёки тўрт томонга нишобли хиргоҳ томидек бўлиб, унинг тўсинлари, асоси тўрт девор мағзига жойлаштирилган горизонтал ёғочга ўрнатилган, иккинчиси эса ташқи ва асосий том бўлиб, васса шифти оддий текис юзани ташкил этган (Буряков Ю.Ф., Лунькова И.П., 1985, 4-б, в-расм; Буряков Ю.Ф., Богомолов Г.И., 1989, 66-б.).

Бу масала юзасидан ўз фикрларимизни билдиришдан олдин Юқори Зарафшоннинг Вору тоғ қишлоғи турар уйларида учратилган бир далилга тўхтаб ўтамиз. Мазкур уйда хона, далони билан битта томга эга, лекин унинг ичида асосий хона рўпарасида жойлашган ошхона алоҳида пасткамрок томга эга. Унинг ўчоқ, тандир устидаги қисми конус шаклида кўтарилган. Ошхона уч томондан ёпик, асосий хонага қараган қисми ярим очик. Ўтиборли томони шундаки, ошхона томи тўрт деворга ўрнатилган. Ошхона томига ўтин қаланган.

Энди И.П. Лунькова реконструкциясига қайтиб, қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Биринчидан, ёғоч тансиқ жойда, хона ичида уни бутунлай қоплайдиган декоратив томга ҳожат бўлмаса керак. Иккинчидан, пирамида тузилишидаги том тўсинлари, асоси девор мағзидаги ётиқ ёғочга ўрнатилган тақдирда бундай конструкция том мустаҳкамлигини таъминлай олмайди. Учинчидан, декоратив том тўсинларининг девордаги ўрни хона атрофи бўйлаб жойлашган супадан 90 см баландликда жойлашган тақдирда, супалардан фойдаланиш имконияти ниҳоятда камаяди. У ҳолда супанинг вазифаси нимада? - деган савол туғилади. Тўртинчидан, бордию, бундай пирамидасимон ички том, ибодатхона интерьериди

бирон-бир зарур вазифани бажарганда эди, у ҳолда шундай шифт тўсинлари ўрни бошқа зардуштийлик обидаларида ҳам сақланган бўларди. Бизнингча, деворда сақланган ёғоч ўрни улар устига тахтадан мустақкам полка ўрнатишга мўлжалланган бўлса, ажаб эмас.

Катта юзали хоналарни ёпишда, юқорида айтганимиздек, ўртаси равзанли текис том қўл келган. Шуни ҳам айтишимиз керакки, равзанли текис том ҳам деворлари томон нишобликка эга. Хусусан, унинг марказий равзан қисми ташқи томондан кичикроқ гумбазга ўхшаб кетади.

Энсиз, тор йўлақлар, хоналар томи фишт қаторларининг бир-биридан ичкари томон чиқарилиши ёрдамида ёпилган. Фиштарнинг хона томон учбурчак шаклда чиқарилиши қаторларнинг нақшин шарафага ўхшаб қолишига сабаб бўлган (184-расм).

Марказий Осиёда V-VI асрлардан бошлаб хона томини гумбаз билан ёпиш услуби юзага келади. Гумбаз IX асрдан бошлаб, асосан диний ва ижтимоий (ҳаммом) иморатларда кенг қўлланилади. Иморатни гумбаз билан ёпишга бўлган эҳтиёжнинг ошиши гумбаз ости конструкциясининг шаклланиб боришига олиб келади. IX – X асрларда тўртбурчак ҳажми билан гумбаз оралиғида саккизбурчакли ҳалқа юзага келади. XIV асрда гумбаз ости 12 ва 16 бурчакли ҳалқани ташкил қилади (185-расм). Шунингдек, хоналар икки - ички ва ташқи гумбазлар билан ёпила бошланади. XV асрда энсиз, узунчоқ тузилишдаги хоналарни ёпишда кўп гумбазли конструкциялар қўлланилади (186-расм). Унда гумбазлар параллел равоқлар ва уларга нисбатан перпендикуляр равишда йўналтирилган ярим равоқларга ўрнатишган. XVI асрга келиб гумбазнинг ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатиш услуби юзага келади. Мазкур конструкциядаги гумбаз катта майдонли хоналарни ёпишда ишлатилган. Гумбаз тузилишида қалқонсимон паруслар қўлланилади. Натижада гумбаз, тўқилган тўрсимон юзани ташкил қилади. Гумбазли хона киши руҳиятига диний обида сифатида сингиб қолган. Бунга унинг диний ва меъморий обидаларда кенг қўлланилганлиги сабаб бўлган. Дарҳақиқат, гумбаз, диний обидаларда қўл келган. У биринчидан, обида ташқи кўринишига доминантлик, тантанаворлик бағишлаган. Хона акустикасини кучайтирган. Товуш акс-садо бериб тарқалган. Бу эса масжид учун қўл келган.

Шунингдек, хонани устунсиз маълум миқдоргача кенгайтириш имконини берган. Гумбазнинг бундай хусусиятлари диний обидалар учун зарур муаммоларни ечиш имконини берган. Гумбазли конструкция хона композициясига ўзига хос бадийлик бағишлаган. Жумладан, саккизбурчак барабанидаги равоқларга турли кўринишдаги декоратив панжаралар ўрнатишган. Панжаралардан тушган ёруғлик хонага ўзгача кўриниш ато этган. Ёруғлик нурининг ўткир ёки майинлиги куёшнинг ҳаракати, траекторияси ҳолатига боғлиқ бўлган. Куёш чиқиши ва ботишида панжаралардан нур, уфқ чизигига яқин градусда тушган. Натижада хонага тушган нур, кишига гумбазнинг жуда баланд бўлиб кўриниш эмоциясини берган. Шунингдек, гумбаз конструкциялари хонага гўзаллик бағишлаган. Жумладан, гумбаз остидаги кўп бурчак гардиш равоқлари, бир неча қатор қалқонсимон юзалар кўринишини олган. Юзалар ёруғликнинг тушишига қараб, ўзига хос гўзал кўриниш ато этган (187-расм).

Интерьерда гумбазлар юзаси ранг-баранг геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқ меъморчилигида шифт юзасида тўсинлар йўналиши билан кўпроқ марказга яқинлашган сайин бир-биридан кўтарилиб борган турли композициялар ишланган. Жумладан, шифт марказини хона деворларига нисбатан диагональ ўрнатишган яхлит йирик тўртбурчак юза эгаллаган композицияни, шундай юзанинг, узунчоқ тузилишдаги хоналарда бир неча марта қайтарилганини, иккита диагональ ўрнатишган тўсинларнинг кесишуви натижасида бир неча қатор олтибурчак юзачаларга тақсимланган композицияни, олтибурчаклар қаторининг томонлари тенг тўртбурчак, узунчоқ тузилишдаги бўлинмалар билан алмашилиб келишини, катта ва кичик тўртбурчакларнинг ўзаро алмашилиб келишини, шифт марказида катта ва тўрт бурчагида кичикроқ ҳавзак – гумбазчалар жойлаштирилган композицияни учратиш мумкин. Юқорида келтирилган шифт композициялари Қўқон, Марғилон, Ўратепа, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар турар жой, масжид, мадраса каби обидаларида кўп учрайди.

Шунингдек, шифт тўсинлари оралиғида вассалар билан тўғри тўртбурчак юзачалар ўрин алмаштирилган ҳолда келиши ҳам мумкин. Бун-

дай шифтлар Самарқанд ва Қашқадарёда кўп учрайди. Фарғона водийси шаҳарларида, Тошкентда тўсинлар текис тахтачалар билан қопланган ва ингичка ёғочлар билан шифт марказидаги бўлинмада кўп бурчакли турунж, даврагул нақшлари ҳам ишланган.

Илк ўрта, ўрта асрларда Марказий Осиёда хона деворининг юқори қисми, шифт ости бўйлаб фриз-безак қатори билан бойитилган (188, 189-расм). Бу тадбир XIX асрда қурилган турунж жой интерьерларида ҳам назарда тутилган (190-расм). Шунингдек, Марказий Осиё халқ меъморчилигида шифт, атрофи мураккаб йиғма муқарнаслардан ташкил топган шарафалар билан айлантирилган. Масжидларда эса шифт қисмлари атрофи бўйлаб ҳам шарафалар қўлланилган.

Тоғли Бадахшон халқ меъморчилигида хона шифти бир нечта бўлинмадан иборат. Улардан биттаси чорхона услубида ишланган. Бу ерда чорхона уч хил кўринишда учрайди. Биринчисида шифт марказий қисми, яъни бешта устун, Қоратегин ва Дарвозда тўрт ва учта устун оралигидаги бўлинма чорхона услубида ишланган. Иккинчи турида чорхона шифтнинг марказдан четдаги бўлинмаларидан бирида ишланган. Учинчисида, хона бутунлайича чорхона услубидаги шифт билан ёпилган (Қалъайи Ҳусайн кишлоғида, Ҳазрати Султон Журадо макбараси).

Шаҳарларда ва Фарғона водийси тоғ қишлоқларида ва қисман Юқори Зарафшон меъморчилигида шифтнинг тўсин ва вассалари умуман, ҳамма қисми сержило рангли бўёқларда бўялган. Ранглар илгарилари тухумдан тайёрланган, XIX аср охириларидан бошлаб елимли бўёқлар, XX асрда мой бўёқлардан фойдаланилган. Самарқандда кабза шифтларнинг вассаларига сариқ, жигарранг, кўк рангларда гул ва иккита мадохил нақши ишланган (191-расм). Тошкентда яшил ёки кўк рангли вассалар заминда оч кўк, оч яшил рангларда мадохил нақши ишланган. Қашқадарёда вассалар қизил рангда ёки жуфт-жуфт ҳолда қизил, кўк, сариқ рангларда бўялган. Уларнинг бундай тартибда бўялиши йўл-йўлли беқасамни эслатади. Васса ўрнида қўлланилган кичик-кичик квадрат тахтачалар юзасига ҳар хил барглар нақши ишланган. Шифтнинг бундай безак тури Бухоро ва Шаҳрисабзда кенг қўлланилган. Фарғона, Тошкент меъморчилигида кўп учрайдиган тахта билан қоплан-

ган шифтнинг ҳар хил рангга бўялган геометрик юзалари заминда ўсимлик ва гуллар нақши ишланган. Бундай безаклар тури Самарқандда ҳам учрайди.

Самарқандда шифт тўсинлари марказидаги, қизил рангли заминда, яшил рангда ўсимликсимон нақшлар, ён томонларида яшил рангли заминда қизил рангли атиргуллар, сариқ рангда унинг ниҳол ва барглари ишланган. Тошкентда тўсиннинг кўк ва бинафша рангли заминда гул ниҳоллари ва барглари билан сариқ, оч яшил рангларда бўялган. Шунингдек, сариқ заминда бинафша, кўк, яшил рангларда ишланган ўсимликсимон нақшлар учрайди.

Умуман, Ўрта Осиёда қадимдан хонада баҳорни эслатувчи муҳитни сақлашга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам шифтга, деворларга ҳар хил гул ва ўсимликсимон нақшлар ишланган. Шифт беагаи сержило рангли композициялари билан кишига эстетик завқ беради. Ёзда хонанинг салқин, қишда эса иссиқ туюлишига кишини ишонтириш эмоциясини беради. Тўсинлар ёрдамида юзага келган геометрик: учбурчак, тўртбурчак, олтибурчак, кўп қиррали юлдузсимон тузилишдаги юзалар ранг-баранг ўсимликсимон юзалар билан боғланиб, яхлит композицияни ташкил қилади. Шифт ости ва деворларининг юқори қисми бўйлаб ўтказилган шарафалар қатори, хонанинг шу икки қисмини нафақат конструктив, композиция жиҳатидан ҳам боғлайди. Шунингдек, шифтнинг хона муҳитида баланд ва баҳаво бўлишига ёрдам беради. Шифт ўзининг ранг-баранг безаклари билан хона муҳитининг маромга етганлигини, яъни тугатилган композицияга эришилганлигини таъминлайди. Хона деворларида ранг-баранг нақшлар бўлмаган тақдирда ҳам бундай шифтлар интерьер муҳитини бадиийлаштира олади ва композиция жиҳатидан тугатилганлигини таъминлайди.

### III. 12. ХОНА ЖИҲОЗЛАРИ- МЕБЕЛЛАР

*Сўнгра саройлардан танлади бирин,*

*Барини безатди гавҳару олтин.*

*Тўрга ўрнатилди тилла қошли тахт,*

*Тўртгала оёғи ҳўкиз бошли тахт.*

*Фирдавсий*

Хона интерьерини нафақат деворий сурат ва нақшлар, ҳайкаллар, балки жиҳозлар билан ҳам таъминлашга ҳаракат қилинган. Лекин шундайтиш лозимки, Марказий Осиёда Овруподагидек стол атрофида стулда ўтириш одати тусига кирмаган. Бунга биринчидан, Марказий Осиё меъморчилигида хона атрофи бўйлаб ёки хонанинг бир қисмини яхлит супа-сўрига ўхшатиб кўтариш одати сабаб бўлади. Чунки хонага кирган меҳмон оёқ кийимини пойгоҳда қолдириб, супага чиқиб ўтирган. Иккинчидан, Марказий Осиёнинг иссиқ иқлим шароити ҳам хом ғиштдан, пахсадан кўтарилган супага гилам, шолча, бўйра ёйиб ўтириш имконини берган. Шундай бўлишига қарамасдан, кундалик ҳаёт учун зарур жиҳозлар қадимдан бўлганлигига археологик ашёлар ва деворий маҳобатли тасвирлар гувоҳлик беради. Жумладан, Панжикентдан топилган кариатидалар – ёғочдан ишланган аёл ҳайкаллари тахт учун бурчак устунлари вазифасини бажарган.\*

Марказий Осиё маҳобатли тасвирий санъатида ҳайвонга ўхшатиб ишланган тахт сурати учраб туради (192-расм). А.М. Беленицкий зооморф – ҳайвон кўриниши билан боғлиқ тахт тасвирларини уч турга бўлади. Биринчи турда тахт оёғи вазифасини иккита қанотли туя ҳайкали бажаради. Бунга Панжикент, Варахша саройларидаги деворий суратлар мисол бўла олади. Иккинчи турга-ётган шернинг белига гиламча тўшаб қўйилган тасвир қиради (Панжикент деворий суратлари, хоналар III, 7; VI, 1). Учинчисида – бошлари шоҳли шерсимон икки ҳайвоннинг беллари билан тутшиб кетган ҳолатини тасвирловчи барельеф – ярими бўртиб ишланган юзали ҳайкал мисол бўла олади (Беленицкий А.К., 1940, 14-б.). Зооморф – ҳайвон аъзоларига монанд шаклларнинг археологик қазималарда ашё сифатида топилиши, деворий тасвирларда

якқол тасвирланиши ўша даврда шундай тахтларнинг ҳаққоний равишда бўлганлигидан далолат беради. Бу ҳақда Г.Пугаченкова ҳам ижобий муносабат билдиради (Пугаченкова Г.А., 1966, 48-б.).

Тахт оддий устунчалардан ҳам ясалган. Устунчалар худди хона устунларидек тагкурси, капитель, кўзаги қисмларидан ташкил топган бўлиши мумкин.

Тахт XX аср бошларигача ҳукм суриб келган. Уларни музейларда учратиш мумкин. Жумладан, Душанбе шаҳридаги Республика тарихий-ўлкашунослик музейида Тожикистоннинг жанубий қисмидан топилган тахт-курси суянчиги сақланмоқда. М. Рўзиев курсини 1763 ёки 1883 йилларга оид ва ундаги расмларда ой ва юлдуз тасвири бўлиб, у ислом дини рамзини билдиради, деб таъкидлайди (Рўзиев М., 1976, 67-б.). Тахт турларини ўрта аср миниатюраларида кўра миз. Уларнинг кўпчилигида тахтлар бошпанасиз тасвирланган. Жумладан, “Нўшобага Искандар расмини олиб келдилар” (Низомий, 1985, 11-расм) миниатюрасида саркарданинг пасткамгина тахтда ўтиргани тасвирланган. “Султон Ҳусайн ва ёш жангчи” миниатюрасида (Низомий, 1985, 73-расм) тахт баландроқ оёқларда бўлиб, уч томони деворча билан айлантирилган. Мазкур тахт ўзининг кенглиги, оддийлиги билан кўпроқ ёғоч сўрини эслатади. “Баҳром шерларни енгиб, тожга эга бўлди” миниатюрасида орқа сахнда ишланган қурилма киши диққатини ўзига тортади. У олд томондан жавонга ҳам, тахтиравонга ҳам ўхшаб кетади. Қурилма оёқчаларга эга. Юқори қисмига сиёҳ рангли соябон ўрнатилган. Мазкур қурилма тахтиравон бўлса ажаб эмас. У нафақат ўтириб, балки ётиб дам олишга ҳам мўлжалланган. Шунга ўхшаш тахтиравонларни “Искандар ва етти донишманд” (Низомий, 1985, 66-расм) миниатюрасида кўра миз. У бироз тикрок композицияга эга. Очик жойларда ўрнатилган тахтларни “Фарҳод Хусрав хузурида”, “Шерларни енгиб тожга эга бўлган Баҳром тахтда” (Низомий, 1985, 172-расм) миниатюраларида ҳам кўра миз.

Тахтлар асосида сўрилар юзага келган бўлса керак, деган фикр туғилади. В.А. Нильсен ишлаган Варахша саройи «Қизил хона»си интерьерини реконструкциясида (Нильсен В.А., Манакова В. Н., 1974, 51-б.) бурчак таянчлари кариатида шаклидаги тахт-сўри тасвирининг гувоҳи

\* Кариатида ҳақиқатида фикр-мулоҳазалар «Интерьерда ҳажмли бадиий тасвирлар» бобида батафсил берилган.

бўламиз. Бизнингча, юпка, ҳарир кийимдаги аёл қомати ишланган кариатидаларни подшоҳ қабулхонасида бўлиши ҳақиқатдан узоқ. Бундай кариатидалар бой-бадавлат хонадонларнинг ички, аниқроғи уларнинг пинҳон тутиладиган хоналарида, подшоҳларнинг ҳарамларида бўлиши мумкин (193-расм). Тахтларнинг катталашиб, сўрига айланганлигини миниатюралардаги тасвирларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, “Султон Ҳусайн ва ёш жангчи” миниатюрасида (Низомий, 1985, 73-расм) тахт ўзининг катталиги жиҳатидан сўрига ўхшаб кетади. Унда бир киши бемалол ётиб дам олса бўлади. “Амир Темурнинг амир Саидали Ҳамадоний билан бўлган баҳса енггани” (Шарқ миниатюраси, 1980, 32-расм) миниатюрасида хона поли сатҳидан 40-50 см кўтарилган сўрини кўрамиз. Унда икки киши баҳаво, кенг сўрида бемалол ўтириб, суҳбат қураётгани тасвирланган. Мазкур расмлардаги тахт ва сўрининг ўхшашлигидан ҳам, улардан бири замирида иккинчиси яратилганлигини сезиб олиш мумкин. Қозоқ халқи маданиятига бағишланган мақолада ўтов тўрида олд томонидан тўқимга ўхшаган катта ёғоч (кароват) сўри фотосурати берилган (НСАК, 1963, 403-б.). Кароватнинг бой нақшу нигори унинг бадавлат хонадонга тегишли бўлганлигидан далолат беради (194-расм).

**Курсилар.** V – VII асрларга оид Панжикент деворий суратларининг икки саҳнасида персонажларнинг суянчиқсиз курсида ўтирганлари тасвирланган (Беленицкий А.М., 1973, 21-б., 15-рангли тасвир). Иккала тасвирда ҳам курсилар деярли бир хил, оёқлари лавҳадагидек бир-бири билан кесишган. Марказий Осиё ва Шарқ халқларида сўнгги ўрта асрларда курсилар ҳам онда-сонда ишлатилганлигига миниатюралар гувоҳлик беради. Жумладан, XVI асрга оид “Фарҳод Хусрав хузурида” (Низомий, 1985, 38-расм) миниатюрасида Фарҳоднинг курсида ўтирганини кўрамиз. Мазкур миниатюрада курси лавҳа тузилишига эга. XVI асрнинг II ярмига оид “Лочин кўтарган йигит” (Шарқ миниатюраси, 1980, 13-расм) миниатюрасида йигит олти бурчакли курсида ўтирибди. Курси оёқчаларга эга. Ҳамма томони нақш билан тўлдирилган.

Кўп бурчакли ва баланд оёқли курсини “Қайс билан Лайли севги қиссаси” (Шарқ миниатюраси ва адабиёти, 1987, 68-расм) миниатюрасида ҳам кўрамиз. Қизиғи шундаки, “Фарҳод Хусрав хузурида” (Низомий, 1985, 14-расм), “Лочин кўтарган

йигит” миниатюраларида дала, очик жой тасвирланган. Шунингдек, “Қайс билан Лайли севги қиссаси” миниатюрасида ҳам айвон орқа деворида бокка чиқиш эшиги тасвирланган. Бундан, шундай курсилардан кўпроқ боғ ҳовлида, овда, дала жойларда фойдаланилган, деган фикрга келиш мумкин.

**Дастурхон.** Археологик қазिशмалар натижасида Марказий Осиёнинг Чуй, Талас, Фарғона ва бошқа воҳаларида хонтахта вазифасини бажарган ва дастурхон деб ном олган курси кўп учратилган. Дастурхон катта юзали патнисга монанд қисмдан ва унинг остига бириктирилган таянчдан иборат. Дастурхоннинг патнисга монанд қисми доирасимон бўлиб, унинг диаметри 50х60, қалинлиги 2х4 сантиметрга тенг. Дастурхон таянчи билан биргалликда 20х30 см баландликка эга.

Дастурхон юзасига турли мавзуларда нақш ишланган. Жумладан, VI-VII аср бошларида Тараздан топилган дастурхон юзасига манихей доктринасига оид ой ва аёл тасвирлари ишланган композиция кўринарли жойни эгаллаган (Сенигова Т.Н., 97-102-б.).

**Тагкурси.** Тахмонларнинг пастки қисми пол сатҳидан бироз кўтарилган бўлган. Уларга айрим ҳолларда кўрпа-тўшак пастдан терилиб чиқилган. Кўпинча тахмонга кўрпа-тўшак териш учун махсус пастқамгина тагкурси ишланган (195-расм). Бундай тагкурси жойхоб дейилиб, Бухоро воҳасида кенг қўлланилган. У Қорақалпоғистон хонадонларида ҳам бўлган. Курси оёқлари жимжимадор қилиб ўйилган. Улар устига сандиқ ҳам ўрнатиш мумкин бўлган (196-расм).

**Бешик.** Бешик ҳар бир хонадоннинг тўридан жой олган. Бешикнинг қадим замонлардан буён кенг қўлланилганлигига X-XI асрларга оид туваклар гувоҳлик беради. У ўзининг функционал вазифасидан ташқари хона кўринишига файз киритади, ўзига хос гўзаллик бағишлайди. Марказий Осиёнинг деярли ҳамма жойида бешик бир хил тузилишда бўлган, лекин нақшу нигори, безак қисмлари билан ажралган.

**Сандиқ.** Қадимда кўпчилик жойда кат деб номланган. У тахмонга сиғадиган қилиб ишланган. Кат устига кўрпа-тўшаклар тахланган (197-расм). Кат юзаси бир нечта қисмга бўлинган, қисмлар асосан 3 ва 4 та катта юзага, улардан биттаси бир нечта кичик юзачаларга тақсимланган. Кат тахтача бўлинмалари юзаларига доирасимон, кўп барг-

ли турунжлар ўйилган. Тахталар атрофи занжира, ингичка йўл-йўл нақшлар билан айлан-тирилган. Кат тахталари бирин-кетин сурилади ва ҳамма қисми очилади. Айвонга ўхшатиб ишланган тоқчага эга кат ҳам ясалган (198-расм).

XIX аср охирида кат юзасини тулука билан қоплаб, унга нақш ишлаш анъаналари кенг ривожланади.

**Сандал.** Марказий Осиё халқлари киш кунларини сандал атрофида ўтказишган. Сандал хонанинг катта-кичиклигига қараб хона ўртасига, бурчагига ўрнатилган. Сандал оддий томонлари тенг тўрт оёқли курсидан иборат. Унинг устига кўрпа, чойшаб ёпиб қўйилган (199-расм).

**Сабояк.** Дастурхон, нон ва идиш-тавоқлар учун кичикроқ кути бўлиб, баланд ва мустақкам оёқларга ўрнатилган. Бундай қутилар Қорақалпоғистонда кенг қўлланилган. Қутилар юзаси узунасига уч қисмга бўлиниб, қисмлари айлана нақш ва занжира нақшлар тизими билан безатилган. Қадимий сабожларнинг аксарияти усти очиқ бўлган (200-расм). Кейинчалик сабожларни сандиққа ўхшатиб ишлаш кенг жорий қилинган (Савицкий И.В., 1965, 34-б., 162-расм).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун ёғоч қутилар ҳам ясашган. Улар доира ва тўғри тўртбурчак шаклида бўлиши мумкин. Шундай қутилар Тоғли Бадахшоннинг Ванч, Язғулом воҳалари қишлоқларида В. Л. Воронина томонидан учратилган (Воронина В. Л., 1951, 15-расм). Қутилар деворлари ва қопқоғи ўймакорлик қилинган (201-расм).

**Кули-ҳамба.** Ўрта Осиёда кули ёки ҳамба деб номланган лойдан ишланган идиш кенг қўлланилган. Улар ҳар хил катталиқда бўлган. Кичикроқлари сомонли лойдан ясалган, каттароқларида оёқларининг пастки юзаси ёғочдан, тахталардан терилган бўлиши мумкин. Кулида ун, бугдой, гурунч, мева-чевалар сақланган. Кулилар олд девори юзасида ҳар хил нақшлар ишланган. Кўпроқ ўсимликсимон нақшлар, ромб, қўчқор шоҳига ўхшаш расмлар ишланган (202-расм).

Кулилар яшаш хоналарининг пойгоҳ қисмида, олд девори хона тўрига қаратиб жойлаштирилган. Айрим жойларда кули тахмон билан биргаликда хона деворига қапиштириб ишланган. Шундай кули Кафт-Кумуш қишлоғида Е.М. Пещерева томонидан учратилган (Пещерева Е.М., 1985, 3-расм). Алоҳида ясалган кулилар деворлари юқори томон ичкарига едилган ҳолда кўтари-

либ борган, оёқлари анча баланд бўлган. Бу тадбир уларнинг мустақкамлигини таъминлашга қаратилган. Улар хона интерьерини сарамжонлигини таъминлайди. Шунингдек, ўзига хос гўзаллик бағишлайди (203-расм).

**Лавҳлар.** Мактабларда, хонадонларда китоб ўқиш учун қўлланилган. Лавҳ суратини сўнги ўрта аср миниатюраларида кўрамыз. Уларда лавҳ ва муаллим олдида ёғочдан ишланган сандиқчани кўрамыз. Сандиқчалар китоб, дафтар, қаламдон солиш учун мўлжалланган. Лавҳ яшаш учун яхлит ёғоч бири иккинчиси ичига киритилган иккита юпка тахтача шаклига келтирилади. Тахталар юзаси айланасимон, геометрик, ўсимликсимон нақшлар билан тўлдирилган. Лавҳ чиройли ва функционал жиҳатдан жуда қулай ишланган.

Марказий Осиё меъморчилигида хона жиҳозлари оиланинг асосий талабига жавоб берган. Жиҳозларнинг кам жой олишига эътибор берилган. Сандиқ, кули - ҳамбалар хона деворларидаги тоқча, тахмон, бўлинмаларга жойлаштирилган. Уларнинг ўймакорлик қилинган нақшу ниғори хона деворларидаги безак билан ҳамоҳанг бўлган. Безаксиз хоналарда жиҳозлар ўз беағи билан хонадаги оддийликни юмшатган ва хонага бадиий мутаносиблик бағишлаган.


### III. 13. ҚАБР ТОШЛАРИ

Мақбараларда қабр тошлари ўзининг тузилиши, беағи ва жойлашиши билан интерьер композициясини белгилаб берган. Шунинг учун мақбара тошлари ҳақида икки оғиз сўз айтишни лозим топдик.


Ўрта Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнги қабр тошлари ўрнатиш кенг жорий қилинади. Қабр тошлари қимматбаҳо тошлардан ясалган, пишган ғиштдан терилган. Улар тузилиш жиҳатидан юқори қисми равоқ шаклига келтирилган композиция; устма-уст поғона шаклида ўрнатилган тошлардан ташкил топган композиция; бурчаклари декоратив устунчалар билан белгиланган тўртбурчак тузилишдаги композиция; юқори қисми равоқ шаклига келтирилган узунлиги 5-10 метр ва ундан зиёд, баландлиги 1,50 – 1,80 метр-га эга композицияларда бўлган (204-расм).

Қабр тошлари юзаси ўймакорлик ва кошторлик қилинган. Уларга турли композицияда ўсимликсимон нақшлар ишланган. Шунингдек, улар юзасига Қуръон оятлари, ҳадисдан ўғитлар,

94-90,



оружий на Кучуктепа. I строительный горизонт. I



қабр тошга дахлдор шахс ҳақида маълумотлар, насихатомуз рубойлар битилган.

Қабр тошлари макбара интерьерига ўзига хос монументаллик бағишлаган. Обида интерьерининг моҳиятини белгилаб берган.

### III. 14. ЧИРОҚЛАР – ЁРИТГИЧЛАР

*Гавҳар қандилларни осди чароғон,  
Хушбўйликка қўшиб таратди райҳон.*

*Алишер Навоий*

Чироқлар хона учун зарур ашёлардан ҳисобланган. Шунинг учун уларнинг такомиллашишига қадимдан эътибор берилган. Бунга археологик ашёлар ва сақланиб қолган қадимий чироқдонлар гувоҳлик беради. Жумладан, милодга қадар айлана тузилишда, патнисга монанд ва панжарасимон баланд таянчга эга шамдонлар топилган. Шамдонлар юзаси йиртқич (шер, бўри) ва уй хайвонлари (от), парранда (қарға) ҳамда отлик, овчи ҳайкалчалари билан безатилган (Байпаков К.М., 1998, зарварақдаги тасвирлар). Ёритгичлар ёғоч, сопол, мис бринждан (бронза) ясалган. Тоғли Бадахшонда XX аср ўрталаригача бринж, сополдан ишланган чироқлар билан бирга ёғоч ёритгичларнинг сақланиб қолганлигидан этнограф олим М.С. Андреев гувоҳлик беради (Андреев М.С., 1958, 213-215-б.). Улар, асосан пилик ўрнатиладиган икки-уч туйнукчали асос ва устунга осиб қўйиладиган тахтачадан ташкил топган. Асос туйнукчалари пилик ўрнатишга мўлжалланган. Пиликлар узунлиги 0,5 – 1,5 метр узунликдаги ёғочдан ташкил топган. У махсус ёққа ботириб қўйилган. Пилик ёниб тугагандан сўнг, ўрнига янгиси ўрнатишган.

Сополдан ишланган чироқлар кичикроқ бўлишига қарамасдан, хилма-хиллиги билан ажралган. Археолог Ш.С. Тошхўжаев X асрга оид Афросиёб чироқларини уч турга бўлади. У биринчи турга доирасимон, мой сақлайдиган қисми ҳалқасимон даста ва бўртиб чиққан узун ковушга эга чироқларни, иккинчи турга мой сақлайдиган қисми япалоқсимон тузилишга ва ҳалқага ўхшаш дастали чироқларни, учинчи турга бу даврда кенг тарқалмаган узун таянчли чироқларни киритади (Ташходжаев Ш.С., 1967, 38-39 б.). Археолог оли-

ма Шишкина Г.В. ўз китобида Афросиёбдан топилган VIII – XIII асрларга оид чироқларнинг 16 хилини келтиради (Шишкина Г.В., 1979, XVI – XVIII-табл.). Уларни умумлаштириб, уч турга бўлиш мумкин. Оддийроқ тузилишдаги чироқлар (205, 206-расм) ётиқроқ ва қайикча ёки ковуш шаклида бўлиб, улар бир-биридан чўзинчоқлиги, катта-кичиклиги, дасталарининг шакли ва жойлашиши билан фарқ қилади. Иккинчи турдаги чироқлар уч ковушли, кўтариб юриш учун дастали ва шифтга осиб қўйиш учун учидан ҳалқа ўрнатиш тик асосга эга бўлиши мумкин. Кўп ковушли дастали чироқ IX асрларда юзага келган. X – XI асрларда у шифтга осибга мослаштирилади (Шишкина Г.В., 1979, 19-б.). Учтинчи турдаги чироқлар ликопча, таянч, боғич ва дастадан ташкил топган. Улар қадах кўринишини эслатади. Бу турдаги чироқлар XII асрда кенг қўлланилади (Шишкина Г.В., 1979, 19-б.).

XI – XII асрларга оид бринждан қуйилган узун таянчли чироқлар Марказий Осиёда кенг қўлланилган. Улар Данданакон (Пугаченкова Г.А., 1967, 120-расм), Лағмон шаҳарчасидан (Литвинский Б.А., Соловьев В.С., 1985, 190-б.), Нурота тоғ қишлоғидан, Талғар (Қозоғистон) (Байпаков К.М., 1998, 163-б.) ва бошқа жойлардан топилган. Бундай чироқ, асосан уч қисмга – ёғ қуйиладиган ликопча, узун таянч ва уч оёқли тўнтарилган косага монанд асосга эга. Тароздан топилган чироқ таянчининг пастроқ қисмида кўза дасталарига монанд иккита дастаси мавжуд (207-расм).

Археологик қазишмалардан топилган мис, бринждан ясалган чироқларни кўздан кечирар эканмиз, уларнинг турли композицияда ишланганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, Данданакондан топилган X – XI асрларга оид чироқ икки ковушли, дастали бўлиб, ёғ сақлайдиган қисми копоққа эга (Пугаченкова Г.А., 1967, 121-расм). Шунга ўхшаш чироқ Ўтрордан ҳам топилган (Байпаков К., 1998, 55-б.). Унинг ковушлари қиррали, ҳамда хайвонникига монанд тўртта оёғи бор.

Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасида XIV – XV асрларга оид олти бринжли чироқ сақланиб қолган. Чироқларнинг ҳар қайси-си ўн ва ундан зиёд ҳалқасимон қисмлардан ташкил топган. Турли қирқимдаги ҳалқалар пастдан юқори томон ингичкалашиб боради. Ҳалқалар юзаси ўсимликсимонокш ва чиройли сулс услу-

бидаги ёзувлар билан тўлдирилган. Ёзувларда Амир Темури ҳақида бағишланган дуолар ва чироқни Тожиддин Исфогоний ўғли Иззадин томонидан 739 йил рамазон ойининг йигирманчи кунини ясалганлиги битилган (Иванов А.А., 1981, 69-736.). Чироқларнинг ҳар бири бир нечта ва турли диаметрдаги ҳалқасимон бўлинмалардан ташкил топган бўлишига қарамасдан, яхлит композицияни ташкил қилади. Уларнинг ўрта қисмидаги ингичкароқ банди даста вазифасини бажарган (208-расм).

Кўп ўйиқчали бринждан қуйилган осма чироқ ҳам Марказий Осиёда кенг қўлланилган. Уларнинг аксарияти доира атрофи бўйлаб жойлаштирилган 16 та ковушдан ташкил топган. Улар нафис ишланган занжирлар ёрдамида шифтга осиб қўйилган (209-расм).

Ёритгичлар тузилишига қараб турли иншоотларда қўлланилган. Жумладан, Афросиёбдан топилган чироқлардан турар жой, сарой ва бошқа турдаги иморат хоналарида кенг фойдаланилган. Уларнинг деярли ҳамма тури махсус қурилма ёки токчага қўйилган. Қурилмалар ёғочдан ясалган бўлиб, 60-80 сантиметр баландликка эга. Шундай қурилмалардан бирини Нуротанинг Устук тоғ қишлоғида учратдик (210-расм). У бир нечта ҳалқасимон бўлинмадан иборат. Бундай қурилмага ўрнатилган чироқдан китоб мутулаа қилганда, оила аъзолари нонушта қилаётганда фойдаланилган. Дам олиш пайтида эса чироқлар баландроқдаги токчага қўйилган. Қизиғи шундаки, Юқори Зарафшон тоғ қишлоқларида IX – XII асрларга оид сақланиб қолган устунларнинг 1,5 ва ундан

зиёдроқ баландликдаги қисмида унинг танасидан бўртиб чиққан супачалар борлиги гувоҳи бўламиз. Улар устун танасидан тўрт томонга бўртиб чиққан. Ана шу супачалар ҳам чироқ қўйишга мўлжалланган.

Шу ўринда яна бир далилга мурожаат қиламиз. Баландлиги 60-70 сантиметрли узун дастали ёритгичлар бизнингча, чироқ қўйишга мўлжалланган қурилмалар ўрнига ясалган бўлиши мумкин. Чунки узун дастали чироқ бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга ва кўтариб юришга қулай бўлган.

Афросиёбдан топилган сопол чироқлар орасида уч-тўрт ўйиқчали ва марказий қисмида баландлиги 10-20 сантиметрли дастали чироқча мавжудлигини изоҳлаган эдик. Мазкур чироқ шифтга осиб қўйилган. Лекин у катта хонани ёрита олмаган. Унинг шаклланган турини Тароздан топилган XI – XII асрларга оид саккиз ковушли осма сопол чироқда (Байпаков К.М., 1998, зарварақдаги тасвир) кўрамиз. Бизнингча, шу турдаги осма сопол чироқни бундан ортик катталаштиришнинг имкони бўлмаган. Бунга сабаб, биринчидан унинг вазни ошган, иккинчидан, таянч ҳалқалари билан бундай оғирликка бардош бера олмади, узилиб тушиши мумкин. Шунинг учун ҳам кўп ковушли (16 та) чироқ бринждан ясалган.

Бундай чироқнинг ҳар бир ковушига пилик ёқилганда уларнинг шуъласи ҳар қандай ҳажмдаги хонани ёритиб юборган. Шунинг учун ҳам улар сарой, масжид, хонақоҳ ва бошқа турдаги обидаларда кенг қўлланилган.



## IV. ИНТЕРЬЕРДА БАДИИЙ ТАСВИР ВА ДЕКОРАТИВ БЕЗАК

Марказий Осиёда обида интерьерини бадиий тасвир билан боғлашга алоҳида эътибор берилган. Бадиий тасвир маҳобатли рангтасвир, ҳайкал ва барельеф – девордан бироз бўртиб ишланган шакллар тарзида келиши мумкин. Бадиий тасвир мавзуси ва унинг қаҳрамонлари иморат вазифаси билан боғлиқ бўлган. Улар сарой, ибодатхона ҳамда турар жойнинг меҳмонхоналарида ҳам ишланган. Бадиий тасвир билан интерьер орасидаги мувозанат улардаги ранг, пропорция, композиция мутаносиблиги билан ечилган.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг бадиий тасвир ўрнини декоратив безак эгаллайди. Иморат ички қисмида декоратив безак деворга ўйиб ишланган ёки ранг билан ишланган ўсимликсимон ва геометрик нақшларни ташкил қилади. Улар ҳам нафақат безак вазифасини бажарган, шунингдек, халқ орзу-ҳавасини ифодаловчи рамзий маъноларга ҳам эга бўлган.

### IV. 1. ИНТЕРЬЕРЛАРДА МАҲОБАТЛИ ТАСВИРЛАР

*Айвон деворига чиздирди сурат,  
Шоҳлар базм, рамздан берар шаҳодат.*

*Фирдавсий*

Маъмурий, диний обидалар интерьерини тасвирий санъат ёрдамида бойитиш одатига Марказий Осиёда қадим замонлардан эътибор берилган. Юнон тарихчисининг таъкидлашича, Искандарнинг Ўрта Осиёга қилган юришларида грекларга ибодатхона, сарой ва турар жой деворларида Зариадр ва Одатиди маҳаллий эпик достони мавзуларига бағишланган тасвирлар тез-тез учраган экан (Бартольд В.В., 1915, 260-б.). Дарҳақиқат, Марказий Осиё меъморий обидаларида, турар жойларда турли мавзуларда бадиий тасвирлар ишланган. Бунга Холча-

ён, Афросиёб, Панжикент ва бошқа обидаларда топилган сюжетли деворий тасвирлар гувоҳлик беради. Бадиий санъат маҳсули - сюжетли рангтасвир, ҳайкаллар ёрдамида обида вазифаси, мавқеи белгиланган. Жумладан, саройларда шоҳнинг тахтда ўтиргани, ов қилиш пайти, қаҳрамонлигини ифодаловчи тасвирлар ишланган. Шунингдек, элчиларни қабул қилиш мавзудаги сюжетлар ифодаланган. Тасвирда элчиларнинг саф тортиб, катта тортик, совға-салом билан келишлари каби персонаж ва сюжетлар орқали шоҳ шон-шухратини намойиш этиш мақсади ўз ифодасини топган.

Мазкур бобда Марказий Осиё меъморий обидалари деворий тасвирлари тавсифига бир оз тўхтаб ўтамиз.

Афросиёб деворий суратлари В.А. Нильсен, Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпель ва бошқа олимларимиз назаридан четда қолмаган. Улар ўз асарларида Афросиёб деворий суратларининг айрим жабҳаларини турли нуқтаи назардан ёритишга ҳаракат қилишган. Афросиёб саройи деворий суратларини тадқиқотчи Л.И. Альбаум атрофлича ўрганишга муяссар бўлган. У сарой деворининг юқори қисмидаги тасвирларининг бутунлайича кўчиб кетган қисмини реконструкция қилишга уринмаган, лекин улар ҳақидаги фикрларини билдирган, холос.

Жумладан, саройнинг ғарбий деворида 42 та персонаж тасвири сақланган, лекин Л.И. Альбаум уларнинг бундан ҳам кўп бўлганлигини ҳамда сақланиб қолган персонажларнинг 30 нафари шоҳ Вархумон сарой аҳлини, 12 нафари элчиларни ифодалаган, деб таъкидлайди (Альбаум Л.И., 1975, 27-б.).

Жанубий деворда Чағониёндан элчиларнинг Самарқанд шоҳига совға-саломлар билан келаётгани тасвирланган. Шимолий деворда отликларнинг ваҳший ҳайвонлари билан жанги натурал катталиқда ифодаланган. Шу деворнинг ғарбий қисмида икки қайиқда одамларнинг сузаётгани ифодаланган.

Ғарбий девордаги тасвирда Самарқанд шоҳи, унинг вазиру арконлари ҳамда элчилар-

нинг совға-саломлар билан кириб келаётгани, мезбонлар томонидан уларни кутиб олиш жараёни ифодаланган.

Афросиёб саройи умумий кўринишини шу ҳолича реконструкция қилганимизда, хона деворининг қарийб ярмини очик қолдиришимизга тўғри келади. Бу, хона кўринишини тўлиқ ёрита олмайди. Бу камчиликни бартраф қилиш учун биринчи навбатда, ҳар бир деворнинг юқори қисмини ҳам расмга тўлдириш керак. Шу мақсадда Афросиёб саройига тегишли адабиётларни, миниатюра расмларини, Варахша, Панжикент саройлари деворий суратларини кўздан кечирдик. Шунинг учун биз кўпинча тасвирдаги персонажларнинг қисман сақланиб қолган аъзолари ҳаракатидан, йўналишидан, ҳолатидан келиб чиқиб, уларни реконструкция қилишга ҳаракат қилдик (Назилов Д.А., 1999, 10-11-б.; Нозилов Д.А., 2000, 183-187-б.). Жумладан, сарой ғарбий деворида элчилар қўлларида совға кўтариб шимол томондан жанубга қараб юраётганликлари ва композиция ўрталаридан юқorigа қараб бурилиб бораётганликлари тасвирланган. Шуниси борки, юқорироқда уларнинг рўпарасида икки одам оёқларининг пошна қисми сақланиб қолган. Улар подшо вазирлари бўлса ажаб эмас. Вазирлар элчиларни кутиб, подшо томон кузатаётган бўлишлари керак. Бу ҳолда, элчилар яна чапга бурилиб, сўнг юқори томон юришлари керак, деган фикрга борамиз. Подшо пастқамроқ тахтада ўтирган, деб фарз қиламиз, чунки тахт баланд бўлган тақдирда, подшо сурати деворга сифмаслиги мумкин, ундан ташқари подшонинг икки ёнида унинг вазиру-арконлари супада ўтиришибди. Уларни композицион боғлаш учун ҳам тахтнинг пастқамроқ бўлиши тақозо қилинади. Энди элчиларнинг юқорида тасвири сақланмаган қисмига эътиборимизни қаратамиз. Подшоҳ уламолари бир қаторда элчиларга орқалари билан ўтиришибди. Агар ўтирганлар бир қаторда бўлганда, улар элчиларга қараб ўтирган бўлар эдилар. Демак, улардан юқорида яна бир қатор бўлган. Уларда ҳам мезбонлар тасвири ифодаланган бўлиши керак, лекин тасвирий сурат композициясининг бу қисми сақланмаган. Тасвирда ана шундай етишмовчиликларни тўлдиришга ҳаракат қилдик.

Жанубий девордаги суратлар, Л.И. Аль-

баумнинг фикрича, Чағониёндан Самарқандга элчилар келиши маросимига бағишланади (Альбаум Л.И., 1975, 19-б.). Л.И. Ремпельнинг хулосасига кўра, бу тасвирда тўй маросими акс эттирилган (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1982, 121-б.). А.М. Беленицкий ва Б.И. Маршаклар эса хорижий давлатлар элчилари билан ибодатхона томон саждага бораётганлари тасвирланган, деган фикрни айтишган (Беленицкий А.М., Маршак Б.И., 1976, 85-б.). Бироқ, нафақат жанубий, балки бошқа деворий суратларда ҳам илохий белгиларни учратмаймиз. Бизнингча, Л.И. Альбаум фикри ҳақиқатга яқин.

Қатор бўлиб бораётган отликлар, совғага олиб борилаётган туяқушлар олдида фил тасвири сақланиб қолган. Филнинг устида тахтиравоннинг орқа қисми ёғоч асоси ва уни ушлаб бораётган аёл қўли, танасининг бир қисми сақланиб қолган. Л.И. Альбаумнинг чойшаб устида ўтирган қиз-хукмдорнинг рафикаси ёки қизи ва ёки келини, орқада қора кўрпачада ўтириб, тахтиравонни ушлаб бораётган аёл эса, унинг хизматкори бўлса керак, деган фикри (Альбаум Л.И., 1975, 42-43-б.) ҳақиқатга яқин, албатта (211-расм). Бундай хулоса қилишга биринчидан, тахтиравонни аёл ушлаб бориши, иккинчидан, фил кетидан учта отлик аёлнинг боришлари сабаб бўлади. Деворнинг шарқий қисмида, кўшкнинг баланд пойдевори ва унинг икки устунининг пастки қисми сақланган. Кўшк ичида қимматбаҳо тўн кийган уч нафар кишининг ва кўшк ташқарисида бир кишининг тасвирлари тиззасигача сақланиб қолган (212-расм).

Л.И. Альбаумнинг фикрича, бу, яъни тўртинчи шахснинг кўшк ташқарисида қолиб кетиши рассомнинг композицион хатоси бўлган (Альбаум Л.И., 1975, 40-б.). Бизнингча, рассом хатоликка йўл қўймаган. Бордию, хато бўлганда эди, ғарбий деворда сақланиб қолган тузатишлар каби ушбу камчиликларни ҳам тўғирлаш мумкин бўлар эди. Тузатишлар Қалъаи – Кофирнигин саройи деворий суратларида ҳам учрайди. Афросиёб деворий суратида тўртинчи шахснинг кўшкка кириш пайти тасвирлаган. У кўшк майдончаси сатҳини чизишни лозим кўрмаган. Шунинг учун кириб келаётган киши ҳавода муаллақ қолгандек туюлади. Кишининг оёқлари ҳолати ҳам унинг ҳаракатдаги қиёфасини беради.

Шуни айтиш лозимки, Афросиёб саройи-

нинг барча деворларида суратлар каватма-кават жойлаштирилган. Жанубий деворнинг пастки қисмида – пиёдалар ва отликлар, ўрта қатламида эса туякушларни йўлга солиб бораётган хизматкорлар, юқори қатламда эса совғага олиб борилаётган отлар тасвирланган. Қатламларнинг бирор-бир жойида уфқ чизиги, яъни ер кўрсатилмаган. Мазкур тадбир рассомнинг тасвирлар композициясида фазовий кенгликни, баҳаволикни сақлаб қолишга уринганлигидан далолат беради.

Шимолий девор тасвирлари саҳнаси шарқий Туркистондан Самарқандга элчиларнинг келишига бағишланган (Альбаум Л.И., 1975, 19-б.). Бу деворнинг жанубий қисми тасвирлари яхши сақланган. Фарбий қисмининг кўп жойини сув манзараси эгаллаган. Унда бир қайикнинг тасвири яхши сақланиб қолган. Қайик ўртасида ўтирган мартабали аёл атрофида унинг канизаклари ва мусиқа чалаётган аёл тасвирланган. Иккинчи қайикнинг бир учи ва эркак кишининг танаси сақланиб қолган. Мазкур қайикда эркак киши тасвирининг сақланиб қолиши унда фақат эркаклар бўлганлигидан далолат беради. Сўнгги ўрта асрлар миниатюра рангтасвирлари билан танишганимизда, дўмбира, уд ва бошқа мусиқа асбоблари садоси остида мартабали зотларни кузатиб бориш саҳнасига тез-тез дуч келамиз. Жумладан, Бобур саёхатларига бағишланган миниатюраларнинг бирида тўртта қайик тасвирланган бўлиб, уларнинг учтасида дўмбира чалаётган мусиқачилар иштирок этишган (Бобурнома расмлари, 1978, 94-расм.). Кўриниб турибдики, қадимдан кемаларда мусиқачиларнинг бўлиши назарда тутилган. Чунки мусиқа ҳар хил хавф-хатардан огоҳлантириш, нотаниш ўлка қирғоғига яқинлашганда ўзларининг дўстлик сафарларини билдириш, сувда йўналишни йўқотганлигини билдиришда қўл келган. Шунингдек, бирон-бир рамзий вазифа ҳам бажаришда хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Шунинг учун иккинчи, яъни эркаклар сузаётган кемада ҳам мартабали шахсни кузатаётганлар орасида мусиқачилар бўлган, деб фараз қиламиз.

Сув саҳнасида қайиклардан кейинги қисмида сузиб бораётган отнинг бош қисмини кўрамиз. Отлардан бири ёнидан ушлаб бораётган кишининг боши, елкаси ва ўнг қўли тасвири сақланган. Мазкур далилга асосланиб, иккин-

чи отнинг ҳам эгаси биргаликда сузиб бораётган бўлиши керак, деган фикрга келамиз.

Афросиёб деворларидаги тасвир ҳақидаги фикр-мулоҳазамизни тугатиб, шуни айтишимиз мумкинки, унда тасвирлар маъно жиҳатидан бир мавзуни, яъни элчиларни кутиб олишга бағишланган.

Бунжикат саройидаги тасвир бешта саҳнали сюжетни ўз ичига олган. Биринчисида, тахтда ўтирган одам тасвири қисман сақланган. Иккинчисида, икки ёш бола, бир аёл ва иккита эркак қомати ишланган. Учинчисида, сув тўлқинлари ва сувда сузиб бораётган номаълум жонзотнинг бош қисми, тўртинчи саҳнада уч нафар кишининг сув томон келаётгани тасвирланган. Бешинчи саҳнада бўрини эмаётган икки бола тасвири қарийб бутунлигича сақланиб қолган (Вороница В. Л., Негматов Н. Н., 1986, 95-96-б.).

Панжикент саройида асосий хона – қабулхона деворларида тасвирий суратлар шох кундалик ҳаёти ва қаҳрамонликларини ифодалашга қаратилган. Хона тўридаги девор марказида шох, шер устига миндирилган тахтда ўтирибди. Икки ёнида тасвирлар икки ярусда ишланган. Уларда ов жараёни, чодирлар, мулозимлар тасвири ифодаланган. Хона ён деворларида эса тасвир уч ярусда ишланган. Ўнг томон деворида отликлар жанги, шохнинг от арава атрофида бораётгани, чап деворида соябон остидаги супа курсида дам олиш жараёни ифодаланган.

Варахша саройида қабулхона икки ён деворидаги деворий суратлар уч ярусда оқ ва сариқ рангли филларда ўтирган жангчиларнинг йиртқич ҳайвонлар билан уришаётгани, ўртадаги ингичка қаватда от, фил ва қўлга ўргатилган йиртқич ҳайвонларнинг хона тўри томон қадам ташлаб боришлари ва юқоридаги баланд қаватда оқ мевали дарахтлар ва қанотли туялар тасвири ишланган.

Г. Бобожонова Варахша деворий суратларидаги қаҳрамонларнинг йиртқич ҳайвон билан жангини Ўрта Осиё халқлари рақсларига ўхшатиши жуда ўринли. Унинг фикрича, тасвирдаги оёқ, қўл, тана ҳаракати ҳолати Ўрта Шарқ саънатидаги анъанавий рақсга хос тўлқинсимон, доира, ўрамасимон ҳаракатлар вазни таассуротини беради. Бу тасвирдаги қомат ҳаракати, вазн ва рақсдаги ҳолат ўртасидаги боғлиқлик Варахшадаги суратлар саҳнасига ўзгача оҳанг бағишлайди, аниқ жойлаштирил-

ган ранглар муқоми уйғунлигини муайян кучайтиради. Мазкур барча воситалар орқали борлиқни афсонавий поэтик идрок этишнинг асосий усули ва давр эстетик идеалининг ифодаси ҳисобланган қаҳрамонларни кўкларга кўтаришга йўналтирилган (Бабаджанова Г., 1995, 14-б.).

Ов ва меҳмондорчилик мавзусидаги монументал композициялар кўпгина бинолар интерьерда ишланган. Бу масала юзасидан Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Тавка деб номланган қалъа (божхона) деворларида сақланиб қолган суратлар парчалари киши диққатини ўзига тортади. Тавка қалъаси деворий суратлари Ш.А. Раҳмонов томонидан ўрганилган. Унинг китобида суратлар парчалари тасвири ва қисқача изоҳига алоҳида эътибор берилган (Раҳмонов Ш.А., 2001, 30-60-б.). Ш.А. Раҳмонов китобида келтирилган суратлар парчаларини кузатар эканмиз, улардаги тасвирлар икки, яъни кийик ови ва меҳмондорчилик мавзуларига бағишланган, деган фикрга келамиз. Чунки, тасвирда овчилар чопқир отлари билан охуларни қуршовга олиб, овлашга интилаётганликлари яққол сезилади. Шунингдек, аёл ва эркак кишилар юзлари тасвирланган парчаларнинг бир жойда кўп миқдорда уюлиб қолиши, шу жойнинг тўғрисидаги девор саҳнасида меҳмондорчилик жараёни тасвирланган, деган фикрга ундайди.

Меҳмондорчилик жараёни Болаликтепа кўшиқ деворларидаги монументал суратларда ифодали тасвирланган. Л.И. Ремпель фикрича, деворда, “Шоҳнома” қаҳрамонларидан Фаридуннинг ўғиллари Салм, Тур, Эҳрожларнинг, Яман шоҳи Сарв ва унинг қизлари томонидан меҳмон қилинаётгани тасвирланган (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1960, 73-75-б.). В.А. Нильсен эса кўшк эгасининг меҳмон кутиш жараёни тасвирланган (Нильсен В.А., 1966, 284-б.), деб ёзади. Тасвирда балки Л.И. Ремпель айтганидек, “Шоҳнома” қаҳрамонлари назарда тутилган, биз бу баҳсга жавоб қидирмаймиз, лекин иккала олим ҳам меҳмондорчилик жараёни тасвирланганлигини эътироф этадилар (213-расм).

Дарҳақиқат, хонанинг тўрт деворида 28 нафар аёл ва эркакларнинг меҳмондорчиликда ўтирганлари натурал ҳажмда ишланган. Тасвир композициясининг орқа қисмида хизмат-

корларнинг елпигич ушлаб турганлари акс эттирилган. Монументал тасвир композициясининг олд қисмида меҳмонлар жуфт-жуфт бўлиб ўтиришибди, кўлларида қадах. Тасвирда уларнинг қадах ушлаган бармоқларининг ҳаракатлари жуда моҳирлик билан ишланган. Айримларининг кўлларида қадах, лекин кўзлари ён томонда, гўёки хонанинг тўрт қисмида раққоса рақсини томоша қилаётгандек. Бунга уларнинг кўзларидаги ҳавас билан боқиш ва қизиқиб тикилишлари гувоҳлик беради. Бундай ҳолатни фарбий девор тасвири марказидаги икки аёл юзидан ҳам сезиш мумкин. Дарҳақиқат, Марказий Осиёда рақс тушиш санъати қадимдан ривожланганлиги ҳақида ёзма маълумотлар бор. Жумладан, Хитой шоири Во-Дзюй-И Марказий Осиёда яшовчи нозанин раққоса рақсини куйидагича таърифлаган эди:

**Раққоса, раққоса!**

**Юраги созга ҳамоҳанг,**

**Торлар ва ногора янграб, энглар кўкка интилар,**

**Гўё қуюндаги қордай пилдирар, чир айланар рақсда.**

**Сўл томон айланар, ўнгда айланар, чарчаш нелигин билмас,**

**Минг давра ясайди, ўнг мингта чарх урар, адоғи йўқдай.**

**Инсонлар ёки барча мавжудот ичида йўқдир ўхшаши,**

**Учар арава гилдираги ҳам, қуюн ҳам унга етолмас.**

**Куй тугади, таъзим қилар раққоса Осмон ўғлига**

**Император жилмаяр унга...**

**(Проблемы востоковедения, 1960, 127-б.; Бухоро Шарқ дурдонаси, 1997, 132-б.)**

Хитой шоири ўз хис-ҳаяжонини, таас-суротини жуда жозибали, ҳаққоний мисраларда ифода этган. Бундай мисраларни фақат ўз кўзи билан кўрган ва бу рақсдан ниҳоятда завқланган, илҳомланган кишигина ёзиши мумкин. Болаликтепа кўшиқдаги деворий сурат ижодкори – рассоми нега раққосани ифодаламаган экан, деган фикр келади. Шу масала юзасидан Шарқ миниатюра расмларини ҳам кўздан кечирдик. Базм жараёни ифодаланган 24 та миниатюрадан атиги 7 тасида раққоса тасвирини учратдик.

Дархақиқат, мусиқа бор жойда рақс ҳам бор. Мусиқа кишини ўз ҳоли-жонига қўймайди, завқини оширади, дилидан ғуборини аритади. Ҳаётга, муҳаббатга, эзгуликка чорлайди, куйга ҳамоҳанг бўлишга даъват этади. Киши ҳамоҳанглигини ўша пайтда ўз рақси билан изҳор эта олади. Мусиқа ижросини ифодалаган миниатюра расмларининг аксариятида рақснинг ифодаланмаганлиги кишини ўйга солади. Мазкур мавзу ечими махсус изланишни талаб қилади.

Ибодатхоналарда ҳам тасвирий санъатнинг ўрни катта бўлган. Будда, Зардуштий, Маздак ва бошқа динлар ўз идеологиясини, урф-одатини, тасвирлар, бутлар орқали ташвиқот қилишга ҳаракат қилган. Тасвирий санъат сахналари орқали ўз дини мухлисларини кўпайтириш ва унинг таъсир доирасини кенгайтиришга ҳам қаратишган. Фаёзтепа ер усти монастири деворларидаги бир сахна фикримиз исботи бўла олади. Монастир ибодатхоналаридан бирининг шимолий деворида Кушон давлати шоҳларидан Канишка ўзининг саккиз нафар амалдорлари билан Будда худосига сажда қилгани совға-салом кўтариб келганлари тасвирланган. Фаёзтепа ибодатхонаси идеологлари деворий тасвир орқали нафақат шоҳ Канишка буддавийликка ҳомийлик қилишини, балки унинг мулозимлари – қатор илоҳийлари, (214-расм) яъни бошқа дин худолари ва руҳонийлари ҳамда аёл илоҳийлари ҳам Будда худосини қадрламоғи лозим, деган ғояни ифодалашган (Альбаум Л.И., 1990, 18-27-б.).

Қишлоқ, шаҳар, вилоят, ўлка раҳбарларига зардуштийлик динига бўйсунуш ва унинг талабига амал қилиш ҳақидаги мурожаати Авестонинг муқаддас китобидан ҳам ўрин олган (Авесто, 2001, 50-б.).

Будда динига мансуб ибодатхона интерьерлари деворларида монументал тасвир асосий безак ҳисобланган. Улардаги тасвирий сюжетлар Буддани илоҳийлаштирувчи мавзуларга қаратилган. Жумладан, Қоратепа маконидаги ибодатхона деворий суратларида Будда юзи аниқ, жуда ёш, гўзал тасвирланган. Гўёки бу ёшлик, гўзаллик унга абадул-абадга берилган, гўзал сиймо тимсолида кўзлари бироз пастга, ибодат қилаётганларга қаратилган ҳолда ишланган. Мазкур ибодатхонанинг бошқа деворида Будда ва учта коҳин расми тасвирланган. Будда биринчи планда катта ҳажмда, коҳинлар тасвири эса бир-биридан узоқлашган сайин кичрайиб

борган ҳолда ишланган. Тасвир сюжети учун замин (фон) вазифасини бажарган дарахтларнинг турли ҳолати чизилган. Жумладан, Буддани узоқдаги охириги дарахтда шоҳлари энди куртак очаётгани, ундан бериқроқдагиси барг билан қопланаётгани, Буддага яқинроқдаги дарахтнинг гуллагани ва Будда тўғрисидаги эса, меваларнинг пишгани тасвирланган (Неглинская М.А., 1990, 22-23-б.).

Ажинатепандаги Будда ибодатхонаси деворларида сақланиб қолган суратларнинг аксариятида Будданинг бош қисми ҳамда унинг ўтирган ҳолати ифодаланган.

Жумладан, XXVII, XXVIII хоналарнинг свод шаклидаги шифтида 192x27 см, 165x75 см ли тасвир учратилган. Улардан бирида 5 қатор, иккинчисидан 4 қатор буддавийликка мансуб персонажлар тасвирланган. Персонажлардан ҳар бири 42x34 см юзани ташкил қилади. Қаторлардаги одамлар тасвири устма-уст бир ўқда жойлаштирилган (215-расм). Ёнма-ён ўтирган кишилар бир-биридан сариқ рангли новдачалар билан ажратилган. Горизонтал қаторда юқорига кўтарилган новдачалар Будда боши устида оқ рангдаги беш баргли нилуфар (лотос) шаклида тугайди (Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И., 1971, 63-64-б.).

Мазкур хоналардаги тасвирларда катта ёки байрамона ибодат жараёни тасвирланган бўлиши мумкин. Чунки уларнинг ҳаммаси деярли чордона ўтирган ҳолда тасвирланган. Бу, гўёки мусулмонларнинг намозларда қатор саф тортиб ибодат қилишларини эслатади. Ажинатепа ибодатхонаси шифти бутунлайича Будда динига мансуб персонажлар билан тўлдирилган ва уларнинг қаршисидан катта ҳажмдаги ибодатни бошқараётган Будданинг тасвири ишланган бўлса ажаб эмас. Шунга ўхшаш тасвири манихей динига мансуб VIII – IX асрларга оид миниатюрада кўришимиз мумкин (Денике Б., 1938, 24-25-б.). Миниатюрада оқ кийим кийган манихей дини пешвозлари, коҳинларнинг (жрецлар) икки қаторда ўтириб дафтарга ёзаётган пайтлари тасвирланган. Улар, гўёки Монийнинг маърузасини қунт билан эшитиб, ўз дафтарларига ёзаётгандек. Юқоридаги қаторда шахслар бир-биридан соябонга ўхшатиб ишланган дарахтлар таналари билан ажратилган. Б. Денике: « Манихей дини негизда зардуштийлик, христианлик ва буддавийликдан олинган жиҳат-

лари бор», - деб ёзади (Денике Б., 1938, 23-б.). Юқоридаги миниатюрада персонажларнинг Ажинатепадагидек дарахт танаси билан ажратилиши манихей дини билан буддавийлик орасида ўхшаш одатларнинг, жумладан “ҳаёт дарахти” каби тушунчаларнинг борлигидан далолат беради.

Ибодатхоналар деворий суратларини кўздан кечирар эканмиз, уларда диний маросим, ақида ва оятларни бажариш жараёнини тасвирлаш мақсади назарда тутилганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, Панжикент эҳромларидан биридаги (иккинчисида) деворий суратлар композицияси жуда қизик сюжетга бағишланган. Эҳром кириш айвонининг жанубий деворида бир гуруҳ отлик ва пиёдаларнинг эҳромнинг асосий қисми томон бораётганликлари ифодаланган. Улар ҳар хил кийимда ва бўладиган маросимда иштирок этиш учун эҳром томон шошилаётганликларини уқиб олса бўлади.

Эҳром ичида эса мотам жараёни тасвирланган. Унинг жанубий деворида марҳум билан видолашув жараёни мохирлик билан ифодаланган. Марҳум ёш йигит, унинг жасади учта катта равоқли қурилма ичида ётқизилган. Атрофида аёл ва эркаклар сочлари туширилган ҳолда мотам маросимига оид одатларни ижро этмоқдалар. Улар қайғуриб йиғламоқдалар, юзларини тирнамоқдалар, қулоқлари учини пичоқ билан қирқмоқдалар. Тасвирнинг чап томонида учта аёл сурати катта ҳажмда ишланган. Улардан биринчиси тўртта қўлга эга. Икки қўли сақланмаган, қолган икки қўлидан биттаси боши томон йўналган, иккинчисида идиш ушлаб тургани тасвирланган (216-расм). А.М. Беленицкийнинг фикрича, бу учала аёл тасвири илохийлаштирилган персонажларининг дафн маросимида қатнашаётганликлари ифодаланган (Беленицкий А.М., 1954, 34-б.).

Тасвирлар саҳнасида марҳум ётқизилган қурилманинг ўзи ҳам диққатга сазовордир. Шунинг учун ҳам бу қурилма устида бироз тўхтаб ўтамиз. Мазкур қурилмани тадқиқотчилар йўл-йўл матодан тикилган гумбаз (Беленицкий А.М., 1954, 34-б.); равоқлар ва ёғоч синчларга тортилган қизил матоли гумбазга эга ёғоч шийпон шаклидаги тобут (Дьяконов М.М., 1954, 111-б.); ёғоч ва матодан ишланган шийпон (Якубовский А.Ю., 1951, 252-б.), деб таъкидлайдилар. Г.А. Пугаченкова “кад” ўликнинг алоҳида

уйи, бу жойда мурда билан видолашув каби маросимлар бажарилган, сўнг майит даҳмага олиб ўтилган, деб ҳисоблайди (Пугаченкова Г.А., 1963, 71-72-б.). Шунингдек, Г.А. Пугаченкова Панжикент деворий суратдаги қурилма реконструкциясини ҳам келтиради. Реконструкцияда қурилма иморат кўринишига эга. Бизнингча мазкур қурилма М.М. Дьяконов айтганидек, тобутга монанд қурилма бўлиши мумкин. Бу фикрга келишимизга қуйидагилар ундайди: Бизнингча қурилма П.И. Костров таъкидлаганидек, тошдан қурилган меъморий иншоотга (Костров П.И., 1959, 166-167-б.) ўхшамайди. Аксинча, бу енгил конструкцияда (ёғоч, мато) бўлганлиги тасвирдан аниқ билиниб турибди. Биринчидан, гумбаз остида тошдан бундай катта туйнук қолдириш мумкин эмас ва унинг юқори қисмини кенг ярим доира шаклидаги равоқ билан туташтириб бўлмайди. Иккинчидан, кичкина равоқлар қатори устига бир қатор тош териб, устидан яна йирик равоқлар қаторини ўрнатиш, конструктив жиҳатдан мумкин эмас. Учинчидан, иморатнинг ярим баландлигида тўрт томони кенг равоқлар ёрдамида очик қолдирилган конструктив асос устида қаварикли, яна устига қирқимда ярим доира кўринишидаги гумбазни ўрнатиш мумкин эмас. Шунингдек, V-VIII асрларда тош ёки паҳсадан қаварикли гумбаз яратиш деярли қўлланилмаган. Тўрттинчидан, бундай ярим очик композициядаги кад иншооти археологлар томонидан бирон-бир маконда деярли очилмаган, десак бўлади.

Шу сабабларга асосланиб, қурилмани қаддан даҳмага олиб бориладиган тобут ёки видолашув учун қурилган енгил қурилма, деб ўйлаймиз. Фикримиз исботи учун қуйидаги далилларга мурожаат қиламиз. Биринчидан, тасвирда қурилманинг бутун конструктив қисмлари енгил ва юпқа ашёлардан бўлганлиги аниқ сезилади. Иккинчидан, қурилма гумбазнинг кенглиги ва ётиқроқлиги унинг томонлари тенг тўртбурчак эмас, балки узунчоқ тузилишдаги композицияда бўлганлигидан далолат беради. Г.А. Пугаченкова реконструкциясида иншоот деворлари усти бўйлаб йўналган қадимий шаҳар мудрофаа деворлари ва қалъаларга хос кунгиралар гумбаз ва қурилма орасидаги бўшлиққа монандлиги тасвирда ҳам сезилади. Шунингдек, кунгирага монанд мазкур қатор матонинг пастки қисмидаги нақш бўлиши мумкин. Биз-

нингча, гумбаз синчлари тобут юқорисидаги горизонтал ёғоч-асосга киритилган. Гумбазнинг ўзига келсак, у кўпроқ эгилган синч ёғочлар устига ёпилган ва мустаҳкамланган кизил рангли матога ўхшайди.

Шу ўринда яна бир мотам маросимига бағишланган, Тоқ қалъадан (Хоразм) топилган оссуария - гўр қути деворига ишланган тасвирга мурожаат қиламиз. Унда ўртада ёйилган кўрпача, чойшаб устида майит ётқизилган. Видолашувга йиғилганлар майитнинг юқори ва пастки қисмида тасвирланган (Ставиский Б.Я., 1966, 263-б., 83-расм). Бизнингча, майит хонада жойлаштирилган. Чунки кириш эшиги устида ойга монанд нақш ва икки ён томонга эгилган ниҳол ҳамда майит ётқизилган жойда гилам нақшига монанд, юқоридагидек ниҳол тасвирининг мавжудлиги, воқеанинг хона ичида ўтаётганлигидан далолат беради. Тоқ қалъадан топилган оссуария – гўр қути деворига ишланган тасвирда ҳам ўлик ўртада кўрпачага ётқизилган. Мотамсара қариндош-уруғлари унинг атрофида сочларини юлиб, ўлик билан видолашмоқдалар (Ставиский Б.Я., 1966, 263-б., 83-расм). Мазкур тасвирлардаги ўлик билан видолашув жараёни “кад” ичида ёки махсус хонада ўтказилаётибти, деб ўйлаймиз. Чунки кадда, хонада майит ёнида унинг яқинлари: умр йўлдоши, фарзандлари ўтириши мумкин. Энди яна Панжикентдаги тасвирга қайтамиз. Панжикент тасвирида ўлик Г.А. Пугаченкова айтганидек, “кад” ичида ётқизилган бўлганда, каднинг ички кўриниши, яъни интерьер тасвирланган бўларди (217-расм).

Шундай қилиб, юқоридаги далиллар мазкур иншоот тасвирини тобут дейишимизга асос бўла олади. Бизнингча, қурилма кад ва дахма оралиғидаги зарурий маросимни бажаришга мўлжалланган. Майит каддан олиб чиқилган ва тобутга ётқизилган. Тобут, майит билан видолашув маросими бажарилиши пайтида, баланд супага ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги қурилма устига қўйилган. Видолашув маросими тугагандан сўнг тобутни одамлар елкаларига олиб, дахма томон йўналишган (218-расм).

Панжикент эҳромларида қўлларида ой ва қуёш (VI хона) рамзини ушлаб турган, елкалари ортида олов учкунлари ифодаланган, боши устида табиат кучлари тасвирланган аёл коматининг бўлиши зардуштийлик динининг Ўрта

Осиё вариантыда аёл худосига алоҳида ўрин ажратилганлигидан далолат беради (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 117-б.).

Марказий Осиё меъморчилиги интерьерларидаги маҳобатли тасвирлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни умумлаштириб, уларни мавзу жиҳатдан қуйидаги турларга бўламиз. Саройларда – шоҳлар тасвири ва уларнинг қахрамонона жанги, меҳмон кутиш, қўшни давлатлардан элчиларнинг кириб келиши ва уларни кутиб олиш жараёни, йиртқич ҳайвонлар билан жанг, дарёдан қайиқларда сузиб ўтиш, шахмат ўйнаш ва шунга ўхшаш мавзулар тасвирланган. Диний иморатларда диний маросимларга оид одатларнинг бажарилиши Будда ва Бодхистава-Будда аёл суратлари, сарой, ибодатхона ва турар жойларда, тарихий воқеа ва ривоятларга оид саҳналар ифодаланган.

Тасвирлар пастки ва юқори томонидан кенг изора-бўлинмалар билан чегараланган. Изора ўсимликсимон, гул новдачаларининг тўлқинсимон йўналишда қайтарилган нақшлари билан тўлдирилган. Бу тадбир маҳобатли тасвирни композиция жиҳатидан тугатилишини, яхлитлигини таъминлайди. Тасвирлар кичик-кичик саҳналарга бўлинган ёки яхлит композицияни ташкил қилган ҳолда ишланган. Яхлит композицияга эга мавзудаги тасвирлар хона деворини бутунлай эгаллаган (Болаликтепа саройи) ёки девор юзаси 2-3 қатор бўлинмаларга жойлаштирилган ҳолда келиши мумкин. Бўлинмалар оралиғи ўсимликсимон нақшли изоралар билан чегараланган. Бундай пайтда ҳар бир бўлинмадаги тасвирлар обидадаги умумий мавзу учун хизмат қиладиган алоҳида-алоҳида саҳналарга эга (Варахша). Тасвир композициясидаги саҳналар тўп-тўп бўлиб бир-биридан кўтарилган ёки туширилган ҳамда бири иккинчисининг бир қисмини қоплаган ҳолда келиши мумкин. Уларда саҳналар бир-биридан чизик ёки изора билан ажратилган (Афросиёб, Кофирнигин ва бошқалар). Шунингдек, саҳналар уфқ чизигига нисбатан тик тушган чизиклар билан бўлинмаларга тақсимланган ёки Будда, Бодхистава тасвирлари ўсимлик новдачалари билан доира ичига олинган ҳолда келиши мумкин (Бунджикат, Ажинатеп).

Илк ўрта аср монументал тасвирий санъати билан қисқагина танишишимизнинг ўзиёқ, тасвир орқали иморатнинг функциясини ёритишга,

унинг тантанаворлигини, динларнинг обрўйи-ни оширишга ва мухлисларининг кўпайишига хизмат қилишига, шоҳларнинг шон-шухратини, куч-қудратини намоиш қилишига қаратилганлигидан далолат беради.

## IV. 2. ИНТЕРЬЕРДА ҲАЖМЛИ БАДИИЙ ТАСВИРЛАР

*Қудратда ягона ва қўркмасдирсиз,  
Эй, жисми тошлардан бунёд илоҳлар!  
Сизларни яратди заиф инсоннинг  
Ўзиданда заиф, кучсиз қўллари.  
Баланд шоҳсупадан виқорла боқиб,  
Асрлар ўтишин кузатасиз жим.  
Ва на вақт, на елдан учқур бўронлар,  
Қудратингиз узра бўлолмас ҳоким.*

**Муҳаммад Азиз Асхбаби\***

Марказий Осиёда, жумладан, Тоҳаристон(Бақтрия), Хуросон(Парфия) ва Сугдда антик ва илк ўрта асрларда ҳайкалтарошлик санъати кенг ривожланган. Ҳайкалтарошлик санъати намуналари сарой, эҳром ва бой хонадонлар уйлари интерьериде кенг қўлланилган. Ҳайкалтарошлик санъати, асосан икки йўналишда шаклланган. Бу ҳажмли ва барельеф-девор, юзасидан ярим бўртиб чиққан ҳажмда ишланган.

Ҳайкаллар кўпроқ гилдан, ганч, тош ва ёғочдан ишланган. Гилдан ясалган ҳайкаллар қизғиш рангга бўялган. Бунга Холчаён саройи ҳайкаллари мисол бўлади. Ҳайкаллар орқали шоҳ шон-шухратини, давлат куч-қудратини, душман устидан ғалабани ва мурувватни ҳамда халқнинг диний эътиқодига тегишли илоҳлар сиймосини ифодалашган. Г.А. Пугаченкова: «Холчаён саройи ҳайкаллари мағзида таъсирчан реализм ётади, у Кушон уйининг Осиё тарихида саҳнага чиққан, яъни машҳур вакиллари-нинг характерини ва аниқ сиймоларини (образ) ифодалайди», - деб ёзади (Пугаченкова Г.А., 1971, 105-б.; Пугаченкова Г.А., 1978, 109-б.). А.И. Вошинина Холчаён ҳайкалларида ўша давр одамлари портрети реалистик тасвирланган, деб

фикр билдиради (Вошинина А.И., 1987, 384-б.). Иккала муаллифнинг билдирган фикрлари бир-бирига зид эмас, аксинча бир-бирини тўлдирди. Чунки ўша давр одамлари портретини реал ифодалай олган ҳайкалтарош конкрет-аниқ шахслар ҳайкалини ишлашига шубҳа қилиш ноўрин, албатта (219-расм).

Барельеф – ярим бўртиб чиққан ҳолда ишланган ҳайкаллар, Холчаён саройи мавқеини, унинг функциясини, шоҳлар сулоласини ва уларнинг шон-шухратини билдиради. Барельефнинг хона девори юқори қисмида горизонтал бўлинма сифатида жойланиши интерьернинг тантанавор, композиция жиҳатидан гўзаллигини, девор юзасининг пропорция жиҳатидан мутаносиблигини, унинг интерьер қисмлари билан ҳамоҳанг бўлишини ҳамда хонанинг турли бурчагидан барельеф композициясининг яхлит кўринишини таъминлайди.

Айритом обидасига тегишли барельеф – ўйма ҳайкаллар баландлиги ярим метрли узун тахта – сангларда бўлиши, уларнинг хона девори юқори қисмида, яъни шифт ости бўйлаб шарафа ўрнига жойлаштирилганлигидан далолат беради (220-расм). Олимларнинг фикрича, Айритом ҳайкаллари Будда маросимлари билан боғлиқ эпосларга бағишланган. Г. А. Пугаченкова мусиқа чалаётган аёлларнинг юзларида маъюслик, жиддийлик мавжудлиги сабабли, уларни Будда Гаутаманинг Шавкатли ўлимини ифодалаган эпик саргузаштлари билан боғлайди (Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И., 1960, 26-б.). Дарҳақиқат, Будданинг Шавкатли ўлимига бағишланган эпик дostonларда дафн маросими билан боғлиқ рақсга тушиш, мусиқа чалиш ва осмондан ёмғир каби гулларнинг сочилиши каби амалу дастурлар ўз аксини топган. Г. А. Пугаченкованинг фикрича, мазкур ҳайкаллар ибодатхонанинг айвон шаклидаги кириш қисми ёки Будда ҳайкали ўрнатилган хона олдидаги даҳлизда жойлаштирилган (Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И., 1960, 27-б.). Мазкур шарафа – ҳайкаллар асосий хонадаги Будда ҳайкали билан нафақат мавзу, балки бадиий композиция жиҳатидан ҳам боғланган. Хонанинг ним қоронғи қисмида, шифт остида катта баргли гуллар орасида мусиқа чалаётган қизлар сиймосининг гавдаланиши ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Будда қудратининг улуғворлиги ва у билан боғлиқ воқеаларнинг жозибадорлигини

\* Шоира Шаҳрибону русчадан ўзбек тилига ўзгартди.

таъминлайди.

Диний иморатларнинг тарҳи ўзаро монанд бўлишига қарамасдан, улардаги ҳайкаллар ўзига хос турларга эга. Жумладан, Парфияда ҳайкалларда қизил ранг, ундаги чуқурчалар учун кўк, сариқ ранглар билан бирга қора ранг кўп ишлатилган. Хоразм ва Суғдда ҳайкаллар пластикаси нисбатан ихчамроқ бўлиб, улар махсус токчаларга ўрнатилган. Уларнинг сиймоси ибодатхонанинг қайси динга мансублигидан келиб чиққан (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 130-б.).

Будда ибодатхоналарида ҳайкаллар кенг қўлланилган. Улар обида интерьерининг вазифасини аниқ белгилаб берган. Будданинг кўпроқ ўтирган ҳолати ифодаланган. Будда ҳайкали ибодатхона интерьерида, девор токчаларида ва махсус ажратилган хонада шоҳсупага ўрнатилган ҳолда ҳам учрайди. Ажинатепа ибодатхонаси фикримиз далили бўла олади. Хона ўртасида ўрнатилган Будда ҳайкали девор токчаларидагидан анча катта ҳажмда ишланган (76-расм). Хона деворлари токчаларида ўрнатилган ҳайкаллар кишини биридан иккинчисига ўтиб, сифинишга ундайди. Хона ўртасидаги ҳайкал эса хона композицияси билан бадиий жиҳатдан боғланиб, унга яхлитлик бағишлайди. Хона мавқеининг баландлигини, яъни ибодатхона комплексида унинг асосий сифиниш хонаси эканлигини таъминлайди. Шу ўринда яна бир далилга эътиборимизни қаратамиз. Будда ибодатхоналари деворларига буддавийликка ҳомийлик қилган шоҳлар тасвири ишланганидек, уларнинг ҳайкаллари ҳам ўрнатилган. Бунинг учун махсус хона ҳам ажратилган. Шоҳлар ҳайкали ўрнатилган хона Далварзинтепадаги Будда ибодатхонасида ўрнатилганлиги сабабли, бу хонани археолог олимлар “Шоҳлар зали” деб номлашган (Турғунов Б., 2002, 100-б.).

Суғдда илк ўрта асрларда ёғочдан тасвирилар ўйиш кенг жорий қилинган. Бунга Панжикентдаги ёғоч бадиий тасвирилар гувоҳлик беради. Бу ерда ёғочдан икки йўналишда бадиий асар яратилган. Биринчи – орнаментал, яъни тахта ёки ёғоч барельеф юзасида сюжетли тасвир, барельеф ёки нақш ўйиш, иккинчи – ҳажмли тасвир, яъни ҳайкал яшаш.

Биринчи турдаги тасвир кўпроқ хона шифти ёки шифт остида девор бўйлаб йўналтирилган тахталарда ва кундаларда ишланган. Уларда тас-

вир бир ёки икки қаторда ишланган бўлиши мумкин. Юқоридаги қатор кенг бўлган ва равоқларга бўлинган. Равоқлар ичида камон отаётган қаҳрамон, тахтда ўтирган шоҳ ва от аравада кетаётган паҳлавон тасвирланган. Равоқлар оралигида гул тасвири ишланган, пастки қаторда қанотли шерларнинг кадам ташлаб бир томонга қараб бораётгани тасвирланган. Шунингдек, кунда, тўғри тўртбурчак юзали тахталарда ҳам, ромб, доира ичига олинган “Отлиқ овчи”, “Қанотли шер” (221-расм), “Шер устида бораётган аёл” каби сюжетлар ифодаланган (222-расм). Шунга ўхшаш тасвирилар Жумалактепа саройи ёғоч қисмларида мавжуд. Унда равоқлар ичида одамлар тасвири белигача ишланган. Уларда зодагонлар ва қаҳрамонлар сиймоси ифодаланган.

Мазкур барельефли ёғоч қатор, кўпроқ шаарафа вазифасини бажарган. Лекин улардаги ҳайкаллар ўша хонадон эгаси мавқеини ёки сарой ҳокими шуҳратини акс эттирган. Ўша давр халқ дostonлари қаҳрамонлари сиймоларини ва улар билан боғлиқ воқеаларни ифодалаган.

Ёғочдан ишланган ҳажмли тасвир Панжикентдан ҳам топилган. Улар аёл ва аскар қоматини ифодалайди. Аёл ҳайкали нисбатан яхшироқ сақланган (223-расм). Унинг кўйлаги ҳарир матодан тикилганлиги яққол тасвирланган. Аёл қомати жуда гўзал пропорцияга эга. Унинг бир кўли белида, иккинчиси сақланмаган, лекин юқорига кўтарилганлиги сезилади. А.М. Беленицкий мазкур ёғоч ҳайкалда нозик қомат раққоса қиз сиймоси тасвирланган бўлса керак, деб тахмин қилади (Беленицкий А.М., 1973, 35-б.). Кариатида тасвири Бия-Найман гўр қутилари деворида, Варахша, Панжикент деворий суратларида ифодаланган. Суратларда кариатидалар иморатнинг бирон-бир конструктив қисмини кўтариб тургани тасвирланган. Кариатидаларнинг устун вазифасини бажарганлиги Афина акрополидаги Эрехтейон саройидан ҳам маълум. Унда аёллар қомати катта-катта тошлардан йўнилган. Улар ўзининг ҳажми ва материали эвазига конструктив элемент бўла олади. Панжикентдаги кариатидаларни А.М. Беленицкий, Б.И. Маршаклар Суғдда бадавлат хонадонлар уйларининг асосий хонаси деворининг устки қисмида, яъни тасвир ишланган горизонтал бўлинмадан сўнг юқорида жойлаштирилган, деб ёзишади (Беленицкий А.М.,

Маршак Б.И., 1976, 76-б.). Бу ерда олимлар шифт остида кенг қўлланилган шарафа қаторини назарда тутишган. Бизнингча, бу фикр ҳақиқатдан анча узоқ. Биринчидан, кариатида қатори фақатгина конструктив асос имитациясини берувчи декоратив безак бўлиб қолади. Декоратив безак имитация учун баландлиги бир метр атрофидаги ҳайкалчалар қатори катталиқ қилади. Иккинчидан, нафис ишланган ёғоч кариатида девор юқорисида конструктив асос вазифасини бажаришга қодир эмас. Бу масала бўйича В.А.Нильсен фикри ҳақиқатга яқин. Унинг ёзишича, бу устунчалар уй эгаси дам оладиган тахтнинг тўрт бурчагидан ушлаб туриб, у, зодагонга жаннат гўзалликларини эслатиб турган (Нильсен В.А., 1966, 275-б.). Дарҳақиқат, ёғоч кариатидалар кичик ҳажмдаги буюмларда таянч вазифасини бажарган бўлса, ажаб эмас.\*

Марказий Осиё ҳажмли тасвирий санъатида ҳайкалларнинг абстракт-мавҳум тузилишдаги кўриниши ҳам учрайди. Жумладан, Шахристондаги “Худолар ҳайкали” номли ибодатхонанинг сақланиб қолган барча устунларининг пастки қисми зооморф-сюжетли тасвирларга тақлид қилиб ишланган. Олимларнинг тахмин қилишларича, устунлардаги зооморф тасвирлар уструшонликларнинг шомонлар билан боғлиқ бўлган эътиқодларини ифодоловчи белгиларни (нишон) билдирар экан (Мукимов Р., Мамаджанова С.М., 1990, 59-б.).

Ҳажмли тасвир ҳақида фикримизни тугатар эканмиз, қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Ҳажмли тасвирлар машҳур шахсларнинг (аскарлар, саркардалар, подшоҳларнинг) буддавийлик вакилларининг сиймоларини, шоҳларнинг мардонавор жангидан саҳналарни, афсонавий мавзулардан эпизодларни ифодалаган. Улар барельеф, ҳайкал шаклида ёғочдан, гилдан, ганчдан, тошдан ишланган. Ҳайкаллар девор мағзидаги токчаларга, супаларга ўрнатилган. Ҳажмли тасвир нафақат интерьер вазифасини белгилаб берган, интерьер монументаллигини таъминлаган, хона композициясини маъно ва бадиий жиҳатдан бойитган. Шунингдек, ўтмишимиз тарихидан гувоҳлик беради. Аждодаларимиз турмуш тарзи, одатлари, маданияти, устбошлари, қурол-аслаҳалари, халқ оғзаки ижодиёти персонажлари қахрамонликларидан маълумот беради.

#### IV. 3. ДЕВОРИЙ ВА ҲАЖМЛИ ТАСВИРЛАРДА КОМПОЗИЦИЯ ЎРНИ

*Хоналар бошидан-оёқ безалган,  
Ҳар ёқда мушк-анбар, ҳамма ёқ равшан.*

**Фирдавсий**

Марказий Осиёда хоҳ иморат, хоҳ буюм бўлсин барчасида, нақшу нигорнинг ўрни катта бўлган. Ислом дини ўрнатилгунга қадар иморатларда кўпроқ сюжетли тасвир, буюмларда зооморф суратлар ишланган. Улар ўсимлик-симон ва геометрик нақшлар билан тўлдирилган. Интерьерда бир неча қаватда бўлиб-бўлиб жойлаштирилган саҳналарни ёнидаги бошқа саҳналар билан композиция жиҳатидан боғлаш учун улар оралигида вертикал тузилишдаги дарахт ёки ток тасвиридан фойдаланилганлигини антик даврга оид Тупроқ қалъа саройининг “Охулар зали” деворида кўрамиз (224-расм). Мазкур тадбир билан рамка ичига олинган ҳар бир ҳайвон тасвири мавқеи кучайтирилган ва вертикал қаторларда жойлаштирилган саҳналардан ташкил топган девор композицияси бойитилган ва умумлаштирилган. Деворий суратларда кўпроқ меҳмон кутиш, марҳум билан видолашув, ов жараёни тасвирланган. Сарой, меҳмонхона деворларида сюжетли суратлар кўпроқ икки-уч ярусда (қават) чизилган. Бунга Панжикент, Афросиёб, Варахша саройларидаги деворий тасвирлар мисол бўла олади. Бизнингча, бунга ҳозирги кунда кенг ишлатиладиган эргономика нуқтаи назаридан ёндошиш керак. Чунки саройларда деворлар баланд бўлган. Деворий тасвир персонажлари хона девори баландлигида, яъни бир ярусда ишланса, уларни хона марказидан туриб англаб олиш қийин. Бунинг учун хонанинг бир бурчагига бориб, иккинчи томонига узоқ тикилиб қараш лозим. Чунки сурат композицияси киши кўз қамрови чегарасига (диапазонига) яхлит сиғмайди. Шунинг учун расмлар икки-уч ярусда ишланган (225-расм). Қадимий рассомлар перспектива қонун-қоидаларининг айрим томонларини ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар. Жумладан, Варахша саройи деворий тасвирининг учинчи яруси қолганларига, яъни уфқ чизи-

\* Бу масалага шу китобнинг 3-бобида батафсилроқ тўхталиб ўтилган.

гидан пастдагиларга нисбатан баланд олинган. Чунки баланддаги ярус перспектива қоидаларига биноан пастдагиларига нисбатан кенг олингандагина, киши кўзига одатдагидек катталикда кўринади.

Деворий тасвирлар бир ярусда ишланган ҳолда ҳам учрайди. Шулар жумласига Болаликтепадаги деворий сурат киради. Шуни айтиш лозимки, Болаликтепа саройидаги суратли хона деворлари 4м 85см узунликка, яъни хона атиги 23,6 м<sup>2</sup> юзага эга. Хона девори баландлиги эса 2м бўлган. Албатта, бундай хонада деворий сурат бир ярусда ишланиши лозим. Бундай баландликдаги деворий сурат композиция ва мавзу жиҳатидан хонанинг турли қисмидан яхлит ўкилади.

Тор далон деворларида деворий суратларни ишлашда ўзгача тадбирларга мурожаат қилинган. Далон тор бўлганлиги сабабли, маълум узоқликка бориб, тасвирлар композициясини бутунлигича илғаб олиш мумкин. Шунинг учун бундай тор далон деворларида суратларнинг ҳар бир персонажи катта-кичиклиги, олд ёки ён томонларга қарashi билан ихтиёрий равишда алоҳида-алоҳида композицияларда ифодаланган.

Бундай тадбир тасвирдаги ҳар бир композицияни бирин-кетин илғаб олиш имкониятини беради. Шундай тадбирда ишланган композиция олима М.А. Неглинская томонидан Қоратепа Будда мажмуаси иморатларидан бирида аниқланган. Унда етти нафар Будда ва икки - Бодхистава бир-бирдан ажралган, алоҳида композицияларда ишланган (Неглинская М.А., 1990, 25-б.).

Деворий суратларда персонажларнинг мавқеи, жамиятда тутган ўрнига ҳам эътибор берилган. Мисол учун подшо суратини уфқ чизиклари бўйлаб ишланган қаторларда жойлаштириш мумкин бўлмаган. Чунки тасвирдаги персонажларнинг барчаси учун подшо сурати бош тасвир (доминант) вазифасини бажариши лозим бўлган. Бу эса подшо суратини алоҳида деворда катта ҳажмда ишлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам хона тўридаги девор танланган. Унинг ўрта қисмида подшо сурати, икки тарафида эса икки қаватда (ярусда) вазиру уламолар сурати ишланган. Шундай композицияни Варахша саройининг шарқ томонидаги қабулхонада, Панжикент саройида ва эҳромда

кўраимиз. Мазкур услуб билан сарой уч деворидаги суратнинг яхлит кўриниши ва унинг композиция ҳамда маъно жиҳатидан хона тўридаги суратга бўйсунуши таъминланган.

Диний ақидаларни бажарадиган тасвирларда илоҳийлашган персонажлар суратини ҳам оддий одамлар суратидан катта ҳажмда ишланганликлари гувоҳи бўламиз (226-рasm). Жумладан, Панжикентдаги эҳром деворидаги мотам маросими бажарилаётган тасвирда саккиз қўли аёл сурати жуда катта ҳажмда ишланган. Буддавийликка мансуб Қоратепа ибодатхона деворий суратларида қоҳинларнинг тасвири Будда яқинида каттарoқ, ундан узоқроқда кичикроқ ҳажмда, дарахтларнинг эса Будда тасвирига яқин ва узоқлигига боғлиқ ҳолда, уларнинг куртак очишдан мевалари пишган ҳолатигача тасвирланиши Будда мавқеининг баландлигини ифодалаш ва унинг илоҳий кучга эга эканлигини тасвирда ёритишга қаратилган.

Деворий сурат саҳналари томошабин томонидан осон қабул қилиниши учун тасвирлар рамкаларга олинган. Ерқўрғон зардуштийлик ибодатхонаси интерьерида сақланиб қолган тасвир парчалари бундан гувоҳлик беради (Сулейманов Р.Х., 1987, 139-б.). Айрим деворий суратларда ҳар бир шахснинг ўз ўрни, ҳурмати борлигига ишора қилинган. Жумладан, Ажинатепа Будда ибодатхонасида қаторма-қатор ҳам вертикалига, ҳам горизонталига ўтирган шахсларнинг ҳар бири ён томонларидан сариқ новдачалар билан ўралган. Новдачалар ҳар бир персонаж боши устида оқ рангдаги беш баргли нилуфар гули билан тугатилган (Литвинский Б.А., Зеймаль Т.И., 1972, 63-64-б.). Мазкур тасвирда буддавийликка итоат қилганнинг ҳар бири ўз жаннатмакон дунёсига эга, деган маъно ётса ажаб эмас.

Кўриб ўтилган мисоллар шуни кўрсатадики, қадим замонларда ҳам рассомлар тасвирларни яратишда ундаги персонажларнинг узоқ-яқиндан яхлит кўриниши, муҳим воқеа персонажларининг биринчи саҳнга чиқарилиши ҳамда персонажлар мавқеини, уларнинг ҳаётда тутган ўрнини инобатга олганликлари гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда маҳобатли тасвирлардаги рангларнинг хона композициясидаги мутаносиблиги ҳақида ҳам икки оғиз фикр билдиришни лозим топдик. Шуни айтиш лозимки Афросиёб,

Болаликтепа, Варахша, Панжикент деворларида сақланиб қолган тасвирларнинг ранглари ҳозирги кунда анча сўнгандек туюлади. Эслаш жоизки, улар XIII асрдан зиёд ер қаърида ётган. Намгарчилик, зах албатта ўз таъсирини кўрсатган. Бу билан маҳобатли тасвирлардаги ранглар ўз вақтида киши кўзига яққол ташланадиган даражада ёрқинликка эга бўлган, демоқчи эмасмиз. Шуни айтиш лозимки, улар ганч билан пардозланган девор юзасига ишланган. Ганч юзали девор, рангларнинг бой, вазмин вазнга эга бўлишини таъминлаган. Яъни ёрқин рангнинг девор мағзига сингиб, босикроқ ва гамма жиҳатидан бой бўлишига олиб келган. Иккинчидан, тасвирлардаги ранглар ёрқинлик жиҳатидан бир-биридан ажралмаган. Улар яхлит бир гаммани ташкил қилган. Шунинг учун ҳам унинг ҳамма қисми бир хил кўринган. Учинчидан, деворлардаги маҳобатли тасвир шифтдаги безаклар ва хона полига ёйилган сернақш гиламлардаги ранглар билан боғланиб, яхлит композицияни ташкил қилган. Тўртинчидан, тасвирлар хонанинг ним қоронғи қисмида, яъни ёруғлик манбаидан анча ичкарида ишланган. Албатта, улардаги ёрқинлик, хонанинг ним қоронғи қисмида киши бадиға тегмайдиган даражада майин кўринишни таъминлаган. Бешинчидан, хона марказида шифтда колдирилган туйнукдан тушган ёруғлик, девордаги нақшларнинг орқа саҳнага (планга) ўтишини таъминлаган. Аниқроғи, туйнукдан тушиб турган ёруғлик туфайли томошабин билан девордаги тасвир оралиғида парда осилгандек туюлади. Бу ўз навбатида рангларнинг ёрқинлигини бироз сусайтиради.

Юқорида келтирилган далиллар, хона деворларидаги маҳобатли тасвирларнинг ранглари ўзининг бадға тегмайдиган даражада майинлиги ва мутаносиблиги билан кишида ёқимли таассурот колдирганлигидан далолат беради.

Хона билан ҳажмли тасвирлар орасидаги мутаносибликка ҳам катта эътибор берилганлиги гувоҳи бўламиз. Интерьерларда аксарият ҳолда ҳайкаллар маҳсул бўлинма ичига олинган. Бундай тадбирни Нисо саройи, Ажинатепа ибодатхонаси ва бошқа обидалар интерьерларида кўрамиз. Бўлинма ҳайкалларни девор мағзида жойлаштиришда ва унинг интерьерда обида девори билан композиция жиҳатидан боғланишига катта таъсир кўрсатган. Иккинчидан,

ҳайкалнинг, бўлинма қоронғи заминида (фон) яққол кўринишини таъминлаган. Шунингдек, интерьер яхлитлигига путур етказмаган ва хона юзасининг баҳаво бўлишига ижобий таъсир кўрсатган.

Ҳажмли тасвирлар интерьернинг баланд-пастлигига қараб ўрнатилган. Жумладан, Нисо саройининг ва ибодатхонанинг баландлиги эътиборга олинганлиги сабабли ҳайкаллар уларнинг иккинчи ярусидagi бўлинмаларга ўрнатилган. Шунинг учун ҳам ҳайкаллар сарой ва ибодатхона интерьерининг барча қисмидан яққол кўринади. Шу тадбирни барельефларда ҳам кўрамиз. Бунга Холчаён интерьери гувоҳлик беради. Ундаги барельефлар деворнинг юқори қисмида, яъни одам бўйи баландлигидан юқорида уфқ чизиғи йўналишидаги қаторда ўрнатилган. Ҳайкаллар бўлинмаларда бўлмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, Будда ибодатхоналарида катта Будда ҳайкали ўрнатиш одати бўлган (Ажинатепа ва бошқа). Уларда катта хона тўрида маҳсул пойсупада Будда ҳайкали ўрнатилган. Пойсупа 0,5 метрдан 1 метр баландликкача бўлиши мумкин. Бундай ҳайкаллар учун ишланган пойсупаларнинг марказий ўқларида уч ёки тўрт томонда зиналар ишланган. Уларнинг ўзи ҳам шоҳсупага ўхшайди. Хона тантанаворлигига, ғайритабиий таассурот қолдиришига замин яратади. Нажижада Будда ҳайкали ўз пойсупаси билан хона композициясида ҳукмронликни (доминант) бажаради. Яъни хона интерьери Будда ҳайкалига композиция жиҳатидан бўйсунгандек туюлади (227-расм).

Ҳайкаллар ҳажми майдароқ бўлган тақдирда, улар девор бўйлаб йўналган супаларда ўрнатилган. Бунга Хоразмда Тупроқ қалъа саройининг шоҳлар, аскарлар хоналари (зал) мисол бўла олади. Мазкур саройда кўчқор шоҳига монанд шаклларнинг (волюта) катта ҳажмда ишланиши ҳам хонадаги майдароқ ҳайкаллар билан композиция жиҳатидан боғланиб, уларнинг интерьерда салобатли кўринишини таъминлайди.

Юқорида келтирилган далиллар обидаларда қўлланилган бадиий тасвирларнинг хона ички кўриниши билан композиция жиҳатидан боғланганлигини кўрсатади. Улар хоҳ маҳобатли рангтасвир бўлсин, хоҳ ҳажмли тасвир бўлсин, девор юзасига пропорция жиҳатидан пухта

жойлаштирилган. Девор баландлиги ва узунлигининг инobatга олиниб, бўлинмаларга тақсимланиши, тасвирларнинг яхлит кўринишига ва хона композициясининг бой бўлишига замин яратган. Деворлардаги тасвирларнинг узлуксиз боғланиши хона композициясининг яхлит кўринишини таъминлаган.

Хона ўртасида ёки тўрида жойлаштирилган ҳайкалларнинг хона катталигига нисбатан ҳажми топилиши ва улар учун мос пойсупанинг ишланиши, интерьер композициясининг яхлитлигини, обида мажмуасида шу хонанинг салоҳияти катталигини аниқ белгилайди.

#### IV. 4. ИНТЕРЬЕРДА ДЕКОРАТИВ БЕЗАК ЎРНИ

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгунга қадар ҳам хона декоратив безагига алоҳида эътибор берилган. Декоратив безак кўпроқ монументал тасвирий саҳналар остида деворнинг изора қисмида ишланган. Улар, кўпроқ ўрама тузилишидаги ўсимликсимон нақшдан иборат. Шундай нақшлар Варахша, Панжикент тасвирий саҳналарининг пастки қисмида ишланган. Тасвирий панноларнинг усти ва ён томонлари хошия вазифасини бажарувчи узлуксиз такрорланган доиралар қатори билан чегараланган. Хошияларнинг пастки изора қисми анча баланд ишланган.

Илк ўрта асрларда ёғоч ва ганч ўймакорлиги декоратив безакда кенг қўлланилган. Панжикент, Варахша саройларида ёғоч, ганч юзада қаҳрамонликларни ифодаловчи саҳналар ромб, доира, тўртбурчаклар ичига олинган. Улар нафақат бир саҳна эпизодини чегараловчи хошия вазифасини бажарган, шунингдек, бир хил мавзудаги ўсимликсимон нақшли юзани бойитиш учун, ўша нақш юзасида ора-орада ёки унинг марказида жойлаштирилган ҳолда ҳам келган. Жумладан, Варахша саройида вертикал, қия тушган новдачалар ёрдамида тўқима матога ўхшаган фактурали юза марказида, ичига тўрт баргли гул нақши ишланган доира ўрнатилиши, нақш юзасини бадиий жиҳатдан бойитган ва зерикарли бўлишидан сақлаб қолган, аниқроғи жонлантириб юборган. Доира, ромб, тўртбурчак тузилишидаги шакллар икки қатор хошия-чегарага эга бўлиб, улар ичи эса,

ўймакорлик қилинган тўртбаргли гул, доирачаларнинг узлуксиз такрорланиши ва ўртасидаги мураккаб нақш билан бойитилган. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига ҳос алоҳида, мустақил безак тури сифатида гавдаланади ҳамда девор юзасидаги нақшларни композиция жиҳатидан жонлантириш моҳиятига эга (228-расм). Марказий доира ичига олинган ва ташқарисидаги нақшлар доира атрофидан ён томонларга йўналган ниҳолларнинг ўрама шаклда тугатилиши билан, улар мавзу ва композиция жиҳатидан умумлаштирилган (229-расм).

Ўрта асрларда гулганчдан мураккаб нақшлар ишланган. Бунга Термиздаги шоҳлар саройи девор ва устунларининг сақланиб қолган қисмлари гувоҳлик беради. Унда геометрик ва ўсимликсимон композициялар, жойлашган ўрнига қараб, бир неча қатор нақш ва безаксиз кенг чизик каби хошиялар билан турли тузилишдаги рамкаларга олинган. Бу тадбир девор юзасидаги нақшли паннонинг композиция жиҳатидан тугатилишини таъминлаган ва турли мавзудаги нақшин юзаларни яратиш имкониятини беради.

Ичига майда нақшлар жойлаштирилган йирик доиралар Сафед Баланд мақбараси интерьерларининг деворларида ва саккизбурчак пойгумбаз қисмида кенг қўлланилган. Доираларнинг кенг хошиялари билан ва чегараси патнисга монанд безаксиз юзалар ичига олиниши, интерьер нақшу нигорининг композиция жиҳатидан яхлитлигини таъминлаган. Марказий Осиё меъморий безагида квадрат нақшли юза ўртасида доира ичига олинган нақшни жойлаштириш анъана бўлиб қолган. Улар ўрта аср иморатларида ҳам мавжуд. Жумладан, Самарқандда Шоҳи Зинда мажмуасининг Шоди Мулк оқо мақбараси интерьерида квадрат юза ўртасига жойлаштирилган доира, нақшин юзанинг композиция жиҳатидан бой бўлишини таъминлаган. Шунингдек, нақшин юзанинг бир хил, яъни зерикарли бўлишидан асраган.

XII-XIII асрларда, хусусан, маъмурий, диний обидалар интерьерида фиштин безак кенг қўлланилган. Фиштарнинг турли композицияда, жуфт-жуфт, оралиғида тик ҳолда, арчасимон, яъни бир қатор ўнг томонга, иккинчи қатор чапга қия йўналишда қаланиши, обида интерьерида майин безакка эга бадиий композицияни ташкил қилади.

Марказий Осиё меъморчилиги декоратив беагида XIV асрдан бошлаб ганч, ёғоч ўй-макорлиги, рангли безак билан бир қаторда мозаика, майолика кенг қўлланилади. Мозаика, майолика, мрамар юзалар мадраса, сарой, хонақоҳ, масжид, мақбара интерьери беагида кўпроқ ишлатилади. Мрамар тошли юзалар деворнинг изора қисмини пардозлашда ва интерьерда декоратив устунчалар, ҳамда шарафалар ишлашда қўлланилган. Бухородаги XVI асрга оид Баланд масжиди бадий беагини ўрганган олима И.Ф. Бородина, масжид интерьери деворида ишланган нақшларнинг жойланишини, анъанага айланган схемага биноан безатилган, яъни деворнинг пастки қисми – изора, ундан юқорида токча ёки декоратив бўлинма ва девор билан шифтни боғловчи кенг ёғоч эгаллаган, деб таъкидлайди (Бородина И.Ф., 1972, 174-б.). Нақшлар хона деворига қуйидаги тартибда жойлаштирилган. 1 – хона интерьерида яхлит юзани эгаллаган, 2 – тўртбурчак ёки равоқ ичига олинган юзага ишланган, 3 – кириш равоқлари, равоқ қанослари ва меҳроблар ичига олинган холда, 4 – изора сифатида ишланган холда учрайди (Воронина В.Л., 1980, 189-б.) (230-расм). Хона девори баланд бўлган тақдирда токчага монанд баланд бўлинма юзага келган. Бундай бўлинма учга тақсимланган, яъни унинг пастки қисми тўртбурчак тузилишидаги токчага ажратилган, бўлинманинг юқори қисми эса баланд шарафа қаторлари билан тугатилган ва умумлаштирилган. Пастки токча девори юзасига ён томонларга кенгайтирилган буток ёки гулдаста тасвири ишланган. Баланд бўлинма девори рангли чизиқ билан иккига тақсимланган. Пастки баланд қисмида узун гулдаста тасвири, юқори қисмидаги юза рангли чизиқлар ёрдамида 7-8 та юзачаларга тақсимланиб, ҳар бирига биттадан гулдаста, гул туваги билан ёки буток тасвири ишланган. Шундай тартибдаги нақш тақсимотини В.Л. Манакова ўрганган XIX асрга оид Бухоро турар жойининг ёзги хона деворида кўрамиз (Манакова В.Л., 1990, 64-расм).

Баланд бўлинмалар нақшини қисмларга ажратиб ишлаш, тасвирларнинг мутаносиблигини таъминлашга қўл келган. Шунингдек, нақшларнинг кўзга яхлит-яхлит кўринишини таъминлаган. Деворий бўлинманинг нақшли юзаларга тақсимланиши бағдоди эшик табақа-

сини эслатади. Эшик табақасида ҳам у, девордагидек уч қисмга тақсимланган ва марказий бўлинма ҳамма вақт баландлиги билан ажраллади.

Турли ҳажмдаги токчаларга тақсимланган девор композициясини бадийлаштириш учун деворнинг икки - уч жойида симметрик тузилишда текис бўлинма ёки катта токча қолдирилган ва уларга гулдасталар тасвири ишланган. Бу тадбир билан девор юзасидаги майда токчалар нақшли катта юзалар ёрдамида композиция жиҳатидан умумлаштирилган. Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ҳужралари деворларидан бири фикримиз исботи бўла олади (Нильсен В.А., Манакова В.Н., 1974, 76-расм).

Кўп холларда девор юзаси марказини алоҳида белгилаш учун токчабанд килинган ўртадаги бўлинма атрофи кўзга яққол ташланадиган ранг билан бўялган. Шунингдек, девор изора қисмининг марказида ён томонларидагига нисбатан баланд ва кенг ёйилган гулдаста ёки буток тасвири ишланган. Тошкент халқ меъморчилигида қўлланилган буток ва гулдасталарда уларнинг новдачалари ҳам ифодаланган ва гуллар тасвири Бухоро ва бошқа шаҳар халқ меъморчилиги беагига нисбатан сийрақрок ишланган. Халқ турар жой меъморчилигида нафақат девор юзасидаги нақшларни, балки хона умумий кўриниши нақшу нигорини композиция ва бадий жиҳатидан умумийлаштиришга катта эътибор берилган. Токчабанд ва нақшу нигорланган тўрдаги девор ўзининг бой бадий беаги билан хонанинг икки ён томонидаги деворларини бир композицияга боғлашига эришилган. Хонада деворлар нақшу нигори мутаносиблигини таъминлаш учун, ҳовли томондаги деворда, бағдоди эшик билан тўсилган деразалар оралиғидаги бўлинмаларда ҳам нақшлар ишланган. Ёз ойларида дераза ортидаги эшиклар очилганда, хонадон аъзолари учун, ҳовлидаги гулзор билан девордаги гуллар тасвирини кузатиб ўтириш имкони туғилади.

Умуман, девор юзаси нақшларининг хошия билан турли ҳажмда – томонлари тенг тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, ромб, учбурчак, доира каби қисмларга бўлиниши ва улардаги нақшларнинг бир-биридан фарқ қилиниши, экилган гулларга қараб ариқча ёки йўлак билан чаманларга ажратилган гулзорни эслатади

(231-расм). Хонанинг хар бир деворида нақшлар яхлит-яхлит бир –биридан фарқли, лекин умумий композицияга бўйсунган юзани ташкил қилади (232-расм).

Хона интерьерлари композициясида ранг-баранг нақшу нигорли деворлар, нафис безакли шифт ва полга тўшалган сербезак гиламлар биргаликда хона интерьерлари композициясини бадиий жиҳатдан мутаносиблигини ва ҳамоҳанглигини таъминлаган.

#### IV. 5. БЕЗАК КОМПОЗИЦИЯСИДА ХУШХАТ ЁЗУВЛАР ҶОИИ

*Кўрдим бир айвонда шундайин бир байт,  
Уста нақш битибти қолсин деб абад:  
«Биродар, кел менинг меҳмоним бўлгил,  
Гулистон айлагил бу кошонамни,  
Қуруқ қўл билан кел, аммо тап-тақир  
Дил билан ҳадлама сен остонамни.»\**

*Шерали Лойик*

Меъморий обидаларнинг ички ва ташқи қисмида, шифт, эшик, устунларида ҳамда амалий санъат буюмларида безак композициясини бойитишда X-XI асрлардан бошлаб ёзув кенг қўлланилган. Ёзувлар, асосан араб алифбосида (куфий, сулс, насхий) битилиб, маъно жиҳатидан диний, фалсафий, тарбиявий мавзуга эга бўлган ва буюм, иморат муаллифининг исми ва яратилган санасини ёзишда қўлланилган.

Куфий ёзувида ҳарфларни юқорига бўй чўздириш имконияти катта. Шунинг учун ҳам меъморий безакда куфий ёзуви турининг роли катта (Воронина В.Л., 1980, 189-б.).

Ҳарфлар тизимидан сермаъно жумлалар ва сержило, нафис композициялар яратилган.

Иморат интерьерларида ёзув қўллаш одатининг юзага келиши ҳақида В.Л. Воронина жуда тўғри далил келтиради. Унинг фикрича, нафақат Марказий Осиёда, умуман, Шарқда ислом дини ўрнатилгандан сўнг деворий тасвир саънатига барҳам берилди бошланади. XI-XII асрларда унинг ўрнини тўлдириш учун ва ислом динини тарғиб қилишга ёзув қўл келган (Воронина В.Л., 1980, 188-189-б.). Ёзув танҳо ва ўсимликсимон

нақшлар билан қўлланилиши мумкин. Иморат интерьерларида у, бир йўла икки: декоратив панно, безак ва Қуръон оятларини эслатиб турувчи дастур-безак вазифасини бажарган. Турар жойлар деворларида, қисмларида инсоний фазилатларга даъват этувчи насихатомуз лавҳаларнинг оила учун тарбиявий аҳамияти катта бўлган.

Ёзувлар диний (масжид, мадраса, мақбара) обидалар ва турар жойлар меҳмонхонаси интерьерларида ҳамда амалий санъат буюмлари юзасида кенг қўлланилган (233-расм). Обида интерьерининг кўринарли жойида, кўпроқ меҳроб, гумбаз гардиши бўйлаб, шифт шарафаси устидаги хошияда битилган. Жумладан, XI асрга оид Шир Кабир масжид-мақбара меҳробининг катта ва кичик равоқлари йўналиши бўйлаб ёзув ишланган (234-расм). Катта равоқнинг остиди ҳам горизонтал қаторда ёзувлар мавжуд. Мазкур обидада ёзувлар қатори меҳроб композициясининг функция, безак ҳамда ёзувларнинг маъно жиҳатидан аҳамиятли эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, меҳробнинг қолган қисмидаги доирасимон, ўсимликсимон нақшлар билан боғланиб, унинг композициясини бойитади. Обида интерьерлари деворнинг икки-уч жойидан кенг ва тор ёзувлар қатори ўтиши мумкин. Бунга Гўри Амир ва Шайх Фозил мақбаралари мисол бўла олади (235-расм).

Ташқи чизиги тўртбурчак кўринишдаги меҳробларда ёзув қатори ҳам шундай тузилишга эга. Бунга Хўжа Аҳмад Яссавий масжиди меҳроб мисол бўла олади. Квадрат-мурабба тузилишдаги юзаларда ёзув яхлит композицияда ишланган. Бундай юзада ёзув кўпинча бир қаторда ўйилган. Квадрат юзани тўлдириш учун “алиф”, “лом”, “зол”, “дол” ҳарфларни баланд қилиб ёзиш амалий санъат буюмларида ҳам учрайди.

Шунингдек, квадрат юзада ёзувлар композицияси икки-уч қаторда бажарилган бўлиши мумкин. Бундай пайтда ёзувлар баргли ва гулли ингичка ниҳоллар билан бирлаштирилган. Жумладан, Хўжанддаги Шайх Муслихитдин комплексидаги эшикнинг тепа китобалари шундай композицияга эга. Китобаларда ёзувлар қалин ва чуқур заминга эга. Шунинг учун ҳам ундаги ўсимликсимон нақш, иккинчи планга ўтган ва ёзув композицияси заминини бойитишга хизмат қилади.

Ёзув билан нақшнинг биргаликда келиши-

\* Шоир Асқар Маҳкам таржимаси.

ни эшик китобалари юзасида кўрамиз. Масалан, Шахрисабздаги XV асрга оид Шамсиддин Кулол мақбарасидаги эшик юзасида катта-кичик гулларни ўз ичига олган сербарг, кўп ниҳолли нақш, ёзув билан бирга ишланган (Маньковская Л. Ю., 1971, 22-б.). Бундай пайтда ёзув қалин ва чуқур заминда ишланади, нақшлар эса ингичка ва майда қилиб ўйилган. Натижада ёзув биринчи планга, нақшлар эса иккинчи планга ўтади. Яъни, нақшлар ёзувга замин бўлиб қолади ва унинг аҳамиятли эканлигини композиция жиҳатидан таъкидлаб туриш вазифасини бажаради.

Марказий Осиёда ёзув ҳарфларининг ўзидан гул чиқариб ёзиш одати ҳам бўлган. Бунга Хивадаги Жума масжидининг қадимий устунлари гувоҳлик беради. Уларда ёзув ҳалқаси устун танасининг пастроқ қисмида жойлаштирилган. Кўпроқ “алиф”, “лом” ҳарфларининг юқори қисмидан ислими ва барг нақшлари ажратиб чиқарилган (236-расм). Ажралиб чиққан барглар ўзаро боғланиб, ҳарфлар орасида мадохил, меҳроб, шамолда эсаётган ниҳол ёки дарахтга ўхшаш композицияларни ташкил қилган. Ёзувлардан тузилган, «даврагул» каби нақш композицияси Марказий Осиёда ҳам учрайди. Жумладан, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги икки табақали эшикнинг темир ҳалқалари остидаги қисми темир ҳарфлар ёрдамида олти баргли нақш композициясида тузилган. Ҳарфлардан тузилган барг тасвирига ўхшаш нақшда Аллоҳга олти хил эпитетда мурожаат қилинади (Туякбаева Б. Т., 1989, 34-б.) (237-расм). Ёзувлардан тузилган «даврагул» нақшини Каттакўрғон шаҳар масжиди шифтида учратдик. Унда алиф, лом ҳарфлари ёрдамида доира юза маркази олтита учбурчак ва битта олти бурчакка бўлинган. Ўратепа шаҳрида хонадон уйи деворидаги гулдаста тасвири ишланган паннода ёзув тўрт марта қайтарилган “ё фаттоҳ” сўзини ташкил қилади (Белинская Н. А., 1979, 109-110-б.). У гулдаста нақшининг марказида доира ичига олинган. Паннода ёзув гулдаста билан ҳамоҳанглиги туфайли бир-бири билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам улар яхлит композицияни ташкил қилади (238-расм). Ашт тоғ қишлоғидаги “Ҳашт саҳоба” мақбараси деворида қора рангли ҳарфлари билан устига ялов ўрнатилган гумбаз тасвири ифодаланган композицияни уч-

ратдик. Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг бурчак устунчаларидаги ёзувларда ҳарфлар “куфий” услубида бўлиб, “қоф” ҳарфи эгилган ниҳолга ўхшайди. Баланд ҳарфларнинг элементлари ўртада “бахт тугуни”ни билдирувчи мураккаб ўрама тугунларни ташкил қилади (Туякбаева Б. Т., 1989, 50-б.).

Ёзувли композиция ўз вазифасидан ташқари, буюм юзасида нақш мутаносиблигини таъминлашда катта ёрдам берган. Жумладан, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасидаги устунларидан бирининг танаси пастдан юқоригача ҳар хил катталиқдаги нақшли ҳалқалар билан безатилган. Унинг пастроқ қисмида ва калла қисмининг остида қалин ҳалқа мавжуд. Пастдаги ҳалқа юзаси ва оралиғи майда нақшлар билан тўлдирилган йирик баргларни эслатади. Юқоридагисида эса қалин ва майда ҳарфлардан тузилган баланд ҳарфлар қалин ёзилган. Бордию, юқоридаги қалин ёзувли ҳалқа бўлмаганда, устуннинг безак жиҳатидан мутаносиблиги йўқолиб, кишига пастки қисми оғир, усти эса енгил бўлиб туюларди (239-расм).

Кўриб ўтганларимизнинг ўзиёқ меъморчиликда, халқ амалий санъатида ҳарфларнинг ўзидан эпиграфик қатор, яхлит композиция тузилганлиги ва уларнинг декоратив безак билан ўзаро боғланиб, бир-бирини уйғунликда бойитганлиги ҳамда буюм беазаги композициясига мутаносибликни таъминлашда хизмат қилганлиги гувоҳи бўлдик. Ёзувнинг иморат интерьерлари деворларида, устун ва эшиклариди бўлиши, хонадоннинг бахтли турмушга, муҳаббатга, тўқчиликка, хотиржамликка бўлган орзуларини ифодалаган. Ёзувнинг геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан ёки ёзувнинг ўзидан безак чиқариб ишланиши хонадоннинг нафақат келажакка бўлган ишончини, балки эстетик дунёқарашини ҳам бойитишга қаратилган. Яъни ёзувларни очикдан-очик намойиш этмасдан, уни бироз бўлса ҳам ўсимликлар дунёси билан боғлаш, хона беазагининг бой фалсафий мазмунга эга бўлишини таъминлаган. Диний иморатларда ҳам ёзув бой безак вазифасини ўтаган, шунингдек, ажодларимиз диний эътиқодларини, ўзларининг Аллоҳ паноҳида бўлганликларидан миннатдорликларини ифодалаган. Диний обидалар интерьерлари қисмларида Қуръони Каримдан оятларнинг ёзилиши, масжидларнинг функ-

ция жихатидан вазифасини янада равшан ифодалашга хизмат қилган.

#### IV. 6. МАСЖИД ИНТЕРЬЕРИДА БАДИИЙ БЕЗАК ИШЛАШ САБАБЛАРИ

Ҳадиси шарифда масжид интерьерини ҳаддан зиёд безамасликка ишора қилинганлигини куйидаги ўғитлардан билиб оламиз; “Ҳазрат Умар (халифалик даврида) Расулulloҳнинг масжидлари биносини тузатмакни буюрдилар: “Одамларни ёмғирдан асрағил, лекин масжидни қизартириб, сарғайтириб бўямағил, одамларнинг хаёлини бузмасин”, – дедилар. Анас: “Кейинчалик одамлар масжид биноси бирлан фахрланиб юрғайдирлар-у, лекин кам таъмир қилғайдирлар”,- деганлар. Ибн Аббос эса: “Аллоҳга қасамёд қилиб айтурманким, яхудий ва насронийлар ибодатхоналарини безаганидек, сизлар ҳам масжидларни безайдирсизлар”,- дедилар” (Ал-Бухорий, 1991, 135-б). Дарҳақиқат, деворлардаги ранг-баранг нақшлар намозхоннинг хаёлини тортиши мумкин. Аллоҳ уйига келган намозхон безак ва нақшларга эътиборини камроқ қаратиб, ёлғиз Аллоҳ билан намоз орқали, мулоқотда бўлиши керак. Дарҳақиқат, ҳадисдаги ўғитларга нега амал қилинмади?-деган фикр киши эътиборини ўзига тортади. Мазкур мураккаб масала ечими кўп ва ҳар томонлама илмий изланишларни талаб қилади. Шундай бўлса ҳам, мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимизни қисқагина изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, мусулмонларнинг тоат-ибодат қилишлари учун масжидлар қуриш, унинг меъморий андозасини яратиш зарур бўлган бир пайтда, бу масала юзасидан турли фикр-мулоҳазалар бўлиши табиий, албатта. Шунинг учун ҳам Х асрда яшаган донишманд Абу Факх Абу Лайс Самарқандийнинг «Бўстонул Орифийн» номли мўътабар китобининг масжидларни безаш бобида бу масалга икки хил ёндошилган фикрлар мавжуд. Унда ёзилишича, масжидни безаш макруҳ деган кишилар Алининг (розийалоҳу анҳу) сўзларига асосланишди: «Одамларга шундай замон келадикки, фақат исломнинг исмию Қуръоннинг расми қола-

ди. Ўша кунларда одамларнинг масжидлари биноти чиройли қурилган, қалблари ҳидоятдан бурилган бўлади... (Абу Лайс Самарқандий, 2003, 140-б.). Шунингдек, масжидни безашнинг зарари йўқ деган фикрлар ҳукм сурган. Жумладан, Абу Ҳанифа (рахматуллоҳ алайҳ): «Менимча, пул масжиднинг даромадидан бўлмаса, безашнинг зарари йўқ», – деганлар (Абу Лайс Самарқандий, 2003, 140-б.). Шунингдек, масжидларни безашнинг зарари йўқ, деган кишилар фикрларини шундай изоҳлашади: «Бу ишда масжидларни улуғлаш бор. Аллоҳ таоло масжидларни улуғлашга буюрган: «Аллоҳ уларни баланд кўтариб (бино) қилинишга ва уларга ўзининг номи зикр қилинишига изн берган (яъни, амр қилган) эди» (Нур,36). Бошқа оятда: «Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охираат кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни (ҳақдорларга) ато қилган ёлғиз Аллоҳдангина қўрқадиган зотлар обод қилурлар» (Тавба,18), деб марҳамат қилган. (Абу Лайс Самарқандий, 2003,141-б.).

Мазкур далиллар масжидларни обод қилиш мумкинлигини ҳам эътироф этади. Шунинг учун ҳам Усмон ибн Аффон (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбаримизнинг масжидларини дуб дарахти билан кўтариб, чиройли қилиб қўйганлар. Умар ибн Абдулазиз эса, нақш солдириб, безак ва қурилишига катта эътибор берганлар (Абу Лайс Самарқандий, 2003, 141-б.).

Юқорида келтирилган далиллар шуни кўрсатадигани, масжидларнинг безатилиши масжид даромадига оғирлиги тушмаслиги, яъни иқтисодий тежамкорликка асосланган бўлиши керак. Шунингдек, масжид хўжа кўрсинга ёки манманлик учун безатилган бўлмаслиги лозим. У ҳамма вақт худо уйи, яъни мусулмонларнинг тоат-ибодатда бўлишларига хизмат қиладиган мукаддас даргоҳ бўлиши лозим. Серхашам масжид қурилиши билан манманликка берилиб худони эсдан чиқармасликка, аксинча доимо тоат-ибодатда бўлишга даъват этилиши лозим, деган ғоялар ётади.

Иккинчидан, кенг омма орасида ислом динини мустаҳкам ўрнатиш машаққатли кураш, ҳар томонлама ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этган. Айни пайтда бошқа динларда тасвирий санъатнинг монументал тасвир, ҳайкалтарошлик каби намуналаридан унумли фойдаланилган. Бунга Марказий Осиё ибодатхо-

на ва саройларидаги деворий суратлар, хайкаллар, барельефлар-девор юзасидан бўртиб чиққан шакллар гувоҳлик беради. Улар санъат намуналари орқали ўз тоат-ибодатларини тангрига етказиш мумкин, деб билишган. Ибодатхона интерьерларини ҳаддан зиёд безашган. Шундай пайтда ислом дини ақидаларига биноан тасвирий санъат ва хайкалтарошлик намуналаридан бутунлай воз кечилган, лекин бунинг ўрнини нима биландир тўлдирилиши лозимлиги яққол сезилган. Юқорида айтганимиздек, санъат намуналарига кўзи ўрганиб қолган омма оддий деворга ёки оддий безаксиз меҳробга кўникиши қийинлиги, табиий.

Учинчидан, христиан, Будда ва бошқа динларга мансуб ибодатхона қаршисида ёки ўрнида қурилган масжид безаксиз қолдирилганда, у омма диққатини жалб қилмаслиги мумкин. Шунингдек, ўзга дин мухлислари учун бу масала ҳам тескари ташвиқот олиб боришга ва масжидларни камситишга қисман бўлса ҳам қўл келиши мумкин. Шунинг учун ҳам VIII асрда халифаликда масжид қурилишига фаол эътибор берилган. Мустақиллик рамзи сифатида номусулмонлар дунёсига зид равишда, христианларнинг маънавий маркази ҳисобланган Қуддусда (Иерусалим) Қуббат ас-Сахра (Ал Ақсо масжиди ёнида) “Қоя гумбази” номли тенги йўқ улкан масжиднинг қурилиши Абдулмалик даврида ислоҳ қилинди. Масжид ўз хажми, мухташам беағи билан христианлар ибодатхоналарини ортда қолдириши назарда тутилган эди (Большаков О.Г., 1982, 169-б.).

Тўртинчидан, Марказий Осиёда масжидлар беағи, ўша давр маҳобатли санъатига мос равишда олиб борилган. Масалан, биринчи масжидларни олиб қарасак, уларнинг қурилиш даври, асосан IX-X асрларга тўғри келади. Марказий Осиё шаҳарлари меъморчилигида гил, ганч ўймакорлиги ва ғишт қалаш услуги билан нақш чиқариш санъати ривожланган бир давр эди. Шунинг учун ҳам масжид меҳроби гил ёки ганч ўймакорлиги билан безатилган. Девор, устун ёки ярим устун, ҳатто меҳроб ғиштлири турли йўналишда қалаш йўли билан бадиийлаштирилган. Бу тадбир обидага маҳобатлилик, киши таъбини хира қилмайдиган ва кўзини қувонтирадиган гўзаллик бағишлаган. Лекин давр ўтиши билан масжидларни безаш одат тусига қириб қолган. Улардаги безак давр бадиий

санъати талабига қараб бажарилган, яъни бадиий санъатнинг шаклланиши босқичларидан четда қолмаган.

Бешинчидан, масжид беағига эътибор бермаслик мумкин эмас эди. Оддий халқни масжидларда жамоа билан тоат-ибодат қилишга жалб қилиш лозим эди. Масжид тоат-ибодат жойи, энг покиза ва эътиборли макон ҳисобланган. У ўз гўзаллиги, шинамлиги билан киши эътиборини жалб қилиш, унинг эстетик дунёқарашини тарбиялаши лозим. Масжид ўз салобати, беағи билан тежамли рационал, шу билан бирга кишида ғайритабиий таассурот қолдириши ҳам эътибордан четда қолмаган. Шунинг учун ҳам диний обидалар, шу жумладан, масжидлар безакдан холи бўлмаган.

Марказий Осиёда масжидлар ичида безак маромида қўлланилган. Ранг-баранг нақш кўпроқ шифт ва гумбазда қўлланилган. Масжид қибла томон деворидаги нақш киши хаёлини чалғитмайдиган даражада бўлган. Марказий Осиёда, хусусан, Бухорода сарой ва турар жойларда қўлланилган кўзгу устини нақш билан безаш услуги масжидларнинг нафақат ғарбий деворида, балки ўзида ҳам деярли қўлланилмаган.

Шуни айтиш лозимки, масжид иморати айрим қисмлари тузилиши жиҳатидан ўз-ўзидан безакни талаб қилади. Жумладан, гумбазли иморатнинг тўртбурчакдан саккизбурчакка ўтишда бурчаклари, яъни бағаллари очиқ қолдирилиши мумкин эмас. Интерьерда масжиднинг ўша жойлари нима биландир тўлдирилиши талаб қилади (240-расм). Айнан шу жойда меъморлар кўп бурчакли шарафа қўллашни лозим топишган. Шарафа шу жойга ишлатилиши айнан қўл келган. Шарафа ўз-ўзидан шакллардан, муқарнаслардан тузилганлиги сабабли конструктив элемент бўлишига қарамасдан, у маҳобатли безак вазифасини ҳам бажарган (241-расм). Унга озгина ранг берилса бас, ибодатхона интерьерига ўзгача бадиий хусн ато этади. Шарафанинг тўртбурчакдан саккизбурчакка ўтишида конструктив асос вазифасини бажарганлиги Сарахсдаги XI асрга оид Яртигумбаз мақбараси интерьериде яққол намоён бўлади. Мазкур шарафа йирик нимкоса ва меҳробсимон бўлақлардан ташкил топган (242-расм).

Масжид интерьериде, умуман композициясида меҳроб асосий вазифани бажаради. Ҳам-

мамизга маълум, меҳроб масжиднинг қибла томонини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам Жалолиддин Румий :“... улар муаззам масжидлар қуришади, эшиги, девори, бошқаси учун кўп пул сарфлайдилар. Ҳолбуки, унинг қиймати Қиблададир ва мақсад қибладир”, – деб ёзди (Румий, 1997, 94-б.). Шунинг учун ҳам масжидга кирган киши кўзига унинг меҳробни яққол кўриниши лозим. Чунки меҳроб қибла томон деворида жойлашади. Масжид интерьерининг ҳамма бурчагидан меҳроб кўриниб туриши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам меҳроб ўз хизмати юзасидан ифодали бўлиши меъморлар назаридан четда қолмаган. Марказий Осиёда қурилган масжидларда меҳроблар жуда гўзал, мутаносиб пропорция ва композицияда ишланган. Бунга Афросиёб масжиди, Шир Кабир, Данданакон, Ашт тоғ қишлоғи масжиди меҳроблари мисол бўла олади.

Шунингдек, масжид интерьерини имом товуши ҳаммага барабар эшитилиши лозим. Бу муаммонинг ечими меъморлардан меҳробга эътиборни кучайтиришни талаб қилган. Меъморлар интерьерда акустикани кучайтириш муаммоларини оддий тоғ қишлоқлари масжидлари бурчагида, девор мағзида, оғзи хонага қаратилган кўзалар ўрнатиш йўли билан қисман ечишган (Назилов Д.А., 1984, 83-б.). Акустика масаласини меҳроб тузилиши билан ечишга ҳам ҳаракат қилинган. Меҳробни тарҳда уч, беш қиррали қилишган, равоқ қисмини эса шарафалар билан тўлдиришган. Улар меҳроб қаршисида имом товушини залга қайтишига ёрдам берган. Юқорида келтирилган далиллардан, меҳроб беағи унинг вазифасидан ҳам келиб чиққан, деган хулоса келиб чиқади.

Устунлар нақшу нигори ҳам ёғоч мустаҳкамлигини кучайтириш билан боғлиқ бўлган. Жумладан, устунни ингичка ва қалин ҳалқалар ёрдамида кўзаги, тана, курси ва бошқа қисмларга бўлиш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашга ҳам ёрдам берган, яъни ёғочни узунтик (вертикал) тушадиган ёриқлардан асрайди. Ҳалқалар ёрдамида бир-биридан ажратилган устун қисмлари юзаси турли ўйма безаклар ишлашга қўл келган.

Хотима сифатида шуни айтишимиз мумкинки, Марказий Осиёда ўрта асрларда биринчи масжидларни қуришда ҳаддан зиёд безакка эътибор берилмаган. Масжидни безаш масаласи ин-

терьернинг меъморий композицияси ва қисмлари вазифаси ва қурилиш ашёларини мохирлик билан ишлаш талабидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам безак фақатгина меҳроб, гумбазоси бурчак бағалларига, ёғоч шифтли интерьерда устунларга берилган, холос. Шифтларни нафис ранг-баранг нақшлар билан безаш, асосан XV асрлардан бошлаб кенг қўлланилади. XVI асрда масжидлар интерьерини гумбаз остида ишланган қалқонсимон юзалар, равоқлар чегаралари кўк чизик билан белгиланган. Бу тадбир ҳам гумбаз ости конструктив асосининг таъсири натижасида юзага келган. Яъни интерьер конструкциясини бироз бўлса ҳам бадиийлаштиришга қаратилган. Шифт ва гумбазларда қўлланилган ранг-баранг безак, масжид хонақоҳида мутаносибликни таъминлашга ёрдам берган. Марказий Осиё иқлим шароитида нафис ранглар обида ичида ўтирганларга салқинлик ҳиссини беради. Шунингдек, хонақоҳ саҳнига тўшалган гулдор гиламлар билан боғланиб, бир маромни ташкил қилади ва киши ҳаёлини чалғитмайдиган яхлит муҳит яратади.

#### IV. 7. НАҚШЛАРДА КЎЙЛАНГАН ОРЗУ

*Эй мусаввир дилбаримга сурати монанд қил,  
Кўрмакидин хотиримни гаҳ-гаҳи ҳурсанд қил.  
Алишер Навоий*

Аждодларимиз қурган сарой, масжид, масканлар деворидаги нафис нақшларни кўриб қувонамиз, баҳридилемиз очилади. У бизга эстетик, маънавий завқ бағишлайди. Лекин эстетик завқнинг ўзи кифоями ёки бу нақшлар бирор-бир маънони англатадими, деган фикрга ҳам баъзан борамиз. Тасаввуф шеърятда Аллоҳга муҳаббат, инсонга оқибат, ҳаётга ишқ нақадар гўзал образлар орқали ёритилганлиги ҳаммамизга маълум. Бу муҳаббат, бу ишқ, бу гўзал сермазмун иборалар фақат адабиётдами ёки бошқа санъат турларида ҳам бўлганми? Бизнингча, бу фақат адабиётда бўлиб қолиши мумкин эмас. У санъатда ҳам ўз ифодасини топган бўлиши лозим. Чунки адабиёт ва санъат ҳамма вақт бир-бирини тўлдириб келган. Лекин бизлар нақшларнинг рамзий маъноси-

\* Муаллиф олдин ҳам мазкур мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазаларини қисқача ёритишга уринган (Назилов Д.А., 1981, 12-сон, 4-5-б.).

ни ёритадиган манбаларга тўлик эга эмасмиз. Нақшлар олдидан лол қоламиз, унинг гўзаллигига мафтун бўлиб, ундаги маънони ўқиш ёдимиздан кўтарилади.

Антик ва илк ўрта асрларда бунёд этилган сарой, ибодатхоналар деворларида халқ эпосларига оид лавҳалар ўз ифодасини топган бўлса, ислом дунёсида ўрта ва сўнгги ўрта асрларда юзага келган, инсон вужудини ларзага соладиган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхо, Гўрўгли, Алпомиш каби дostonларни билган наққош уларга лоқайд бўла олмайди, албатта. Чунки у ҳам ижодкор. Наққош ҳаётга, дoston, қахрамонларига, севгига бўлган муносабатини изҳор қилмасдан, ичида сақлаб юриши қийин. У ўзига ёққан дoston, воқеа қахрамонларини, уларнинг кечинмаларини, қолаверса ўз муҳаббатини нақшлар рамзи орқали ўзи тузган композицияларда изҳор этишга уринади. Шу ўринда бир мисол келтирамиз: Нуротанинг Ухум тоғ қишлоғида бир масжид устунда ёвузлик ва меҳрибонликка бағишланган нақшни учратдик (243-расм). Унинг кўзаги қисмида тўртта мадохил нақши бўлиб, улардан бирида чехраси иссиқ одам юзи тасвирланган, унинг ёнидаги мадохилда ўртасига гул жойлаштирилган одам юраги ишланган. Учинчи мадохилда қовоғи осиглик одам юзи ишланган. Ёнидаги мадохилда эса орқаси бўм-бўш қовурга суяклар сурати ўйилган. Хулоса қилиш мумкинки, уста юрагидан ўрин олган, меҳрибон киши, юраги муҳаббатга тўла ва гулдек, ёвуз, шафқатсиз кишининг юраги бўм-бўш, зулматдек қоронғи, деган фалсафий гоғни ўзи ясаган устун нақшида ифодалаган (Назир Д.А., 1984, 112-113-б.). Нилу тоғ қишлоғида (Сурхондарё) уста Хўжаназарнинг айтишича, уста ўз севгилисига сиймосини ёғочга рамзий нақшлар билан ифодалар экан. Тажрибали усталар нақшга қараб устанинг кимга ошиқ бўлганлигини билишар экан, деган (Нозир Д.А., 1996, 144-б.). Фирдавсийнинг куйидаги байти ҳам бунга далил бўла олади:

**Буюрди, бу ишга жонни этиб бахш,**

**Ҳарирга қилсунлар манзарани нақш.**

**(Фирдавсий, 1976, 565-б.)**

Ҳарир парда ёки деворга манзарани ёки воқеани нақшлар орқали ифодалаш назарда тутилмоқда.

Нақшларда катта маъно борлиги шеърият-

да ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Алишер Навоийнинг байтида куб – шароб сақлайдиган хум, хуршид – қуёш, паргор – доира чизадиган асбоб (циркуль) номлари келтирилганлигини Н. Комилов куйидагича талқин қилади: “Май хуми билан қуёш тарҳи бир хил, бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир. Уларнинг гардиши Аллохнинг доира чизиги билан бир пайтда очилгандек (Комилов Н., 1996, 169-б.).

Алишер Навоийнинг “Ахтарин ишқ эттио совуқ нафасни оқ субҳ” ғазалида икки хил образ, яъни ошиқнинг хижрони, айрилиқдаги ҳолати–тун, висол дамлари–тонг тимсолида ифодаланганлигини Н. Комилов таҳлил этади (Комилов Н., 1996, 238-б.). Энди шу манзарани, ҳолатни нақш тимсолида ифодалашда нақшлар композициясида хижронни ёритиш учун кўк, тўқ кўк, қора, яъни қоронғи рангдаги заминда, висолни–оқ, сариқ ёки ёруғ заминдаги юзада ишлаш наққошнинг ҳаёлига келмасдан иложи йўқ. Шунинг учун бўлса керак, ислими ва ҳандасавий нақшлар тўқ ва оч рангли заминларда ишланганлиги гувоҳи бўламиз.

Тўлқинсимон нақш Олтинтепа маконидан топилган бронза даврига оид одам ҳайкалчалари танасида ишланган. Тўлқинсимон чизик бир ёки икки қаторда учрайди. Олимларнинг фикрича, бундай нақш–сув руҳини билдирар экан (Массон В.М., Сариниди В.И., 1973, 122-б.). Тўлқинсимон нақш ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам рамзий ифодага эга бўлган. У эндиликда сув руҳи эмас, бошқа рамзий ифодаларни билдирган. Жумладан, Ҳофизнинг куйидаги мисраларидаги тўлқин, ҳаётнинг тез ўтиб боришини билдирган:

**Тез ўтар бу дунёнинг**

**Тўлқин эрур тимсоли.\***

**(Ҳофиз, 1955, 77-б.)**

Азизиддин Насафий ҳам тўлқинланаётган денгиз сувини нақшга, аниқроғи тўлқинсимон нақшга ўхшатади. Унинг фикрича, тўлқин бир нақш бўлиб кўтарилади, аммо у йўқолмасдан янги нақш пайдо бўлиб, олдингисини мавҳ этади (Насафий, 1997, 130-б.). Дарҳақиқат борлик, ҳаёт йўқолмайди, фақат янгиланади. Инсон туғилади, ўсади, улғаяди, ўрнига янги инсон туғилади, у ҳам борликни давом эттиради. Борлик ҳам тўлқинсимон нақш каби доимо ҳаракатда. Тўлқинсимон ислими новдачанинг эгилган жойидан навбатма-навбат гул ва гулчанинг

\* Шоира Шаҳрибону рус тилидан ўзгартди.

ўсиб чиқиши – қадимдан бирлик тушунчасини, боғлиқлик сабаби ва оқибати ҳамда дунёнинг доимийлигини ифодалаган (Исмаилова Э.М., 1982, 58-б.). Демак, тўлқин чизик битта бўлса, жонли мавжудот ва инсон умрининг қисқалигини, кўп бўлса, сувни, шаршарани, ўсимлик тусини олса, дунёнинг доимийлигини ифодалар экан. Шу ўринда Ашт тоғ қишлоғидан топилган ўрта асрларга оид меҳробнинг юқори қисмидаги тўлқинсимон нақшни эслаймиз. Унда бир неча қатор тўлқинсимон нақш шаршара манзарасига ўхшаб кетади. Демак, мазкур нақш меҳроб тўғрисида ўтирганларга бу вақтинчалик дунёнинг тез ўтиб боришини, боқий – доимий дунёга бориш учун ҳар бир киши тоат-ибодатни қанда қилмаслигига ишора сифатида ишланган бўлса, ажаб эмас.

Самарқандда ўрта асрларда қурилган Ширинбека оқо, Туман оқо, Бибиҳоним, Қозизода Румий мақбаралари интерьеридида манзара тасвири ишланган. Тадқиқотчи С.С. Давыдов бу далил бўйича Г.А. Пугаченкова ва Л.И. Ремпелларнинг мақбара деворидаги манзара тасвири жаннат рамзини ифодалаган, деган фикрларни инкор этади ва бу манзаралар мақбара деворларида ўрнатилиши лозим бўлган дарча (дераза) рамзини ифодалаган ҳамда ўрта асрларга хос мақбара худди жаннатмакон боғ марказида ўрнатилган сарой гоёсини аниқлаган, яъни «Аллоҳ унинг жойини жаннат боғига айлантисин», деган иборага асосланган деб таъкидлайди (Давыдов С.С., 1981. 27-б.). Бизнингча, мазкур олимлар фикри бир-бирига зид эмас. Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпелларнинг фикрича, мақбара ичи жаннатмакон боғ рамзини ифодаласа, С.С.Давыдов бўйича эса марҳум ётган мақбара жаннатмакон боғ ўртасида жойлашган саройни ва унинг дарчаларидан жаннат боғи манзаралари кўришиб туради, деган маънони аниқлаган. Иккала таҳлилда ҳам манзара тасвири жаннат боғи билан боғлиқ рамзий ифодани аниқлаган.

Самарқандда Бибиҳоним, Туман оқо мақбаралари интерьеридида йил бўйи кўм-кўк бўлиб турган ва теракка ўхшаб бўй чўзган игна баргли сарв дарахти сурати ишланган. Сарв (кипарис) дарахти кўп халқлар тафаккурида ўлган одам руҳининг доимий келиб турадиган жойи ҳисобланган. Доимо кўм-кўк либосга бурканган сарв дарахти доимий ҳаёт аллегориясининг

ўзига хос кўринишини аниқлаган (Давыдов С.С. 1990,122-б.).

Кўпинча нақшларнинг кўриниш ҳолати, буюмларнинг шакли унинг рамзий ифодасини белгилайди. Жумладан, меъморчиликда устуннинг кўзага ўхшаш қисми, кўзаги деб юритилди. Кўзада сув сақланган. Сувга халқнинг эътиқоди баланд бўлган. Сув-ҳаёт. Шунинг учун ҳам устуннинг кўзаги қисми ҳосилдорлик рамзи ҳисобланган.

Нилуфар гули, биринчи навбатда, куёш рамзи бўлган, чунки қадимдан бу гулнинг ҳолати осмонда куёшнинг йўналишига қараб ўзгариб туриши аниқланган (Сычева Н.С., Сычев В.Л., 1982, 84-б.).

Уч танобли баргнинг юракка ўхшатиб ишлатилиши – зардуштийликда адабийлик маънавиятини билдирган ва шундай рамзий ифода билан ўрта аср орнаментикаси дунёсига кириб келган (Исмаилова Э.М., 1982, 58-б.).

Ўсимлик шохчаларининг дарахт рамзи ўрнини босиши манихей дини символикасида кўзга кўринган жойни эгаллаган (Беленицкий А.М., 1954, 71-б.). Марказий Осиё меъморчилиги деворий суратларида, халқ амалий санъати буюмларида дарахт шохчалари, гуллар тасвири кўп учрайди. Жумладан, Ховалинг гил қутилари деворларида дарахт шохчаларини кўрамыз. Дарахт шохчаси- ҳаёт дарахти маъносини, дунё томири ва шон-шухрати новдаси рамзини ифодалаган. Ислом дини ўрнатилгандан сўнг дарахт шохчалари нақши саодат дарахти, маъносини аниқлаган.

Талхатанбобо мақбара – масжиди интерьерининг саккизбурчак қисмида гиштлар арчасимон дарахт шохларига ўхшатиб терилган. Мазкур нақш кўпроқ XI-XII асрларга оид мақбараларда сақланган. Олимларнинг айтишларига қараганда, шохлари пастга ёйилган дарахт нақши – нариги дунёни, шохлари юқорига қараганлари – тирилиш рамзини ифодалаган экан (Умерова Ф.Ф., 1999, 215-216-б.).

Гулдонлардаги бутоқ, шохча, гулдаста тасвирлари эса осмоний “ҳаёт шажараси”нинг рамзи ҳисобланган. Лола – табиатнинг уйғониш рамзини ифодалаган. Бухоро турар жой ички деворларида, гулдонларда бутоқ тасвири кенг қўлланилган.

Халқ амалий – бадий санъати ва меъморчилигида гул ҳамда ўсимликсимон нақшлар би-

лан бир каторда, мевалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, I асрга оид бир идишда аёл зулфи ва кулоқлари ўрнида барг ва новдалари билан бир бошдан узум нақши бўртма қилиб туширилган. Шунингдек, VI-VII асрларга оид Мунчоктепада очилган хона деворларида одам боши билан бир бош узум тасвири кўзга ташланади. Узум тасвири Варахша саройи (V-VII асрлар) деворидаги ганч панноларда ҳам учрайди. Анор эса I-V асрларга оид гўр қутилари деворларида, I-III асрларга оид анор ушлаб турган ҳосилдорлик худоси Анахита ҳайкалчасида мавжуд. Анор билан лола тасвири қадимий Панжикент деворий суратларида, аноргул ва анор нақши XIX-XX аср уй-жой меъморчилигида кўп ишланган. Анор тасвири ўрта асрларга оид кулолчилик буюмларида ҳам кўп учрайди. Анор ичидаги доначалари (меваси) – ҳосилдорлик, анор билан лола тасвирлари табиатнинг уйғониши, баҳор рамзини билдирган (Воронина В.Л., 1985, 257-б.).

Умуман олганда, олма – муҳаббат, анор, узум – эзгулик, тўқчилик, тўкин-сочинлик рамзи хисобланган.

Марказий Осиё халқ амалий санъати буюмларида, деворий нақшларда доира, гирих, учбурчак, ромб каби нақшлар кенг қўлланилган. Уларда ҳам рамзий маънолар бўлган. Жумладан, доира, гирих, учбурчак сингари шакллар кўпинча хонадонни, кишини ҳар хил инс-жинслардан асровчи рамзий белги вазифасини ўтаган.

Геометрик нақшлар жуда қадим замонлардан буён монументал безакда қўлланилиб келинган ва ҳар қайсиси ўзига хос рамзий ифодага эга бўлган. Олтинтепадан топилган аёл ҳайкалчаларининг бирида унинг пастки қисмида атрофи киприк тузилишида тик чизиклар билан айлантирилган учбурчак нақши тасвирланган. Олимларнинг фикрича, мазкур нақш худо-аёл рамзини ифодалаган (Массон В.М., Сарияниди В.И., 1973, 121-б.).

Қадимий меъморларнинг ибодатхоналар қурилишида айлана тузилишидаги тарҳни қўллашларининг ўзиёқ бундай обиданинг кўп халқларда аҳамиятга эга бўлганлигидан ва қуёш рамзининг ифодаланганлигидан далолат беради (Сарияниди В.И., 1977, 39-б.). Дарҳақиқат, айлана тузилишидаги тарҳни Афғонистонда милodgeча I минг йилликка оид Қутлуғтепа, Туркма-

нистонда милodgeча III-II асрларга оид Нисо ибодатхонаси, Хоразмда милodgeча IV асрга оид Қўйқирилган қалъа обидаларида кўра-миз. Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам доира комил инсон фазилатларига хос рамзий ифодаларни билдирган. Жумладан, жавонмардлик илмида доира тавсифи бой инсоний фазилат сифатида талқин қилинган. Унда, доира – биз муҳаббат ва дўстлик доирасидан ташқари чиқмаймиз, ўз атрофимизда айланамиз, нимаики истасак ўзимиздан истаймиз, чунки маърифат доирасининг маркази бизмиз, деган маънога ишорадир, дейилади.

**Доира марказию паргор нуқтаси сенсан,**

**Гар боқсанг ўзингга ҳам ер кўзгуси сенсан.**

**(Кошифий, 1994, 80-б.)**

Шунингдек, жавонмардлик илмида доира инсоний фазилат чегарасини белгилаган. Тариқат аҳлининг кулоқлари кигиздан бўлиб, уни мавлавий кулоҳ деганлар. Кулоҳ устидан яна алиф суратли кигиз боғлаш – ростлик белгисини ва доира шаклида кулоҳ атрофини ўраш – ростлик доирасини англатган. Яъни, “Биз ростлик доирасидан бошимизни ташқари чиқармаймиз ва ўз биродаримиз учун бошни ўртага қўямиз”, деган маънони билдирган (Кошифий, 1994, 46-б.).

Тўрт қисмга бўлинган айлана ёки тўғри тўртбурчакни Ховалинг, Кангурт туманлари кишлоқларида ишланган хўжалик гил қутиларида кўра-миз. Худди шундай нақш X-XII аср кулолчилик буюмларида ҳам мавжуд. Мазкур нақшларда доира дунё ва борлиқнинг қисмларга бўлинишини, дунёнинг тўрт қисмдан ёки тўрт томондан ташкил топганлигини ифодалаган бўлса, ажаб эмас.

Томонлари тенг тўртбурчак (квадрат) оламнинг олов-сув-ер-ҳаво каби асосий унсурлари рамзини ифодалаган, натижада мукамал, бардошли тузилишга эришган оламнинг асосий чегарасини яхлит ҳолатга келтирган, деб тушунилган (МНМ, 1980. 630-б.).

Салиб шаклидаги нақш Марказий Осиёда жуда қадим замонлардан буён мавжуд. Салиб шаклидаги нақшни халқлар турли даврларда табиатнинг пайдо бўлиши тушунчаси, қуёш тимсоли, ўлиш ва тирилиш рамзи деб билишган. Туркман гиламларида 9 та салиб нақшдан ромб тузилишидаги композиция яратганликлари гувоҳи бўламиз. Мазкур нақш туркманларда

оилани бало-қазолардан сақловчи тумор, деб тушунилади. Салиб тузилишдаги тақинчоқни ассириялик подшоҳ ва касситлик зодагонлар (князь) такводорлик белгиси сифатида бўйинларига осиб юришган. Критлик ва кипрлик коҳинлар эса салиб кўринишидаги нақшни ҳосилдорлик рамзи ва баҳорнинг уйғонишини ифодловчи рамзий белги сифатида қадрлашган (Бурханд Brentъес, 1976, 89-б.). Салиб кўринишидаги нақш рамзий вазифаси, унинг қўлланилган жойига боғлиқ бўлган. У ҳамма вақт янгиланиш, тирилиш, бало-қазолардан асраш рамзи сифатида гавдаланган. Масалан, сув, озик-овкат маҳсулотларини сақлаш учун қўлланиладиган хум, хумча, кўзачаларда ишланган салиб нақши, улар ичидаги хом ашёларни ифлосланишидан, ҳаром бўлишидан асраш белгиси сифатида гавдаланган (Абдуллаев А., 1977, 38-б.).

Ромб шаклидаги нақшни Ўрта Осиё тасвирий санъатида кўп учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, ромб илк тош давридан бошлаб аёл, яъни она-ер белгиси ҳисобланган. Шунингдек, ромб нақши замонавий этнография ва археология фанларида наслдорлик, тирилиш ва униб чиқиш рамзи сифатида маълум (Умерова Ф.Ф., 1999, 214-б.). Ромбнинг аёл ва наслдорлик рамзи сифатида гавдаланиши бир-бирини тўлдиради деб ўйлаймиз. чунки аёл – насл, ер эса ҳосил беради. Яъни, ҳосилдорлик рамзини ифодалаган десак хато қилмаган бўламиз.

Олимларнинг фикрича, бўртиб чиқан бутюқлари билан ёйилган кўй терисини эслатувчи ва унга қуш қаноти тасвири ёки даста ўрнатилган қалқонни эслатувчи ромб нақши ҳам ўзига хос рамзий маънони англатган экан. Жумладан, кўй териси – янги йил қуёши рамзини бутун борликнинг, ўликларнинг тирилиши; ромбга кўй ва қуш тасвирининг қўшилиши фаровонлик ва роҳатбахшлик рамзини; кўй терисининг қалқон сифатида қўлланилиши киш қуёшининг (нариги дунё) ноҳушликларидан асраш рамзини ифодалар экан (Умерова Ф.Ф., 1999, 214-б.). Шундай нақшлар Туркманистондаги XI асрга оид Талхатанбобо мақбара-масжиди интэръери деворларида мавжуд.

Талхатанбобо ва бошқа масжид, мақбаралар деворларида бантик юзасида капалаксимон боғланган банд тасвири ўйилган гишт бўлаклари кенг қўлланилган. Улар икки хил маънони англатган. Архаик афсоналарга мифологияларга

биноан банд нариги дунёдан чиқишда ёрдами тегадиган Варун ҳалқасига тўғри келади. Тирилиш пайтида йўлларнинг очилиши – ҳалқасимон бандларнинг ечилиши билан боғлиқ, деб тушунилган. Шунингдек, этнографик одатларда сақланган ипли белбоғ ечилмагунча дуолар ёки тоатлар натижасиз қоларкан. Тасаввурларнинг ўзаро боғланиши тушунчаларига биноан банд инга ўхшатиш, ин “меърож” сўзини англатиб, ҳар бир мақбара тимсолини билдирган (Умерова Ф.Ф., 1999, 214-215-б.).

Фозгон усталари ишлаган қадимий тошларда капалак тасвирининг икки тури учрайди. Улардан бирида тасвир бадийлаштирилган, яъни баргга монанд қанотлари ичига гул тасвири ишланган доирага бирлаштирилган, иккинчисида капалак расми тошга ўйилган чизиқларда ҳақиқий (реал) кўринишда ишланган (Назилов Д.А., 1989, 34-б.). Халқ тасаввурида ўлган одам руҳи капалак қиёфасида ўша хонадон уйига учиб келади, деган тушунча мавжуд. Шунинг учун ҳам уни “арвоҳ капалак” дейишади. Унинг қабр тошида ишланиши ҳам ўлган киши руҳининг осонликча чиқиб туришини таъминлашга бўлган ишончни билдирган.

Оқ Остонбобо мақбараси кириш пештоқи ўнг қисмида иккита нақшли композиция мавжуд. Уларнинг бирида етти учли юлдуз тасвири, иккинчисида етти қиррали мураккаб нақшлар ифодаланган. Иккаласининг ҳам марказида қуёш тасвири ичига олинган ўрама тузилишидаги нақш жойлаштирилган. Олимларнинг фикрича, еттибурчакли юлдуз нақшини (космос) коинот ва осмоннинг етти қаватига монанд қилинган. Етти қиррали нақшнинг марказида жойлаштирилган ўрама (спираль) нақш – ҳаёт, қалбнинг барча кўринишдаги рамзи, яъни инсон, ўсимлик ҳамда ҳайвонлар дунёси учун ҳам баравар хизмат қилган (Арапов А., Тўйчиева Ю.Г., Булатов М.С., 2002, 23-б.). Мазкур далиллардан ҳаёт абадул-абад, у чексиз, деган хулосага келиш мумкин. Мазкур нақшларнинг мақбарада қўлланилиши ҳам бежиз эмас. Етти қават осмон Аллоҳнинг қудрати билан яратилган, киши ўлгандан сўнг унинг қалби, руҳи фоний дунёдан боқий дунёга ўтиб яшайди, яъни ҳаёт чексиз, деган маънони билдиради. Дарҳақиқат, ўрама тугамайди, унда узилиш йўқ, у чексиз давом этади.

Саккизбурчакли нақш франциялик олим Р. Лават фикрича, қадимий Шумерда осмон ху-

до рамзини ифодалаган (Массон В.И. Сарияниди В.И., 1973, 118-б.). Бундай нақш Марказий Осиёда жуда кенг қўлланилиб келган. Мазкур нақш қадимда бутун Шарқда шундай рамзий ифодага эга бўлган бўлиши мумкин. Исломи дини ўрнатилгандан сўнг бундай нақш самодаги куёш, ой, юлдузлар рамзини ифодалай бошлаган.

А. Дж. Арберри китобида тасаввуф илмига оид таълимотлардан айримлари чизма орқали ифодаланган. Шулардан бир-иккитасини мисол тариқасида келтирамиз. Сўфийларнинг таълимотига биноан қобик ёки идиш ичига олинган руҳий таълимотни ўрганиш орқали ҳақиқат англанади. Шунингдек, уч таркиб орасидаги муносабат айлана узунлиги, радиуси ва доиранинг маркази шаклида гавдаланиши мумкин. Ҳақиқатни англови Намоён кўринишида бўлади. Яна айтилади, ҳақиқий илмга эга шахс Ҳақиқатга эришади, Пинҳон кўринишида бўлади ва руҳий воситаси орқали жисм ёки шакл ичида жойлашган ўзининг чуқурликдаги Маркази билан боғланади (Арберри, 2002, 224-б.). Мазкур таълимот тасвирида куйидагича ифодаланган. Намоён кўринишида доира марказидаги нукта жисм (тана), икки ўқ орқали ташқари томон, яъни доира чизиги томон йўналган чизиклар қалб, доира чизигининг ўзи эса Рухни англади. Пинҳон кўринишида эса доира марказидаги нукта – Рух, марказий ўқлар орқали марказга интилган чизиклар – қалб, ташқи қобик, яъни доира чизиги эса жисмни (тана) англади.

Аллоҳнинг (Танҳо) Яккаю-ягоналиги – сўфийлар метафизикасининг негизидир. Сўфийлар Аллоҳнинг талабини ва таълимотини тан оладилар. Аллоҳ бир вақтнинг ўзида бевосита яқинликда ва ҳар қандай шакл, фикр ва кўринишдан ниҳоятда узоқда туради (Арберри, 2002, 224-б.). Мазкур таълимот чизмада куйидагича тасвирланган: 1) Кўплик танҳоликда. Марказий нукта атрофи саккизта доирачалар билан айлантирилган. Доирачалардан чизиклар марказий нукта томон йўналтирилган; 2) Танҳолик кўпликда ҳам худди шундай, лекин унда чизиклар марказдан атрофдаги доирачалар томон йўналтирилган (244-расм). Шу ўринда яна бир мисол келтирамиз. Карманада (Эрон) жума масжидининг гиштин деворий безакларида бир нақш киши диққатини тортади. Унда доира ва унинг марказидаги нукта олтита ойсимон

нақш билан туташтирилган. А.А. Игнатенконинг фикрича, мазкур нақш тасаввуф илмидан Танҳоликдан кўпликка, Кўпликдан танҳоликка каби етакчи таълимотни ифодалар экан (Игнатенко А.А., 1989, 21-б.). Нақшни кузатар эканмиз ундаги ойсимон қисмлари ўзаро боғланиб, доимо ҳаракатда бўлган салиб нақшига ўхшашлигини кўрамиз. Ойсимон нақшлардан ҳар бири ташқи доира чизигидан марказга интилиб, марказий нуктадан бошқа ойсимон нақшнинг учи орқали доира чизиги томон интилаётгандек туюлади. Умуман, мазкур нақш танҳолик ва кўпликнинг ўзаро боғланиб, бир таълимотни англашни намоёиш этади.

Пайғамбаримиз айтадилар: «Аллоҳ Оламни ўз Нафаси ва Меҳри билан яратади»... Илоҳий Нафас бутун оламга тарқалади. Чунки биз нафас чиқараётганимизда бўғин ва сўзлар талаффуз этамиз. Меҳр - шавкат нафаси олижаноб шакл ва ҳис-туйғулар шакллари келтиради (қarang: Арберри, 2002, 235-б.).

А. Дж. Арберри китобида мазкур таълимот тўртта нақшда ифодаланган. 1) Шакл – тўртбурчак тузилишида ифодаланган; 2) Кенгайтириш – тўртбурчак марказий ўқлари устига иккинчи тўртбурчак бурчаклари ўрнатилган. Натижада саккизбурчак ҳосил бўлган; 3) Торайиш – тўртбурчак марказий ўқларида учбурчак ўйиш билан тўртбурчак салиб тузилишига келтирилган; 4) Ҳамдардлик Нафаси (рахм-шафқат) – саккизбурчак салиб нақшлари билан кетма-кет бирлаштириш ёрдамида ифодаланган (245-расм).

Одам табиатан ўз ичида икром бўлиши орқали қарама-қаршиликларни бирлаштириш имкониятига эга. Қалб, Ой шуълалари аёл асоси, жисм ичида Рух ёки Идрок, куёш нурли эркак асоси билан бирлашади. Шу ҳолда унинг илм олишига ишқи намоён бўлади (Арберри, 2002, 236-б.). Мазкур таълимот чизмада бешта позицияда ифодаланган.

- 1) Эркак асоси қалин ичи бўялган нукта шаклида берилган;
- 2) Аёл асоси (спираль) ўрама тузилишида берилган;
- 3) Эркак тузилишида (кўриниш) нуктага спираль қўшилган ва ўткир учи юқорига қаратилган вергулга монанд нақш ичига олинган;
- 4) Аёл тузилишида (кўриниш) спираль марказига қалин нукта қўйилган ва ўткир учи пастга

қаратилган гармдорига монанд нақш ичига олинган;

5) Қарама-қаршиликлар учрашувида эса икки гармдорига монанд нақш бирлаштирилиб, бир бутун доира шаклига келтирилган. Доира ичида икки нуқта ва икки ўрама саккиз сонига монанд тузилишда бирлашади.

А. Дж. Арберри китобида келтирилган схемаларини кўздан кечирар эканмиз, кўз ўнгимизда Марказий Осиё меъморчилигида, бадий безагида, амалий санъатда кенг қўлланиладиган турунж нақшлари намоён бўлади. Уларда ҳам марказий ўқдан доира чизиғи томон йўналган нурларнинг ўткир бурчакли учбурчак ёки узунчоқ гул шаклида тугатилиши гувоҳи бўламиз. Мазкур нақшларда ҳам тасаввуф илмига оид Бирлик Кўпликда ёки Кўплик Бирликда каби таълимотларни ўқиб олишимиз мумкин. Хусусан, гармдорига монанд нақш диққатга сазовордир. Шундай нақш Марказий Осиёнинг турли халқларига мансуб дўппилар композициясида мавжуд. Хусусан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Чуст, Марғилон шаҳарлари халқлари дўппиларида бундай нақш яққол ифодаланган. Демак, уларда ҳам эркак тузилиши тушунчаси ётиши гувоҳи бўламиз. Бадий безакда нақш панноларининг хошия қисмида шундай нақшларнинг кетма-кет уланиб кетиши қарама-қаршиликларнинг бирлашиб кетишини англатиши мумкин.

Илоҳий Нафас таълимотини ифодалашда қўлланилган тўртбурчак, саккизбурчак, салиб тузилишидаги нақшлар Марказий Осиё меъморчилигининг бадий безагида кенг қўлланилган. Тўртбурчак нақшнинг такомиллаштирилиб, саккизбурчакка ва салибга айлантирилишини деворий нақшларда, ўймакорлик қилинган эшик табақалари юзасида учратамиз. Уларнинг кетма-кет узлуксиз бирлашишини тасаввуф таълимотига биноан Илоҳий Нафас ва Мехршафқатни англатганини билиб оламиз.

Самарқанд, Юқори Зарафшон сўзаналарида кўп учрайдиган чорчироқ нақшидан қадим замонларда зардуштийлик дини ақидаларига биноан муқаддас оловга бўлган эътиқоднинг безакда сақланиб қолганлигини билиб оламиз. Шунингдек, мазкур нақш орқали халқимизнинг ёруғликка, тантанаворликка бўлган орзу-ҳаваслари ифодаланган.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам тирик мавжудотлар тасвирлари обида-

ларда ишланганлиги гувоҳи бўламиз. Жумладан, Самарқандда Шердор мадрасаси (1636 й.), Бухорода Нодир Девонбеги мадрасаси (1622 й.), Термизда шоҳлар саройи (XII аср), Самарқанднинг Хўжа Ахрор мажмуасидаги мадрасада шер тасвири бўлганлиги сабабли уни Шердори Берун (XVII аср) деб аташган. Бундай мисолларни кўп келтирсак бўлади. Олимларимиз мазкур даврларга оид тасвирларда ҳам жанрли саҳналарга бағишланган мавзулар бўлганлигини таъкидлайдилар. Жумладан, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель Самарқандда Амир Темур, Ҳиротда Шоҳрух, Исфаконда Абу Саид саройларида шоҳ ва сарой амалдорлари портретлари, сарой ҳаёти, кўнгилхушлик (ов), харбий юришлар каби саҳналар услуб жиҳатидан Марказий Осиёнинг XV-XVII асрларга оид миниатюралари мактабларига хос услубларда ишланган, деб таъкидлайдилар (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., 1982, 144-б.).

Тасвирларнинг аксарияти бир, икки ёки уч персонажлардан ташкил топган. Меъморий обидалар пештоқларида, халқ амалий санъати буюмларида, хона деворларида, бадий матоларда шер ва куёш, бир мавжудотнинг иккинчисига ҳамла қилиш саҳнаси, дарахт, тоғ эчкиси, кўчкор, грифон, паррандалар, йиртқич ҳайвонлар сурати ишланган.

Уларнинг аксарияти рамзий ифодаларга эга бўлган, албатта. Жумладан, шер – посбон, қачонлардир илоҳий тушунчага, сўнг шоҳона виқорлик рамзи (шоҳлар тахтида) ва ёвузликдан сақловчи кучни ифодалаган (Ремпель Л. И., 1987, 21-б.). Куёш билан шер “шеру хуршед” тасвирида куёш – мажозий тушунча бўйича, ер, устун ва осмонни идора қиладиган ва қўриқлайдиган куч сифатида, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналарда эса у оламнинг ўзгаришида ҳокимиятнинг куч-қудратини балоқазолардан сақлаш тушунчасини ифодалайди (Юсупова М., 1997а, 142-143-б.). Шер, куёш, оху тасвирларидан тузилган композициялар табиат фаслларининг ўзгариши, наврўзи оламнинг кириб келиши, экин майдонларида баҳорги ишларнинг бошланиши рамзини билдирган (Юсупова М., 1997, 17-б.). IX – X асрларда Афросиёб сопол идишларида чизилган шер тасвири ўша давр диний-фалсафий тизимида катта ҳурмат қозонган Ҳазрат Али рамзини ифодалаган (Ташходжаев Ш.С., 1967а, 72-б.). Дарҳақиқат,

кўпгина қўлёмаларда Алига нисбатан “Шери Худо” - “Худо Шери” ибораси кенг ишлатилган. Шунинг учун ҳам Рудакий: “Юрагида шерга нисбатан муҳаббати бор кишининг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам обод бўлади”, - деб ёзган (Ташходжаев Ш.С., 1967, 72-б.).

Қакнус қуши – афсонавий қуш. Тасаввуф адабиётида талқин қилинишича, бир пирнинг руҳи иккинчи бир тарбия бериш ёки бир кучли руҳнинг иккинчи бировда «тажаллий топиши» (жилоланиши) мумкинлиги ифодаланган (Султонмурод Олим, 1992, 76-б.).

Худ-худ (попушак) – тасаввуф адабиётида раҳнамо пир рамзи бўлган. Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонида худ-худ барча қушларга раҳнамо бўлиб, семурғ деган шох қушни излаб йўлга тушади.

Термиз шохлари саройлари деворларида шер танали одам юзига монанд икки бошли мавжудот тасвирланган. Бундай қўшалок юзли шер тасвирини Б.П.Денике тамға, деб ҳисоблайди (Денике Б.П., 1930, 84-б.), М.Юсупова уни давлат герби, деб таъкидлайди (Юсупова М., 1997а, 143-б.).

Зарафшон тоғ воҳасида IX-XII асрларга оид устунларнинг бирида тонг рамзи сифатида окшом рамзини ифодаловчи бойўғли боши тасвирлари ўйилган (Воронина В.А., 1985, 254-б.).

Каптар аёл худо (маъбуда) белгиси ҳисобланган, кейинчалик христиан дини рамзи ва куёшни ифодалаган (Ремпель Л. И., 1987, 32-б.). Шунингдек, омад рамзини билдирган.

Қирғий космик кучларни ифодалаган ҳамда тамғалар белгиси сифатида қўлланилган (Ремпель Л. И., 1987, 32-б.).

Бургут – қадимдан куёш рамзи ҳисобланган. Шунингдек, куч ва ҳукмронлик рамзини билдирган (Ремпель Л. И., 1987, 32-б.). Умуман, тасвирлар оламида қушлар табиат шаклларида узоклашиб, кўпроқ рамзий белгиларни ифодалайди. Улар билан нариги дунё тушунчаси боғланган. Жумладан, киши ўлгандан сўнг унинг руҳи қуш бўлиб учиб кетади, деб тушунилган.

Ўрдак, ғоз, тустовуқ, товус – бахт-омад, гўзаллик, оламшумул ғояларни, хушхабарларни етказувчи куч сифатида гавдаланади. Улар илоҳий кучларни ифодалаган. Шеърятда мажозий, рамзий ифодаларни ёритган. Айрим уруғлар қушларни тотемлари деб билганлар. Жумладан, оғузларга мансуб кайи, баёт, алкирели,

каремли уруғлари учун – оқ лочин; язир, дюкер, дудурғи, ёнарлилар учун – бургут; овшар, каррик, бекдили, каркинлар учун – куёшни кўтарётган бургут; баюндур, бечене, джагулдур, чепенилар учун – шункор тасвири тотем ҳисобланган (Мошкова В.Г., 1970, 230-б.).

Ўрдак (мурғиоб) Фаридиддин Атторнинг таъкидлашича, – у ўзининг борлигини сувсиз тасаввур қилолмайди. Ҳар дақиқада у ғусл қилади ва ҳатто унинг жойнамози ҳам сувда экан (Шукуров Ш., 1991, 108-б.). Ўрдак поклик рамзини ифодалаган. Шунинг учун ҳам сўнгги ўрта аср миниатюраларида («Шири хузурда базм», «Баҳром сандал касрида», «Икки донишманд баҳси», «Донишмандлар суҳбати», севги, муҳаббат каби мавзуларга бағишланган тасвирларнинг олд қисмида ҳовузда бир жуфт ўрдакларнинг сузиб юргани ифодаланган. Бундай тадбир билан рассом тасвирдаги қахрамонлар муҳаббатининг поклигини ифодалашга уринган.

Хўроз – қадимий ақидаларга биноан ислом дини ўрнатилгунга қадар, у оламни шайтон окшомидан сақлаган, деган тушунчани англатган (Иностранцев К.А., 1908, 146, 203-б.).

Ҳайвон – қуш (грифон) Ўрта Осиё тасвирий санъатида икки хил тузилишда ифодаланган; қанотли шер ёки бургут бошли ҳайвон шаклида. Грифон табиатидаги икки хил кучни, яъни эзгулик ва ёвузликни ифодалаган. Грифон чорвани қўриқлаб, кишига хизмат қилади ва кишини ёвуз кучлардан асрайди, деб тушунилган (Ремпель Л.И., 1987, 42-б.).

Илон боши XIX-XX аср бошларида мисдан ишланган чойжўш дасталарида учрайди. Нақл қилишларида, илон бошининг тасвири идишдаги суюқликни ҳар хил инс-жинслардан сақлар экан. Мазкур фикр Е.М.Пещерева томонидан ҳам тасдиқланади. Унинг ёзишича, хонадон химоячиси-илон хона деворий нақшларида хонадон қазноқини (дон сақлайдиган хона, кути) асрашга хизмат қилади, уй-рўзғор сопол буюмларига чизилган ёки гил тасвири ёпиштирилган ҳолда ишланган (Пещерева Е.М., 1959, 101-102-б.).

Қўчқор шохига ўхшаш нақш тоғ аҳолиси амалий санъат буюмларида, деворий суратларда кенг ишланган. Қадимий Панжикент ёғоч ўймакорлигида, Варахша обидаларида, тоғ меъморчилигида устун устига ўрнатилган бошалар ҳам қўчқор шохига ўхшаб кетади. Қўчқор шохига монанд икки баргли гул нақши Туркманистон-

да Амударёолди туманларидан бири Халачда хона деворида тоқча бўлинмалари кўринишини берадиган юпка хошияларнинг юқорида равоқ шаклида тугатилган қисмига ҳам ўрнатилган (Левина В.А., Овезов Д.М., Пугаченкова Г.А., 1953, 34-б.).

Тоғ эчкиси қадимдан, асосан тоғликлар томонидан эъзозланган. Ибтидоий жамоада овланган ҳайвон, шунингдек, тоғ эчкисининг гўшти таом тайёрлаш учун оловхонага топширилиб, териси, шохи ов қатнашчилари орасида тақсимланар экан (ИНУ, 1950, 23-б.). Демак, ёввойи эчки шохи, жасур, довюрақ, чакқон мерганга тақдим этиладиган нишона бўлган. Балки Сосоний шоҳлари бош кийимида ёввойи эчки шохи тасвирланганлиги боиси шундадир.

Дарвоқе, тоғлардаги уйлар хонасининг киравериш пештоқиға, устунига хонадонни балоқазолардан сақлаш мақсадида ёввойи эчки ёки кўчқор шохи ўрнатилган. Бинобарин, уйлардаги устун бошасининг ёввойи эчки, кўчқор шохига ўхшашлиги замирида қадим замонлардан сақланиб қолган юқоридаги каби ишонч ётадики, у кишини жасурликка, мардликка, покизаликка даъват этувчи белги сифатида халқ бадийи безагида, ёғоч ўймакорлиги санъатида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Хоразмдаги Тупроқ қалъа саройининг аскарлар залида саркардалар оралигида кўчқор шохига монанд катта шакллар ишланган. Юқори Зарафшоннинг Наврўзшоҳ маконида зардуштийлик динига мансуб оташқад меҳробининг юқори қисмида кўчқор шохига монанд бурама нақш учратилган. У кўпроқ олов учқунини эслатади. Ю. Я. Якубов мазкур нақшни олов худоси рамзини, яъни муқаддас олов руҳини ифодалаган, деб таъкидлайди (Якубов Ю. Я., 1993, 300-б.). Ю. Я. Якубовнинг фикрига қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, мазкур кўчқор шохига монанд нақшнинг саждагоҳ меҳробида қўлланилиши, муқаддас оловнинг куч-қудратини, унинг ёвуз иблислар устидан ғалаба қозониши ва хонадонни ёвузликлардан сақлаб, фаровонлигини ва осойишталигини таъминлаш йўлида курашишини ифодалаган.

Халқ амалий санъати безагида ит аъзолари изи тасвирланган. Жумладан, кирғиз гиламлари безагида “ит изи”, “ит қуйруғи” номли нақшларни учратамиз. Уларда ит қуйруғи ва панжаси стиллаштириб ишланган. Ит образи Алишер

Навоийнинг “Лисонут – тайр” достонининг 163-бобида ифодаланган. Асарда Баҳовуддин Нақшбанднинг вафодор ити изини ўпиб йиғлагани ҳикоя қилинади (Алишер Навоий, 1984, 153-154-б.). Ит инсонни турли фалокат, ташвишлардан, бало-қазолардан огоҳ қилган ва кўриқлаган. Шунинг учун ҳам халқ амалий санъати буюмларида, гилам нақшларида унинг стиллаштирилган тасвири вафодорлик рамзини ифодоловчи белги сифатида ханузгача ишланади.

Марказий Осиёда от билан боғлиқ ривоятлар қадимдан кенг тарқалган. Қадимий кўлёмаларда Фарғона отлари учар (осмон) отлар зотидан тарқалган, деган маълумотлар бор (Бичурин, 1950, 149-б.). Афсонавий қаҳрамон Сиёвуш образи қора от билан боғланган (Дьяконов М.М., 1951, 42-б.). Ўрта асрларда сўфийлик таълимотида от худога интилган одамнинг кўнглини ифодалаган (Шукурров Ш., 1991, 108-б.). Отнинг яшин тезлигида чопқирлиги, эҳтирос билан олдинга қараб интилиши, ўз эгасига вафодорлиги, унинг ҳар қандай муҳит ва шароитда эгаси учун хизмат қилиши назарда тутилган. Шунинг учун ҳам муслмонлар ривоятларига кўра Муҳаммад пайгамбаримиз бир тун жазавага тушган пайти афсонавий қанотли от – Буроққа миниб Аллоҳ ҳузурига йўл олганлар.

Марказий Осиё меъморчилик, халқ амалий санъатида одам тасвири ёки унинг аъзолари мавҳумлаштирилган кўринишда ишланган. Жумладан, Дарвоз тоғ воҳасининг Ёғид кишлоғида одам тасвири дарахтга ўхшатиб ишланган. Фақат унинг устида кўғирчоқ боши чизилган. Катта дарахт тасвири хонадон эркагини, кичикроғи – бекасини, майдароқлари фарзандларини билдирган. Худди шундай тасвир ёнида тик ёғоч чизилса – мусофир ҳассаси рамзини, дарахт билан биргаликда – саёҳатчи, мусофир тасвирини ифодалаган. Шунингдек, бордию хонадон аъзоларидан бири саёҳатга кетган бўлса, унинг омон-эсон қайтиши орзуси ниятида хона эшигига шундай тасвир чизилган (Муҳитдинов И., 1964, 142-б.). Одам оёғининг изи тасвири қадимий Мисрда Язид ибодатхонасига омон-эсон зиёратга келганлиги рамзини ифодалаган (Уваров А.С., 1908, 168-б.). Мазкур нақш кейинчалик инсон ҳаётининг ўтган босқичи ва яхши дунёга етиш бахтига муяссар бўлганлигини билдирган (Исмаилова Э.М., 1982, 120-б.).

Ўрта Осиё тасвирий санъатида, амалий санъат буюмларида ранг қадимдан ишлатилган. Ранглар ҳам ўзига хос рамзий маънони бажарган. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонида ўз севгилиси Дилоромни йўқотиб, телба ҳолига тушиб қолган Баҳром шохни даволаш мақсадида еттига қаср қурилиши ва уларнинг ҳар қайсисини Моний томонидан ўзгача рангда зийнатлашиши ҳам бежиз эмас. Қасрлардан бири қора, иккинчиси зарнигор, учинчиси сабза ранг, тўртинчиси гулнорий (лаъл ранг), бешинчиси мовий ранг, олтинчиси сандал ҳидли ва еттинчиси оқ рангда жилоланади. Халқимизда бу рангларнинг барчаси рамзий ифодага эга бўлган. Жумладан, кўк ранг мовий осмонни билдирганлигидан, мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатишган. Шу билан бирга айрим жойларда кўк ранг хонадонни “ёмон кўз”дан асрайдиган белги сифатида ҳам ишлатилган. Жумладан, Хивада шу мақсадда иморат дарвозаси устки қисмининг икки томонига кўк рангли нақшин сопол идиш ёки унинг синигидан икки парчаси сувоққа ёпиштириб қўйилган. Жавонмардлик илми, дастури ва қоида – талаблари ҳамда тасаввуф илмида рангларнинг рамзий маъносига амал қилинган ҳолда ёзма маълумотлар мавжуд. Жумладан, зангори (кўк) ранг ҳақида қуйидагилар баён этилган. Зангори ранг осмон рангидир ва у сулукда тараққий этган, ҳолати баркамол одамларга ярашади. Зангори рангли тўн кийган одам олий кадр, олий ҳикмат бўлмоғи даркор. У ҳамма ожизларга соя солиб, кеча-кундуз яхшилик қилишдан тинмаслиги, чарчамаслиги лозим (Хусайн Воиз Кошифий, 1994, 44-45-б.).

Қизил ранг Ўрта Осиё обидалари деворида кенг қўлланилган. Бунга милoddан аввалги III-II асрларга оид Янги Нисо заллари, VI-VIII асрларга оид Варахша обидасининг қизил зали далил бўлади. Шунингдек, ўрта асрларга оид сопол буюмлар заминидан ҳам қизил ранг ишлатилган. Хуросонда Маздак динига мансублар ўзларини хурралий, деб аташган. Улар ўз динлари нишони учун қизил рангни танлашган. Шунинг учун уларни “Сурх-алам” – қизил яловдор” деб аташган (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 107-б.). Ўрта Осиёда қизил ранг ғалаба рамзи ҳисобланган.

Оқ ранг – ёруғлик ва яхшилик, эзгулик рамзи бўлган. Узоқ тоғ қишлоқларида янги уйга кўчиб ўтишдан олдин хонадон аёли унинг устунла-

ри ва шифтига ун сепиб чиққан. Халқимиз, одатда, келин-куёв йўлига оқ матодан поёндоз тўшаган. Айрим қишлоқларда келинникига куёв томонидан келган қуда-андаларга ун сепишган. Муқанна тарафдорлари оқ рангни танлашган. Шунинг учун уларни “оқ кийимликлар” дейишган. Улар Маздак шиорларини танлаб, тенг ҳуқуқликлик ўрнатиш учун курашганлар (Джаббаров И., Дресвянская Г., 1993, 108-б.). Хусайн Воиз Кошифий, оқ ранг кундузнинг рангидир ва дили равшан жамоаникидир ва уларнинг кўкси кудрат, гина ва ғубордан покдир. Кимки оқ рангли хирқа кийса, субҳи содиқ каби бўлади ва кундуз мисоли барчага равшанлик бағишлайди, деб ёзади (Кошифий, 1994, 44-б.). Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қахрамони Баҳромнинг орзуси жума куни оқ рангли қасрда ушалади. У ғойиб бўлган севиқли ёри Дилоромнинг ҳаётлиги ва изтироб чекиб тургани ҳақида еттинчи иқлим тарафидан келтирилган доно мусофир суҳбатидан нишона топди.

Мазкур далиллар ҳам оқ рангнинг ёруғлик, яхшилик каби хосиятидан далолат беради.

Сариқ рангни сариқ касалга даво ҳисоблашган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган, хонани сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашга ҳаракат қилишган. Сариқ рангнинг белгиси Алишер Навоий асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

**Ярақон дафъи сориг жинс қилур, турфа кўрунг,**

**Ким бўлур тегса юзунг тўнига бисёр сориг.**

**(Алишер Навоий, 1960, 301-б.)**

Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида сариқ ранг ғам-аламни ҳам ифодалаган. Шунинг учун Тожикистоннинг тоғ қишлоқларида яқин йилларгача оламдан ўтган ёш йигит салласига сариқ рангли гул тақиб қўйишган (Беленицкий А.М. Маршак Б.М., 1976, 85-б.).

Жавонмардлик илми, дастури ва тасаввуф илми тавсифида яшил ранг кўкат ва сувнинг рангидир ва бу рангдаги хирқани олий ҳимматлилар ва кўнгли ҳамини тирик одамлар қиядилар. Яшил рангли тўн кийганлар кўкатмайсалар каби яшнаган, хандон чехра ва хурам бўладилар ҳамда сув янглиг ҳаётбахш, ёқимли бўладилар, дейилган. Тупроқ ранги эса хоксорлик, сабру таҳаммул сифати рамзини билдирган (Кошифий, 1994, 44-45-б.).


Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, тасав-

вуф илмида ранглар алоҳида маъно касб этган. Ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатларини англатган. Руҳнинг рангдан рангга кўчиши ривожланишнинг белгиси ҳисобланган. Муриднинг руҳий босқичи унинг кўз ўнгида намоён бўлаётган ранг орқали аниқланган. Шунинг учун ҳам тасаввуф илмида етти хил асосий ранглар хислатларига оид шарҳлар мавжуд. Тасаввуф илмининг тадқиқотчиларидан бири Нажмиддин Комилов, Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боғлиқ руҳи, психологик тажрибалари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган, -деб таъкидлайди (Комилов Н., 1995, 22-б.).

Шунинг учун бизлар Ҳазрат Шайх Нажмиддин Кубронинг ранглар хислатларига берган тушунчаларини келтирамиз. Унингча, оқ ранг –

исломни, сарик ранг – иймонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – имтинони (ишончни), кўк ранг-иконни (тўлик ишонч), кизил ранг – ирфонни, қора ранг – ҳаяжонни (ҳайратни) англатади (қаранг: Комилов Н., 1995, 22-б.). Нажмиддин Кубронинг “Латоиф” деб номланган ранглар назарияси файласуф олим У. Қорабоев томонидан ҳам таҳлил этилган (Қорабоев У., 2001, 46-47-б.).

Юқорида озгина бўлса ҳам кўриб ўтганларимиз, аجدодларимиз халқ меъморчилиги ички безагига, амалий санъат буюмларига, хўжалик буюмларига ранг-баранг, нафис композицион ва маъно жиҳатидан боғланган геометрик ва ўсимликсимон нақшлардан, нафақат завқ олишган, балки улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини ҳам намойиш этишган.



## СҮНГГИ СЎЗ

*Бировким, бир чаманда сойир эди:*

*Неча гулким, очилди, кўрди, терди,*

*Алишер Навоий*

Турли турдаги иморатлар ички кўринишни ўрганиб, қуйидаги хулосага келамиз. Ҳамма турдаги иморатларда, асосан қуйидаги уч масалага эътибор берилганлиги гувоҳи бўламиз. Иморат ички кўринишида тарҳга, конструктив қисмларнинг талабга жавоб беришига, хона тузилиши композицияси қисмлари, жиҳозларининг хона иш фаолиятига (функциясига) жавоб беришига, хона композицияси нақшунигори киши маънавий - эстетик эҳтиёжига ва унинг диний эътиқодга жавоб бериши назарда тутилишига эътибор берилган. Мазкур талабларнинг ҳар қайсиси ўз йўлида яна бир нечтадан талабни қамраб олган. Улар хонанинг конструктив асоси, қисмлари, жиҳозларининг бажарадиган ишига қараб жойлашиши, хона кўринишига таъсирини яхшилаш тадбирларидан келиб чиққан.

